


А. АБДУЛЛАЕВ

ДАҚИҚА ҚАДРИ



ТОШКЕНТ
«DAVR PRESS»
2008

77.056992

Иyson ақли ва тафаккури жамики муаммоларни ечишга қодир. Бизнинг бутун қадр-қимматимиз, куч-қудратимиз — билимдонликдadir. Айнан шу фикрларимиз бизни камолотга элтувчи йул бўлиши лозим. «Заковат» интеллектуал уйинининг асламақсади ҳам шу. Қисқа вақтичида ўз телетомошабинларининг диққат-эътиборини қозонган ушбу кўрсатув — бутун ҳар бир ўзбек хонадонининг азиз меҳмони.

Телебошловчи Абдурасул Абдуллаевнинг муаллифлиги остида нашр қилинган "ДАҚИҚА ҚАДРИ" номли ушбу китоб 1001 савол ва унинг 1001 жавобидан иборат. Шунингдек, китобда «Заковат» интеллектуал уйини ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Китоб барча таълим муассасаларида «Заковат» уйинларини ташкил этишида, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини оширишида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Юртошларимизнинг қизиқарли мактублари, ижод намуналари, савол ва жавобларидан иборат ушбу китоб барчангизга манзур бўлади, деган умиддамиз.


Китоб кенг оммага мўлжалланган.

Мазкур китоб «ШАРҚ ЗИЁКОРИ» акционерлик компанияси буюртмасига биноан чоп этилди.

Масъул муҳаррир — Умид Ҳолиқов.

Ю 34926
291

ISBN 978-9943-312-91-3



© А. АБДУЛЛАЕВ, 2008
© «DAVR PRESS» нашриёти, 2008

Фахру гурур соҳиби бўлиш учун инсон интеллектуал бойликка эга бўлиши керак. Одам қанча чуқур билимга эга бўлса, дунёни яхши билса, ён-атрофда бўлаётган воқеаларни фалсафий жиҳатдан тўғри англай олса, шундан кейингина унда гурур-ифтихор бўлади. Шундагина жуда мураккаб, таҳликали дамларда ҳам кўпчилик унга мурожаат қилиб, маслаҳатлашади. Маслаҳат кимдан сўралади — авваламбор, салоҳиятли одамдан, катта фалсафий билим ва интеллектуал бойликка эга бўлган кишидан.

Ислом КАРИМОВ

I. ИНСОН МИЯСИ

Саксон килограммлик инсон танасининг бор-йўғи саксондан бир бўлагини ташкил қилувчи орган. 2 килограмм атрофида. Айнан шу орган сизу бизни бошқаради. Агар шу икки килограммлик тана аъзомизга вақтида ишлов бериб турмасак, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, ишлашга мажбур қилиб турмасак, унга ижодий руҳ бағишламасак, у танамиздаги ортиқча эт бўлиб тураверади. Инсон танасини бадантарбия билан қандай чиниқтириб борса, миё фаолиятини ҳам шундай ривожлантириб бориши керак.

Арастунинг «Арфада бирон бир куйни чалиш учун, арфа чалишни билиш керак» деган қайдлари мавжуд. Бу билан айтмоқчики, миёни ўстириш учун энг камида аввал уни ишлатиш зарур.

Шахснинг интеллектуал салоҳиятини оширишда таълим тизими муҳим роль уйнайди. Мактаб, коллеж, лицей, институт ва университетлар. Соҳибқирон Амир Темури даврини эсланг. Айнан шу даврлардан

илму-урфон ривожни кузатилади. Чунки ўқиш, ўқитиш тизими мукаммал йўлга қўйилганди.

Жоҳиллиги билан ном қозонган Англия қироли Генрих VIII ўз даврида унга яқин университетлар очган. Ҳатто Кембридж университетининг пештоқига унинг бу сўзлари зарҳал ҳарфларда битиб қўйилган: «Жаноблар, сизу биз бу дунёдан ўтиб кетамиз. Ҳатто суяқларимиз ҳам чириб кетар, аммо университетлар Англияни оқилона бошқаради». Тўғри гап. Ҳар бир мамлакатни ўткир ақл соҳиблари бошқаради. Қуруқ университет очиш билан мамлакатда ақл соҳиблари кўпайиб қолмайди. Уларни аввало топиш, кейин тарбиялаш керак.

Ўзбекларда бир ажойиб нақл бор. «Бола бошидан» деган. Томас Эдиссонни болаликдаги ён дафтарчасида ҳар хил мавзудаги савол-жавоблар бўлган. Масалан, «Плутарх ким?», «Волга дарёси қаерда жойлашган?», «Олтингугурт кислотаси қандай олинади?» ва ҳоказо. Мактабда «Қизиққан соҳангиз?» деб берилган саволга Эдиссон «Ҳамма нарсага» деб ёзиб берган. Бу нимани англатади, мияни доимо машқ қилдириб туриш, унга доим озуқа бериб туриш дегани. Мияга бундай даражада ишлов бериб туришнинг ижобий натижасини Томас Эдиссонда кўриш мумкин.

Уч юздан ошиқ ихтиролар, мингга яқин илмий шарҳлар муаллифи бўлган Эдиссон мияга тинимсиз ишлов бериб туриш бўйича ҳам самарали иш олиб борган. Кейинчалик ўзининг хусусий фирмасига ҳам оддий ходимларни тест асосида қабул қилган.

Айнан «Заковат» клубида ўтган 7-8 йил мени интеллектуал ўйинлар тарғиботчисига айлантирди. Интеллектуал ўйинларда эса танасидаги 1,5-2 килограммлик аъзони муносиб бошқара олган кишиларгина қатнаша оладилар. Биз бежизга китоб аввалида мия фаолиятига алоҳида тўхтаганимиз йўқ. Умид қиламанки, китобхонлар ушбу бобда айтилган фикрларни ўқиб, ўзларига хулоса чиқарадилар ва мия деб аталмиш органи ўзлари бошқаришни урганадилар. Токи, танадаги бу аъзо сизни эмас, аксинча, сиз уни бошқариб измингизга сола билинг.

II. ҲАЁТ НИМА? ҲИИНИ?

Шуни айтиш керакки, интеллектуал ўйинларда иштирок этиш кўпчилиكنинг орзу-истаги. Чунки, қизиқарли саволларга ўзига хос тарзда жавоб топа билиш ва ундан завқ туйган киши учун бу соҳанинг нақадар қизиқарли эканлиги ва айнан мана шу соҳадан йироқ кишиларга унинг қандайдир жозибаси бор эканлигини тушунтириб бериш қийин.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега одамлар интеллектуал ўйинларни бунчалик хуш кўришади? Бунинг сабаби кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган оддий саволларга жавоб, муаммоларга ечим излашга ўрганиб қолганлигидадир. Инглиз психологи Г. Айзенк фикрича, ҳаётда учраган муаммо ва масалаларни ечиб бўлгандан кейин инсон роҳатланиш ва завқланиш ҳисси билан бирга ўзини янада қудратли ҳис қилар экан.

Турмушнинг олдимизга қўядиган масалаларига жавоб қидириш ҳаётимиз асосига айланган. Ҳаётда ҳам худди ўйинда бўлгани каби осон ёки қийин муаммо ва жумбоқлар учрайди. Уларни кимдир осонгина ечади, кимдир машаққат билан, яна кимдир эса бу муаммоларни ҳал этишга ожизлик қилади. Ўз-ўзидан ҳаёт билимдонларни саралайди. Ўз-ўзидан кишилар зукко-билимдон, донишманд, доно ва ақлли каби тоифаларга ажрала бошлайди. Шарқ донишмандлари «Ақлли одам бир марта адашса, кейинги сафар бу хатони қайтармасликка ҳаракат қилади» дейдилар. Хуш, донишмандлар-чи? Донишмандлар эса умуман хато қилмайдилар!

Францияда Халқаро Интеллектуаллар Ташкилоти (MENSA) фаолият олиб боради. Бу ташкилотга турли касб эгаларининг ўта билимдон ва иқтидорли кишилари аъзо бўладилар. Ташкилотнинг асосий вазифаси — инсон интеллектуал салоҳиятини сарҳисоб қилиш. MENSA чиқарган мантиқий тестлар бирон бир ҳудудни ўрганишда, унга баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қилади.

«Нима? Қаерда? Қачон?» ўйинининг қалдирғочларидан бири, «Биллур бойўгли» соҳиби, фаргоналик Нурали Латипов ўз вақтида MENSA аъзоси бўлган. Унинг фикрича, қаерда таълим давлат томонидан рағбатлантириб турилса, ўша халқнинг, миллатнинг интеллектуал салоҳияти ривожланар экан. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонни ҳам энг илгор таълим тизимига эга давлатлар қаторига киритса бўлади.

Ҳаётда учрайдиган муаммо, масала ечими шахсан сизга аҳамиятли бўлгани учун ҳам бу борада бор истеъдодингизни, маҳорату билимингизни ишга соласиз. Кўп ҳолларда ғалаба қозонасиз. Хуш, интеллектуал ўйинларда нега билимдонлар кўп саволлар олдида ожиз қолишади? Бу борада Нуралининг фикри қуйидагича:

«Менда «Нима? Қаерда? Қачон?» ўйинида қатнашиш орзуси туғилди. Бу жуда кучли хоҳиш эди. Мен саралаш босқичларидан жуда юқори балл билан ўтдим. Аммо ўйин столига утиришим билан қалтироқ тутиб, ўзимни «йўқотиб» қўя бошладим. Уч-тўрт марта қатнашгач, бу ўйин мен учун эмас экан, деб ўйиндан кетишга қарор қилиб юрганимда, Андрей Каморин янги жамоа тузаётгани ва унга мени таклиф этмоқчи эканини билдирди. Шунда мен охирги маротаба ўйинларда иштирок этиб кўрмоқчи бўлдим. Охирги ўйин бўлгани учун ҳеч нарсани ўйламасдан, ҳеч қанақа масъулиятни ҳис қилмай ўйнадим. Ва айнан ўша ўйинда мен ўзимни «топдим». Кўпчилик билимдонлар руҳий тўсиқларга учраганда мен шу мисолни айтиб, уларга далда бераман».

Ҳаёт кундаланг қўядиган муаммоларнинг ижобий ечими биз учун ниҳоятда зарур. Ҳатто руҳий ва жисмоний тўсиқлар ҳам мақсадга эришишимизда ғов бўла олмаслиги керак. Телеэкран қаршисидаги ўйинларда-чи? Шу ҳолатни шахсий муаммога айлантира олган билимдонларда масала ечимини топиш осон кечади. Шу ўринда бир латифани келтирмоқчиман:

Хўжа Насриддин бозордан уч мисқол гўшт олиб келиб, хотинига манти қилишни буюрибди. Хотини эса гўштни ариқда ювиб олмоқчи бўлибди-ю, оқишиб юборибди. Хўжа Насриддин келгач, «Гўштни мушук еб қўйди» деб баҳона қилибди. Афанди тарозини олиб келиб мушукни ўлчаб кўрса роппа-роса уч мисқол чиқибди. Шунда хотинига «Сен мени аҳмоқ деб ўйлаяпсанми? Агар бу гўшт бўлса мушук қаерга кетди, агар бу мушук бўлса гўшт қани?» деган экан.

Бу ҳаётий муаммоларга ҳазил бир назар эди.

«Заковат» интеллектуал ўйинига саволлар ҳаётийлигидан келиб чиқиб танланади. Украиналик дўстим Борис Бурдага «Нега билимдонлар кадр ортидаги бор салоҳият ва билимларини телевизион ўйинларда кўрсата олишмайди?» деб берган саволимга у «Бу ҳолат, айниқса, дебютантларда кўп кузатилади. Токи камерани эсдан чиқармас эканлар, билимдонлар ўйинда ўз билим ва салоҳиятларининг нафақат 50 фоизини, балки 30 фоизини ҳам кўрсата олмайдилар», деб жавоб берди. У ҳақ эди. Бориснинг фикрига қушиламан. Актёр ҳам сахнада ёки кино майдонида томошабин ва камерани унутсагина, ролини мукамал ўйнай олади. Аммо бу жуда қийин масала. Қийинлиги шундаки, актёр Гамлетни ўйнаса, бошдан-оёқ Гамлет қиёфаси ва руҳида ҳаракатланади. Бу ерда эса ҳеч қандай образ йўқ, ўзининг билимдонлик қиёфаси ва руҳияти билан ҳаракатланиши керак, холос. К. С. Станиславскийнинг билимдонларга жуда мос жумалари бор. Биринчиси: «Актёр учун энг қийин рол — бу ўзини ўйнаш». Иккинчиси: «Бу борада секин шошилинг («спешите медленно»)» деган. Бу чиройли жумалар айнан бизнинг билимдонларга ҳам тегишли: **СЕКИН ШОШИЛИНГ!**

Қадимги Рим файласуфи Сенека инсонларни тўрт тоифага бўлади.

1. Ниманидир билишини ўзи ҳам биладиган одам — доно одам, улардан илм ўрганишларини маслаҳат беради.

2. Ниманидир билишини ўзи билмайдиган одам — уйқудаги одам, уни уйғотиш керак дейди.

3. Ҳеч нимани билмаслигини ўзи ҳам биладиган одам — уйғоқ одам.

4. Ҳеч нарса билмаслигини билмайдиган одам — тентак одамдир, ундан қочишни маслаҳат беради.

Агар тўрттала қисмни яхшилаб ургансангиз, албатта охириги тўртинчи банд энг хавфли ва кераксизлиги яққол билинади. Чунки тўртинчи тоифа кишиларида фикр йўқ. Инсон мукаммал фикрлаши билан бошқа жонзотлардан фарқланади. Инсон ҳеч нарсани билмаслиги мумкин. Аммо ҳеч нарсани билмаслигини билмаслик — бу шахснинг фожеаси. Учинчи банддаги кишилар ҳеч нарсани билмаслигини билишининг ўзи — фикр.

Ўз-ўзидан интеллектуал ўйинлардаги муҳим жиҳатлардан бири — фикрнинг ифодасига ҳам етиб келдик. Худога минг қатла шукр қиламизки, тилимиз ниҳоятда бой ва гўзал. Хуш, ўша бойлиқдан ва гўзаллиқдан тўлиқ баҳра олаяпмизми? Менимча йўқ. Мен албатта «Заковат» мисолида айтаётганим йўқ. Ҳаммамиз тўлиқ ифодалай олмаймиз. Тил тугилган фикрни ифодаловчи восита ҳисобланади. Сўз бор экан ундан хоҳлаганча сўзлар гулдастаси ясаш мумкин.

Савол тузганимизда сўзлардан шундай жумлалар тузишга ҳаракат қиламизки, жавоб бериш пайтида бир сўзнинг етмаслиги ҳам бу гулдастани кемтик қилиб қўяди. Оқибатда бундай ҳолат фикрнинг нотўғри ифодаланишига олиб келади. Фикрингизни керакли сўзлар билан ифода эта олмадингизми, сизда пайдо бўлган ажойиб фикр ҳам дунё юзини кўрмаёқ жон бериши мумкин. Билимдонларда бир дақиқа ичида шунчалар кўп фикр пайдо бўладики, уларни ифодалаш учун моҳир филолог бўлиш керак. Ёки шунчалар кўп китоб ўқиган бўлиши керакки, маҳорат билан у фикрларга сайқал бера олиши лозим. Бу яна бир дақиқа ичида бўлиб ўтиши керак бўлган жараён. Кучли ва яхши билимдон бўлишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳам ана шу!

Баъзан мен билимдонларнинг дунёқарашларидан шундай ҳайратга тушаман. Менгагина маълум

жавобни топиша олмайди деб ўйласам-да, кучли салоҳиятлари билан жавобни осонгина топишади. Бундай саволларнинг деярли ҳеч қандай манбааси йўқ, кичкинагина маълумотдан ўзим катта савол тузиб оламан. Масалан, мана бу саволга эътиборингизни қаратинг: бу қушнинг 20 га яқин тури мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда фақат бир тури учрайди. (Бундай қушлар кўп бўлиши мумкин.) Бир ойда тухумдан жўжа очиб чиқаради. (Бир ойда тухумдан жўжа очувчи қушлар ҳам кўп бўлиши мумкин.) Юнон файласуфлари у қушни ўзларига рамз қилиб олишганлиги, билимдонлар учун яхшигина илмоқ бўлиши мумкин. Савол эса қуйидагича: бу қайси қуш эканини эмас, унинг энг қимматини уйида сақлаётган ёзувчини топинг.

Бу савол III Республика «Заковат» интеллектуал фестивалида қатнашаётган ёш билимдонлар учун бироз қийинлик тугдириши маълум эди. Бироқ 20 та жамоа ичидан Андижон шаҳридан келган «A-Z» жамоасининг бу савол жавобини топгани эътиборга молик ҳолат. Жавобни топиш учун бир неча босқични куриб чиқиш керак эди. Биринчидан, бу қайси қуш эканлигини топиш керак. Иккинчидан, унинг энг қиммати қаерда бўлишини билиш лозим. Учинчидан эса, бу қушни уйида сақлаётган ёзувчи ким эканлигини топиш керак. Агар бу қушнинг бойўгли эканлиги топилса, энг қиммати Москвада «Что? Где? Когда?» уйинида бўлишини ҳам аниқлаш қийин эмас. Эътибор берган бўлсангиз, бу ерда билимдонларнинг фикри чалғитилаяпти. Биз ёзувчи, деб айтмоқчи бўлган кишини кўпчилик телебошловчи, ошпаз ва оддий билимдон деб билади. Унинг ёзувчи эканлиги деярли кўпчиликка маълум эмас. Лекин у аслида ҳақиқатан ҳам ёзувчи ва 4-5 та китоблар муаллифи. Саволнинг тўғри жавоби: бу — ёзувчи, одессалик Борис Бурда. У 2007 йил якунларига кўра, «Йилнинг энг кучли билимдони»га берилган «Брильянт бойўгли» совринининг соҳиби.

Бундай саволларни тайёрлаш ҳам, унга жавоб топиш ҳам мароқли, аммо айрим саволларга билимдонларнинг нотўғри жавоб беришлари интеллектуал ўйинлардаги руҳий ҳолатга салбий таъсир этиши мумкин. Бу руҳий ҳолат қандай юзага келади, яъни ниманинг оқибатида пайдо бўлади? Бу бевосита ўйин жараёни билан боғлиқ ҳолат. Масалан, бир дақиқа ичида тўғри жавоб топилади, лекин бу жавоб ўрнига буткул нотўғри жавоб айтилади. Ютқазиб турган бир пайтда, бошловчи томонидан ёки ташқаридан берилажак руҳий зарбалар ўйин иштирокчиларининг руҳий ҳолатига таъсир этмай қолмайди. Бунга ҳам бир мисол келтириб ўтмоқчиман: Ғанишер Раҳматуллаев жамоаси 1-5 ҳисобида ютқазаётган пайтда, уларга ўта оддий, жўн, яъни осон деб аташ мумкин бўлган бир савол тушди. Савол матни тахминан қуйидагича: «Бу егуликни 5-6 ёшлик болалар кўпроқ ўйинчоқ деб билишади. Ўйинчоқликка мойил кўринишга эгаллиги учун ҳам шундай жумла билан таърифини келтириш мумкин. Япон ёзувчиси Харуки Мурогами «Қуй ови» романида ҳам ана шу егуликни тилга олган. Ўртаси бутун бўлганда ҳам, унинг мазаси ўзгармаслигини айтади. Сандиқча ичида шу егулик бор. Савол: бу қандай егулик?»

Биринчи сониядаёқ ҳамма бир овоздан бунинг тешиккулча эканини топишди. Аммо мулоҳаза давомида аста-секин бу фикрга ўзлари қарши чиқа бошладилар. Уларни бу ҳолга солган нарса саволнинг осон ё қийинлиги эмас, ҳисобдаги қалтисли вазият эди. Яна бир очко ютқазилса, ўйинни бой бериш мумкинлиги билан боғлиқ ҳис уларни енгди. «Тешиккулча» жавоби ўрнига, ҳеч ким тилга олмаган «қовоқ» варианты билан алмаштирилди. Оқибатда ўйин бой берилди.

Энди шундай савол қўйсак: руҳий ҳолатни енгиш мумкинми? Бунда ҳам аниқ «ҳа», ёки «йўқ» деб айтиш мушкул. Кимлардир ўзларидаги ҳолатни енгиши мумкин, аммо атрофдагиларнинг салбий таъсирида иккиланиб қолиши мумкин. Иккиланиш эса салбий

рухий ҳолатни келтириб чиқаради. Бу ўйинда билимдонларнинг иккита асосий рақиблари мавжуд: биринчиси — саволи ўйналаётган телетомошабин, иккинчиси — ўйлаш учун берилган бир дақиқа. Иккинчи рақиб анча ашаддийроқ ва жиддийроқ ҳисобланади. Жарроҳга ёки заргарга ишингизни фалон вақт ичида бажаринг, деб буйруқ беринг-да, кейин уларнинг аҳволини томоша қилинг. Вақтнинг кетидан қувса, сифат эсдан чиқади, сифатли бажарай деса, вақт ўтиб кетмоқда. Тажрибасиз билимдонлар шунинг учун ўзларини йўқотиб қўйишади. Уларга йўлланма бераётган пайтимизда бир дақиқа деб эмас, ўн дақиқа деб фойдаланишини маслаҳат берамиз. Менинг энг сеvimли иборам билан, яъни К.С.Станиславскийнинг «Секин шошмоқ керак» фикрини қайта-қайта тушунтириб, қандай қилиб секин шошиш йўлини уларга ўргатиш орқали йўл-йўриқ кўрсатамиз.

Билимдонларга яна бир салбий таъсир восита — бу кўринмас бошловчининг овози. Бир одамни юзини кўрмай суҳбатлашингда, кейин юзма-юз гаплашинг. Тасаввур қилаяпсизми? Рупарангизда ўтирган кишингизни кўриб турасиз, уни қандай кийимдалигини, соч турмагини, юз тузилиши, гаплашиш манерасини ҳар қалай аниқ бўлади. Суҳбатдошингиз ҳозир нима дейди, ёки нима демоқчилигини олдиндан билишга сизда имконият бўлади. Умуман, шоу кўрсатувлар борки, барчаси экрандаги бошловчининг услубига мос тарзда қурилади.

«Нима? Қаерда? Қачон?» ўйини бу телевизион қоидаларни инкор қилганлиги билан ҳам лойиҳанинг оригиналлигини белгилаган. Билимдонлар бошловчи билан фақат овоз орқали мулоқотга киришадилар. Бошқа лойиҳаларда, ё ток-шоуларда бу усул самара бермаслиги мумкин. Аммо интеллектуал ўйинда бошловчининг кўринмаслиги ўйиндаги зиддиятни, қарама-қаршилиқни, сирлилиқни янада кучайтиради. Мен охирги пайтларда «Нега экранда кўринмай-сиз?» деган савол камайганидан сезяпманки,

томошабинлар, мухлислар юқоридаги жиҳатларни тушуниб етишмоқда. Бу ерда бошловчининг ўзи, унинг кийими, юз тузилиши, сочи ортиқча диққатни тортувчи, керак бўлса, чалгитувчи восита бўлиб қолиши мумкин. Бунинг устига томошабинлардан келадиган кучли, ақл бовар қилмас саволлар билан бўлиб билимдонларга қарши ўйнашади. Ва уларни куп ҳолларда енгйшади ҳам.

Энди бошқа масалага ўтамиз. Ютқазган жамоа ҳақиқатдан ҳам кучсизми? Ёки бошқа сабаблар ҳам борми? Биринчидан, «Заковат» ўйинига кучсиз жамоалар чиқарилмайди. Бир неча чигирикдан ўтган йигит-қизларгина экрандаги ўйинга чиқариладилар. Жамоаларни ютиш-ютқазйиши аввало ўзларига боглиқ. Ўйин олди жараёнларидаёқ, ўйинга чиқмасданоқ уни бой бериб қўядиган жамоалар бор. Албатта, бундай жамоалар тарқалишга маҳкум. Тўғри, улар ичида ҳам лойиқлари бору, бироқ руҳий тайёргарлик етарли эмас. Кимларнидир руҳшуносга, яна кимларнидир токи тайёргарлиги етарли бўлгунича машгулотларга жалб қилиш лозим. Кейин, албатта юзма-юз синовлар, имтиҳонлар қилиш, руҳий тест ўтказйиш, шундан кейингина ўйинларга жалб этиш мумкин. Бу билан сифатли билимдон тайёр бўлди, дегани эмас. Унинг қисмати яна қандай жамоага тушишига боглиқ. У ерда ўзини топа оладими-йўқми — бу ҳам муаммо. Жамоада, профессионал жамоада ҳаммани ўз ўрни, вазифаси амплуаси бўлади. Худди футболдагидек. Ҳужумчи, дарвозабон, ярим ҳимоячи, ҳимоячилар сингари. Кимдир жамоанинг юраги, яна кимдир вариантлар генератори, диспетчери. Ичларида, албатта эрудитлар, яъни эслаб қолиш қобилияти кучли кишилар бўлгани мақсадга мувофиқ. 6 киши 6 соҳадан бўлиши керак, деган ақидалар ўзини унчаям оқлай олмади. Қисқа тарихимиз давомида буни синовдан ўтказдик. Яна ҳаяжон, ҳаяжон деб икки карра айтаман, ҳаяжонсиз ҳеч нарсага эриша олмайди. Мен фақат ташқи ҳаяжонни назарда тутмаяпман. Баланд овозда, столларни уриб, бекорчи бақир-чақирларни

керакли ҳаяжон деб айта олмайман. Ҳар бир саволни ўз темпи, ритми, усули мавжуд.

Айрим саволлар ўта босиқлик билан топилади, айримларига шиддат керак. Яна қайсидир савол кучли мулоҳазани талаб қилса, яна бир саволда тасаввурни ишлатиш самара беради. Ҳар бир савол, юқорида айганимиздек, кичик бир бадиий асар. Ҳар бир асарда бўлиб ўтадиган жойи, манзили, муддати, қаҳрамони бўлади. Режиссёр ойлар давомида бажарган ишни билимдонлар бир дақиқада амалга оширишлари керак. Яъни воқеалар ечими, кульминациясини ҳал қилиши керак. Кўраяпсизми, қанча машаққат ва меҳнат талаб қилинадиган жараён билимдонлик касби. Шубҳасиз, уни касб деб аташ мумкин. Тўғри, бугун бу касбга ҳаммаям берилиб, бор маҳорати ва вақтини сарф қила олаётгани йўқ.

Энди, ижозатингиз билан, эътиборингизга «Заковат» телеўйинида ўйналган энг сара саволларни ҳавола этаман. Бу саволларнинг аксарияти томошабинлардан келган. Айримларида «Фалончи!» деб мурожаат қилинади, баъзиларида билимдонларнинг исми шарифи келтирилган. Бу «Заковат» ўйинларини ташкиллаштиришда иштирокчилар номи билан алмаштириб ўқиладиган. Савол ва жавобларда ўйинда ишлатилган жумлаларни, яъни савол оригиналлитини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик. Баъзи жой номлари ўзгарган бўлиши ёки бироз бошқача ўқилиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Марҳамат, навбат саволларга!

III. САВОЛЛАР

1. Наманган вилояти, Норин тумани, Норинкапа қишлоқ фуқаролар йиғинидан Шаҳобиддин Яхшибоев.

Орангизда музейларда бўлмаган одамни ўзи бўлмаса керак. Фалончи! Борганмисиз, киришдан олдин чипта сотиб олганмисиз? Албатта, олинади. Музейларга кириш баҳоси унчалик қиммат эмас. Нархлар шартли равишда белгиланади. Англиядаги «Оксфорт» музейига кираётганингизда пул тўламайсиз. Чиқаётганда тўлайсиз. Ходимлар кираётганингизда сизга жетон беришади, чиқаётиб топшириб кетасиз. Ҳурматли билимдонлар, музей маъмурияти бу тартибни нега жорий қилган?

2. Фарғона вилояти, Сўх тумани, Ғазнов қишлоғидан Хушнуд Дадаев.

«Ҳайратул-аброр» достонида Ҳазрат Навоий «Тожиға қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тож билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоғда уни ҳам шоҳ дегин, чунки унда ҳам тож бор» деб ёзганлар. Савол: Навоий кимни назарда тутган эди?

3. Тошкент шаҳридан Холида Очилова, врач-гастроэнтеролог.

Холида опа жуда серқирра инсон, тиббиётдан ташқари жуда кўп соҳаларга қизиқадилар. Эммануэль Кант жуда оддий ҳаёт кечирган. Уйда меҳмонлар учун санокли овқатланиш асбоблари бўлгани боис, шогирдлари, дўстлари «Неча киши бўлиб борайлик?» деганда у файласуфларга хос тарзда: «Музалар сонидан 3 та кам, грациялар сонидан 3 та кўп бўлиб келинлар» дер экан. Айтинг-чи, Эммануэль Кант уйда нечта санчқиқошиқ тўплами бўлган?

4. Сурхондарё вилояти, Денов шахри, Мақсууд Шайхзода кучаси, 46^Б-уйдан Фарида Осмонова.

Интернетнинг «Гаройиб касб эгалари» бўлимида стокгольмлик Стив Губтосман ҳақида шундай маълумот берилган. У 20 хил зотдаги ит бўлиб ҳура олади. Биласизми, у қаерда ишлар экан? Шаҳар солиқ идорасида! Ўйлаб кўринг-чи, унинг иш фаолияти нимадан иборат бўлиши мумкин?

5. Қашқадарё вилояти, Нишпон туманидан Ғайрат Бозоров, иқтисодчи.

Ўзбек халқи учун, миллатимизнинг ҳар бир вакили учун у қадрли бўлмоғи зарур. Энг ками беш бора унга мурожаат этган киши ундан одобни, турмушни, тилни, сиёсатни, тарихни ўрганиши тайин. Айтинг-чи, нима ҳақида сўз кетмоқда?

6. Фарғона вилояти, Қува шахридан Маҳмадали Мамажонов.

Александр Дюма, Пиримқул Қодиров, Жек Лондон, Антон Чехов, Ремарк, Моруа ва бир ўзбек халқ эртаги. Ҳурматли билимдонлар, буларни бирлаштирадиган бир сўз бор, шуни айтинг?

7. Бобур Ёқубов саволи.

Улар равоқсимон, қанотсимон, гумбазсимон бўлиб, узунлиги ярим километргача етади. Сиз унинг энг катта қурбонини айтинг.

8. Тошкент шахри, Яккасарой туманидан Яшнар Ҳусайнов.

Яшнарбек яқинда Англияга бориб-келиб, шундай савол йўллабдилар. Лондон кўчаларида баландлиги 2,5-3 метрли махсус устунчалар йўл четларига қўйилгани диққатни тортади. Яна қизиги, устунни энг баланд қисмига гул туваклари илиб қўйилган.

Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, баландда очилган бу гуллар кимлар учун осиб қўйилган?

9. Наманган вилояти, Норин тумани, Душар қишлоғидан Алишер Тошбоев.

Орангизда молбозорга борганлар борми? Бозордан сотиб олинган молнинг янги арқон билан олиб кетилишидан хабарингиз бўлса керак. Мол бозордан олиб келинган сигирларнинг кўпроқ чап томонида ифлос доғлар бўлиши кузатилган. Алишер Тошбоев сўраяптилар, бу доғ қаердан пайдо бўлади?

10. Чирчиқ шаҳри, 1-микрорайон, 49-уйдан Узро Бобожонова.

Утган йили Парижда анъанавий итлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган итларга нархлар қўйилди. Япониядан келтирилган «Дўст» лақабли 8 та итнинг ҳар бири 10 минг доллардан сотилди. Нега у итлар бошқаларидан 3-4 баробар қимматга сотилди деб ўйлайсиз?

11. Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Ибн Сино кўчаси, 3-уйдан Маҳфуза Имомова.

Ёзма манбаларда кўрсатилишича, уни дастлаб Юнон-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи-чорвадорлар яратишган. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистонда ҳам кенг тарқалган. Кейинчалик бизда ҳам оммалашган. Ҳозир «Заковат» столи атрофида ҳам унинг олтитасини кўриб турибман. Балки бештадир. Бештадан кам бўлиши мумкин эмас. Гап нима ҳақида кетмоқда?

12. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Сарой қишлоғидан Бахтиёр Тоғаев.

Бахтиёр Тоғаев кўрсатувимизнинг илк йилларида кўп савол йўллардилар. Бироз танаффусдан кейин яна савол юборибдилар. Фараз қилинг, Бобур, сиз чўпонсиз. Анчадан бери согиниб қолган мавзуингиз.

Кечқурун чарчаб ухлаб қолдингиз. Тунда ўрнингиздан турсангиз, қўй подаси йўқ. Қўйлар қаергадир йўқ бўлиб қолибди. Бошқа жамоадаги чўпонларга қараганда, Бобур — тажрибали чўпон. Тунда ўрнидан туриб, шу турган жойидан қўйлар қаёққа кетганини у аниқ билади. Ва ҳеч қанақа из ҳам ахтармасдан тўғри йўлга тушади. Қўйларни тезда топади ҳам. Ҳурматли билимдонлар, тажрибали чўпон шу турган жойидан қайси томонга йўл олади?

13. Самарқанд вилояти, Қушработ туманидан Луқмон Асадов.

Амир Темур қўшинида ҳар 10 жангчига 1 дона керки, бир донадан ўроқ, арра, теша, болта, 2 дона белкурак, игна, ип каби оддий нарсалар ҳам берилган. Энг асосийси ўн кишига бирдек керак нарса ҳам бўлганки, уни алоҳида бир отда олиб юришган. Савол: отда олиб юрилган нарса номини топинг.

14. Қирғизистон Республикаси, Боткен вилояти, Халмиён қишлоғидан Баҳодир Ҳолиқов.

Орангизда ким ёввойи ҳайвонлар овида қатнашган? Ҳеч ким? Майли, ҳозир сизлар билан овга чиқамиз. Овчи Нозим Раимқулов бўлсин. Тасаввур қилинг: найза ва камонлар билан ов қиладиган замонлар. Узоққа борманг, Қўқон атрофидаги дашт-биёбонларда, ўта сергак кийик овидасиз. Сиз уни камон билан йиқитишингиз

керак. Камон 500-600 метрдан нишонни беҳато урадиган милтиқ эмас. Сиз уста овчисиз, бемалол кийикни чалғита оласиз. Бунинг учун устингизга кийик терисидан ёпиниб олиб аста кийикка яқинлашасиз. Ва ўтлаётган кийикни отиб овингизни бароридан келтирасиз. Нозим, овчининг усталиги, ҳийла-ю найранги ё мерганлигида ҳам эмас.

Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг, у кийикка максимал яқинлашишда қандай усулдан фойдаланганини айтинг.

15. Тошкент вилояти, Қибрай тумани Саодат Жалилова.

Қадимги юнонларнинг етти донишмандларидан бири Клеобул шеър ва дostonлардан ташқари топишмоқлар ҳам ёзиб турган. Қадимги Юнонистонда ҳам билимдонлик турнирларини ўтказиб туришган. Жумбоқни эшитинг.

Бир отанинг ўғли, шайдир унинг хизматида,

Ҳар бирида қизи бўлиб,

Ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамас,

Қора — опа, оқ — сингил, ё аксинча

Опа — оқу сингил — қора.

Энг қизиги, улар бирин-кетин ўлаверсаям сони камаймас эди. Саволимни тингланг, азиз закийлар, отанинг ўғли-ю невараларининг умумий сони нечталигини топиб айтинг.

16. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Носиров кўчаси, 31-уйдан Ботир Усмонов.

Биз сўрамоқчи бўлган нарсаларнинг сони инсоният пайдо бўлгандан бери ўзгармаган. Ташқи таъсир туфайли камаймаса, уларнинг сони ўзгармас. Улар икки гуруҳга бўлинади. Ўз навбатида улар ҳам яна иккига бўлинади. Уларнинг ҳар бири беш турга

булинади. Агар сиз саволни тушунган бўлсангиз, улар ичидаги ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилувчиси номини топиб айтинг.

17. Навоий вилояти, Нурота шахри, Ожунбобоев кўчаси, 66-уйдан Очил Нарзиев.

Бир овчи кексайиб нафаси қисадиган бўлиб қолганидан кейин уйига табибни чақиртиради. Табиб бемор ётган уйга кирибоқ, унинг дарди нимадан қўзғалаётганини топади. Тезда кўрсатма бериб касалнинг давосини топади. Айтинг-чи, у қандай кўрсатма берган?

18. Янгиер шахри, Феруза кўчаси, 15-уйдан Азамат Шарипов.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичида аёлларга тааллуқли бир предмет турибди. У сўзнинг келиб чиқиши форс тилига боғлиқ тақалади, ўзаги — форсий сўз. Хусусан, Фирдавсий «Шоҳнома»сида унга алоҳида ургу берган, ҳатто вазифаси ҳам тушунтирилган. Сандиқчада замонавий кўринишга эга, аммо номланиши, қадимги форсий сўз билан бошланувчи нарсаси бор. Савол: сандиқчада нима бор?

19. Жиззах вилояти, Зомин туманидан Холқўзи Мусулмонов.

Эрампиздан аввалги V асрда яшаган Хитой файласуфи Конфуцийни император саройига ишга таклиф этишади. Унга аниқ бир вазифа юклатилган эди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун у истеъдодли кўзи ожизларни тўплайди. Конфуцийдан кейин ҳам қарийб бир неча аср бу гуруҳ саройда хизмат қилди. Албатта, таркиб ўзгариб турган ҳолда. Айтинг-чи, бу гуруҳнинг асосий вазифаси нима эди?

20. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, «Ўрта чўл қолдузи» фермер хўжалигидан Боқижон Тўхтаев.

Ўрта чўл — чўпон-чўлиқлар маскани. У ерда миллионлаб қўй-қўзилар боқилади. Энг тажрибали чўпонлар ҳам шу ерда яшашади. Тажрибали чўпонларнинг фикрича, қўй-қўзиларнинг учта кушандаси бор экан: биринчиси — бўрилар, иккинчиси — ўғрилар, учинчиси, бир қараганда қўйларга кушанда эмас, аксинча, керак нарсдек туюлади. Аммо қўйларга энг катта хавф ундан бўлиши мумкин экан. Савол: қўйлар учун ҳам керак, ҳам кушанда бўлган нарсанинг номини топинг.

21. Тошкент шаҳри, Олмазор маҳалласи, 10-уй, 31-хонадондан Муборақхон Маҳмудова.

Муборақхон опа шеър машқ қилиб турар эканлар. Савол: ҳам шеърый:

Қадимда боболар сақлаб жонини,

Дўппилар ичига солиб юришган.

Момолар жиҳозлаб келин уйини,

Палаклар қатига тиклаб қўйишган.

Бир шоири замон — таърифи майса,

Унга суянганди гар ўлиб қолса.

Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, бир дақиқадан сўнг ташқаридан шеърда таърифланган қандай нарсани олиб кирамиз?

22. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 30-уйдан Шерзод Шукуров.

Германия, Англия каби давлатларда парранда гриппи таъсирида миллионлаб товуқларнинг қирилиб кетиши кузатилади. Парранда гўшти ишлаб чиқаришда дунёда биринчи бўлиб турган Бразилияда эса гарчи парранда гриппи бот-бот учраб турса-да, ишлаб чиқаришда узилиш кузатилмади. Чунки, паррандахона қурилаётганда у

қатъий принципга асосланган ҳолда бунёд этилади.
Савол: у қандай принцип?

23. Саид Раҳмонов, программалаш муҳандиси.

Бу мактубни Россиядан, Челябинск шаҳридан юборибдилар. Ҳозирги пайтда кўрсатувимиз спутник орқали ҳам намойиш этилмоқда.

Ҳаммангизга маълум, қадимда ҳиндистонликлар жангу жадалларда жанговар филлардан фойдаланишган. Филларни филбон, яъни маҳаут бошқаради. Унинг жанг пайти фил бошида ўтириши талаб этилади. Унинг қўлида кичкина темир қозиқ бўлади. Бели дағи ўткир қозиқ билан болгача қачон керак бўлади?

24. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ўзбекистон хўжалигидан Жуманазар Наврўзов.

Қуруқликдаги энг катта жонзот бу фил. Фил броконьерлар томонидан суяги учун овланади. Броконьерга фил болаларининг кераги йўқ. 4-5 ойлик ёлғиз қолган фил болаларининг жуда кўплари тезда нобуд бўлиб кетишади. Чунки уларнинг қулоқ пардалари нозик бўлиб, унга микроб тушиб, касалланиб ўлади. Агар онаси ҳаёт бўлса, улар бу касалга чалинишмайди. Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, ёлғиз қолган фил болалари нимадан касалланади?

25. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Новқа қишлоғидан Ҳотам Жўраев.

Зарафшон водийсининг Фалгар номли воҳсида ажойиб ҳунармандлар яшашган. Улар ўз ҳунарларини бошлашдан аввал, отнинг думига лой суртиб дарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига ҳайдаб ўтишган. Маъқул бўлса, шундан кейин ўз ишларини бошлашган. Айтинг-чи, XI-XII асрларда яшаган бу ҳунармандлар қандай маҳсулот тайёрлашган?

26. Фаргона вилояти, Дангара тумани, Галаба қишлоғидан Хуслида Мирзаева.

«Заковат», биласиз, тасаввурлар уйини. Тасаввур қилинг, олтовлон шимолий эскимосларсиз. Бобур Ёқубов қабила бошлиғи. Ўтовлар қуришга жой ахтариб юрибсизлар. Ёзда сиз ўтовни кичик ўрмонлар ичида, ўтлоқларга яқин жойларда қуришга ҳаракат қиласизлар. Мана, ҳозир қаҳратон кунлар бошлангани учун қишлашга жой қидириб кетаётибсизлар.

Бир дақиқадан кейин эскимослар учун қишда энг илиқ жой қаер эканини топинг.

27. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ғуломов кўчаси, 1-уйдан Собитхон Эшонхонов.

Қирол Людовик XIV даврида дворянлар, қирол оиласи аъзолари хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин матога гул солиш билан шуғулланишган (вишивка). Аммо у сўзаналар бугунгача етиб келмаган. Людовик XIVнинг ўзи уларни ёқишни буюрган. Айтингчи, қирол ўзи ёқтирган, ўз қўли билан тиккан матоларни нега ёқишга буйруқ берган?

28. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридан Эркин Ганиев.

Умар Ҳайём «Наврўзнома» асарида уни севгимуҳаббат майдони, қарилик дарахтини узоқ вақт гуллатадиган марҳамат ёмғири деб зикр этган. Ҳақиқатдан ҳам «Наврўзнома»да унга аталган таъриф ўта ўринли. У инсоннинг безағи ва муҳаббат ундан ўт олиши аниқ. Қуйидаги таърифга лойиқ инсонлар орангизда талайгина. Ҳаммангиз деёлмайман, баъзилар ундан оқилона ва айёрона фойдаланиб юрадилар. Саволни анча очиб юбордим,

шунинг учун ўта аниқ жавоб беришингиз лозим бўлади. Савол: гап нима ҳақида кетмоқда?

29. Маъруфхон Эшонхонов саволи, интернет орқали.

Австралиянинг Флиндер ороли аҳолиси умуман яшил кийим кийишмайди, яшил предметлардан ҳам фойдаланишмайди. Айтинг-чи, нега бу орол аҳолиси яшил рангли кийимлар кия олмайдилар?

30. Бекобод шаҳридан Абдусаттор Паршиев, интернет орқали юборилган савол.

Яқинда Санкт-Петербургда бўлиб қайтган савол муаллифи шаҳарда шундай дўконларни кўрибдики, уларнинг эшикларига бир рақам ёзилганига гувоҳ бўлибди. Қизиги шундаки, бу маълумот бизда рақамлар билан эмас, сўз билан билдирилади. Янаям қизиги, бир кўчада 10 та дўкон бўлса, 2-3 тасида шундай рақамларни кўриш мумкин. Савол: қайси оддий рақамли сон сўралмоқда?

31. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, Темирқадам кўчаси, 44-ўйдан Фозилжон Мамадалиев.

Мўғилистон давлатининг эски 1952 йилгача бўлган гербида 2 та жонзот тасвирланган. 1952 йилда қабул қилинган янги гербда эса жонзотларнинг биттаси қолган. Сиз ҳар иккала гербда тасвирланган жонзотларни топинг.

32. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Кавардон қишлоғидан Абдуқасим Мирсолмонов.

Файласуфлар у ерни тафаккур ва ибрат манзили, аммо беғамлар жойи эмас деб аташади. Шоир Чустий у ернинг сариси ҳам, сўриси ҳам, акрабо-ю азиз меҳмони ҳам йўқ эканлигини ёзганлар. Бу жой номини бир сўз билан айтинг.

33. Фарғона вилояти, Сўх тумани, Чумоқча қишлоғидан Омонжон Абдуллаев.

Фалончи! Сиз XVI асрда яшаган индонезиялик фуқаросиз. Чўнтагингизни қаппайтириб бозорга харид қилиш учун тушдингиз. Албатта, пул дея олмадик, пул ўрнида маҳаллий аҳоли ундан фойдаланган. Ҳозир студия ичида анча-мунча Индонезия муллажиринги борлигини мен аниқ айта оламан. Савол: у нима? Бир дақиқадан сўнг сиз ўша давр пул бирлигини бизга кўрсатинг.

34. Тошкент вилояти, Бўка шаҳридан Султонмурод Файзиев.

Унинг пайдо бўлиши ҳақида фанда уч фараз мавжуд. Биринчиси геофараз — нефть билан боғлаш; иккинчи, биофараз — ўсимликларга боғлаш; учинчи фараз — зоофараз, ҳайвонларга боғлаш. Яна кимлардир уни тошдан олинадилар, деб тахмин билдирадилар. Барча фаразларда жон бор, ҳақиқатга яқин. Ўзбеклар уни қандай атайдилар?

35. Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Холматов фермерлар уюшмасидан Дилфуза Жапакова.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. «Буюк ипак йўли» савдогарлари асосан айнимайдиган, ачимайдиган маҳсулотлар билан савдо қилишган. Аммо улар айнимайдиган деб ўйлаган бир товар йўл-йўлакай ўзининг ҳолатини йўқотаверган. Шундан кейин унинг транспортировкасига ўзгартириш киритишади. Уни махсус қалин бўз қопларга солиб пахта тойлари орасига жойлаб олиб кетишган. Сиз у товар йўлда ниманинг ҳисобига айниганини ва албатта, сандиқчадаги ўша товар номини топиб айтишингиз шарт.

36. Жиззах тумани, Алишер Навоий хўжалигидан Улуғбек Каримов.

Хўрматли билимдонлар! Биргина сўз ё рақам ҳам жуда кўп маънони англатади. Қаранг: 40x40. Мана бу белги ўрта асрларда маълум бир маънони билдирган. Савол: унинг бугунги кўриниши қандай?

37. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Қиргули кучаси, 15-уй, 7-хонадондан Ойдин Исомова.

Марҳамат, 1914 йили саҳналаштирилган Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» пьесасининг афишаси олиб чиқилсин. Бу ерда актёрларнинг исм-фамилиялари келтирилган. Охирида 3 та актёрнинг фақат бош ҳарфлари афишада ёзилган. Сўнгги актёрларнинг исм-шарифи нега тўлиқ берилмаганининг сабабини топинг.

38. Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Чўли Бегимқулов хўжалигидан Барно Нурқулова.

Қадимда бир кампирнинг эчкисини ўғри уриб кетади. Кампир хонга арз қилиб борса, хон: «Э, онахон, ухлаб қолибсиз-да» деса, кампир бир гап айтиб хонни мот қилади. Хон кампирга шу гапи учун бир согин сигир бериб юборади. Савол: кампир қандай жавоб берган?

39. Қашқадарё вилояти, Шўртан шаҳридан Қувондиқ Абдувалиев.

Мўғил чўпонлари яшайдиган ўтовнинг айланаси 6 метр бўлиб, уй ичидаги деворининг бир томонида 12 та чизиқчалар ҳам чизиб қўйилар экан. Савол: чизиқчалар қандай вазифани бажарган?

40. Паркент тумани, Ҳисорак қишлоғидан Санъат Тўхтамбоев.

Музаффар, сиз бировга қарз берсангиз тилхат асосида берасиз, тўғрими? Ёзув-чизувлар амалда қўлланмаган пайтлари ярим метрлик бир узун чўп кафолат вазифасини бажарган. Савол: қандай қилиб?

41. Тўрткул шахридан Пирматова Гулсара, бизнес-мактаб талабаси.

Савол жуда оддий. Европада транспортларнинг тезлиги жуда баланд. 80-90, 100 ҳатто ундан ҳам юқори ўртача тезликка эга шаҳарлар бор. Европанинг ривожланган давлатларидан бирида шундай катта шаҳри борки, у ердаги 100% транспортлар ҳаракати соатига ўртача 15 кмдан ошмайди. Савол: у қайси шаҳар?

42. Тошкент вилояти, Келес шахридан Нодир Юсупов, мактаб ўқувчиси.

Ёзувчи Рэй Бредбери унга ўта жиддий оҳангда Лос-Анжелес мэрилигига ўз номзодини кўрсатишни таклиф этади. У эса ҳазиллашиб, «Мен ўзим қирол бўлсам, мэрилик менга нега керак» деб жавоб беради. Ҳақиқатан ҳам у 1955 йилдан мамлакатда ўз ҳукмронлигини ўрнатган эди. Савол: шаҳар мэрилигини менсимаган у қирол ким эди?

43. Қарши тумани, Қозоқ қишлоғидан Ойбек Қурбонов.

Афлотуннинг ёзишича, бундай жойларни кўриш давлат учун бурчдир. Қадимги Римда ҳатто қўлларни ҳам маълум кунлари бу жойга боришлари мажбурий эди. Айниқса, файласуф-нотиқлар у жойга тез-тез бориб туришган. Савол: у жойнинг номи нима?

44. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Шопўлат қишлоғидан Шерали Искандаров.

Аҳмад ал-Фаргоний таълимотларида «Узатаман, аммо яратмайман!», деган фалсафий фикрлар мавжуд. Ал-Фаргоний ҳазратлари нимани яратмасликларини аниқ айтганлар?

45. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Охунбобоев хўжалигидан Меҳрибон Бекиева.

Сандиқча ичидаги нарсани бизда илгари одамнинг жинси ва ёшига қараб турлашган. Эркакларники — мардона, аёлларники — заифона, болаларники — бачкана деб номлашган. Савол: сандиқчада нима бор?

46. Тошкент шаҳридан Мурод Ризаев.

XVII асрда Англияда чорвачилик ривожланганлигини биласиз. Чўпонлик касби энг «ёгли» ишлигидан ҳам хабарингиз бор. Ана шу касбга, бир ўринга ўн та номзод талабгор бўлган. Шу боис ҳайъат аъзолари танлов орқали энг муносиб номзод қабул қилганлар. Бу танлов мусобақага айланиб кетган. Бўлғуси чўпонлардан шундай ҳаракатлар талаб қилишганки, кейинчалик бу оммалашиб спорт турига айланиб кетган.

Чўпонлар танлови қайси спорт турига асос солган?

47. Урганч шаҳридан Сафар Отамуродов, талаба. Интернет саволи.

Япония шаҳарларида шундай ўқув курслари мавжудки, фақат 36 та номзод қабул қилинади. Танловда юзлаб номзодлар қатнашади. Номзодлардан қўшиқ айтиб бериш, рақсга тушиш, расм чизиш, ҳатто турли спорт мусобақаларида иштирок этиш ҳам талаб этилади. Ҳатто, турган автомобиль юрадами, ё бузуқми, деган турли мантиқий

саволларга ҳам жавоб беришлари керак. Савол: танлов қаерда бўлаяпти?

48. Қашқадарё вилояти, Гузор тумани, Чумичли қишлоғидан Анвар Жўраев.

У жаҳонгашта бойваччанинг лақаби «Дайди олим» эди. Унинг бир ихтиросини ва бошқа ихтирочиларга хайрихоҳлигини бутун дунё тан олган. Жуда кўп юртларда бўлган, жуда кўп тилларни билган «Дайди олим» ким?

49. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Бошдархон қишлоғидан Нафисахон Тожиева.

Улар алдаган кишини ёқтиришмайди. Аммо ўзлари ҳам нуқул алдайдилар. Алдаш — касбнинг моҳияти. Алдагани сайин кишиларнинг уларга ишончи ортади. Савол: улар кимлар?

50. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидан Наргиза Худойқулова.

Савол тушунарли бўлиши учун тасвир орқали берилади.

Савол: нега богбонлар кеч кузда ёнғоқ ё бошқа меваги дарахтларнинг танасини иссиқ мато билан ўраб қўйишади?

51. Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Бешкент хўжалигидан Бекзод Худойбердиев.

Французлар Шанкартда, англизлар Ньюленде, немислар Мейер номи билан аталиши керак эди дейишади. Савол: у бутун кимнинг номи билан аталади?

52. Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани, Халқобод хўжалигидан Маҳбуба Ҳайитова.

Психологлар у орқали ҳам киши характери-
ни бемалол аниқлашган.

Биринчисидан — яхши дўстлар кўпроқ чиқиши-
ни аниқлашган. Иккинчисидан — ортиқча талабчан,
асаби таранглар, учинчисидан — кўпроқ раҳбар ва
ижодкорлар, тўртинчисидан — кўпроқ даҳолар,
мутафаккирлар. Савол: инсон характери-
ни нимага асосланиб аниқлаганлар?

**53. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Оҳакчи
қишлоғидан Шомамат Инояттов.**

Инглиз файласуфи Френсис Бекон: тўрт жиҳат
жаҳондаги мавжуд нарсаларни ўзгартириб, улкан
янгиликларни бошлаб беради: биринчиси — қоғоз,
иккинчиси — китоб босмаси, учинчиси — порох ва
сўнггисини бир дақиқа ичида топиб айтасизлар.

**54. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Пойтуй
қишлоғидан Абдулло Халилов.**

Яна Алишер Навоийга мурожаат қиламиз.
«Фарҳод ва Ширин» асарида уларнинг хизматини
Ватан ҳимоячилари хизматига тенглаштирганлар.
Қаранг-а! Хўш, Навоий бобомиз бу қадар ша-
рафлаган касб соҳиблари кимлар бўлиши мумкин?

55. Қўқон шаҳридан Илҳомжон Ҳайдаров.

Тасканиялик машҳур ҳайкалтарош Жони Гонелли
ўз ҳайкалларини қоп-қоронғи ертўлада ясар экан.
Савол: ҳайкалтарош нима сабабдан ертўлада ижод
қилган?

**56. Наманган шаҳри, Чархий кўчаси, 78-уйдан
Холдоров Мадамин.**

Тундрада, умуман шимолда асосий транспорт
— бугулар. Узоқ ва хавфли экспедицияларга эса

ит қўшилган чаналарда юришади. Савол: нега узоқ сафарларда бугу эмас, итлардан фойдаланишади?

57. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Ибн Сино фермер хўжалигидан Усмон Розиков.

Турмушда сиз билан биз ҳар куни унга дуч келамиз. Қурилиш стандартига мувофиқ у хонада 15 кишидан ортиқ киши ишласа ё яшаса, албатта, бошқача кўринишда бўлиши керак. 15 кишига етмаса, аксинча бўлиши мумкин. Савол: қандай стандарт ҳақида гап кетмоқда?

58. Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Ҳамид Олимжон хўжалигидан Худойқул Эркабоев.

Марҳамат «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги нарсага шоирлар кўп ўхшатишлар қилишган. Масалан, Шавкат Раҳмон унга «Ернинг қонга бўялган мушти», деб таъриф берган. Савол: сандиқчада нима бор?

59. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Навоий хўжалигидан Юлдузхон Арслонова.

Самурайлар мактабига оёқ-қўли бақувват бўлган болалар қабул қилинган. Мабодо асирга тушиб қолса, оёқ-қўлдан ташқари яна бир аъзо зарур бўлган. Қайси аъзо?

60. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Амир Темур хўжалигидан Рамазон Хонкелдиев.

Ҳиндлар ўз зиммасига олган бирор юмушини хавф-хатарсиз бажармоқ учун шу ишни қилиб юришади. Ҳатто ҳинд космонавти Раки Шарма фазога кўтарилаётганда ҳам шу амални бажариб олган. Савол: бу фақат ҳиндларга хос қандай амал?

61. Топшкент вилояти, Топшкент тумани, Навоий хўжалигидан Ҳикматилла Тойиров.

XVII-XVIII асрларда Лондон кўчаларида ёмғир-пўш (зонтик) кўтариб юриш хавфли ишлардан бири эди. Негадир зонтикли кишиларни извошчилар ёқтиришмас эди. Кимнинг зонтиги бўлса, арава билан туртиб кетиш, жароҳат етказиш ҳоллари жуда кўп учраган. Савол: нега извошчилар зонтикли кишиларни ёқтиришмаган?

62. Топшкент шаҳри, Юнусобод тумани, 10-мавзедан Гулбаҳор Ёқубова.

Германияда XIX асрда шундай қонун ҳукм сурган. Уларнинг врач, педагог, судья, парламент депутаты бўлишга ҳақлари бўлмаган. Савол: қайси тоифа эркакларда бундай ҳуқуқ бўлмаган?

63. Наманган шаҳри, Навбаҳор қўргони, 90-ўйдан Абдувосит Комилов.

Ҳотамтойдан «Ўзингиздан ҳам сахий кишини учратганмисиз?» – деб сўрашибди. У жавоб қилибди: «Сафарда пайтимда бир йигитнинг хонадонида меҳмон бўлдим. Унта қўйидан биттасини сўйиб олдимга пишириб олиб келди. Мен қўй гўштининг бир жойидан озгина олиб едим ва «ширин экан» дедим. Шунда йигит «ҳозир келаман» деб чиқиб кетиб, бир ишни амалга ошириб келдики, унинг қилган ишини 500 қўй билан тақдирладим.» Савол: йигит чиқиб қандай ишни бажариб келган?

64. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Амир Темур хўжалигидан Собит Ашуров.

Виктор Гюго ўзини қўними йўқ инсон деб биларди. Шу туфайли ўзини телба кўринишларга солиб юрарди. Масалан, сочининг ярмини олдириб,

ярмини олдирмай юрарди ва ҳ.к. Ёзувчи нега ўзини бунақа аҳмоқона кўйларга солар эди?

65. Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидан Назрулла Қодиралиев, фермер.

Қаттиқ қўрққан одам ярим ўлик ҳолига тушар экан. Негадир инсон қўрққан пайтида унга алоҳида мурожаат қиламиз. Савол: қўрққан одамга қандай мурожаат қиламиз?

66. Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидан Раиса Эшнӣёзова, кутубхоначи.

Лондонда археологияга, тарихга, этнографияга оид қимматбаҳо китоблар сақланадиган музей-кутубхона мавжуд. Қизиги шу ердаки, китоблар давлат томонидан ўғрилардан ташқари яна бир нарсадан қаттиқ қўриқланади. Бир хил — сариқ кийимда юрадиган махсус гуруҳ бўлиб, улар китобларни ҳимоя қилишади. Савол: нимадан ҳимоя қилишади?

67. Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Сайхунобод хўжалигидан Юнусали Салимов, молия ходими.

Эрнест Хеменгуэй қувваи ҳофизаси, яъни хотираси паст кишиларга нисбатан махсус таъриф келтирган. Савол: хотираси паст кишиларни қандай кишилар деб таърифлаган?

68. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Тошработ хўжалигидан Шукрилла Иброҳимов.

Шогирд чўпонлар мустақил бўлиши учун, яъни ҳақиқий чўпон бўлиб етишиши учун қўй боқишдан ташқари жуда кўп касблардан хабардор бўлиши керак. Лекин айнан қўйлар билан боғлиқ 2 та

касбни мукаммал билмаса, «уста чўпон» номини ололмайди. Савол: қайси касбларни мукаммал билиш керак?

69. Хоразм вилояти, Хива туманидан Элбек Болтаев, лицей ўқувчиси.

Муқимий домла ўз шеърларининг бирида ёзганлар: «У зоҳиду обид, фақир у бой демасдан, ногаҳон оёғидан чалиб ерга йиқитадиган полвондир.» Савол: Муқимий полвон деб нимани назарда тутган. Уша нарсаси топилса, шеърнинг сарлавҳаси ҳам чиқади.

70. Навоий вилояти, Кармана шаҳри, Амир Темур кўчаси, 14-ўйдан Шерзод Санаев.

Маҳмуд аз-Замахшарий ўз ҳаётининг кузатишлари бўйича инсонга таъриф берадилар. «Инсоннинг ўша пайтда кўзлари гуё бошининг орқасига жойлашиб олади, нуқул орқага қарайди. Олдиндаги ҳеч нарсани кўрмайди.

Савол: аллома бу баҳони инсоннинг қайси даврига бераптилар?

71. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидан Абдумўмин Эшмуродов.

Ота-боболаримиз айнан уларда қуйидаги хислатлар бўлса танлаб олишган.

Ювош бўлса, калласи кичик бўлса, икки жағ суяги ораси кенг бўлса, бурун катаги йирик бўлса, қулоғи юпқа бўлса. Савол: ота-боболаримиз нимани ана шу жиҳатларига қараб танлаб олишган?

72. Хоразм вилояти, Янгибозор туманидан Муҳайё Абдураимова.

Рус шифокори Подвойский, уни дипломсиз, муҳрсиз, кабинетсиз ва бепул даволовчи шифокорга ўхшатади. Савол: у нимани шифокорга ўхшатган?

73. Тошкент шаҳридан Яйра Шодиева.

Қадимда балиқчилар негадир кечқурун овга чиқиб, эрталаб қайтишган. Нега улар одатдаги анъанани бузишган?

74. Тошкент вилояти, Бука шаҳридан Шариф Эгамбердиев.

1572 йили 24 августдан 25 августга ўтар кечаси Парижда, фитна оқибатида католиклар протестантларни қириб ташлашди. Савол: бу қиргин тарихда қандай ном билан аталган?

75. Андижон вилояти, Булоқбоши туманидан Бекзод Турақулов.

Уни Кипрда — Василий, Данияда — Юлеманден, Норвегияда — Юлебукк, Руминияда — Мош Жариле, Швецияда — Юм Темтен деб аташади. Савол: у бизда қандай аталади?

76. Бухоро вилояти, Ромитан туманидан Нодира Бозорова.

У кимёвий маҳсулотни тайёрлаш учун, албатта, ош тузи қўшилади, чунки нур, ультрабинафша нури ўтмаса, ривожланиш кам бўлади. Нурлар тўсилиб қолмаслиги учун ҳам унга ош тузи қўшиш зарур. Савол: қайси кимёвий маҳсулотга ош тузи ишлатилади?

77. Қашқадарё вилояти, Ғузур туманидан Олтибой Тоғаев.

Бухоро хонлигида Амир Олимхоннинг 5-10 чоғлик хизматчилари бўлган. Улар аёллар тилло-кумушдан ясалган заргарлик буюмларини уйма-уй юриб сотиш билан шуғулланишган. Савол: улар нима учун бу иш билан шуғулланишган?

78. Хоразм вилояти, Гурлан туманидан Исмоил Нурманов.

У сиёсий арбобнинг номи бизга лотинчадан ўтган. Савол: элчи маъносини англатувчи сўз бизда қандай аталади?

79. Қашқадарё вилояти, Китоб туманидан Чамангул Худойбердиева.

Амир Темур, Хисрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб. Юқоридаги инсонларни нима боғлаб туради?

80. Сурхондарё вилояти, Сарйосиё туманидан Гулшода Ғайбуллаева.

Амир Темур лашкарлари жанг пайтида темирдан, жездан ясалган совутлар кийиб юришган. Айтингчи, нимага бу совутларда майда-майда тешикчалар бўлган?

81. Бухоро шаҳридан Муталлиб Қурбонов.

Дунёнинг жуда кўп давлатларидан ташриф буюрувчи сайёҳлар Бухоронинг уста ҳунармандлари растасини айланишини хуш кўришади. Улар соатлаб зардўзларнинг, темирчиларнинг, кулолларнинг иш жараёнини завқ билан томоша қилиб ўтиришади, лекин негадир кўнчилар, тери ошловчилар олдида узоқ туришмайди. Савол: нима сабабдан?

82. Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидан Шарофиддин Норқулов.

Туғилиш коэффициенти буйича Кения давлати дунёда 1-ўринда турар экан. Савол: охирги ўринда қайси давлат туради?

83. Наманган шаҳри, Олмазор маҳалласидан Нигора Муҳитдинова.

Халқимизда «Деворнинг ҳам қулоғи бор» деган нақл бор. Ҳаётимизнинг бир жабҳасида деворда қулоқ борлигининг гувоҳи бўламиз. Бир эмас, бир нечта қулоқлар борлигини кўриб турамиз. Савол: қандай девор хусусида гап кетмоқда?

84. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридан Хосият Бўриева.

Ўтган асрда яшаган машҳур бир рассомининг исми қуйидагича: Диего Хосе Франциско де Пауло Хуан Непомукено Криспин Криспиано ла Сантисима Тринидат Руиз. Ушбу исми шариф тўлиқ бўлиши учун яна 2 та ном зарур. Уни бир дақиқадан сўнг сиз бизга айтасиз.

85. Тошкент вилояти, Пскент туманидан Турсунбой Бегалиев.

XX аср бошларида киностудияларга актёрлар номига хатлар келарди. Негадир кимгалиги аниқ ёзилмасдан, «Мўйловли кишига, сариқ костюмдаги актёрга, жингалак сочли гўзалга» деб манзилига ёзиб қўйиларди. Савол: нега мухлислар уларни номлари билан атамас эдилар?

86. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Охунбобоев хўжалигидан Мунаввар Жумаева.

Орангизда ким Хитойда бўлган? Хитой кўчаларидаги энг чиройли жойларда шириндан шакар болакайларнинг расми илиб ташланган. Негадир барча шундай расмларда битта рақам ёзиб қўйилган. Савол: қайси рақам ва нима учун ёзиб қўйилган?

87. Хоразм вилояти, Урганч шаҳридан Санъат Жуманиёзов.

Бу орол-давлат гербида «Ҳар томондан минг миля» деган ёзув бор. Ҳақиқатан ҳам бу оролга қайси томондан бўлмасин 1000 миля юрасиз. Савол: Франция молия вазири номи билан аталувчи қайси орол-давлат ҳақида гап бормоқда?

88. Бухоро шаҳридан Ғайрат Абдуллаев.

Қадимги Юнонистонда ҳам айрим иероглиф белгилар бўлган. Ҳалигача ишлатиладиган бир белги бор. Юнончада «Худо ўзи асрасин» дегани. 1 дақиқа ичида бизга ҳозирги врачлар ишлатаётган белгини чизиб беринг.

89. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эскиқовунчи қишлоғидан Бадриддин Зайнитдинов.

Тиббиётда иммунитет сўзи қандай маъно англатиши сизларга маълум. Тасаввур қилинг, қадимги Римдасиз. Дейлик, мен Рим лашкарбошисиман. Ҳабибулла лашкар. Ҳабибулла! Эшитаман, демайсизми? Сизга мен иммунитет эълон қиламан. Савол: лашкар Ҳабибулла нимага эга бўлди?

90. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қосимов кўчаси, 5-уйдан Зафар Усмонов.

Қаршингизда VIII-IX аср мўғил фуқаролари турибди. Уларни диққат билан кузатинг. Улар бир-бирларини ҳидлашади. Савол: улар бу билан қандай амални бажаришди?

91. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Бачки қишлоғидан Жуман Ҳасанов.

У бешта равон йўлнинг ўз калити бор. У йўлга белгиларни хоҳлаганча қўйишингиз мумкин. III-IV аср илгари қўйилган белгилар бугун ҳам гализсиз ўқилмоқда. Нима ўқилмоқда?

92. Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Учтепа қишлоғидан Учқун Тожиев.

Данияликлар бир иборани қайтаришни яхши кўришади: «Бизда иқлим ҳам, табиат ҳам, бойлик ҳам, ер ҳам етарли. Аммо шведлар бир нарсда биздан кўра омадлироқ, уларда 4 та бўлса, бизларда бор-йўғи битта». Савол: данияликлар нимаси битта эканидан афсус чекишмоқда?

93. Тошкент вилояти, Газалкент шаҳридан Турсунпўлат Деҳқонов.

Фалончи, сиз ҳаётингизда совға олганмисиз? Кўпроқ сизга нима совға қилишган? Франциянинг «Монд» журнали ҳукумат раҳбарлари бир-бирларига кўпроқ нима совға қилишини тадқиқ этибди. Ҳукумат бошлиқларига ўз мамлакати тарихига оид адабиётлар, қўлёзмалар совға қилишар экан. Ундан сал кўпроқ тилла соат, тилла занжир ёки олмос, ёқут каби қимматбаҳо тошлар совға қилишар экан. Лекин, кўп ҳолатларда раҳбарлар бир-бирига шундай совға тортиқ қилишар эканки, бу совға раҳбарларга хос тушунилади. Савол: бу қандай совға?

94. Жиззах вилояти, Фориш тумани, Бавд кўрғонидан Илҳом Беркинов.

Леонардо да Винчи ёзган: «У ўрмон фарзанди ҳисобланади. Уни ота-онасидан ажратиб олишгач, ишлов бериб ўзгартиришгач, яна аждодлари бағрига, ўрмонга қайтади. Аммо энди уларга душман бўлиб қайтади». Савол: у нима?

95. Жиззах тумани Ҳамид Олимжон хўжалигидан Ойсафар Тиллабоева.

Уруш, жангу-жадаллар, чуқур тактикани талаб этади. Қадимги Миср, Рим, Юнон лашкарларидан

тортиб, Амир Темур, Шайбонийхон, Наполеондан тортиб, Гитлер армиясигача қўшинни бир хил рангда кийинтириш катта аҳамиятта эга бўлган: 1) қўшиндаги интизомни, тартибни белгилаган; 2) рақибдан ажралиб туриши керак бўлган; 3) бир хил рангда жангга киришган армиянинг яна бир ютуғи бўлган. Савол: қандай ютуғи бўлган?

96. Сирдарё тумани, Боғаро маҳалласидан Яраш Ҳақназаров.

Уни араблар «курсуф», қадимий мисрликлар «корсизион», хитойликлар «кусань» деб аташган. Европа эса бу нарсадан бир оз кейинроқ воқиф бўлган. Негадир аввал бошда у Европада «баромитц» ёки «дарахт қўзиси» деб аталган. Савол: бизда у қандай аталади?

97. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Соҳилобод хўжалигидан Ҳабибулло Турғунов.

«Заковат» интеллектуал ўйини у нарсадан чексиз миннатдор. У нарсадан Ватикан давлати ҳар йили энг ками 50 млн. долларлик сотади. Лихтенштейн давлати даромадининг бир қисми ҳам айнан ўша нарсанинг савдосидан келиб тушади. Савол: «Заковат» ўйинига ижобий таъсирини ўтказиб келаётган қандай нарса сўралмоқда?

98. Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Богалон қишлоғидан Шаҳло Шомуродова.

Финляндияга бориб келганларнинг айтишича, агарда сиз бир ерга тош отмоқчи бўлсангиз, тош қидириб овора бўлманг. Чунки у ерда тошдан ҳам сероб нарса бор. Бемалол уни улоқтиришингиз мумкин.

Савол: нимани улоқтиришингиз мумкин?

99. Навоий вилояти, Нурота шаҳри, Баҳор кўчаси, 31-уйдан Раъно Самиева.

Амир Темур бобомиз ҳар бир лашкарга ҳам, пиёда навкарга ҳам биттадан от берар эди. Отлиқ лашкарга-ку маълум, пиёдага-чи? Пиёда аскар отни нима қилади?

100. Бухоро вилояти, Олот тумани, Пахтакор хўжалигидан Озодбек Явмутов.

Рим лашкарбошилари ўзлари билан катта-катта жангларга ҳайкалтарошларни ҳам олиб юришган. Урушда мардлик кўрсатган жангчи ё зобитни рағбатлантириш мақсадида уларнинг ҳайкали ясалган. Одатда бир ҳайкал ясашга бир неча ҳафта ё бир неча ой зарур. Улар бир ё икки кунда ҳайкални тайёрлашган. Савол: ҳайкалтарошлар бу ишни қандай уддалашган?

101. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мардлик кўчаси, 35-уйдан Шухрат Ёвмиддинов.

Италиянинг пойтахти Рим жуда қадимий шаҳарлардан саналади. Рим ҳақида жуда кўп таърифлар келтирилган. Ёзувчи Данте «Илоҳий комедия» асарида Рим сўзида муҳаббат яширинганини исботлаб берган. Фурқат, жамоангиз билан бир дақиқадан сўнг Дантенинг хулосасини бизга изоҳлаб беринг.

102. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Бекпўлатов кўчаси, 20-уйдан Мансур Қиличев.

Марҳамат, қадимги Бобил расми ёзувлари олиб чиқилсин. 1-суратда кўз ва сув тасвирланган. Бу йиғи маъносини билдиради; 2-суратда қуш ва тухум тасвирланган. Бу кўпайиш, туғилиш маъносини

англатади; 3-суратда юлдуз ва сув тасвирланган. Бунинг маъносини аниқланг.

103. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Оқтош қишлоғидан Комилжон Қаршиев.

Қўшработлик миришкор деҳқонлар тарвуз пайкалида пишаётган тарвузларнинг ёнига кичкина идишчаларда сув солиб қўйишар экан. Айтинг-чи, нима мақсадда бу усул қўлланилади?

104. Андижон вилоятидан Тўхтасин Раҳматуллаев.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин.

Азалдан, шарқда аёллар эркакларга ўз ҳурматларининг белгиси сифатида сандиқчадагининг биринчисини ясашган. Эркаклар ҳам аёлларга безътибор эмасликларини, қолаверса, аёллар олдида ўз хокисорликларини билдириб, иккинчи нарсани фақат эркаклар ясашган. Сандиқча ичидаги ҳар иккала нарсанинг нима эканини ўта аниқликда топиб айтинг.

105. Тошкент шаҳридан Умида Расулова, япон шеърояти мухлиси.

Япон шоираси Идзуми Сикуби бир неча ой давомида, ҳар ойда биттадан хокку ёзиб борган. Сизга биринчи ойда ёзган биринчи хоккусини ўқиб бераман:

*Умид ўрнини ҳақиқат эгаллаб,
Бирдан ҳаётга ҳавасим
Ва хавотирим ошди.*

Сезган бўлсангиз, шоира умиди ҳақиқатга юз бурган. Савол: эса қуйидагича: Идзуми Сикуби ҳаммаси бўлиб шу мавзуда нечта шеър битган?

106. Навоий шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 98-уйдан Латофат Ғрмонова.

Гарчи Франция Республика саналса ҳам, монархия эмас, 50 франк пул купюрасида шаҳзода тасвирланган эди. Бу 1999 йилгача бўлган маълумот, албатта. Айнан шу 50 франкдаги купюрада шаҳзодадан ташқари ўрта яшар бир инсон ҳам тасвирланган эди. Бу киши том маънода шаҳзоданинг отаси эди. Сиз менга айнан шу ўрта яшар кишининг исм-шарифини айтинг.

107. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Баҳор маҳалласидан Гавҳар Бойқулова.

Леонардо да Винчининг «Оқ сувсарли аёл» асарида ҳайвон мўйнасини елкасига ташлаб олган аёл тасвирланган. Леонардо да Винчи даври аёллари уни нафақат чирой ёки бойликни кўрсатиш учун тақишган. Ҳатто камбағал аёллар ҳам арзон-гаров мўйналардан бўйинларига ташлаб юришган. Хўш, мўйналарнинг зеб бериндан ташқари яна қандай вазифаси бўлган?

108. Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Аваз Ўтар хўжалигидан Зуфар Ортиқов.

Сизларнинг жамоангиз овчилар тўғрисидаги саволларни хўш кўради. Хусусан, Фурқат Қурбонов. Фурқат, тасаввур қилинг, сиз мўйнали ҳайвонларни овловчи овчисиз, тасаввур қилдингизми? Энди сизга шундай савол: йилнинг қайси пайтида сиз уларни кўпроқ овлайсиз?

109. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Иванова кўчаси, 15-уйдан Сарвар Абдужалилов.

Файласуфлар фикрлари анчадан бери ўйналмаяпти. Шарқ файласуфларидан Бузрукмеҳр:

«Насиҳатгўйлар менга ҳўп насиҳат қилишди, аммо менинг энг зўр насиҳатгўйим удир» деб айтган. Сизган бўлсангиз, у қайсидир тана аъзосига ишора қилган. Бузрукмеҳр фикрича, энг доно насиҳатгўй нима экан?

110. Тошкент вилояти, Бўка тумани, Амир Темур хўжалигидан Мухтор Акмалхўжаев.

XIX асрда яшаб ижод қилган италиялик рассом аёл Вера Анколини ўз асарларига «Ҳақиқийлигига кафолат бериб, Вера Анколини» деб имзо чеккан. Айтинг-чи, нега бу хилда имзо қўйган?

111. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Иванова кўчаси, 15-уйдан Сарвар Абдужалилов.

1971 йилда чоп этилган «Ўзбек энциклопедияси»да герман қабиалари ҳақида гаройиб маълумот берилган. Қадимги герман халқлари фақат кечаги куни ва бугуни билан яшашган, улар келажаги, эртанги кунини ўйлашмаган. Балки ўйлашгандир, аммо келажаги ҳақида гапира олишмаган. Савол: шундай: нега бу халқлар келажаги ҳақида гапира олишмаган?

112. Борис Бурда саволи.

Немислар ишлаб чиқарган маҳсулотлар энг сифатли ҳисобланади. Немислар орасида севимли «Блюмен кафе» деган ибора бор. Бу «гулли қаҳва» дегани. Гулдан кофе олиб бўлмайдир дерсиз. Сиз ҳақсиз. Аммо Борис Бурда сўрамоқда, немислар ичаётган кофеларини қачон «Блюмен кафе» деб аташади?

113. Фаргона шаҳри, Юсупов кўчаси, 29-уйдан Ҳафиза Улуғбоева.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидаги зарур предметга жуда кўп таърифлар берилган. Масалан, япон драматурги Рюнеске Акутагава у билан ўта жиддий муносабатда бўлиш кулгили, енгил-елпи ёки аҳамиятсиз нарсасдек қараш эса хавфли, деган. Биз бу предметни сандиқча ичига солиб чиққанмиз.

Сандиқчада нима бор?

114. Олий лига ўйинлари учун Борис Бурда томонидан юборилган саволлардан бири.

Марҳамат, Репиннинг «Турк султонига хат ёзаётган казаклар» сурати олиб чиқилсин. Илья Репин бу суратни чизиш учун, уларнинг ҳаётларини яхши ўрганган экан. Халқ тўпланиб, онда-сонда бир машгулот билан шугулланиб турган. Бунинг ўртадаги ярим яланғоч одам мисолида ҳам исботлаш мумкин. Чунки у машгулот пайтида, албатта, бир одам ярим яланғоч ўтириши талаб этилган. Ҳурматли билимдонлар, энди саволни эшитинг, хат ёзишдан аввал улар нима билан машгул бўлишган, ўртадаги одам нега яланғоч ўтирибди?

115. Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, Қиличбек қишлоғидан Азизбек Жуманов.

Ҳурматли билимдонлар, тасаввур қилинг, сиз мени ҳурмат қиласиз. Ё ҳурмат қилмайсизларми? Жим бўлиб қолганинглардан ҳайрон бўлаяпман-да. Бир оғиз сўз айтмай ҳам сиз менга ҳурмат билдиришингиз мумкин. Бунинг устига сиз менга соғлиқ ва бойлик тилашингизни ҳам билдириб қўясиз. Тўғри, бунинг исботловчи воситалар олдингизда йўқ, ташқарида турибди. Яхшилаб ўйлаб кўриб айтинг, бир дақиқадан сўнг ташқаридан нималарни олиб кирамиз?

116. Наманган шаҳридан Алишер Тошбоев, 21-умумтаълим мактабининг тарих ва ҳуқуқ таълими муаллими.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, 2007 йили Рим папаси Бенедикт XIV нинг ташаббуси билан Милан шаҳрида мўъжазгина ибодатхона қурилди. Унинг очилиш маросимида шахсан Ватикан раҳбарининг иштирок этишига 2 та сабаб бор эди: биринчиси — бу лойиҳа Рим папасиники бўлиб, Ватикан давлати қуриб берган эди; иккинчи сабаб — бу мўъжазгина ибодатхонадан фойдаланувчи диндорларга чуқур ҳурмат белгиси эди, яъни ибодатхона ичида биронта ҳам устун йўқлиги ва кириш-чиқиш эшиклари силлиқ ёғочдан бунёд этилганлиги диққатга сазовордир.

Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, бу ибодатхона зиёратчилари кимлар бўлган?

117. Наманган шаҳридан Алишер Тошбоев, 21-умумтаълим мактабининг тарих ва ҳуқуқ таълими муаллими.

Агар сизга булоқ сувини ёки ботқоқликда тўпланган сувни ичишни таклиф қилишса, сиз ҳам, бошқалар ҳам, албатта, булоқ сувини танлайди. Ботқоқликдан олинган сувни булоқ сувидан устун қўювчи бир соҳа кишилари бўлган. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг бу касб эгалари ким эканлигини ва нима учун ботқоқ сувини маъқул кўришганлигини топиб айтасиз.

118. Бухоро шаҳридан Мадина Шавқиддинова.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Қадимдан денгизчиларда энг катта муаммо бу ичимлик суви захираси бўлган. Кўп ҳолларда

ўзларича денгиз сувини чучуклаштириш услубларини ҳам топишган. Масалан, юнон денгизчилари кемада қоплаб қум олиб юришган. Мажбурликдан денгиз сувини олиб, ичига бирон соатга қум солиб қўйилса, сувнинг шўрлиги пасайган ва уни истеъмол қилиш мумкин бўлган. Худди шу мақсадда шимолий қутб денгизчилари ўзлари билан сандиқчадаги предметни олиб юришган. Савол: шундай: сандиқчада нима бор?

119. Топшкент вилояти, Пскент тумани, Топшкент хужалигидан Зикрилла Холиқназаров, жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Ўзлари спорт мутахассиси бўлганлари учун, у кишини спорт тарихи қизиқтирар экан. 1891 йилдан АҚШда баскетбол ўйини мусобақалари ўтказила бошланган. Майдонда 2 та жамоа аъзолари ва ҳакамлардан бошқа яна 2 киши ҳам бўлган. Айтингчи, улар майдонда қандай вазифани бажаришган?

120. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усмоний кучаси, 53-уйдан Таваккал Шодиев.

Тасаввур қилинг, XIX аср охирлари Лондондаги ўт ўчириш шахобчаси ходимларисиз. Ғанишер — отряд бошлиғи, Саидолим ва Зафар сув захираси билан шугулланади. Саидкамол билан Нозим от-араванинг тайёргарлигига жавоб беришади. Асрорга эса махсус, унга мос бир вазифа топширилади. Энг масъулиятли вазифа. Айнан Асрорга кўп нарса боғлиқ бўлган. Ҳурматли билимдонлар, савол: Асрорнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

121. Бухоро шаҳридан Тўлқин Аълоев, гид-эксперт.

Амир Олимхон саройида бир лавозим бўлган, ҳатто унга полковник унвони ҳам берилган. Хонга

ундан яқин киши бўлмаган. Фақат у хонга орқа қилиб ўтиролган. Савол: унинг вазифаси нимадан иборат бўлган?

122. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Светлов кўчаси, 33-уйдан Шоҳида Топбекова.

Бу савол экран орқали тайёрланган.

Ўрнатли билимдонлар, бу ерда ресторан ходимлари дастурхонни ювишаётгани йўқ. Кўргангиздек, улар дастурхонларни ҳўллаб ёзишмоқда. Албатта, ҳўл дастурхонда овқат ейиш бироз ноқулай. Аммо бу ресторанда столларга нам дастурхон ёзишни шароит тақозо этади. Ўрнатли билимдонлар, айтинг-чи, бу рестораннинг бошқа ресторанлардан фарқи нимада?

123. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мардлик кўчаси, 35-уйдан Зухриддин Ёвмиддинов.

Маълумки, регби ўйинида 15 тадан ўйинчи иштирок этади. Тасаввур қилинг, мен ўйин ҳакамиман. Ўйин пайтида ҳавода тўртбурчак ясаб бир ҳаракатни кўрсатаман. Бу ҳаракатни ўйинчилар ҳам, томошабинлар ҳам яхши билишади. Регби ўйини ҳакамининг ўйин пайтидаги бу ҳаракатидан қандай маъно ясаш мумкин?

124. Наманган вилояти, Ўйчи тумани, Мевазор кўчаси, 16-уйдан Турғун Одилхонов.

Ярим тунда сариқ либосдаги Хитой роҳиб талабалар ухлаётган хонага кириб келади. Бир талаба тепасида тўхтади. Ўрнатли билимдонлар, тасаввур қилинг, биз будда роҳиблари тайёрлайдиган ибодатхоналардан бирининг талабалар дам оладиган хоналаридан биридамиз. Айрим ҳолларда устозлар ярим тунда талабалар ухлаётган хоналарга

киришган. Ширин ухлаб ётган талаба тепасига келиб... Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, бу роҳиб-устоз ярим тунда талаба тепасига нима сабабдан ташриф буюрди деб ўйлайсиз?

125. Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани, Кенжаев кўчаси, 19-ўйдан Мансур Бўриев.

1600-1610 йиллар орасида Францияда 2000 дан ошиқ зиёли ва ҳарбийлар нобуд бўлишган. Улар орасида биронта ҳам деҳқонлар ё ҳунарманднинг йўқлиги диққатга сазовор. Савол: нега 2000 дан зиёд шахидлар орасида деҳқонлар бўлмаган?

126. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Норин маҳалласидан Роҳила Устабобоева.

Англияда анча олдин қабул қилинган бу қонун бугун ҳам бекор қилинмаган. Унга кўра сиз билан боғлиқ бирор нохуш ҳолат ҳақида текширув органларига ариза, воқеа содир бўлган куннинг эртасига қабул қилинади.

Айтинг-чи, нега ўша куни эмас, эртасига қабул қилинади?

127. Наманган вилояти, Чуст тумани, Пахтакор кўчаси, 61-ўйдан Нажмиддин Абдулҳафизов.

Араб алкимёгари Жаббор ибн Ҳайян кимё фанига ўзгартириш киритиб, олтин табиатда бу икки унсурнинг бирикувидан ҳосил бўлади, деб башорат қилган. Ана шундан қуёш ва ой алкимёгарлар рамзига айланган дейди. Ибн Ҳайян улардан бири ранги билан ҳам қуёшга ўхшашини, иккинчиси ҳам ранги, ҳам вазни билан ойга жуда ўхшаш эканлигини исботламоқчи бўлган. Айтинг-чи, у қайси икки кимёвий унсур ҳақида башорат қилган?

128. Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Дўстлик хўжалигидан Муслимжон Худойқулов.

Марҳамат, 2 дона товуқ тухуми олиб чиқилсин. Бир дақиқадан сўнг уларни столда айлантириб, қайси бири пишгану, қайси бири хом эканлигини топасиз. Ва нега биттаси узоқ айланмаётганини изоҳлаб берасиз.

129. Тошкент шаҳридан Абдулазиз Ўринбоев, қандолатчи-опшаз.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Абдулазизжон, сизлар билан новвот тайёрламоқчи бўлибдилар. Новвот Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган ширинлик ҳисобланади. Қозонга 2 улуш шакар ва бир улуш сув соламиз ва милтилатиб қайнатиш йўли билан шарбат ҳосил қиламиз. Бироз тиндириб яна қайнатишни бошлаймиз. Иккинчи бор қайнатишдан олдин унга яна бир нарса қўшилади, оз миқдорда. Ана ундан кейин ип тортилиб новвот олинади. Ҳурматли билимдонлар, иккинчи қайнатишдан олдин оз миқдорда солинадиган маҳсулот сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

130. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғидан Озодбек Ёмғиров. (Савол экран орқали берилади.)

Бошловчи Эски шаҳар кўчаларида юради. Айрим эшиклар олдида сув челақлари турганини кўради: Ҳурматли билимдонлар, тасаввур қилинг, XIX аср ўзбек маҳаллаларидан биридамиз. Айрим эшиклар олдида челақларни кўриб ҳайрон бўлишимиз мумкин. Аммо, ўша давр кишилари бу ҳолатни тўғри баҳолай олишган. Ҳурматли билимдонлар, челақларни бу ҳолда туриши хонадондаги қандай вазиятни билдиради?

131. Наманган шаҳри, Уста Маҳмуд кўчаси, 66-уйдан Камолиддин Насимов.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичида бир япон топишмоғининг қаҳрамони турибди. Бир умр битта кўйлақда яшаб ўтган ичи қорани сиз албатта кўргансиз. Умрининг охиригача ичи қоралигича ўлиб кетадиган нарса сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

132. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон 11-тор кўчаси, 39-уйда яшовчи муҳлис саволи, интернет орқали юборилган.

Саъдий Шерозийнинг тўрт қатор шеърини эшитинг. Саъдий ўз даврида Ҳажга бориб келган бир амалдор ҳожига нисбатан айтганлари:

*Зулм ичра халқ терисин шилган ўшал ҳожига,
Менинг номимдин бориб икки оғиз сўз дегин.
Сен ҳожи эмас, балки ҳожи эрур туянг,
Чунки тикан овқати, кўтарар одам юкин.*

Саъдий Шерозий туяга қаноатли ё бардошли бўлгани учун ҳожи унвони бермаган. Хўш, айтинг-чи, қайси хизматлари учун муаллиф туяга «ҳожи» унвонини берганлар?

133. Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Хоразм кўчаси, 18-уйдан Мирзабек Жапақов.

Биласиз, Хоразмда қиш қаттиқ келади. Қаргалар қишда бирон дарахт шоҳларига гала-гала қўниб тунашади. Қишда қаргалар тунаган айрим мўртроқ дарахтлар шоҳлари баҳорга чиқиб қуриб қолиш ҳоллари кузатилади. Совуқ уриб кетади. Айтинг-чи, нима учун бу шоҳлар қуриб қолади?

134. Янгиер шаҳри, Феруз кўчаси, 24-уйдан Ориф Аҳмедов, интернет орқали юборилган.

Германияда 1990 йилларнинг бошларида театрда кишиларни кўпроқ тушиши учун, уларга билетга қўшиб бир имтиёз ҳам берилган. Айнан театр билетига қўшиб берилган. Бундан мақсад, театрда кўпроқ томошабинни жалб қилиш бўлган. Айтинг-чи, бу қандай имтиёз?

135. Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Пулатчи маҳалласидан Орифжон Бобоназаров.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин.

Сандиқча ичида бир касб эгаларининг маҳсулоти турибди. Улар азалдан файласуфлар тили билан айтилганда: «Муқаддас тўрт унсурни ўзларига бўйсундирганлар», деб ном олишган. Сандиқчада ўша касб эгаларининг маҳсулоти саналмиш нима бор?

136. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидан Зоҳид Остонов, коллеж талабаси.

Чарм камзуллар XX асрга келиб русум бўла бошлади. Уларни оммалашишига учувчилар хизмат қилишди. Аммо Европада XVII-XIX асрларда айрим ҳарбийлардан ташқари, ҳеч бир фуқаро чармдан кийим кийишни хоҳламаган. Бу уларнинг хизмат кийими бўлган.

Энди саволни эшитинг, улар ким ва нега улар чармдан кийим кийишган?

137. Жиззах вилояти, Зомин тумани, Бирлих маҳалласидан Абдукарим Ёрбеков.

Ўзбек халқ мақолларидан бирини эшитинг:

Илон қувса ўрга қоч

..... қувса гўрга қоч – деган.

Илон ўрга, яъни тепаликка яхши ўрмалай олмас экан, шунинг учун. Мақолни иккинчи қаторидаги

ҳайвон унча-мунчага қувламайди, аммо бир қувиш қилса, жаҳл отига минса ундан қочиш амри маҳол. Аммо қабристонга кириб олсангиз, марра сизники, уни шиддат отидан тушира оласиз.

Савол: иккинчи қатордаги номи келтирилган ҳайвонни топинг.

138. Наманган шаҳри, Шоҳимардон кучаси, 45-уйдан Диловар Тожибоева.

Хитой файласуфи Чжу Си фақат 2 та қоида мавжуд: олий қоидани англамоқ ва уни ҳаётга тадбиқ этмоқ. Олий қоида ягона бўлсада, минглаб тарзда тарқалади. Ушбу таълимотни ҳаётга яқинлаштирадиган бўлсак, ўзи битта-ю мингларга бўлинади. Ёки аксинча, мингларни йигиндиси биттадир. Агар олий қоида ягона бўлса, қандай қилиб у мингларга бўлинади?

139. Қарши шаҳри, Ниёзий кучаси, 25-уйдан Сожида Раҳимова, ўқитувчи.

Ф.М.Достоевский «Жиноят ва жазо» романини очиб бериш мақсадида айрим ранглардан фойдаланган. Аянчли ҳаётни нурсиз сариқ рангда тасвирлайди. Судхур аёлнинг мебелли ва девордаги гул қоғозларни сариқ рангда тасвирлаган. Асардаги аниқ ижобий образ Соня Мармеладова Раскольниковнинг айбини ўзига олишга тайёрлигини ифода этиш мақсадида бир рангдаги рўмолда тасвирланади. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг нега уни адиб шу рангда тасвирлаганини изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг.

140. Тошкент шаҳридан Феруза Ибодуллаева, адабиётшунос-олима.

Қуйидаги шеърни эшитинг. Шеър муаллифи марҳум актёр ва шоир Леонид Филатов. Феруза Ибодуллаева таржимаси.

Агар дунёда бўлса иккита жонон йигит

Бири шубҳасиз у эрур.

Унинг эрмаги ит ва улов

Ва албатта гўзал аёллар.

Аёллар ҳам унга бефарқ бўлишмаган

Мен эса унга тупураман

Қайси мусиқани севганини-ю

Қайси ичимликни хуш кўрганини

Лаънатлайман умрим борича

Чунки у ...

Биз 2 та сўзни олиб ташладик. Ёрдам бераман, биринчи сўз фамилия, иккинчисида феъл, салбий ҳаракатни ифодалайди. Сиз бир дақиқадан сўнг уша 2 та сўзни аниқ топишингиз керак.

141. Бухоро вилоятидан Феруза Асадова, ўқитувчи.

Гомер даврида Қора денгиз энг серҳаракат ва энг хавфли денгиз ҳисобланган. Унда кемалар ҳаракати чекланган бўлган. Фақат ёздагина денгиз бир мунча сокин бўлган. Гомер «Илиада» достонида бир жумла, ибора ишлатиб кетган: «Қора денгизда 3 та хавфсиз гавань бор». Ҳурматли билимдонлар, сиз шу 3 та гавань номини аниқ қилиб топинг.

142. Топкент шахри, Қорақамиш даҳаси, 30-уй, 48-хонадондан Мурод Мўминов, пазада — ошпаз.

Саволлари ҳам ошпазлар ҳақида. Аниқроғи, Хитой ошпазлари ҳақида.

Хитойликларнинг ажойиб таоми лағмон ҳисобланади. Нимагадир лағмон пиширишни ўрганаётган ёш, тажрибасиз ошпазлар, хамирни тайёрлаб

бўлишгандан кейин, қулоқлари ун юқи бўлиб қолар экан. Саволим қуйидагича: нега тажрибасиз ошпазларни хамир ёйиш пайтида қулоқлари ун юқи бўлиб қолади?

143. Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ибн Сино кўчаси, 54-уйдан Собиржон Толипов.

Қишлоғимизда эски қудуқ бўлиб, ҳар йили баҳорда уни тозалаб турамиз. Унинг ичига тушишдан олдин эса қарияларни маслаҳати бўйича бир товўқни оёғига ип боғлаб, секин-аста қудуққа туширамыз. Ҳурматли билимдонлар, саволим қуйидагича, нима учун эски қудуқларга тушишдан олдин одамлар товўқни туширишган?

144. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Исломов кўчаси, 44-уйдан Усмон Аллаев.

Бу саволни аслида сандиқчада олиб чиқишимиз зарур эди. Лекин, эҳтиёт нуқтаи назардан сандиқчадан воз кечдик. Уильям Шекспирнинг у ҳақидаги фикрини эшитинг:

«Биллур девор орасидаги бу суюқ тутқундан аниқ фойдаланилса, кўп битмаган ишларни битказиш, хоҳлаган эркакни жазманга айлантира олиши мумкин». Шекспир биров ошириб юборган чамамда. Аслида у қопқон эмас, тамаддуннинг ёрқин кўриниши, холос. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи биз сандиқчага нима солиб чиқмоқчи эдик?

145. Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидан Жавлон Маматқулов.

Достоевский уни ёқлаб, «Йўқ, у қотил бўлмаган, уни орзусидан маҳрум қилишган», дейди. Пушкин бўлса, уни ишонувчан ўсмир болага ўхшатган. Тўғри, у аслида айрим олифталардек сўйлай

олмайди. Ҳаётни борича қабул қилади. Диққат савол: юқоридаги таъриф кимга тегишли?

146. Топшкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғонидан Фахриддин Холмуҳамедов.

Марҳамат, капалак ва ари олиб чиқилсин. Айнан капалак ва арини тимсол қилиб олган бир жаҳон чемпиони борки, унинг машҳур ибораси чемпион образига айланган. Савол: қайси чемпион ва қайси ибора эканлигини топинг?

147. Топшкент вилояти, Чиноз шаҳри, Рашидов кучаси, 18-уйдан Нилуфар Қорабоева.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидагини «Заковат» телеўйинига бевосита алоқаси бор. Унинг илк кўринишлари ҳатто Рим империяси даврида ҳам мавжуд бўлган. Унинг илк замонавий кўриниши 1924 йили 2 ноябрь муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган. Агар яхшилаб бош қотирсангиз, сандиқча ичидаги нарсанинг номини осон топасиз. Савол: сандиқчада нима бор?

148. Фурқат Қурбонов саволи.

Ёзда салқин ичимликларга талаб кучаяди. Кўпчилик ёшлар музлаткичда музлатилган шарбат ёки минерал сувларни ичишни ёқтиришади. Бу соғлиқ учун зарарли, албатта. Тасаввур қилинг, музлаткич ичига шишали ва елим идишдаги сувни совитишга қўйгансиз. Маълум муддат ўтиб, улар музлайди ва сув солинган шиша идиш ёрилиб кетади. Елим идишдаги сувга эса ҳеч нарса бўлмайди. Ҳаётимизда кўп учрайдиган ҳолат. Хўш, ҳурматли билимдонлар, шиша идиш нима сабабдан ёрилиб кетади?

149. Топкент шаҳри, Бектемир даҳаси, 6-уй, 80-хонадондан Фарҳод Исломов.

Фалончи! Тасаввур қилинг, Хитойга ташриф буюриб, Шаолинъ мактабига имтиҳон топшираяпсиз. Биринчи имтиҳон якка курашдан, иккинчиси тиббиётдан, тўртинчиси рақс, бешинчиси шеърятдан. Биз учинчи — асосий имтиҳонлардан бирини ташлаб кетдик. Учинчи имтиҳонни нимадан топширасиз?

150. Фурқат Қурбонов саволи.

Марҳамат, математик топишмоқ. Қўлингиздаги бу жумбоқни 2007 йили Кембридждаги коллеж талабаларига тақдим этишганида саноқли талабалар бунинг жавобини топа олишган. Сиз ҳам ўзингизни бир синаб кўринг ва бир дақиқадан сўнг ўнг томондаги рақамлар нимани ифодалашини топишга уриниб кўринг.

7632 – 1

9187 – 3

4852 – 2

2808 – 5

4362 – 1

7828 – 4

151. Фурқат Қурбонов саволи.

Бу кичик кашфиётнинг ватани Япония саналади. Уни илк бор Японияда америкалик Жонатан Скиби исмли руҳоний у ерда яшаган вақтлари 1869 йили ихтиро қилган. Уни руҳоний ўзининг ногирон рафиқаси учун илк бор ясаган. Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, Жонатан Скиби Японияда, Шарқда илк бор нимани ихтиросига асос солган?

152. Фурқат Қурбонов саволи.

Қуйидаги футболчилар номини ёзиб олинг: Австрияда Андреас Херцог, саудиялик Саид Овайран, эронлик Али Каримий, арманистонлик Хорен Оганесян, руминиялик Георги Хаджи, туркиялик Эмре Белозуглу. Ҳурматли билимдонлар, сиз ушбу рўйхатда тушириб қолдирилган ўзбек футболчисини ва бу рўйхат нима учун тузилганлигини топинг.

153. Фурқат Қурбонов саволи. Марҳамат «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин.

Европада шундай супермаркетлар борки, сандиқчадаги нарсани худди кийим-кечаклардек ўлчамларга, размерларга ажратиб қўйилган. Масалан, S тоифасига 55 граммгача бўлганлари кирса, XL тоифасига 75 граммгача бўлганлари кириши ҳақида маълумот ҳам берилар экан. Машҳур изқувар Эркюль Пуаро улар нега бир хил бўлмаслиги ҳақида кўп бош қотирган. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг сандиқчадаги нарса номини топинг.

154. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ўзбекистон фуқаролар уюшмасидан Жуманазар Наврўзов.

АҚШнинг Калифорния штатида каттагина бир ошхона бор. Ошхона деворида бир қанча АҚШ президентларининг дастхатлари ва суратлари осиглиқ. Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, президентлар бу ошхонага қачон ва нима мақсадда ташириф буюришган?

155. Фаргона вилояти, Тошлоқ туманидан Комилжон Икромов, лицей ўқувчиси.

Пекиндаги император саройи ташқи томонидан 2 хил рангда тасвирланган. Бинонинг томи сариқ, деворлари қизил рангда. Консерватив руҳдаги хитойликлар бу муқаддас рангларни илоҳий

санаганлари учун мана неча асрки унга содиқ бўлиб келишмоқда. Қизил ранг қадимдан Хитойда эҳтиром рамзи бўлиб келмоқда. Сариқ ранг эса хитойликларнинг эътиқод рамзини билдиради. Жуда катта маънавий меросни ўзида сақлаб келаётган император кутубхонасининг шифти атайлаб қора рангга бўялган. Нега кутубхона шифти қора рангга дейилса, бунинг жавобини ҳам Қадимги Хитой манбаларидан топиш мумкин экан. Қора рангга қандайдир илоҳий куч деб қаралган. Юқоридаги сўзлардан маъно ясанг, мантиқ топинг ва айтинг, нега кутубхона шифти қора рангга бўялган?

156. Тошкент шаҳри, Қорасув даҳаси, Мирпўлатов кўчаси, 8-уй Кристина Раҳимова.

Саволни диққат билан ёзиб олинг.

Нодирбек! Сиз ҳақингизда энг кўп фикрлар у ерда айтилади. Бунинг устига сиз ўзингиз ҳам бу гапларнинг тепасида бўласиз. Айнан у ерда сиз ҳақингиздаги воқеалар ҳеч қандай чизгиларсиз ифодаланади. Сиз гоҳ актёрсиз, гоҳо томошабин! Ҳурматли билимдонлар, машҳур немис файласуфи Фридрих Ницше юқорида нима ҳақида ёзмоқда?

157. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ўзбекистон ҳужалиги уюшмасидан Жуманазар Наврўзов. (Финал ўйини учун.)

Франциядаги узум плантацияларини кўз олдингизга келтиринг. Ажойиб узумчилик анъанасига эга бўлган француз фермерлари плантациянинг атрофига қизил атиргуллар экиб қўйишади. Чирой учун эмаслигини сиз ҳам сезаяпсиз, чамаси. Айнан шу атиргуллар узумларни ҳимоя қилар экан. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг, атиргуллар узумзорни қандай ҳимоя қилишини аниқ топиб айтишингиз керак.

158. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Нушкент хўжалиги, Муллабулоқ қишлоғидан Алишер Жабборов. (Финал уйини учун.)

Азалдан овчилар тунда овга чиқадиган қуённи иложи борича ой чиқмайдиган кунлари, яъни ойсиз ўтажак ўн беш кунда овлашга ҳаракат қилишар экан. Чунки ўша пайтлари қуёнлар семириб, ой чиқадиган 15 кунликда озиб кетар экан. Диққат, савол: нима сабабдан қуёнлар ой чиқадиган кунлари озиб кетадилар?

159. Андижон шаҳри, Лутфий 1-берк кўчасидан Феруза Турсунбоева.

Бобур! Иккала қўлингизни олдинга чўзинг. Неча соат шу тахлит ўтира оласиз? Энди менга айтинг-чи, қайси касб эгалари соатлаб шу ҳолатда ўтиришган?

160. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Молболо қишлоғидан Зариф Назаров.

Мақсуд! Шофирконда шундай қишлоқ борми? Малборо эмас, Молболо.

Зариф Назаров сўраяптилар, АҚШда инглиз тилидан кейин 1-ўринда испан тили, 2-ўринда италян тили, 3-ўринда эса амеслан тили турса, кимлар амеслан тилидан фойдаланади?

161. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош мавзеси, 54^А-уй, 7-хонадондан Ҳайруллоҳон Турсунов.

Уильям Шекспирнинг қуйидаги таърифини ёзиб олинг:

«...У хоин. У бизни қўрқитиб, эришишимиз мумкин бўлган яхши нарсалардан, кўп ҳолларда, маҳрум этади.»

Ажойиб таъриф, орадан шунча вақт ўтса-да, бу фикр бугун ҳам ўз тасдигини топмоқда. Ҳатто «Заковат» ўйинида ҳам бор, у хоин. Ҳурматли билимдонлар, Шекспир таърифлаган хоиннинг номини топинг.

162. Фаргона вилояти, Фурқат тумани, Қўқонбой қишлоғидан Нарғиза Жўраева.

Зардуштийлик динида оловга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Ҳар бир ҳудудда оташгоҳ номли жойлар бўлган. Бу ерда олов эрта-ю кеч ёниб турган. Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар! Оташгоҳлар бориб-бориб қандай атала бошланган?

163. Самарқанд Архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси Ўктам Сирожиддиновдан.

Марҳамат, музей экспонатлари. Канада пойтахти Оттаванинг Спаркс кўчаси, 245-уйида бир музей жойлашган. Тарихий музей деса ҳам бўлади. Чиганоқлар, балиқ тутадиган қармоқ, турли хил тошлар, турли балиқлар тишлари, какао ёнғоқлари. Бир қараганда бу музей денгизчилар музейига ўхшаши мумкин. Бу фикрда тўхтамаслигингизни маслаҳат бераман. Сизга иккита савол бераман. Биринчиси, бу музей номини топинг, иккинчиси, бир дақиқадан сўнг шу музейнинг қайси асосий экспонатини олиб киравиз?

164. Жиззах вилояти, Зафаробод туманидан Шерзод Мирзабеков. (Болалар ўйинига.)

Тасвирда актёр анор еб ўтирибди. Ҳурматли билимдонлар, анорни ёқтирасизларми? Тасаввур қилинг, томошагоҳ. Томошани биринчи қаторда ўтириб кўриш — мазза. Бунинг устига, анор еб

утирсангиз. Аммо саҳнада бир ижрочи мени ошкора ҳайдаб чиқарди.

Ҳурматли билимдонлар, ким мени томошагоҳдан ҳайдаб чиқариши мумкин?

165. Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Қумпайкал маҳалласидан Илҳом Файзуллаев. (Болалар ўйинига.)

Марҳамат, оддий таёқча олиб чиқилсин.

Болалар! Миср пирамидаларини кўргансизлар.

Умид! Агар уни баландлигини ўлчаб беришни сурашса, балки қийналиб қолишингиз мумкин. Аммо юнон файласуфи Фалес олдиларингдаги таёқчани ерга қадаб ўлчаб берган. Агар тушунган бўлсангиз, бу содда усулни топиб изоҳлаб беринг.

166. Фаргона Давлат университети талабаси Гулшан Маматова. (Финал ўйини учун.)

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Нотиқ ва файласуф Цицерон ҳақида айтган фикрини ёзиб олинг: «У қайгуни ҳам, ғамни ҳам, шодликни ҳам, хурсандчиликни ҳам бирдай кўтара олади. Шунча ташвишу ҳаяжонни ўзига олиб, бировни жазолаб, бировни оқлаб бир хилда тураверади. Фақат оқ юзлари хира тортиши, бироз қорайиши мумкин». Савол: сандиқчада нима бор?

167. Фаргона вилояти, Риштон тумани, Икромов кўчаси, 6-ўйдан Юсуф Шомиров.

2000 йил илгари бутун дунё маданият ва маърифати энг катта зарбани қабул қилган. Александрия кутубхонаси ёниб кетиши оқибатида жуда катта китоб захираси ёниб кул бўлди. Кул бўлди, десак бироз ошириб юборгандек бўламиз, чунки тарихчиларнинг ёзиб қолдирган

маълумотларига кўра кутубхонанинг 65-70 фоизи ёниб битган. Лекин китобларнинг 5 фоизи ҳам бутун қолмаган. Хўш, агар 70 фоиз китоб оловда ёнган бўлса, қолган 30 фоизи нимадан яроқсиз ҳолга келган?

168. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Мирза эсаги қишлоғидан Абдували Каримов.

Алломалар учун илм-фанни эгаллашдан ташқари яна бир масъулиятли, айти пайтда жуда зарур бир жараён борки, бу ҳақда Ибн Сино ҳазратлари шундай ёзганлар: «Рақибларимдан менинг бир устунлигим, эринмай у ишни қилганимдир. Улар гафлат уйқусида ётганларида мен машаққат билан у ишни бажарганман». Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, алломанинг буюклиги, рақибларидан устунлиги нимада бўлган?

169. Тошкент вилояти, Пскент шаҳри, Марказий кўчаси, 6-уйдан Шомурод Турсунбоев.

1807 йилгача у Англияда мағлубият саналган, Италия ва Францияда — дуранг, Испания ва Португалияда — ғалаба ҳисобланган. 1807 йилнинг охирига келиб, Лондондаги бир клуб уни бугунги биз биладиган ҳолати ва номини оммалаштирди. Сизлар унинг 1807 йилдан бери аталиб келинаётган номини топинг.

170. Бухоро вилояти, Олот тумани, Ихтиёр кўчаси, 19-уйдан Замира Ҳолиқназарова.

«Мармелад» сўзини ўзбекчасини биласизми? «Мармалад» дейиш мумкин. У сўзни қаердан келиб чиққанига назар солиб кўрамиз. «Мармелад» сўзи бизга Русия орқали Франциядан кириб келган. Французларга испан тилидан, испанларга

юнонлардан. Юнонларга лотин «мелимелон» иборасидан кириб келган. Мелимелон — асалли олма дегани. Юнонлар мелимелон деб нимани аташган?

171. Самарқанд шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 48-уйдан Ўктам Сирожиддинов. (Савол экран орқали тайёрланган.)

Ўқурматли билимдонлар, ҳаммамиз биламиз, канализация қопқоқлари доимо айлана шаклда бўлади. Тўғри, учбурчак ё тўртбурчак, балки олтибурчак ҳам бўлиши мумкин. Лекин иқтисодий жиҳатдан кўпроқ доира шаклидаги қопқоқлардан фойдаланилади. Қопқоқларнинг юмалоқ шаклда бўлиши, биринчидан уларни қудуққа тушиб кетишидан асрайди. Канализация қопқоқларини юмалоқ бўлишининг яна иккита фойдаси бор. Бир дақиқадан кейин шуларни топиб бизга айтишингиз лозим.

172. Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Муслим қишлоғидан Зофир Файзиев. (Финал уйини учун.)

Қишлоқ одамлари мосланувчан ва тадбиркор бўлишади. Хонадонда, қишлоқда пайдо бўладиган майда-майда муаммоларни ўзлари ҳал қилиб, тадбир қўлаб юбораверишади. Ходимимиз қўлидаги суратни кўринг. Айнан савол муаллифи яшайдиган қишлоқ фуқаролари, айрим ургочи эчки-қўйларни бўйнига баъзи пайтлари мана шунақа мослама илиб қўйишга мажбур бўладилар. Савол: нега бу эчки-қўйларни бўйнига ҳалқа илиб қўйишади?

173. Фаргона вилояти, Учкўприк тумани, Бепкапа қишлоғидан Жаҳонгир Омонов.

Одобли французлар унга ҳозир ҳам амал қилишга интилишади. Чунки унга амал қилинса, кони фойда. Савол: «тухумдан олмагача» иборани французлар нима мақсадда ишлатишади?

**174. Топкент вилояти, Паркент тумани, Номда-
нак қишлоғидан Шаҳноза Шожалилова.**

Бальзакнинг «Сағри тери тилсими» романи қаҳрамони Рафаэлнинг шундай сўзлари бор: «Қиморхона қонунига биноан, кирган заҳотингиз уни сиздан тортиб олишади. Эҳтимол, бу Тангри таолонинг огоҳлантиришидир. Балки бандалардан гаров талаб этувчи жаҳаннам шартномасидир. Эҳтимол бор-йўғингизни шилиб олувчиларга нисбатан ҳурмат учун шундай қилиш зарурдир. Балки бу нарсангизга қараб ақлий қобилиятингизни кўрсатувчи ибратли статистика жадвалларини тузишар».

Диққат, савол: сандиқчада нима бор?

**175. Наманган вилояти, Норин тумани, Думар
қишлоғидан Алишер Топбоев.**

Канада олимлари, зоологлари энг хотираси паст жонзотлардан бири кулранг олмахонни бутун дунё ўрмонларига тарқатиб, ўрмонларни сақлаб қолишимиз мумкин, деб ҳисоблайдилар. Савол: нега олимлар хотираси паст бўлган олмахонни ўрмон қутқарувчиси деб айтишмоқда?

**176. Самарқанд тумани, Самарқанд хўжалигидан
Гуландом Ювусова.**

Курил оролларида яшовчи туб аҳоли, жуда қадимдан зулаҳон балиғини тутсалар, хурсандчиликдан бошлари кўкка етади. Чунки ўта ёғлиқ бўлган бу балиқларни қуритиб, олиб қўйишади. Савол: улар бу балиқларни нима қилишади?

177. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Искогоре қишлоғидан Ихтиёр Боймуҳамедов.

Луқмони Ҳакимдан иборалар келтирамиз: «Уларни кузатиб ўйланиб қоласан, киши. Қани эди биз ҳам лоақал сўзлаганда улардек эҳтиёт бўлсак деб. Улардаги аниқликка ҳавас қилса арзийди». Савол: кимлардаги?

178. Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Ўқчи қишлоғидан Мамажонов Дилмурод.

У бизнинг энг арзон ва айнаи вақтда қимматбаҳо мулкимиздир. Суворов, «Пул азиз, инсон ундан ҳам азиз, у эса ҳамма нарсадан азиз», деб айтган. Бенжамин Франклин эса, «Модомики, у энг қимматбаҳо мулк экан, унда уни талон-тарож қилиш энг оғир гуноҳдир», деб айтган. Савол: энг арзон ва қимматбаҳо мулк нима экан деб ўйлайсиз?

179. Қамашпи шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 4-уйдан Юлдуз Баратова.

Аҳолини рўйхатта олиш қадимги Мисрда илк бор амалга оширилган. Эрамиздан 3,5 минг йил аввал, бу ишни бир мақсадда ташкил этишган. Савол: бу кампанияни ўтказишдан мақсад нима эди?

180. Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бужай қишлоғидан Баширжон Тешабоев.

«Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидаги нарсани шарқ донишмандлари қиличдан афзал билишган. Қилич вайроналар, йўқотиш ва ажал белгиси бўлса, сандиқчадаги нарса аксинча, бирлаштириш, яратувчилик белгисидир.

Савол: шарқ донишмандларининг фикрича, бақувват саркарда тутган қиличдан ҳам афзал нарса нима?

181. Риптон тумани, Бужай қишлоғидан Баширжон Тешабоев.

Ҳазрат Алишер Навоий шундай фалсафий фикрлар битганлар: «Ҳалол ва пок яшаб комилликка эришмоқ учун йигитлик чоғи ҳаракат қилиш зарур. Зеро, пайти келиб ўзинг қўйган нуқталарга хомуш термулиб, хотираларга берилишингга тўғри келади». Навоий «ўзинг қўйган нуқталар», деб нимага шаъма қилган?

182. Қорақалпоғистон Республикаси, Кегайли тумани, Холмуродов кўчаси, 63-уйдан Элмира Хужаназарова, журналист.

Антон Павлович Чехов уни бениҳоя қадрлаб, «У менинг қонуний хотиним», деб таърифлаган. Антон Павлович нимани «қонуний хотиним» деб атаган?

183. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Шерқудуқ қишлоғидан Жаҳонгир Боймуродов.

Қадимги Спарта давлатида маст қиладиган ичимликларичиштаъқиқланган эди. Қоидабузганлар қаттиқ жазога тортилганлар. Аммо ичкилик ичиш давом этаверган. Шунда, қонуншунос Ликурғ, «Ичкиликка барҳам беришнинг энг тўғри йўли — шу», деган фикрга келади. Сўнгра шафқатсиз буйруқ чиқаради. Савол: у қандай аёвсиз фармон чиқарган?

184. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Элатон қишлоғидан Аҳатжон Исроилов.

Дунёда энг чойхўр халқ — англизлар. Англиянинг Ньюкасл шаҳрида ҳар йили 15-20 минг киши иштирокида чойхўрлик байрамини ўтказишади. Чойхўрлик қилиш учун махсус жой танлашади — вокзал ёнидаги адирлик. Савол: нега айнан шу ерни танлашган?

185. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Ҳосилот қишлоғидан Султон Исоқов.

Дунёнинг (аниқини айтиш қийин) ўнлаб давлатларида «Мақдональдс» фирмаси фаолият олиб боради. Бошқа овқатланиш шахобчаларидан кўра «Мақдональдс»да нархлар бирмунча арзон. 250 мингдан ортиқ ишчи ишлайдиган фирма ниманинг ҳисобига харажатларни пасайтириб туради?

186. Андижон шаҳри, Учтегирмон кўчаси, 78-ўйдан Дилшодбек Асқаров.

Италия миллий таомларидан бири — пиццадир. Пиццанинг турлари кўп. Италияда байрам кунлари ҳар бир хонадонда Мацарелла пишлоғи, соус, петрушка солинган пицца албатта тайёрланади. Айнан қайси байрам куни ушбу пицца пиширилади?

187. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Ҳамза шаҳарчасидан Гулбаҳор Қосимова.

Ҳиндистонда сигир муқаддас жонзот саналади. Ҳамма яхши нарсаларни улар сигир номи билан аташга интилишади. Ҳатто масофани ўлчашда ҳам сигирдан фойдаланишади.

Ҳурматли билимдонлар, қандай қилиб сигир орқали масофа ўлчанади?

188. Ҳамза тумани, Лисунова 1-мавзе, 44-уй, 80-хонадондан Бунёд Йўлдошев.

Тасаввур қилинг, сиз денгиздасиз, олти киши кемада кетаяпсизлар. Ёнингиздан бошқа бир кема чиқиб қолади. Қўшни кема матросига қўл силкитиб сўрашасиз. Сўнг матрос сизларга арқон кўрсатади. Савол: у арқонни кўрсатиш билан нима демоқчи бўлди?

189. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Тонготар қишлоғидан Мустафоқул Қорабоев.

АҚШ ва Хитой давлатлари ўртасида экспорт-импорт жуда кенг кўламда ривожланган. АҚШнинг Хитойга сотаётган маҳсулотлари ичида у нарса 3-ўринда туради. Ўша нарсадан АҚШ, Хитойга ҳар йили 1 млрд. 300 млн. долларлик сотади. Ўша маҳсулотлардан (уни маҳсулот ҳам деб бўлмайди) шунча даромад кўриш мумкин. Савол: АҚШ ҳар йили 1 млрд. 300 млн. долларлик нима сотади?

190. Гулистон шаҳри, 1-мавзе, Абдурахмонов кучаси, 8-уй, 1-хонадондан Ш. Расулов.

Буюк Хитой деворини қуришда тош, тупроқ ва ўша нарсани ишлатишган. Савол: нимани?

191. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Довдуқ қишлоғидан Мираҳмад Қаюмов.

Шимолий Америка ҳиндулари ҳам унга «Катта Она» деб мурожаат қилишган. Савол: кимга?

192. Наманган вилояти, Янгиқўргон туманидан Сарварой Азизова.

Тинчлигимиз посбонлари бўлмиш милиция ходимлари ҳаётида шундай кунлар борки, тарихий саналар ҳисобланади. 1943 йил 27 ноябрдаги чиқарилган қонун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Савол: 1943 йили 27 ноябрда қандай қонун қабул қилинган?

193. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридан Тўра Сахимов.

XVIII аср охирларида Англияда чечак касали билан огриганлар сони кўпайиб кетади. Инглиз шифокори Женнер негадир бир касбдаги кишилар

бу касал билан огримаётганини сезиб қолади. У касбда асосан аёллар ишлаши ҳам диққатга сазовор. Савол: улар қандай иш билан шуғулланишади?

194. Наманган вилояти, Поп шаҳри, Юлдашева кўчаси, 30-уйдан Намуна Бойзоқова.

«Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги 2 та нарсա ҳаётнинг асоси, тириклик манбаи ҳисобланади. Улар бир-бирига жуда боғлиқ ва ўхшаш. Инсоният эса ўша икки нарсасиз кун кўролмайдди. Биринчисини ушлаб кўриш мумкин, иккинчисини ушлаб бўлмайдди, яқинлашиб ҳам бўлмайдди. Сандиқчада нима бор?

195. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Кофрун қишлоғидан Хушвақт Менгнийёзов.

Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон Лондоннинг чеккасидаги бир қаҳвахонага киришади. Чеккадаги столга бориб ўтиришади. Холмс қаҳвахона хўжайинига «Илгари қаҳвахонангизда кўп тўполонлар бўлиб турармиди?» деб сўрайди. Хўжайиннинг оғзи очилиб, «Қаердан билдингиз?» дейди. Савол: Шерлок Холмс буни қаердан билган?

196. Қўқон шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 53-уй, 20-хонадондан Дилсўз ва Дилшод Ҳайдаровлар.

Марҳамат, ҳайвон шоҳи, шиша синиғи, ҳайвон жуни, ҳайвон суяғи парчалари олиб чиқилсин. Бу нарсалардан 300-400 йил аввал, ўз даврининг етук, комил инсонлари бир мақсадда фойдаланишган. Савол: улар бу нарсалар билан нима қилишган?

197. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Алижон қишлоғидан Дилноза Бозорова.

Чингиз Айтматовнинг «Оқ булут» асарида мўғил истилочиси Чингизхон жангга кирганида ёнида эгарланган, жанговар ҳолатда суворийсиз от олиб юрганлиги ҳақида ёзиб қўйилган. Савол: нега у суворийсиз отни ёнида олиб юрган?

198. Жиззах вилояти, Фориш тумани, Банд қўрғонидан Юнус Ҳафизов.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов уларни ўз шеърларида қуйидагича таърифлаган:

«Уларда режа бор, иш бор, гайрат бор,

Улар ҳордиқ кун қилмаслар талаб.

Душанба бошлари огримас наҳор,

Кечикиб келмаслар ишга эрталаб!

Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов «улар» деб нимани таърифлаганлар?

199. Наманган вилояти, Поп тумани, Тинчлик кучаси, 64-ўйдан Ҳамроҳон Ҳасанова.

Ер юзида шундай бир таржимон борки, хоҳлаган тилда гапиринг, у гапингизни таржима қилиб, сизни тилингизда жавоб бера олади. Савол: қандай таржимон сўралмоқда?

200. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Ахси қишлоғидан Отабек Маҳкамов.

Фалсафий фикрлар борасида тарих отаси ҳисобланмиш Геродотнинг фикрлари ўта тағдор саналади. Сизларга шундай савол, ҳурматли билимдонлар: Геродот, «У — Нилнинг совғасидир» деганида нимага буюк ўхшатиш қилган?

201. Бухоро вилояти, Ромитан туманидан Сухроб Усмонов.

Ҳинд донишмандлари шахмат тахтасидаги доналарга шарҳ бериб ўтганда, айнан ўша сипоҳни

инсонларга ибрат қилиб кўрсатишади. Савол: қайси сипоҳни?

202. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Кўприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.

Маргарет Тэтчер «Темир хоним» номи билан маълум ва машҳур сиёсатчи эди. Кейинроқ Мадлен Олбрайт ҳам «Темир хоним» номи билан донг таратди. Ҳозир у темир хонимларнинг иккиси ҳам сиёсатдан кетишган. Ҳозир ҳеч ким уларни «Темир хоним» деб атамаяпти. Лекин бу борада французлар омадлироқ экан. Уларнинг «Темир хоним»и яна анча вақтгача ўз шуҳратини йўқотмаса керак. Савол: французлар «Темир хоним»ини аниқланг.

203. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Олтинсой ҳўжалиги, Кариз қишлоғидан Азамат Маматов.

Чўпонлар бозордан эчки харид қилаётганда диққатларини унинг қулоғига қаратишади. Айнан катта ва узун қулоқли эчкини харид қилишади. Савол: нега катта қулоқли эчки сотиб олишади?

204. Бухоро шаҳридан Дилноза Намозова.

Мармар қолдиқларидан ҳосил бўлган қумни кўз олдингизга келтиринг. Қадимда мармардан олинган қумларни 9 маротаба қайнатиб, кукун ҳолатига келтирилган. Сўнг ундан бир мақсадда фойдаланишган. Савол: ундан қандай мақсадда фойдаланилган?

205. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Шерматов маҳалласидан Ҳулкар Абдуҳакимова.

1997 йили Санкт-Петербургда унинг 150 йиллиги кенг нишонланди. 150 йил олдин у бино Петербургда иш бошлаган эди. Фақат бир нарсани айтиб қўяй,

унинг ватани айнан Петербург деб айтолмайман. Марказий газеталардан бири бу йирик сана ҳақида мақола ёзиб, сарлавҳасини «Бурчаксиз уй» деб атаган. Савол: 150 йил олдин қурилган бу қандай бино эди?

206. Асака шаҳри, Обидов кўчаси, 9-уй, 21-хонадондан Султонов Давронбек.

Қадимда ортиқча дон-дуиларни ерга кўмиб қўйишган. Ерни чуқур қилиб ковлаб, олдин сув билан пуркаб, кетидан узоқ олов ёқилган. Шундан кейингина бутдой тўкилган. Савол: нима учун ота-боболаримиз ўрага бундай ишлов беришган?

207. Бухоро шаҳри, Муртазоев кўчаси, 81-уй, 44-хонадондан Дилшод Ёвмутов.

Вена опера театридаги кийим топширадиган хонада узоқни яқин кўрсатиш учун сизга бинокль беришади. Яна сизга бепул халдори (таблетка) таклиф этишади. Савол: нега сизга халдори таклиф этишади?

208. Андижон шаҳридан Акмалжон Ортиқов, «Женьшень» фирмаси ходими.

Тилимизда шундай атамалар борки, уни нега шундай аталиши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Айнан шундай бир нарса борки, уни 40 қулочи 1 грамм чиқади. Савол: юқорида айтилган нарса оддий тилимизда қандай аталади?

209. Фарғона шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 6-уй, 8-хонадондан Мавзуна Маназарова.

Рассом Леонардо да Винчини даҳо рассом бўлиб танилишига ўткир ақлу-заковати сабабдир, балки. У қолдирган рисоалардаги фикрлар ўта кучлилиги

билан ажралиб туради. Масалан, ундан шундай фикрлар қолган: «Ҳа, у шайтоннинг қули, лекин унда гўзал нарсалар яратиш мумкин. Агар уни ишлата олсангиз. Тўғри, кимдир уни бемалол ишлата олади. Мен эса уни мажбурлаб ишлатганман?»
Савол: нимани?

210. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Оқтепа маҳалласи, Обид Зокиров кўчаси, 103-уйдан Шохиста Тожибоева.

Бу асар Авлиё Августино ва Руссонинг кашфиётлари, Гиббон ва Ньютоннинг ёдномалари қаторидан ўрин олган. Мазкур китоб юксалишлар ва таназзуллари бошидан кечирган инсоннинг ибратли тарихидирки, унинг юксалишлари қанчалик сарбаланд бўлса, таназзуллари ҳам шунчалик тубсиздир. Савол: бу қайси асар?

211. Самарқанд вилояти, Темирйўл тумани, Найман маҳалласидан Азиз Ширинов.

Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида унга «Ҳақ таоло инсонни юксалтириш ва шайтонни паст қилиш учун уни яратган» – деб таъриф берилган. Савол: Ҳақ таоло инсонни юксалтириш ва шайтонни инсон оёқлари тагида қолиб кетиши учун нима-ни яратган?

212. Бухоро вилояти, Вобкент туманидан Эркин Каримов.

Уларнинг семириши ҳатто қонун билан таъқиқланади. Улар ҳар 6 ойда кўрикдан ўтиб туришади. Бел айланалари 86 сантиметрдан ошмаслиги керак. Акс ҳолда ишдан ҳайдалиши, яна қайтариб айтаман, ишдан ҳайдалишлари мумкин. Савол: кимлар?

213. Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Дустлик хўжалигидан Мурод Ҳабибуллаев.

Япон шифокорлари у хизматчилар бошқаларга нисбатан 2 соат кўп ухлашлари, ҳар куни 1 соат офтобда тобланишлари зарурлигини тавсия қилишади.

Савол: (қайси соҳа эмас) қайси хизматчилар организми тикланиши учун юқоридаги ҳолатлар талаб этилади?

214. Хоразм вилояти, Бағот тумани, Деҳқонобод хўжалигидан Одилбек Ибрагимов.

Инсонда жуда кўп ҳис-туйғулар бор. Улар асосан 2 га бўлинади. Салбий ва ижобий, тўғрими? XV асрда яшаган француз файласуфи Мишель Монтень инсонда бир туйғу борки, «у гоҳ оёқларга қанот беради, гоҳ уларни ерга кишанлаб қўяди» – деб ёзган. Оёқларга қанот бергувчи туйғулар кўп, аммо оёқни ерга михлаб қўядиган туйғу қайси бўлиши мумкин?

215. Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Наврўз хўжалигидан Орифжон Бобоназаров.

1770 йилда Екатерина II грузин подшоси Ираклий II га Россиядан шундай бир нарса совға юборадики, у нарса дастлаб қўшиқ куйлаб, сўнгра кўз ёш тўқади. Савол: у совганинг номи нима?

216. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Зиёрат хўжалигидан Муниса Ҳўжаева.

Нуроталиклар улар билан фахрланишади, чунки Нуротада уларнинг сони 30 тадан ошиқ. Халқ эркалаб уларга Мастак, Зули, Зулфиқор, Мозор, Бегли, Тайла, Мاستон деб чиройли номлар берган. Савол: юқорида нима сўралмоқда?

**217. Самарқанд шаҳри, Ҳужум кўчаси, 98-уйдан
Уткир Аҳроров. (Савол экран орқали тайёрланган.)**

Кулоллар катта-катта хумчалар ясашганда, хумчаларнинг оғзига нисбатан туби, яъни таги юпқароқ қилинади. Албатта, бир мақсадда шундай қилинади. Негалигини 1 дақиқадан кейин сизлардан эшитамиз.

**218. Фарғона тумани, Лоғон қишлоғидан Аҳаджон
Бурнашев, рассом.**

Ҳамма унинг тўққизинчи эканлигини билади, лекин ҳамма «еттинчи» дейди. Ҳамма унинг ўнинчи эканини билади, лекин негадир «саккиз» дейди. Ҳамма ўн биринчи эканлигини билади, негадир «тўққизинчи» деб атайди. Таъриф берилган нарсаларнинг номини топинг?

**219. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Оқбўйра
қишлоғидан Мақсуда Эргашева.**

Абу Али Ибн Синонинг айтишича, у иссиқ ва совуқ мижозга бўлинади. Аъзолардаги мижозларнинг мутаносиблиги бузилса, касаллик келиб чиқади. Касалланган аъзо вақти-вақти билан қарий бошлайди, фаоллиги сусаяди. Инсон танасида шундай аъзо борки, унда доимо иссиқлик ва совуқлик мутаносиб сақланади. Шундан бу жой ўзгармайди, яъни ажин тушмайди, қаримайди. Бу жой қадимдан ҳар бир инсон учун қадрли ва ишончли ҳисобланади. Савол: инсоннинг қайси аъзоси ҳақида гап бормоқда?

**220. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани,
Куприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.**

Португалия қироли Жуан VI ортиқча урф-одатларни унча хуш кўрмаган. Лекин у суҳбатта

келганлардан тахт ёнидаги шернинг очиқ оғзига қараб гапиришни талаб қилган. Савол: нега Жуан бундай талаб қўйган?

221. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридан Равшан Тураев, лицей талабаси.

1820 йилларда тахтта ўтирган Британия қироли Георг IV оддий қироллардан бири бўлган. Лекин унинг кийган этиги бошқаларникидан фарқ қилиб турган. Савол: нега қирол Георг IV кийган пойабзал ҳамманинг диққатини тортган?

222. Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидан Маъмура Маматқулова, лицей ўқувчиси.

Ҳар бир халқнинг фахрланадиган, гурурланадиган нарсалари мавжуд. Биз сўраётган халқда шундай ибора бор. Машҳур ибора — «Биз ҳеч қачон ҳайратланмаймиз». Тан олиш керак, чинданам бу халқдан чиққан буюкларнинг кўплигидан улар унча-мунчага ҳайратланмайдилар. Савол: гап қайси халқ ҳақида кетмоқда?

223. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Баснир қишлоғидан Баҳром Гофуров.

Қўқон хонлиги даврида машҳур Қўқон бозорига бутун водийдан кишилар тўпланар эди, жуда катта бозорлар бўлган. Фалончи, сиз ун қоп карам билан шарқ томондан келдингиз. Фалончи эса, худди шунча маҳсулот билан ғарб томондан келган. Сизга 100 танга, ғарбдан келган деҳқонга 50 танга солиқ солинган. Савол: нима сабабдан?

224. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Искогоре қишлоғидан Рафиқжон Маъмуров. (Савол экран орқали тайёрланган.)

Жалолиддин Румий ҳикматларининг бирида ёзилишича, бир ошиқ йигит, маъшуқасининг эшигини тақиллатибди.

Ичкаридан келган «Сен кимсан?» саволига йигит «Бу менман» деб жавоб берибди. Қиз: «Бу ерда икки кишига жой йўқ, кетавер» дейди. Ошиқ йигит роса ўйлаб бир йилдан сўнг яна маъшуқасининг эшигини қоқади. Ичкаридан яна «Кимсан?» деган овоз эшитилади. Йигит бу сафар тўғри жавоб қайтарган. Ҳурматли билимдонлар, йигит бу гал нима деб жавоб берган?

225. Рустам Жабборовнинг саволи.

Оскар мукофотининг номинация турлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, «Энг яхши рассом» номинациясининг ўзи бугун «Энг яхши рассом», «Энг яхши дизайнер», «Энг яхши кийимлар учун» кабиларга бўлиниб кетган. Аммо 1957 йилгача берилган 2 та номинация бутунги кунда бирлашиб кетган ва бу қайси номинация?

226. Топшкент вилояти, Янгийўл тумани, Тинчлик хўжалиги, Ўзбекистон кўчаси, 78-ўйдан Дилдора Абубакирова.

Эски мактабда дарс бошланиши олдидан ҳам, тугагандан кейин ҳам, домла болаларни ҳовлига тўплаб бараварига бор овоз билан «Ассалому алайкум» дейишга мажбур қилган. Дарс аввалида нега салом бериши маълум. Савол қуйидагича: нега улар дарс тугагандан сўнг яна салом бериб тарқалишган?

227. Андижон вилояти, Марҳамат туманидан Алишер Идирисов.

Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн қўшинлари ичида махсус 700 кишидан иборат сараланган

жангчилар бўлган. Ҳаммалари бир хилда ноёб хислатли бўлишган. Рақиб жангчилар улар билан олишганда ўзларини ноқулай сезинган. Бошқа соҳаларда ҳам бу кишилар учраб турган ва қадрланган. Савол: қандай хислатли кишилар ҳақида гап кетмоқда?

228. Бухоро вилояти, Шофиркон туманидан Саида Моевадан.

Марҳамат, Юлий Цезарь фойдаланган ёзувда ёзилган сўз олиб чиқилсин. Юлий Цезарь махфий мактубларини ганимлар, умуман ҳеч ким ўқий олмаслиги учун махсус шрифтларда ёзган. Ушбу қўлингиздаги тушунарсиз сўз ўзимизнинг шрифтда ёзилганда «Заковат» сўзи чиқарди. Сизларга 1 дақиқа муҳлат: Юлий Цезарь шрифтида ёзилган «Заковат» сўзининг махфийлигини бизга очиб берасиз.

229. Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани, Жанубий Оламушук шаҳарчасидан Нодир Жумақулов.

Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» асари персонажи профессор Воланднинг бир буюмига шундай таъриф берилган: «У жуда каттакон қизил олтиндан ясалган, қопқоғи устига уч қиррали гавҳартош кўк ва оқ чўғ бўлиб ярақлар эди». Воланднинг қандай буюми таърифланмоқда?

230. Андижон вилояти, Избосган тумани, Пойтут шаҳридан Машҳурбек Ибрагимов.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзиб қолдирган асарларида келтирилишича, ҳиндлар ҳатто илмий асарларни ҳам шундай усулда ёзишган. Агар асар шу кўринишда ёзилмаган бўлса ўқишмаган. Бу усул

Берунийга ҳам мақбул бўлганини айтган. Савол: илмий асарларни ҳиндлар қандай усулда ёзиб қолдиришган?

231. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Ҳақиқат хўжалигидан Сожида Қўчқорова.

Қадимги Спарта аёллари эрларининг қабрига боришганда ўз вафодорликларининг белгиси сифатида бир кичкина идишда суюқлик қуйиб келишар экан. Савол: идишдаги суюқлик ниманинг белгиси ҳисобланган?

232. Андижон вилояти, Улугнор тумани, Оқтош қишлоғидан Машҳура Шералиева.

Цейлонда ҳар бир оиланики алоҳида ўз ҳовлисида жойлашган. Тасаввур қилинг, бизда ҳам ҳар бир хонадонники ўз ҳовлисида бўлса, лекин ундай эмас. Савол: нима бизда умумий-у, Цейлонда ҳар бир оиланики ўз ҳовлисида?

233. Фаргона вилояти, Ёзёвон тумани, Ўзбекистон хўжалигидан Муҳаббат Деҳқонова.

Утган асрнинг 90-йиллари АҚШнинг Филондelfия, Техас каби шаҳри ва штатларида автоҳалокатлар жуда кўп содир бўлгани сабаб кўчада ҳаракатланадиган транспортларга белгилар уйлаб топишди. Бир машина олд ойнасига қизил ранг, бошқасига яшил рангда белги қуйиб қўйилган. Бу, албатта, полиция ходими учун эди. Бу рангдаги белгилар нимани англатган?

234. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Навоий кўчаси, 23-уйдан Ақдия Раҳматуллаева.

Бухоро амирлигида тунда дарвозалар беркитилгач, ҳеч ким кўчада юришга ҳақли бўлмаган. Фақат

қоровулу миршаблар юришган. Тунда юришга ҳаққи бўлган кишиларга бир хил эркаклар ва бир хил аёлларни ҳам киритиш мумкин. У эркак ва аёллар тунда қандай юмуш билан юришган?

235. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Урганжи қишлоғидан Холбой Мардиев.

Николай Васильевич Гогольдэн «Асарларингизнинг ютуғи нимада?» деб сўрашса, у «оловда» деб жавоб берибди. Савол: ёзувчи нимани назарда тутган?

236. Қашқадарё вилояти, Қамашти тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уйдан Юлдуз Баратова.

Эрамиздан 3,5 минг йил аввал Миср катта юришларга тайёргарлик вақтида бир кампания ўтказади. Армиянинг эртасини ўйлаб бу ишни ўтказади. Савол: қандай ишни амалга оширган?

237. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Бегимқулов кўчаси, 8-уйдан Эшбекова Гулмира.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жуда чиройли, гўзал бир бог бор. Богда бир-биридан қиммат 1045 та курси (скамейка) қўйилган. Ҳар бир курсининг ўз ҳомийси бор. Демак, ўша курсига фақат ўша ҳомийлар ўтириб ҳордиқ олишади. Савол: бу богнинг номи нима, 1045 та курси нимани англатади?

238. Тошкент шаҳри, Қорасув 6-даҳа, 11-уй, 42-хонадондан Набижон Ирисқулов.

Сандиқча олиб чиқилсин. Сандиқчадаги нарсага эҳтиёж XIII асрдан бошлаб кўпая бошлади. Чунки айнан XII-XIII асрларда кўплаб университетлар очила бошлади. Шу туфайли унга эҳтиёж сезила бошланди. XII-XIII асргача уни ҳеч ким билмаган. Савол: сандиқчада нима бор?

239. Сурхондарё вилояти, Денов туманидан Мансур Абраев, футбол мактаби ўқувчиси.

Италияда шундай футбол мактаблари борки, ҳужумчилар алоҳида, ҳимоячилар алоҳида, ярим ҳимоячилар алоҳида ўқитилади. Ҳимоячилар мактабида деярли бир йил фақат шундай нарсa ўргатиладикки, бу нарсани қилолмаган ҳимоячи бошқа машгулотларга қўйилмайди. Савол: нима уларга бир йил ўргатилади?

240. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Оқбуй-ра қишлоғидан Жамолбек Эргашев.

Осиёдаги бу тараққий этган давлатнинг қадимий пойтахти «Шоҳлар шаҳри» эди. Кейинчалик «Шаҳарлар шоҳига» кўчди. Савол: қайси давлат ва шаҳарлар сўралмоқда?

241. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Номданақ қишлоғидан Шаҳноза Шожалилова, «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндори. (Савол экран орқали тайёрланган.)

Мухбир «Деҳқонлар эккан экинларни бир оз кечроқ экишганда, устидан қора кўмир сепиб қўйишган» деб маълумот берган. Савол: нимага кўмир кукунини сепиб қўйишган?

242. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беҳбудий кўчаси, 10-уйдан Хосият Бўриева.

Людвиг Ван Бетховен «Уни дарё эмас, денгиз деб аташ керак» деган. Савол: Бетховен кимни денгизга қиёслаган?

243. Бухоро шаҳри, Жомий кўчаси 7-уй, 17-хонадондан Нодира Файзуллаева.

Бирон-бир девордаги портретдан, ё ҳайкалдан садақа сўраган кишини ҳеч кўрганмисиз? «Ё телба,

ё телбанамо киши сӯрайди» демоқчимисиз? Тўғри. Қадимги юнон файласуфи Диоген тош ҳайкалдан садақа сӯраб турса, нега бундай қилаётганини сӯрашибди. Файласуф нима деб жавоб берган?

244. Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Чуринди қишлоғидан Соҳиба Деҳқонова.

Доро I ҳукмронлиги даврида илк бор уни амалга киритган. Шундан форслар Дорони «савдогар» деб номлашган. Доро биринчи бўлиб нимани жорий қилган?

245. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар шаҳарчасидан Онахон Султонова.

Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида бир нарсага қўмита фаоллари ҳар хил таъриф беришади. Тўпорироқ фаол «қути» дейди. Илгорроқ фаол «ойна» дейди. Савол: энг ўқимишли фаол уни нима деб таништиради?

246. Андижон вилояти, Бўз туманидан Ихтиёр Абдурахимов.

Муқимий домла ҳажвий шеърларидан бирида шундай таъриф бор. «Совуқ душмандек тунда ёпирилиб кирса, уни даф қилурга соҳибқирон — у, қора бўрон лашкар тортиб келса, танҳо қочирадиган қаҳрамон — у». Савол: у қаҳрамон ким?

247. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Қум-қишлоқ маҳалласидан Аъзам Қодиров.

Миср фиръавнларидан бири Аменхотеп IV фиръавнлар ичида биринчи бўлиб бу фикрни инкор қилди: «У ҳеч бир пайгамбар, ҳукмдор, малика ва малойиканики эмас, у ҳамманики» деган. Савол: Аменхотеп нимани «ҳамманики» деб айтган?

248. Қашқадарё вилояти, Касби туманидан
Гулшода Мамашоева.

Юнон олимларининг фикрича, минг йиллаб қилт этмай турган Афина Акрополи охирги 50-60 йил ичида кескин нураб кетди. Савол: айнан нима уни емирмоқда?

249. Урганч шаҳри, 4-мавзе, 14-уй, 2-хонадондан
Шукурулла Давлатов.

Бу термин футболга циркдан келган. Бу сўз «кўзбойлагич, фокус» сўзларининг синоними экан. Таржимаси эса «шляпали трюк» дегани экан. Бу бугунги кунда футболда ишлатилаётган қайси термин?

250. Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Дўстлик
маҳалласидан Феруза Холиқулова.

Яратган Эгамнинг марҳаматини кўринг: инсонни яратганда, камтарин бўлсин деб, кўпроқ ўйласин, фикр қилсин деб ва шошилиб қолмаслигига ишора қилгандай уни икки баробар кўп яратган. Савол: нимани, нимага нисбатан икки баробар кўп яратган?

251. Чирчиқ шаҳри, 9-кичик мавзе, 84-уй, 3-
хонадондан Саодат Нуриддинова.

Эскимослар ўта камгап халқ саналишади. Уларнинг қабиласида битта сергап одам бор. Уни «акацуффик», яъни «уйда энг кўп гапирадиган одам» дейишади. Эскимослар овулларида кимни энг сергап дейишади?

252. Қашқадарё вилояти, Қарши тумани,
Шойхўжа қишлоғидан Нурали Тоғаев.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг «Бобурнома» асарида шундай фармон зикр

этилган: «Тинчлик сақланган мамлакатда мутлақо ҳеч бир киши унга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, сотмасин ва олмасин. Ундан қочинглар, шоядки, нажот топсанглар». Бу фармон нимага қарши чиқарилган?

253. Зомин тумани, Галаба кўчаси, 25-уйдан Туроб ота Алимов, 85 ёшда.

Япон иероглифида икки аёлнинг бир-бирига қараб турган тасвири бор. Бу иероглифнинг маъноси нима?

254. Сирдарё вилояти, Оқ олтин тумани, Сардоба кўрғонидан Бахтиёр Дониёров, адвокат.

Франциянинг буюк рассомларидан бири Монэ Лондон ҳақида чизган этюдида шаҳардаги туманни қизгиш рангда ифодалайди. Танқидчилар Монэдек рассом нега бундай нўноқликка йўл қўйди, деб бошлари қотиб турганда, Монэ бир оғиз сўз билан масалага ойдинлик киритиб беради. Савол: «Нега туманни қизгиш рангда тасвирладингиз?» дейилганда, у нима деб жавоб берган?

255. Қашқадарё вилояти, Шаҳристон тумани, Мўминобод қишлоғидан Жамшид Сувонов.

Ривожланган Люксембург давлатида у ерга жойлашиш учун ҳатто навбат кутишга тўғри келар экан. Ҳатто ўз вақтида жойлаша олмагани учун муниципалитетга арз ҳам қилишар экан. Савол: қаерга жойлашиш учун?

256. Хива шаҳри, Қосимобод шаҳарчасидан Марат Бобожонов.

Фалончи, сизга ҳафтанинг қайси куни ёқади? Сизларга жумбоқли савол йўлланмоқда. Гап ҳафтанинг бир куни ҳақида кетмоқда? Бу кун

душанбадан кейин келиши аниқ, пайшанбадан олдин келмайди. Эртаси якшанба эмас, кеча ҳам якшанба бўлмаган, эртадан кейин эса шанба эмас, кечадан олдинги куни пайшанба ҳам эмас. Айтингчи, бу ҳафтанинг қайси куни?

257. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, Боёвут ҳужалигидан Сурайё Тиллаева.

Негадир ундан ўз мақсадлари йўлида аёллар кўпроқ фойдаланишади. Уни ишлатиш буйича дунёга машҳурлари ҳам бор. Масалан, Нанетта Шонлебен, Маргарит Готтфрид, Мари Лафарьж шулар жумласидан. Навоий ва Бобур ҳаётида ҳам ана шу қурол билан боғлиқ воқеалар бўлган. Савол: кўпроқ аёллар фойдаланадиган қайси қурол сўралмоқда?

258. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Бугажил қишлоғидан Жаҳонгир Мингноров.

Чингизхон лашкарлари у ҳудудни ҳосил бермайдиган яроқсиз жой деб аташган. Фақат эси пастодамгина у ерга эгалик қилади, деб ҳисоблашган. Чунки у ерда «ҳеч нарса йўқ» деб қайтиб кетишган. Чингизхон лашкарлари у ваҳимали ҳудудни бир сўз билан аташган. Савол: қайси ҳудуд сўралмоқда?

259. Бухоро вилояти, Когон тумани, Мустақиллик жамоа ҳужалиги, Курак қишлоғидан Бибиражаб Бақоева.

«Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчада 2 та нарса бор. Иккаласининг аталиши битта «олма» сўзидан келиб чиққан. Биттасини топишингиз осонроқ кечиши мумкин. Аммо иккинчисини топишингиз биров қийин бўлиши мумкин. Иккинчисини авваллари олмадан тайёрлашган. Савол: сандиқчада нималар бор?

260. Тошкент шаҳри, Машинасозлар мавзеси, 2-уй, 33-хонадондан Владимир Попов.

Аслида унинг ранги оч қизил бўлади. Лекин негадир биз «қора» деймиз. Балки бажарадиган ишига қараб номлангандир. Юқоридаги таъриф нимага берилган?

261. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Соҳибкор хўжалиги, Пахтабод қишлоғидан Нуриддин Эшонқулов.

Марҳум ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таржима қилган шеърни эшитинг:

*Бу ўлкани шундай деб
Атардилар қадимдан
«Қора буқа териси»
Кўринади наҳрдан.
Гўё мовий уммонга
Бошсиз танасин суқа,
Ялпайганча ётибди
Ям-яшил ўлик буқа.*

Савол: ушбу шеърда қайси давлат тас-
вирланган?

**262. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Маясо-
ва кўчаси, 5-уй, 18-хонадондан Ҳанифа Мирзаева.**

Амир Темур давлатчилиги даврида баъзи божхона имтиёзлари мавжуд бўлган. Мисол учун: ушбу белгиси бор, яъни қизил чизиқ тортилгани учун уларни «қизил маҳсулотлар» деб аташган. Ундай товарлардан бож олинмаган. Савол: қандай маҳсулотларга қизил чизиқ тортилган?

263. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Пулкан кўчаси, 52-уй, 14-хонадондан Нодира Абдуллаева.

Ҳар бир халқнинг ўз машҳур китоби бор. Ма-
салан, қирғизларда «Манас», ҳиндларда «Рамаяна»

бизда «Авесто» ва ҳ.к. Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Мисрнинг қадимий китоби «Калевали»да сандиқчадаги нарса шундай таърифланган: «Унинг пастки қисми она ер, устки қисми осмон гүмбази, ер билан осмон ўртасида эса қуёш доимо порлайди. Хоҳлаганда майдалаб юлдузчалар ҳосил қилиш мумкин». Савол: сандиқчада нима бор?

264. Тўйтепа шаҳри, Оқил Шарафуддинов кучаси, 37-уйдан Наргиза Ҳамроқулова.

Фалончи, неча ёшга тўлдингиз, яъни шунча баҳорни кўрибсиз, тўғрими? Негадир ёшга биз айнан баҳорни қиёслаймиз? Жек Лондоннинг «Қиш ҳақидаги афсона» асарида эскимосларда қадимдан ёшга шундай бир қўшимча қўшишганки, бу фақат шимолликларга хос бўлган. Савол: фалончи, бир дақиқадан сўнг мен «ёшингиз нечада?» деб сўрайман ва сиз қадимий эскимослар тилида жавоб қайтарасиз.

265. Термиз академик лицейи ўқитувчиси Шерзод Раҳматовдан.

Марҳум адабиётшунос Ғайбуллоҳ ас-Салом уни «...никоҳ йўли билан амалга ошириладиган иттифоққа ўхшатгим келади. Шеърятда эса уни муҳаббатга асосланган никоҳга қиёс этгум. Унга икки баробар маҳорат, икки баробар истеъдод зарур» деб айтганлар. Савол: нимага икки баробар маҳорат, икки баробар истеъдод зарур?

266. Андижон вилояти, Избосган туманидан Файзулло Эргашев.

Биз инсонлар ҳаммамиз ундан қўрқамиз. Аммо унда изтироб, мутелик билан ёнма-ён оз миқдорда

бўлса ҳам эркинлик мавжуд. Ҳам эркинлик, ҳам мутелик. Агар унда мутеликдан қутулиш иштиёқи бўлмаганда Чарльз Диккенс буюк ёзувчи бўлмасди. Балки Генри Фордни автомобиль ясашга ҳам ўша нарса ундагандир. Савол: юқорида қандай ҳолат тасвирланмоқда?

267. Фарғона вилояти, Яйпан шаҳри, Галаба кўчаси, 4-уйдан Зоҳида Мирзаолимова.

1977 йили Мурманскда штанга бўйича йирик халқаро турнир ўтказилади. 5-6 та спортчи ўша турнирда жаҳон рекордини ўрнатади. Кейинчалик Мурманскдаги турнирда ўрнатилган рекордлар бекор қилинади. Савол: рекордлар нега бекор қилинган?

268. Бухоро вилояти, Шофиркон шаҳри, Олим Хужаев кўчаси, 25-уйдан Омон Тўраев.

1973 йили Венада катта халқаро кўргазма бўлиб ўтади. Ушбу кўргазма иштирокчиларидан бири ўз стендлари тепасига муқаддас санаб, эҳтиром сифатида арининг инини осиб қўйган эди. Савол: қандай маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтаётган эди?

269. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Кўприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.

1770 йилда англиз парламенти ташвишга тушиб шундай қарор қабул қилди: «Ҳар қандай аёл ёши, мавқеи, эрли ёки бева бўлишидан қатъий назар унинг ёрдамида эркакларни ўзига оғдириб олса, афсунгар сифатида жазоланади ва бу никоҳ гайриқонуний ҳисобланади».

Савол: парламент нимага қарши бундай қарор қабул қилган?

270. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Кўприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.

Савол: экран орқали тайёрланган. Абдумалик мушук билан ўтирибди.

Машҳур «Бўри билан тулки» эртагини эсланг. Боққа узумга ўтриликка тушган бўри жон ҳолатда қочаётиб девор тирқишига тиқилиб қолади. Бундай ҳолатни тулкида ҳам, кучукда ҳам кўриш мумкин. Аммо мушук ҳеч қачон бирон тешикка тиқилиб қолмайди. Савол: мушукларга нима ёрдам беради?

271. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Каттақўрпа маҳалласидан Суннатилла Расулов.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида келтирилишича, «Бу дунёнинг 3 тадан бўлак нарсаси йўқ: биринчиси ҳалол, иккинчиси ҳаром, яна учинчиси бор. Ҳалол ё ҳаромни аниқлашда зарур бўладиган. Савол: учинчиси нима?

272. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Махтумқули маҳалласи, 7-уй, 4-хонадондан Ботир Рустамов.

Ҳурматли билимдонлар, қадимдан биз ўзбеклар хоналаримиздаги ерга ва деворга гилам ёки палослар осиб қўйишни одат қилганмиз. Қўша-қўша гиламлар бу манманлик белгиси дейиш ҳам мумкин. Аммо бунинг шифобахшлик хусусияти ҳам бор. Ҳурматли билимдонлар, қани айтинг-чи, гиламларнинг шифобахшлик хусусияти нимада?

273. Наманган вилояти, Поп тумани, Ҳакимов кўчаси, 5-уйдан Аҳрор Мусурмонов, журналист.

Ганишер Раҳматуллаев жамоаси ўйнаганда чўпонлар ҳақида савол бериш анъанага айланиб бормоқда. Савол: чўпонлар ҳақида-ю, бир оз

маъжозий маънода. Савол: қуйидагича, испан чўпонларининг афсоналарида «фаришталар боқиб юрган қўй ва эчкилар», деб уларни ифодалашган. Савол: фаришталар сурувидаги қўй ва эчкиларни топиб 1 дақиқадан сўнг бизга айтишингиз керак.

274. Фаргона шаҳридан Мавзуна Маназарова, коллеж талабаси.

Орангизда эслаш қобилияти кучли йигит борми? Ким? Чақалоқлик пайтларингизни ҳеч эслайсизми? Ибн Сино хотира китобида 1 яшар пайтларини эслашини ёзади. Негадир осмон ўша даврларда катак-катак бўлганини ёзади. 5-6 ёшларга борганда эса, энагасидан бунга жавоб топади. Энагасидан нега ҳозир болалигидек осмон катак-катак эмаслигини сўраганда, энага шундай жавобни қайтаради. Савол: энаганинг жавобини топинг?

275. Наманган вилояти, Норин тумани, Абдулла Қодирий кучаси, 16-уйдан Отабек Маҳмудов.

Лев Николаевич Толстой «Уруш ва тинчлик» асарида ҳар бир халқнинг такаббурлигини моҳирона чизиб беради. Французлар хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, уларни ўз ақли ва жисми билан ўзига ром эта олишини такаббурликка йўяди. Рус шунинг учун ҳам такаббурки, ҳеч нарсани билмайди, билишни ҳам истамайди, ҳатто билмаганлиги билан фахрланади. Инглиз шунинг учун такаббурки, ўзини дунёда энг обод ва маъмур давлатнинг фуқароси деб билади. Лев Николаевич ўзини ҳам, ўзгани ҳам тезда унутиб, ҳамиша жонсараклиги учун бир халқни такаббурликда айблайди. Савол: қайси халқни?

276. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ойбек кучаси, 1-уйдан Шерзод Ҳайдаров.

XIX асргача шундай қизлар гўзал деб ҳисобланганлар. Айнан франциялик йигитлар уларга уйланишни хоҳлашган.

Савол: қандай қизларга?

277. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Боғишамол маҳалласи, 1-уйдан Иқбол Юсупов.

Бир йигит чўлу саҳроларда ов қилиб юриб, бир қишлоққа кириб, бир хонадон эшигини қоқибди. Ичкаридан бир кампир чиқибди. Йигит ундан сув сўрабди. Кампир уйга кириб пиёлада сув олиб чиқа туриб бехосдан йиқилиб тушибди. Иккинчи марта ҳам шу иш қайтарилибди. Ниҳоят, учинчи мартада кампир йигитга сувни олиб чиқибди. Йигит сувни ичиб бўлгач, кампирдан нега кетма-кет йиқилгани боисини сўрабди. Савол: кампир нима деб жавоб берган?

278. Наманган вилояти, Поп шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 2-уйдан Бекзод Исаев.

Рицарлар ичида энг ашаддийлари Англияда давр суришган. Қирол Артур пайтидаги йигинларда манман рицарлар унвон талашавергач, қирол Артур ҳаммани теппа-тенглигига эришади. Қирол Артур йигинларда нимани жорий қилган?

279. Учқудуқ шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 102-уйдан Мардон Шарофиддинов.

Фалончи, «Сиз дейлик, таланти инсонсиз. Ҳудабехудага талантингизни исроф қилиб, бўлмағур ишларга сарф қилиб юрсангиз, сизга нисбатан бир ибора ишлатилади: «талантни ерга кўмди», деган. Қадимги Юнонистонда қуллар ўз талантларини ўзлари ерга кўмишарди. Қуллар қайси талантларини ерга кўмишарди?

280. Наманган вилояти, Норин тумани, Полвонқул қишлоғидан Обиджон Отабоев.

Ҳадиси шарифда ёзилишича, инсон энг ками ўзи яшаётган жойидан 90 км узоқда бўлиши керак. Савол: 90 кмдан кейин у инсонга нима бўлади?

281. Навоий вилояти, Нурота туманидан Лазиз Холбоев.

Қишлоқда 2 та сартарошхона бор. Биринчиси, озода, покиза, кўриниши ҳам чиройли. Иккинчи сартарошхонада эса, бу ҳолнинг акси, тартибсиз, ҳам қўпол, сартарошнинг кўриниши ҳам бир аҳвол. Миждозлар негандир, айнан, шу бетартиб сартарошхонада соч олдиришни хуш кўришади.

Савол: иккинчи сартарошнинг устунлиги қаерда?

282. Каттақўрғон шаҳри, Аҳмаджон Саттор кўчаси, 3-ўйдан Инатулло Рустамов, нафақахўр.

Мирзо Улуғбек даврида табобат анча ривожланган. Ҳатто, ўша даврнинг табиблари орасида ном қозонган Тожддин Ҳаким жарроҳлик операцияларини ҳам ўтказган. Тожддин Ҳаким керак асбобларни оловда тоблаб микробларни ўлдирган. Саволим шундай: жарроҳ операция олдиан қўлларини нимага чайган?

283. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хондайлиқ қишлоғи, Умаров кўчаси, 30-ўйдан Дилшод Шосаидов.

Ойбек домланинг «Алишер Навоий» асарида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро юришлари пайти, жанглар орасида «Урду бозори» номли бозорлар бўлган экан. Савол: «Урду бозори»да нималар билан савдо қилишган?

284. Тошкент шаҳридан Нурмуҳаммад Саидов.

Шарқнинг мутафаккир файласуфларидан Жалолиддин Румий рубоб созининг 4 та қулогини дунёнинг тўрт томонига қиёслайди. Ва афсус билан «рубобнинг қулоғи 4 та эмас, 6 та бўлиши керак эди» дейди.

Ҳурматли билимдонлар, нега Румий уни 6 та бўлиши керак дейди?

285. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, Улуғбек хўжалигидан Зафар Исмоилов, ҳисобчи.

Буюк зотлар ўз қадрларини доимо баланд тутганлар. Масалан: Жорж Вашингтон «Ҳазрат олийлари» деб аташларини истаган. Колумб эса, «Денгиз адмирали — ҳиндулар вице-подшоши» деб тақдирлашларини сўраган. Ҳаммадан Виктор Гюгоники ошиб тушган. У Париж шаҳрига ўз номини қўйишларини сўраган. Уильям Шекспир эса нафақат ўз номини, балки бутун авлодини эътироф этилишини истаб, ўз уруғ-аймоғи учун уни ясатмоқчи бўлади.

Савол: Шекспир авлоди улуғворлигини кўтариш учун нима ясатмоқчи бўлган?

286. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Говадон қишлоғидан Шерзод Абдуганиев.

«Калила ва Димна» асарида ёзилишича, дунёда 4 та жонивор сабабсиз қўрқади. Биринчиси — читтак. У осмон тушиб кетишидан қўрқади. Иккинчиси — лайлак. У иккала оёғини ерга қўйса, лойга ботиб кетишидан қўрқади. Учинчиси — кўршапалак. У бошқа қушлар каби қафасга тушишидан қўрқади. Тўртинчиси — чувалчанг.

Савол: у нимадан қўрқади?

287. Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Олчазор маҳалласидан Тўлқин Ботиров.

Жюль Верн «Сув остида 20 минг йил» асарида у нарсага шундай таъриф беради: кимёгарлар учун у кальций карбонат ва фосфорли кислота тузлари бирикмаси, табиатшунослар учун пластинкасимон жабралилар синфига кирувчи ўсимлик. Миср маликаси Клеопатра учун у ёшлик ва гўзаллик бахш этувчи, сиркада зритиб ичиладиган жисм. Шоирлар учун эса чуқурдаги кўз ёшлардир. Савол: Жюль Верн нимага бу таърифни берган?

288. Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Шурузак хўжалигидан Қобилжон Искандаров.

Луқмони Ҳаким азиз фарзандига қилган юз насиҳатидан бирида шундай байт ёзиб қолдирган.

Одамда уч юз олтиш рағ бўлур,

Рағларидан бири бадрағ бўлур.

Савол: инсондаги 360 рағ ва битта бадрағ нима?

289. Тошкент шаҳридан Шуҳрат Очилов.

А.П.Чехов у ойни 20 кун, 5 соат, 15 дақиқа-ю 16 сония давом этади, деб ёзган. Ҳурматли билимдонлар, Антон Павлович қайси ойни назарда тутган?

290. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидан Фаррух Раҳматуллаев.

Катта теннисда шундай қонун бор. Аввал ҳар 7 та геймдан кейин, сўнгра ҳар 9 та геймдан кейин амалга оширилади? Савол: бу теннисдаги қандай қонун?

291. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Пиримқул Назировдан.

Томас Морнинг «Утопия» асарида ёзилишича, Утопия оролида яшовчи фуқаролар оролда ўғрилиқ, бойликка хуруж кўчаймаслиги учун тез-тез бир иш қилиб туришган. Бу иш охир-оқибат уларни бойликка хуруж қилиши ҳиссидан тўхтатиб турган. Савол: улар қандай ишни амалга ошириб туришган?

292. Қизикчи Обид Асомовдан.

Дала майдонида унинг ранги яшил, бозорда қора, уйда қизил бўлади. Савол: у нима?

293. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Абдиев ҳўжалигидан Муродилло Усмонов.

Билимдонларга сўзлар маъносига мантиқий назар солиб туришларини маслаҳат берардим. Масалан, «контратака», «контрудар», «контрразведка» каби сўзларда «контр» сўзи қарши маъносида ишлатилади. Разведкага қарши, ҳужумга қарши ва ҳ.к. Лекин «контр» сўзи айрим пайтлари учраганда, масалан, «контрадмирал» сўзида тушунарсиз ҳолатни кузатамиз. Савол: контрадмирал адмиралга ёки денгизга қарши одамми?

294. Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Қозоқ қишлоғидан Ойбек Қурбонов.

Бразилиядаги бир қанча кинотеатрлар эгаси Морио Кучер исмли тадбиркор томошабинни жалб қилишнинг энг зур йўлини топдики, у тезда муваффақият келтира бошлади. У шундай йўл тутдики, нархлар сунъий равишда эмас, иш жараёни пайтида пасайиб кетади. Айниқса, бу усул болаларга маъқул келиб, улар сони кўпая бошлайди.

Савол: кинотеатр эгаси томошабинни жалб қилиш учун қандай йўл тутди?

295. Наманган вилояти, Чуст тумани, Ариқбуйи қишлоғидан Нозима Усмонова.

У кишига у ашёни онаси берган эди. Онаси эса уни сеҳргар лўли хотиндан олган. Энг қизиги, уни 200 йил яшаган авлиё киши муқаддас қуртлар ипагидан тўқиган. Ундаги сеҳр-жоду ахири ўз ишини бажарди. Гуноҳсиз дилбар ўлимига сабаб бўлди.

Савол: юқорида қандай тарихий ашё ҳақида гап кетмоқда?

296. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳошимов 2-берк кўчаси, 10-уйдан Хайрулдин Фатхуллаев, П гуруҳ ногирони.

Ўрта Осиё халқларида азалдан тўйларда қўчқор уруштириш маросимлари ўтказиб келинади. Польша пойтахти Варшава ёнгинасидаги бино олдида эчкилар уруши минглаб сайёҳларни тўплайди. Йилнинг хоҳлаган пайти, сайёҳларни ўзига ром этган бу жанг, биздаги қўчқорлар жангидан фарқ қилади. Савол: фарқи қаерда?

297. Янгийўл шаҳри, Султонова маҳалласидан Насиба Аҳмаджонова.

Савол Франция тарихидан. «Дудуқ», «ялқов», «семиз», «пакана», «вайсақи». Савол: бу лақаблар кимларга берилган?

298. Тошкент шаҳридан Жамшид Эгамбердиев.

Японияда у сўз XVI асрнинг бошларида пайдо бўлган. У сўзни ёзиш учун 3 та иероглифдан фойдаланишади. «Санъат», «билмоқ» ва «рақс» иероглифлари ўша сўзни келтириб чиқарган. XVI асрдан бери муомаладаги бу сўзни топиб бизга айтасиз.

299. Термиз шахри, Дуслик маҳалласидан Мавлуда Ҳасанова.

Санкт-Петербургда Капитан, Мичман, Матрос деб номланадиган кўчалар бор. Мичман ва Матрос кўчалари орасида яна бир кўча қолиб кетди. Бир дақиқадан сўнг бизга шу кўча номини айтишингиз лозим.

300. Навоий вилояти, Хатирчи туманидан Жаҳонгир Тоғаев, мактаб ўқитувчиси.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит турк» асарида бир масал бор. Инсонлар орасида шундай муносабат шаклланган. Бир ном билан аталувчи арқон мавжуд. Арқонни бир учидаги кишини арслонга, иккинчи учидаги кишини сичқонга қийслашади. Гарчанд шердек бўлсангиз ҳам арқоннинг бу томонига ўтиб қолгудек бўлсангиз, доимий қўрқув, ҳадик, сизни сичқонга айлантириб қўяди. Савол: у арқоннинг номи нима?

301. Тошкент Алоқа коллежи талабаси Шоира Абилаевадан.

Хат ёзганда узундан-узоқ жумлалар тузилади. Хат бу телеграмма эмас, хоҳлаган сўзларни ёзиш мумкин. Тарихда энг қисқа хатни Виктор Гюго ёзган. «Хўрланганлар» асарини ноширига «Асар қандай?» деб ёзган. Ношир ҳам Гюгодек камгап инсон экан.

Ҳурматли билимдонлар, 1 дақиқа ичида Гюго хатга нима деб ёзгани-ю, ношир қандай қисқа жавоб берганини топиб, иложи бўлса ёзиб кўрсатишингиз керак.

302. Зафар Раимқулов саволи.

Нефть илк бор Пенсильванияда топилганда, уни ёқилги сифатида эмас, бир нарса учун шишаларга

солиб сота бошлаганлар. Савол: шишадаги нефтьни кишилар нима мақсадда сотиб олишган?

303. Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Гулистон хўжалигидан Нодира Эргашева.

Одатда расм кўргазмалари ташкил этилганда экспонатлар то кўргазма тугамагунча музейда осиглиқ туради. Ҳайкалтарош ва дизайнер Ян Бюква Брюсселда антиқа кўргазма ташкил этди. Бу кўргазманинг антиқалиги шунда эдики, кечқурун ва ҳатто тушлик пайтида ҳам кўргазма йиғиштириб қўйилган. Иш вақти бошланишига яқин яна экспонатлар жойлаштириб қўйилган. Савол: нима учун иш вақти тугагач экспонатлар йиғиштириб қўйилган?

304. Андижон вилоятидан Ғолибжон Ҳакимов, коллеж ўқитувчиси.

Маргарет Митчеллнинг «Шамолларда қолган ҳисларим» романи қаҳрамони Ретт Баттлернинг шундай фикри бор: «Цивилизация тикланаётган ёки аксинча қулаётган пайтларда уни тез ва осон қўлга киритиш мумкин» — дейди. Савол: Ретт Баттлер нимани назарда тутмоқда?

305. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Сону қишлоғидан Малика Бойхонова.

Қадимда бу улуг ишни уddалаган аёл шарафига Арабистон подшоси туни билан тўп оттирган, Ҳиндистонда уни бир кун тахтга ҳам ўтказишган, Мисрда шахсан маликанинг ўзи уларга сарполар тарқатган. Савол: қандай аёлларга?

306. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Ражабов хўжалигидан Гулруҳ Жумаева.

Ерни онага қиёс қиламиз. Лекин биз инсонлар уни ўзи туққан жигарбандларидан айириб, бегона болаларни боқишга мажбур қиламиз. Савол: 1 дақиқа ичида юқоридаги жумбоққа ойдинлик киритиб беринг.

307. Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Самарқанд хўжалиги, Қамар қишлоғидан Бойзоқ Жумабоев.

Марҳамат, «Заковат» сандиги олиб чиқилсин! Сандиқчада бир сурат яширинган. Ҳаммангизга ўхшаш сурат. Балки, буюк инсонлардан бири дерсиз. Бўлиши мумкин. Ёвуз одамни ҳам, ёш болани ҳам, қарияни ҳам, аёлу-эркакнинг ҳам сурати бўлиши мумкин. Савол: сандиқчада нима бор?

308. Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, 45-мактабдан Араббой Эргашев, хўжалик мудир.

Савол эгаси 1919 йили Россияда муомалага чиқарилган эски пул қогози юборибдилар. Пулга эътибор беринг, бироқ қўлингизга олманг. Ўша пайтдаги пулларда иккита имзо бўлган. Орқа томонида ўша имзолар эгалари ёзилган. Биринчиси — Молия вазирининг имзоси. Иккинчиси, Молия вазиридан пастроқ лавозимдаги кишиники. Иккинчи имзо эгасини топинг.

309. Тошкент шаҳри, Ниёзова кўчаси, 5-уй, 50-хонадондан Ҳидоят Олимова.

Ривоят қилишларича, бир одил подшо вазирларининг ақлу-заковатларини синаш учун шундай жумбоқ айтибди. «Сарой дарвозаси олдида чиқсангиз, бир қария ўтирибди. Унинг бармоғида мен берган узук бор. Узукни ҳеч кимга берманг, фақат подшо юзини минг бор кўрсатган кишига

беринг, деганман». Савол: вазирлар қариядан узукни олишлари учун қандай йўл тутишган?

310. Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳридан Барчиной Усмонова, ўқитувчи.

XX асрда инсоният жуда катта янгиликларнинг шоҳиди бўлди. Ана шундай янгиликлардан бири ДНК анализи орқали фарзанд отасини аниқлашдир. Деярли 99% ДНК анализлари тўғри чиқади. Фақат бир ҳолатда отани адаштириб қўяди. Савол: қайси ҳолатда?

311. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Узак қишлоғидан Зоҳиджон Ўрмонов.

Англия XVIII асрда ривожланиш палласига чиқиб олган даврлар. Газлама билан савдо қилувчи шахобчалар, дўконлар сони ортган пайтлар. Дўконларда тез-тез тафтиш қилиб туришлар кўпайган. Ҳурматли билимдонлар, тафтишчилар газлама дўконларида нимани текширишган?

312. Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Навоий хўжалигидан Шерзод Қурбонов.

Австралия кашф этилгач, инглиз қироличаси у ерга илк илмий экспедиция жўнатади. Экспедиция ходимлари эса бир овоздан у ерга уларни жўнатиш мақсадга мувофиқ бўлишини айтадилар. Негаки, иқлими, об-ҳавоси уларга жуда мос тушади, деганлар. Савол: кимларни у ерга жўнатишни таклиф этишган?

313. Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Навбаҳор маҳалласидан Гулмурод Худойбердиев.

Немис файласуфи Шопенгауэр фикрича, бу ўйин ақлий инқирознинг яққол нишонасидир.

Одамлар фикр алмашишга чоғлари келмаганда, унга юзланишади. Шопенгауэр қандай уйинга таъриф берган?

314. Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳридан Наргиза Ҳамроқулова.

Франция Адабиёт Академиясининг энг нуфузли мукофотига номзод асарларни танлашда ҳайъат аъзолари қаторига улар ҳам киритилган. Асарни улар ҳам ўқиб чиқиб ўз фикрларини билдиришган. Савол: булар кимлар бўлиши мумкин?

315. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Турт Айғир қишлоғидан Бекқул Давиров.

Бундан 500 йил аввал Шри-Ланка шимолида бир мақбара бунёд этилган. Ҳалигача унинг биронта гишти кўчмаган. Текширувлар шуни кўрсатадики, бу бино гишти оддий лой ё цементга эмас, бир қимматбаҳо маҳсулотга терилган экан. Савол: бино гишти нимага терилган?

316. СамДУ талабалари номидан Нодир Бойтўраев.

Германия канцлери Отто Бисмарк буюк Германия яратиш учун уларни кўпайтиришни талаб қилган. Агар улар юқори малакали бўлсалар, 10 йилдан кейин Германия қудратли давлатга айланади, деб айтган. Савол: канцлер Бисмарк қайси касб эгаларини кўпайтиришни ёқлаган?

317. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидан Ҳилола Рузиева.

Бу асар нафақат Шарқ, балки дунё адабиётининг шоҳ асарларидан ҳисобланади. Шунга қарамай, Мисрда бу китобни анча вақтларгача босиб чиқариш

таъқиқланган. Сабаби: ишқий лавҳаларнинг кўплиги. Савол: қайси асар ҳақида сўз кетмоқда?

318. «Термиз оқшоми» газетаси бош муҳаррири Гелдимурод Саидмаликовдан.

Савол экран орқали тайёрланган. Термиз археология музейида дастаси йўқ обдаста қўйилган. Нега унинг дастаси йўқлиги сўралади.

319. Қорақалпоғистон Республикаси, Манғит шаҳридан Нурбек Собиров.

Буюк ишак йўли тарихидан маълумки, қишқировли кунлари карвонлар сафарга чиқишдан тийилишган. Эрта баҳорда сафарга чиқадиган карвонлар зиммасида масъулиятли бир юмуш бўлган.

Карвонлар доимо тўхтайдиган жойларни улар таъмирлаб, қудуқларни тозалаб кетишган. Илк юрадиган карвон зиммасида яна бир масъулиятли, зарур юмуш бўлганки, бутун мавсум давомида ҳамма карвонларга асқотган. Савол: улар яна нима ишни амалга оширишган?

320. Хива шаҳри, Пирнахос қишлоғидан Омонбой Ражабов.

Орангизда овқат пиширишни билмайдиганлар борми? Ҳозир мен сизга овқат қилишни ўргатаман. Ҳамма кўкатлардан тўғранг. Унга гўшт, балиқ, олхўри, шафтоли, олма, смородина, қулупнайдан солиб аралаштиринг. Яна нима кўзингизга кўринса ташланг. Номини нима бўлди, бу овқатни, энди. Атала? Бизда бу овқатни нима деб аталишини билмайману, аммо французларда аниқ номи бор. Бизда у сўзни ҳозир санъаткорлар ишлатишади. Савол: у қайси сўз?

321. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Мустақиллик хўжалигидан Эшпулат Холмирзаев.

Шарқда шундай аёл ўтган. У аёл 2 йилу 8 ой, 4 ҳафта тунда ухламагани аниқ. Савол: у ким бўлиши мумкин?

322. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Хўжа қишлоғидан Умрзоқ Тилабов.

Ким менга алифбодаги ҳарфларни ёддан айтиб беради? Яхши. Ана шу алфавитдаги 4 та ҳарфни олдингизга олиб чиқамиз. Б.Т.П.Ф. Юқумли касалликларни тадқиқ этувчи мутахассислар фикрича, айнан шу 4 та ҳарфдан қаттиқ хавфсирашади.

Савол: вирусологлар фикрича, бу ҳарфларнинг хавфлилиги қаерда?

323. Андижон вилояти, Чинобод шаҳарчасидан Алишер Ҳамроқулов.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини текшириш аввалдан мавжуд бўлган. Масалан, Лондондаги пивоҳоналарда сотилаётган пиволар сифатини текшириб юрувчилар чарм шим кийиб юришган. Нима учун?

324. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Охунбобоев хўжалигидан Журақул Ҳамроев.

Савол экран орқали тайёрланган. Ҳурматли билимдонлар, тасаввур қилинг, қадимги Римдаги овқатланиш шаҳобчасидамиз. Олдимда таомлар турибди. Ўша давр одатига биноан 2 та сочиқ дастурхонда туриши керак бўлган. Биринчиси қўл ва оғиз артиш учун. Сизларга беражак саволим шундай, иккинчи каттароқ бу сочиқни хўранда нимага ишлатган?

325. Топкент шахридан Ботир Тогаев, муҳандис.

Фалончи рақс тушишни биласизми? Урнингиздан тулинг. «Баҳор» рақс дастаси раққосаларига ўхшаб ўйнаб берасиз. Уч марта тез-тез айлана ҳосил қилинг-чи! Йиқилиб кетай дедингиз, шундайми? Балетда бу усул «фуэте» деб аталади. Раққосалар 2-3 дақиқа бемалол айланиб туришлари мумкин. Сиз 3 марта айланиб йиқилиб тушай дедингиз. Раққосаларнинг айтишича, фақат машқ орқалигина эмас, бу усулнинг аниқ техникасини билсангиз, сиз ҳам шундай айланишга уриниб кўришингиз мумкин.

Бир дақиқадан сўнг унинг сирини топиб бизга айтасиз.

326. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Кўприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.

Исландия пойтахти Рейкьявик нисбатан ихчам шаҳар ҳисобланади. Лекин баъзи пайтлари мажбурликдан катта-катта кемалардан фойдаланишга тўғри келади. У кемалар қандай вазифани бажаришади?

327. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Кўприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.

Испанияда Христофор Колумб 1492 йилда Америкага саёҳатга чиққан «Санта-Мария» кемасининг XX аср иккинчи ярмида қурилган нусхаси бор. Ҳалигача у Барселона портида савлат тўкиб туради. «Санта-Мария» кемаси бортига катта қилиб: «Фалон компаниядан Колумб ватандошларига совға», деган ёзув битилган.

Савол: кемани қайси компания қуриб совға қилган?

328. Самарқанд шахридан Жаҳонгир Бозоров.

Томошабинларимиз қайси мавзудаги саволлар қизиқарли бўлаётган бўлса, шу мавзуда кўпроқ саволлар жўната бошлашади. Бир пайтлар чўпонлар мавзуси уларга кўпроқ маъқул келиб қолган эди. Япон театрлари мавзуси бугун кўпчиликни ўзига жалб этаяпти. Кўп саволлар шу мавзуда бўлаяпти. Шулардан энг қизиқ деб топганимизни сизларга йўллаймиз.

Япон театрида у образни ёш болалар ўйнашган. Уларни гуноҳсиз, бегубор кўрсатиш учун ҳам айнан шундай қилинган. Савол: ёш болалар сахнада кимнинг ролини ўйнашган (образини яратган)?

329. Самарқанд Давлат университети талабаси Дилафруз Тамикаевадан.

Лев Николаевич Толстой «Уруш ва тинчлик» асарида армия тузилишини унинг шаклига ўхшатади. Айнан тубини, энг йўғон қисмини оддий аскарлар ташкил этади. Юқорига кўтарилгани сайин зобитлар, саркардалар жойлаша бошлайди, энг учида қўмондон туради.

Савол: Толстой армия тузилишини нимага қиёслаган?

330. Тошкент шаҳри, Жарариқ мавзеси, 39-уй, 37-хонадондан Муқаддас Ғайназарова.

Ўзбек тўйларида албатта сурнай овози янграйди. Ҳар бир ўзбек бу куйдан роҳатланади. Сурнайчи ҳам кўзларини юмиб, ҳузур қилиб чалади. Ўзи маза қилгач, мухлислар ҳам, эшитувчини ҳам маст қилади. Лекин бир сурнайчи борки, унинг кўзи доимо очиқ туриши керак. Ҳиссиётга берилмасдан чалиши керак. Савол: нега бу сурнайчи ҳиссиётга берилмай чалади?

331. Навоий шахридан Азиз Рустамов.

Буюк кимёгар Лавуазье Германия сафаридан қайтишда 10 та шиша идишнинг огзини беркитиб Германия ҳавосидан олиб қайтади. Савол: 10 банка Германия ҳавосини нима қилмоқчи бўлган?

332. Богот тумани, Қипчоқ қишлоғидан Сайёра Саидова.

Буюк файласуф Суқрот шогирди Афлотунни ёнига чорлаб, «Сени ақл-заковатингга, меҳнат-кашлигингга доимо қойил қолиб келганман. Лекин ўзингни қадрингни ҳам уйлагин. Фикринг теран бўлиб, доимо саломат бўлишни хоҳласанг менга ўхшаб юргин» деб маслаҳат беради. Савол: Суқрот қандай қилиб юрган?

333. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Ойбек кўчаси, 5-уйдан Адҳам Хужамқулов.

Бундан 2000 йил илгари Фарғона водийсида 70 дан зиёд шаҳарлар бўлган. Ўша даврларда шаҳар мақоми айнан улар сонига қараб белгиланган. Савол: кимлар сонига?

334. Самарқанд вилояти, Жомбой шаҳри, Тошкент кўрғонидан Қобилбек Назаров.

«Ҳайратул Аброр» асарининг олтинчи ҳикоясида бир касб эгаларига шундай таъриф берилган: «Унинг сўзлари ёлғонлиги учун ҳам, қаранг ўз тилини ўзи кесяпти. Бойқуш қиёфаси унга ўхшайди, шунинг учун уни бошқа қушлар талагани-талаган. Қиёфасини узгартирса бўлади, йўқ, у ўзгармайди». Савол: юқоридаги таъриф қайси касб эгаларига берилган?

335. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Яккатерак маҳалласидан Рустам Улаев.

Уильям Шекспир у нарсани унча хуш кўрмаган. Уни ақл ўгриси деб айтган. «Одамлар ўз тиллари ва лаблари орқали унга йўл беришади», – деб айтган. Савол: нимага йўл беришади?

336. Фарғона вилояти, Риштон тумани, Ибн Сино хўжалигидан Гуландом Ражабова.

Швейцариялик механик соат усталари қўл соатини кечқурун эмас, эрталаб бурашни соат пружиналарига фойдали дейишади. Савол: нега қўл соатини эрталаб бураш керак?

337. Фарғона вилояти, Қува тумани, Қува кўчаси, 33-уй, 5-хонадондан Авазбек Аҳмедов.

Юнон афсонасида у сеҳргар қилиб кўрсатилади. Ривоятда айтилишича, жангда ёй ва қилич ожизлик қилганда, куч ва жасорат ёрдам бера олмаган ҳолларда у ёрдамга келган. Унинг сеҳридан ҳатто тоғлар жойидан силжиб, денгизлар тинчиб қолган. Савол: гап нима ҳақида кетмоқда?

338. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Халқаобод қўрғонидан Шайдулло Худойназаров.

Кальман Миксатнинг «Ғаройиб никоҳ» асарида ёзилишича, XVII асрларда Польша аҳолисининг бой, ўртаҳол ва камбағал табақалари хонадонидида турли дарахтлар экилар экан. Камбағал оилалари кўпроқ шафтоли ва олма экишар экан, чунки бу дарахтлар 3-4 йилда ҳосилга кирар экан. Ўртаҳоллар сояси, чиройи ва меваси учун кўпроқ ёнғоқ экишар экан. Бир мулоҳаза юритиб кўринг-чи, ҳурматли билимдонлар, бойлар асосан қайси дарахтни кўпроқ экишган?

339. Маргилон шаҳри, Янгибоғ маҳалласи, Туркистон кўчаси, 167-уйдан Аъзамжон Журабоев.

Насронийлар (христианлар) Рождество байрамини ингичка шамлар ёқиш билан нишонлашади. Қарангки, энг зўр шам мумдан тайёрланар экан. Узун-узун тутун чиқариб ёнса, ўша шам сифатли бўлар экан.

Савол: энг сифатли шам ниманинг мумидан тайёрланади?

340. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Говхона қишлоғидан Дилором Неъматова.

«Броконьер» сўзи французча «нима биландир ов қилмоқ» маъносини англатади. Савол: нима ёрдамида ов қилган кишиларни броконьерлар, деб аташади?

341. Андижон шаҳри, Шевченко кўчаси 6-уй, 12-хонадондан Ҳусанов Фаррух.

У нарасага X-XI асрда Англияда қизиқиш кўчайди. Герцоглар, графлар, ҳатто у қиролнинг хоббиси эди. Унинг баҳоси яхши қулларнинг нархидан бир неча баробар юқори бўлган.

Савол: бақувват қулдан ҳам баҳоси юқори бўлган зодагонлар хоббиси нима эди?

342. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Хонназар қишлоғидан Элёр Умиров.

Фалончи, сиз билан роль ўйнаймиз. Сиз ўзингизни ўйнайсиз, мен файласуф Суқротни ўйнайман. Сиз мендан: «Кечирасиз, бу ердан шаҳарга қанча вақтда етиб бориш мумкин?» – деб сўрайсиз. Сўранг. Мен, яъни Суқрот, «Буни айтишим қийин. Кетавер», дейман. Сиз яна сўрайсиз. Сўранг. Шунда Суқрот йўловчига яна кетавер, деб жавоб берган. Савол: Суқрот нега бундай жавоб берган?

343. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 35-б уй, 14-хонадондан Комила Абдувалиева.

Уларнинг асл ватани Арабистон саҳролари бўлган, кейинчалик дунёнинг барча давлатларига тарқаган. Улар сув тошқинларини келтириб чиқариши мумкин, бутун бир шаҳарда чироқларни ўчириб қўйиши мумкин. XX асрда инсоният урушлардан кўра улардан кўп жабр кўрган. Муҳим жиҳати, ўткир фаросатга эгаллигида. Савол: гап нима ҳақида кетмоқда?

344. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Буркут қишлоғидан Мансур Эрматов.

Тошкентда «Семашко» номидаги даволаш мажмуаси бор. Семашко — машҳур тиббиёт олими ҳисобланади. Шу кишига бир аёл «Доктор, озиш учун нима қилишим керак?» — деб сўрабди. Шунда доктор: «Қани ўтиринг, менга қаранг. Бошингизни ўнгга қаратинг, энди чапга қаратинг. Мана шу ҳаракатни тез-тез қилиб туринг», дебди. «Қачон шундай қилай?» деб савол берганида, доктор Семашко аёлга бир жавобни берган. Савол: қандай жавоб берган?

345. Наманган вилояти, Турақўрғон тумани, Мозорқўҳна қишлоғидан Дехқонбой Неъматиллаев.

Агар битта бўлса сути кўпу, жуни кам, иккита бўлса жуни кўпу, сути кам. Савол: ниманинг?

346. Навоий вилояти, Нурота шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 2-ўйдан Назира Абдуллаева.

Сергей Петрович Боткин тиббиётга уларни илк бор жалб этган. Аниқроғи, уларнинг жамиятини

ташкил этган. Шундан бўлса керак, профессор Боткин номи улар учун қадрли. Савол: кимлар учун?

347. Наманган вилояти, Норин тумани, Думар қишлоғидан Алишер Топбоев.

Қуқон Ўрдаси битгач, хон олдига саройнинг бош меъмори Мир Убайдулло кириб, «Хон ҳазратлари, саройни етарли мустаҳкам қилиб бунёд этдик. Лекин Ўрдага яқин 9 та жой борки, у жойлар саройга хавф солиши мумкин», деган. Савол: меъмор саройга хавф солган нарсани нима деб тушунтирган?

348. Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Турк қишлоғидан Соҳибилло Абдурахмонов.

Машҳур норвег сайёҳи Тур Хейердаль фикрича, инсониятнинг энг инқилобий ихтироси буг машинаси эмас, электр лампаси ҳам эмас, телевидения ҳам эмас. Унинг фикрича, инсониятни ривожга айнан у билан боғлиқ. Чунки барча янгиликларни у яратади. Савол: нима барча янгиликларни яратади?

349. Фарғона вилояти, Қува шаҳридан, Маҳмадали Мамажонов.

Айнан у нарсга ҳар йили Италияда 540 млн, Польшада 400 млн, Болгарияда 150 млн. киловатт соат энергияни тежайди. Бунга яна мисоллар келтириш мумкин. Саволим шундай: шунча энергияни тежашга нима ёрдам беради?

350. Топкент шаҳридан Баҳодир Олимов, талаба.

Муסיқага жон киритадиган нарсга бу — овоз. Овоз бўлмаса, муסיқа янграмайди. Агар нур бўлмаса — рассом санъати намоён бўлмайди. Нур — расмга

ҳаёт бахш этади. Адабиётшунос Хосе Ортего и Гаскет насрга (прозага), романга ҳаётни у беради деган. Савол: романга нима ҳаёт бахш этади?

**351. Янгийул шаҳри, Султонова маҳалласидан
Насиба Аҳмаджонова.**

Тиббиёт оламидаги тадқиқотлар натижасига кўра олимлар қизиқ бир ҳолатни кузатишди. Кўпчиликни ҳайратга солган бу хулоса шундан иборат эдики, айнан эгизак фарзандлар ўша шаҳарларда кўп тугилар экан.

Савол: қандай шаҳарларда?

**352. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани,
Ўзбекистон ҳужалигидан Собира Ҳайитова.**

Фурқат! Пишлоқни нечта тури бор деб уйлайсиз. Францияда тахминан 400 дан ортиқ тури мавжуд. Энг хушгаъм ва қимматбаҳо пишлоқ «Рокфор» саналади. Тайёрланиши ҳам, сақланиш муддатлари ҳам бошқа пишлоқлардан фарқ қилмайди. Аммо битта катга фарқи бор. Ҳурматли билимдонлар, ўша фарқни 1 дақиқадан сўнг бизга айтишингиз керак.

**353. Қорақалпоғистон Республикаси, Манғит
шаҳридан Нурбек Собиров, муҳандис.**

Бахтиёр Хўжаев! Чойхонага кирганмисиз ҳеч? У ерда қандай мавзу юзасидан суҳбатлашишларини ҳеч кузатганмисиз? Ҳар хил мавзуда суҳбатлар бўлади. Жамики янгиликлар, газетада чоп этилмасданоқ чойхонада гурунг бўлишга улгуради. Бу шарқона маълумот манбаи ҳисобланади. Ҳурматли билимдонлар, сизларга бир дақиқа муҳлат, шарқда ахборот манбаи чойхона бўлса, қадимдан Европада бу вазифани қаер бажарган?

354. Мақсуд Шаропов саволи.

Самарқанд нонининг таърифи узоқ-узоқларгача
етган. Негадир бу нонни ёпадиган новвойлар
тузини хиёл баландроқ қилиб пиширишади. Тузи
хиёл баландроқ бўлмаса пишмайди бу нон. Савол:
нега у нонни тузи баландроқ бўлиши керак?

355. Бобур Ёқубов саволи.

Гольф майдонлари учун жуда катта махсус жойлар ажратилади. Бу жойлар бир неча гектар майдонни эгаллайди. Гольф майдонида текис ё нотекис, сувли, қумли жойлар ҳосил қилинади. Кўзингизни олдига келтираяпсиз, чамамда. Канададаги Гольф майдонлари ўрмонзорлар ораларида жойлашган. Гольф ўйинлари пайтида, негадир Гольф тўпчалари йўқолиб қолиши ҳоллари кўп кузатилган. Мажбур бўлиб янгисига алмаштиришади. Савол: тўплар қаёққа йўқолиб қолади деб ўйлайсиз?

356. Бу саволни бизга интернет орқали украиналик дўстимиз «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинининг «Олтин бойўгли» соврини соҳиби Борис Бурда юборган.

Марҳамат, қошиқ, санҷқи, пичоқ ва ликопча олиб чиқилсин. Ҳурмати билимдонлар, Борис Бурда сизнинг диққат-эътиборингизни текшириб кўрмоқчилар. Марҳамат, 1 дақиқадан кейин сервис бўйича ушбу анжомларни жойлаштириб беринг.

357. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Китоб хўжалиги, Айрончи қишлоғидан Дилбар Юсупова.

Йўлингиз тушиб, «Айрончи»га бориб қолсангиз, Дилбаройнинг гапларига биноан айрон ичмай қайтмайсиз. Дилбарой бир маълумотни ўқиб бизга ҳайрат билан савол йўллабдилар. Бизда азалдан

қиз билан йигит никоҳ пайтида бир-бирларига узук тақишади. Швеция давлатида ҳозир эмас, албатта, XX аср бошларигача куёв тўйда келинга 2 та узук совға қилар экан. Биринчиси никоҳ узуги, иккинчиси она бўлсин, деб оналик узутини ҳам тақар экан. Энг қизигини энди эшитинг. Айрим қизларнинг оталари тўй куни куёвга узук тақар экан. Саволни шундай қўяман, нега ҳамма оталар эмас, айрим оталар куёвларига тўйда узук тақишади?

358. Питнак қўргонидан Иқбол Отамуродова.

«...Анавиларни масхара бўлишини қаранг. 5 тонналик филдан тортиб, йўгон арқондек анакондагача, жиблажибон, маймунларни сакрашини кўринг. Қиролман, қиролман деб ўкирасан, бир бўлак гўштга пахмоқ сочингни ҳам топширворасан, сариқ мушук. Йўлбарсингдан ҳам хафа бўлдим. Наҳотки, биронтангда гурур бўлмаса? Бўйсуниб яшагандан кўра ўлим афзал мен учун.»

Ҳурматли билимдонлар, юқоридаги монолог муаллифи номини топинг.

359. Андижон Давлат университетининг 4-курс талабаси Ширин Мансуровадан.

Савол экран орқали берилаяпти. Бир киши бешикни пичоқ билан кертмоқда.

Бошловчи: ҳурматли билимдонлар, топинг-чи, қадимда нега айрим қизлар ёттан бешик кертиб қўйилган?

360. Қашқадарё вилояти, Қамашли тумани, Ойбек кучаси, 118-уйдан Баратов Муродулла.

Бир-бирингизга қаранг ва Қадимги Рим фуқаролари ўрнига ўзингизни қўйинг. Қаранг, кийимларгача қаранг. Яхшилаб кўз олдингизга келтиринг.

Келтирдингизми? Яхши. Энди саволни эшитинг. Рим ёзувчиси Плинийнинг ҳикоя қилишича, ҳар бир римлик энг камида кунига 3-4 марта у ерда бўлиши шарт. Савол: қаерда?

361. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Меҳнатобод хўжалигидан Рустам Темиров.

Тажрибали чўпонларнинг фикрича, бўриларни отарга ёгин-сочинли кунларда ҳужум қилиш хавфи кўпроқ экан. Савол: нега айёр бўри ёмғирли кунларда ов қилишни ёқтиради?

362. Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Омонов хўжалигидан Баҳодир Иброҳимов.

Сизлар Вестминстер халқаро университетида ўқийсизлар. Лондон яқинидаги Вестминстер шаҳарми ё бошқа ном билан аталадими? Адашмасам, лондонликлар Вестминстер аббатлиги деб юритишади. Вестминстер қасрида Англия учун буюк хизмат қилган шахслар ҳақида маълумотлар лавҳалари битилган. Буюк номлар Исаак Ньютон, Уильям Шекспирлар қаторида Жонас Ханвей деган оддий бир инсон номи ҳам зикр этилган. Бундан 150 йил олдин уни Лондонда русум бўлган бир ашё билан кўришганки, Вестминстер тарихий мажмуасида унинг номи битилишига сабаб бўлган. Савол: нима уни буюклар сафига қўшган?

363. Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидан Машҳура Ворисова.

XIII-XIV асрларда Коҳира, Дарбанд, Дамашқ, Самарқанд, Бухоро ёки шунга ўхшаш Шарқдаги бирор шаҳарнинг дарвозаси олдида қатор-қатор бўлиб бир неча кишилар ўтиришган. Тасаввур қилинг, сизлар ўша шаҳар дарвозалари олдида

ўтирган кишиларсиз. Биронтангизнинг олдингизга келиб бир одам сирли белгилари бор бир парча чарм беради. Уни ходимимиз қўлидан олишингиз мумкин. Рустам Саидаминов, сиз олиб солиштириб кўриб, жавобини берасиз. Савол: сизлар кимсизлар?

364. Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Ших қишлоғидан Назаров Худойназар.

XIX асрдан бошлаб газеталар орасида рақобат кучая бошлаган. Англиядаги бир газета бу ишни биринчилардан бошлаган эди. Шу қадар газета оммалашиб кетдики, газета сотувга чиқмасданоқ, нашриётдаёқ 2-3 ҳиссага сотилиб кетарди. Бир йил давомида газета бундай шон-шуҳратта кўмилиб юрди. Франциядаги газета муҳаррирлари бурниларини тишлаб қолишди. Савол: инглизлар Францияни нимада лол қолдиришди?

365. Жиззах шаҳридан Жасур Ёқубов.

Эрмитаж музейида бир анъана бор. Ҳамма, директордан тортиб, фаррошгача маошларидан маълум бир миқдорини ажратишади. Маълум бир жамғарма тўплашади. У жамғарма бир ой мобайнида музей учун керакли нарса сотиб олишга ишлатилади. Савол: музей ходимлари бу пулга нима сотиб олишади?

366. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Боғишамол кўчаси, 1-уйдан Иқбол Юсупов.

1970 йиллардан буён Венгриянинг кўпгина шаҳарларида 1, 2, 3 октябрь кунлари мактаб, институтлар, ташкилот ва фирмалар ишламайди. Ҳатто судларгача ишламайди. Гарчанд норасмий булса ҳам, давлат идораларигача беркитилади. Савол: 1, 2, 3 октябрь кунлари улар қаерда бўлишади?

367. Саидакбар Гофуров саволи.

Келин қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар бу келин, яъни у албатта бошқа хонадонга бориши, ўша ернинг одатларига кўникиши керак. Келин бўлиш оғир юмушлардан саналади. Эстонияда азаддан тўй куни келин шишасимон хумчага қогозда бир нарса ёзиб ташлайди. Уни куёвнинг ўзи, унинг барча қариндошлари тошчалар билан тўлдириб сувга улоқтиришади. Савол: келин қогозга нимани ёзган бўлиши мумкин?

368. Лондондан Саидкамол Абдураззоқов.

Юнон афсоналаридан маълумки, Икар отаси Дедал билан Крит оролидаги лабиринтдан қочиб, учиб кета туриб Қуёшга яқинлашиб ҳалок бўлади. Лекин XX ва XXI аср кишилари бу парвозни муваффақиятсиз тугади, деб ҳисоблашмайди. Ҳурматли билимдонлар, нимага асосланиб, бугунги кун кишилари бу парвозни фойдали дейишмоқда?

369. Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, Қорасув қишлоғидан Зокир Бегимов.

Аввало, унинг борлиги учун ҳам ҳаммамиз бир жойга тўпланганмиз. Шу кунгача унинг жуда кўп кўринишлари мавжуд бўлган. Аммо сиз билан биз кўниккан ва ишонган ҳолатга келгунча у аввал 1 та бўлган, кейин 2 та, кейин 3 та. Савол: биз ишонган ва кўниккан нарса нима?

370. Нукус шаҳридан Рашид Матенов.

Ҳеч уйлаб кўрганмисиз, ўрта асрларда театрларга кириш ҳақи қанча бўлган? Неча пул бўлган? Томошалар очиқ жойларда амфитеатрларда қўйилган. Ҳамма кириб жойлашиб олиб, бир парда уйналгач, одамларни қизиқтириб бўлгач, театр

ходимларидан бир нечтаси одамлар орасидан юриб пул йигиб чиққанлар. Негадир пул тўпловчиларни бир қўлларида биттадан канарейка бўлган. Савол: нега уларнинг қўлларида қуш бўлган?

371. Фаргона вилояти, Охунбобоев тумани, Пахтакор қишлоғидан Гулмира Қўзиева.

Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидан парча ўқийман:

«Уяхшиямки қўй суруви эмас, тарқалиб кетмайди. Лекин баъзан қўй суруви бўлса ўзини омон сақлай олар эди. Чунки тогдан сел келганда, бирор ёққа қимирлай олмай, турган жойида нобуд бўлаверади». Ҳурматли билимдонлар, асар қаҳрамонларидан бири — Мўмин чол бу таърифни нимага берган?

372. Наманган вилояти, Норин тумани, Шўро қишлоғидан Баҳодир Қурбонов, пифокор.

Африка ва Лотин Америкаси, Осиёнинг бир қанча ҳудудларида ҳар йили ёзда турли юқумли касалликлар қўзғалиб туради. Ҳар бир давлат бу борада ўз лойиҳаларини ишлаб чиққан. Бразилия бу борада жуда катта маблағли режа тузган. Унга кўра узун-узун трассаларда ҳар 50 метрни ковлаб қувурлар ётқизиш айтилган. Ҳурматли билимдонлар, йўлга ётқизиладиган қувурлар орқали касалликларнинг олди қандай усулда олинади? Қувурлар нима учун ётқизилади?

373. Фурқат Қурбонов саволи.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Ҳар бир ёзувчи ўз халқининг фольклори, урф-одатларини пухта билсагина, улардан керакли жойда фойдалана олсагина, у буюк ижодкорга айланади. Мигель де Сервантес сандиқчадаги 2 та Испанияга

хос нарсани айнан испан фольклоридан олган. Бахт тушунчаси узоқдан қараганда бахтсизлик билан бирдек туюлади. Аммо яқиндан бахтсизини кўрганда унга беихтиёр ачиниб кеттанинг юз-кўзингда ҳам сезилиб қолади. Савол: сандиқчада нималар бор?

374. Андижон вилояти, Избосган туманидан Нуъмонжон Қосимов, мактаб ўқитувчиси.

Европада илгаридан қўл-оёғи синган кишиларни даволайдиганларни шундай деб атаб келишган. Бизда «синиқчи» ёки «солувчи» дейилган бўлса, Европада бир ном билан аташган. Бу саволнинг жавобини ХІ асрдан қидиринг. Албатта, Ўзбекистон ҳудудидан. Савол: европаликлар «синиқчи»ни қандай аташган?

375. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманидан Холматов Ботир. (Интернетдан юборилган савол.)

Италияда денгиздан катта миқдорда сув олиб ишлатиш таъқиқланган. Савол: ниманинг олдини олиш учун бу қонун чиқарилган?

376. Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Ибрагимов кўчаси, 70-уйдан Мансур Умаралиев.

Ҳурматли билимдонлар, биласизки, айиқ номи юлдузлар туркумига берилган, масалан, катта айиқ туркуми ёки она айиқ юлдуз туркумлари. Ушбу туркумлар доим у ерни аниқлашда хизмат қилиб келган. Сайёҳлар осмондаги айиқлар орқали ердаги айиқни топишган. Савол: қандай ҳудудни юнончада айиқ деб юритишган?

377. Қарши шаҳри, Боғишамол маҳалласидан Хуршида Чулиева.

Қадимда деярли барча шаҳарлар яйлов ва адирлар, саҳро-ю қирликларда қурилгани учун ҳам у мавжуд

бўлган. Секин-аста шаҳарларни денгиз бўйларига кўчирилиши уни кераксиз ҳолатга чиқарди. У XIX асрнинг 70-йилларигача биз билмаган ном билан юритилган.

Савол: XIX асрнинг 70-йилларидан сўнг у қандай биз билган машҳур номга эга бўлди?

**378. Қашқадарё вилояти, Косон туманидан
Дилбар Мирзаева.**

«Заковат» клубига аъзо бўлиши учун қандай китобларни ўқиш керак, деб сўрашади. Кўп китоб ўқиш керак, бу аниқ. Адабий, илмий, дунёвий, асарлардан ташқари Қуръони Каримни, ҳадисларни, Инжилни ўқиш керак. Бу китобларда ҳаётий манзаралар аниқ бир йўналишда зикр этилган. Масалан, Ҳадиси шарифда улар энг яқин 160 хонадон деб ёзиб қўйилган. Ҳурматли билимдонлар, бу қандай 160 хонадон?

**379. Наманган вилояти, Наманган тумани,
Қумқўрғон қишлоғидан Инобат Неъматуллаева,
ҳамшира.**

Кайковус 12 ёшга тўлганда от миниш, қилич чопиш, найза уриш, камон отиш, хуллас, барча ҳарбий юмушларни ўрганиб, отасига намойиш этибди. Отасининг бўлса муаллимлардан кўнгли тўлмабди. «Сизлар ўргатган ҳунарларни зарур вақтда ўғлим учун бошқа киши унинг ўрнига қила олмайдиган ҳунарни ўргатмабсизлар», деб эътироз билдирибди. Хўш, ҳурматли билимдонлар, Кайковус қандай ҳунарни ўрганиб улгурмаган?

**380. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани,
Кавардон қишлоғидан Жаҳонгир Исматуллаев.**

Орангизда доира чалишни биладиганлар борми? Тасаввур қилинг, доирачисиз. Доирангизни ўтга тоблаб қиздирасиз, тўғрими? Физикада шундай қонун бор: жисм иссиқдан кенгаяди, совуқдан тораяди. Чилдирмани эса аксинча, таранглигини ошириш учун қиздириш керак. Агар бунинг жавобини физикадан излайдиган бўлсак, жисм иссиқдан аксинча, кенгайиб кетиши керак-ку. Ҳурматли билимдонлар, ниманинг ҳисобига чилдирма таранглашади?

381. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Гулобод кўчаси, 32-уйдан Хадича Холлиева.

Негадир инсонлар хафа бўлганда, онасининг қорнида қайтарган ҳаракатни эслаб қолишади. Ҳурматли билимдонлар, сиз ҳам 1 дақиқадан сўнг шу ҳаракатни эслаб, кўрсатиб беришингиз лозим.

382. Жиззах шаҳридан Ҳаёт Олимжонова, коллеж талабаси.

Кўпчилик уни кўнгилочар ўйин деб қарайди. Умуман барча ўйин бориб-бориб спортга айланганидек, у билан минглаб кишилар спорт тури сифатида шуғулланишади. Аслида қадимдан эскимослар узоқдаги ўлжани кўриш учун буни ўйлаб топишган. Савол: эскимослар узоқдаги ўлжани нима орқали кўришган? Унинг бугунги номини топинг.

383. Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Амир Темур хўжалигидан Дилбар Мирзаева.

Машҳур рус классик ёзувчиси Иван Александрович Гончаровда шундай ўхшатиш мавжуд: «Негадир улар қоматларини тик ушлай олмайдилар. Тургандаям, юргандаям олдинга эгилиб юрадилар.

Қўллари доимо тиззада, кўзлари жовдираб, эгилиб, салом беришга доимо тайёр турадилар». Ҳурматли билимдонлар, агар улар хизматкор ҳам, қўллар ҳам бўлмаса, унда улар кимлар?

384. Наманган тумани, Қумқўрғон қишлоғидан, Инобат Неъматуллаева, ҳамшира.

Япония саноати эни ҳам, бўйи ҳам бир ярим метр келадиган ёғоч каталаклар ишлаб чиқармоқда. Ичида стол, 1 та стул ва стол лампаси бор, холос. Уни фақат ташқари томондан қўлфлаш мумкин. Ҳурматли билимдонлар, бундай махсус ёғоч каталаклар кимлар учун ишлаб чиқарилади?

385. Туркменистон Республикаси, Топхóвуз вилояти, Губадаг шаҳарчасидан Сойун Полтаев.

Телевизорлар тарихидан маълумки, уларнинг экрани даставвал думалоқ бўлган. Ҳозир барча телевизор экранлари тўртбурчак. Думалоқ экран қолмаган. Лекин барибир диққат қилинса, телевизор экранлари думалоқ бўлганлигига бир ишора сақланиб қолган. Савол: қаерда бу ишорани кўриш мумкин?

386. Навоий вилояти, Кармана шаҳри, Амир Темур кўчаси, 14-уйдан Шерзод Санаев.

Хитойлар таом ейишда унча-мунчани ортда қолдириши исботланган. Овқатланишга катта эътибор беришади. Нонуштани улар «чи фань», тушки овқатни «у фань», кечқурунги овқатни «вань фань» деб аташади. Учала ҳолатда ҳам «фань» сўзи ишлатилмоқда.

Ҳурматли билимдонлар, савол шундай: «фань» хитойчасига нима дегани?

387. Ўзбекистон Давлат Миллий университети, хорижий тиллар факультети талабаси Дилафруз Жабборовадан.

Хоразмда айрим хонадонларда яқин-яқинларгача катта-катта хумлар сақлашган. Йилнинг маълум бир пайтлари улардан фойдаланишган. Саволим шундай: бу хумлар ичига нима солишган ва улар қандай вазифани бажарган?

388. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва Дизайн институти талабаси Жамшид Валиевдан.

Марҳамат, «Дунё тасвирий санъати тарихи» китоби олиб чиқилсин. Диққатингизни Римда 2 хил даврда ишланган ҳайкаллар суратига қаратинг. Мана бу ҳайкаллар Римда эрамиздан аввалги I асргача ишланган. Кейинги ҳайкаллар милодий II-IV асрларда яратилган. Диққат билан қарасангиз, 2 та даврда ясалган бу ҳайкаллар яратилишида фарқни кузатишингиз мумкин. Ўша фарқни 1 дақиқадан сўнг топиб бизга айтасиз.

389. Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кучаси, 16-уй, 50-хонадондан Пулатой Убайдуллаева.

Бурятларда ҳар йилги байрамларда елка ва бармоқлар жанги бўлиб ўтади. Елка бу — кураш. Савол: бармоқлар жангида нима қилишган?

390. Холида Очиловадан, шифокор.

Машҳур рус классиги Тургенев қабрига вафотидан сўнг ҳар йили бир жамият томонидан катта гулчамбар қўйиб кетилади. Савол: қайси ташкилот, ёзувчининг қайси хизматлари учун?

391. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Бердиев хужалигидан Алишер Холбоев.

Фалончи! «Заковат» ўйинида бошловчининг қайси ибораси, қайси кўп ишлатадиган жумласини унча хуш кўрмайсиз? «Вақт тугади!» дейиши билан барчангиз тинчланиб, ё осмонга, ё бошловчи ўтирган хона томон қараб қўясизлар, тўғрими? Қадимги Мисрда «Вақт бўлди» жумласи янграши билан ҳамма бирваракайига бир идишга қараган. Ҳурматли билимдонлар, «вақт тугади» ибораси билан нимага ишора қилинган?

392. Кармана шаҳри, Муқимий кўчаси, 4-уйдан Ҳасан Жаббаров, Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, нафақахур.

Унда дуккакли ўсимликлардагидек оқсил моддаси сероб. Бундан ташқари, унда рух элементи ҳам бисёр. Агар ундан таом ёки шарбат тайёрланса, калорияси сигир гўштиникидан 4 баробар юқори бўлади. Хитойда фермерлар махсус бетон боксларда уларни боқиб, ресторан ва кафеларга сотадилар. Савол: нима тўғрисида гап кетмоқда?

393. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Қозон қишлоғидан Умар Холмуродов.

Халқда «Ойнинг ўн беши қоронгу бўлса, ўн беши ёруғ» деган нақл бор. Дунёда бир маҳсулот ишлаб чиқарадиган машҳур фирмалар учун бу мақол бошқачароқ, яъни ойнинг 20 кунни ёруғ, 10 кунни қоронги. Айнан шу 10 кундан улар фойдаланиб қолишади. Изоҳ бераман, ой ерни тортиш қувватига эга. 15 кун ой ерни қаттиқ ўзига тортиши оқибатида дов-дарахтлар ширалари юқорига кўтарилади. Ширалар жойига қайтиши учун яна беш кун кутилади. Сўнгра улар кутган 10 кун келади. Ҳурматли билимдонлар, қайси соҳа кишиларига бу 10 кун керак бўлади?

394. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Пасана қишлоғидан Рамзиддин Саидов.

Ўқ отадиган қуроллар, яъни милтиқ қайси асрда пайдо бўлган? XVI асрда, албатта Европада. Милтиқнинг пайдо бўлиши билан аста-секин у кишиларнинг ҳам қадри пасая бошлади. Пасайиб-пасайиб буткул йўқ бўлди. Йўқ бўлди, деёлмайман, албатта номлари сақланиб қолди. Саволим шундай: ўқ отадиган милтиқнинг пайдо бўлиши билан қандай номдор кишилар ўз қадрларини йўқотдилар?

395. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, Абдурахмон Жомий кўчаси, 51-уйдан Дилноза Аҳророва.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Унинг қадру-қиммати кам, кўкси ва бўғзи тор, қочоқ бўлмаса ҳам банди, ўғри бўлмаса ҳам боғланган, урушда бўлмаса ҳам найза урилган, жароҳатланган, ўтга тушса ўзгаради, дам беради, дам ҳам олади, суҳбатдошдан ардоқлироқ, қариндошдан узоқроқ. У нарса сандиқ ичида ҳам, атрофда ҳам бор. Савол: у нима?

396. Гулистон шаҳри, Набиева кўчаси, 41-уйдан Наврўза Эгамбердиева.

Ўзбеклар илгарилари қишни танчада ўтказишган. Кейинчалик уйлар иситиш қувурлари, иссиқ сув ёрдамида иситила бошланди. Кирсангиз, уйлар ичида ё қувурлар ё бошқа мосламалар кўриниб туради. Шундай бир мамлакатда иситиш қувурлари хонадаги поллар остига парма (спираль) қилиб жойлаштирилади. Савол: қайси давлатда?

397. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Исабек кўчаси, 63-уйдан Мавжуда Холиқова.

Нью-Йоркдаги марказий универмагларда дипломли тиббиёт ходимлари штатда туришади. Тўғри,

бизда ҳам бор бундай штатлар. Аммо у ерда болалар кийими билан савдо қилувчи бўлимда алоҳида шифокор хонаси ҳам бор. Савол: бу шифокорнинг ихтисослиги нима?

398. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Бегматов кўчасидан Наргиза Қулбоева.

Ажойиб шоиримиз, Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов шеърларидан бирини ўқийман:

Бас, бошимда қамчи ўйнатма!

Кўксимдаги

Ухлаб ётган ҳисни қўзғотма!

Ҳаддан ошма!

Ўз бошингга ўзинг етасан,

Этларингни

Нимта-нимта қилсам, нетасан?!

Ҳурматли билимдонлар, машҳур шоиримиз ёзган бу шеърий асар қаҳрамони кимга, қайси касб эгаларига қарата бу хитобни қилмоқда?

399. Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Бўстон фермерлар уюшмасидан Умиджон Назаров.

Ўтган ўйинимизда хушхўр чумолилар ҳақида бир савол берилган эди. Вестминстер жамоаси ҳам қуруқ қолмасин. Сизларга ҳам битта шундай савол. Таиландда чигирткани қанчалик яхши кўришмасин март ойидан октябргача уни истеъмол қилишдан тийилиб туришади. Нега шу даврда улар чигирткани истеъмол қилишмайди?

400. Нукуслик Рашид Матеновдан, Автомобиль йўллари институти талабаси.

Бир пайтлар «Заковат» ўйинларида ҳайвонларга қўйилган ҳайкаллар ҳақида савол бериш русум бўлган эди. Ўша пайтда ҳамма саволларни бериб

бўлдик, деб ўйлаган эдик. Биттаси қолиб кетган экан.

Ўрнатли билимдонлар, нега Англиядек давлатда бўрига ҳайкал қўйишган, деб ўйлайсиз?

401. Санкт-Петербургдан Александр Друзь.

Яқинда Москвага борганимизда, Александр Друзь бу саволни «Билимдонларга бериб кўринг, топа олишармикан», деб берган эди. Савол: унча қийин эмас. Друзнинг фикрича, бу савол Иккинчи жаҳон уруши давридаги бир воқеа хусусида. Санкт-Петербургда Академик Вавилов номидаги ўсимликшунослик институти бор. Иккинчи жаҳон уруши вақтида, биласиз, Петербург 900 кун қамалда ушланган. Кўпчилик институтлар, заводлар ва фабрикалар бошқа ерларга кўчирилган. Аммо Вавилов номидаги ўсимликшунослик институти шаҳардан ҳеч қаерга кўчирилмаган. Қамал бошлангач, бироз вақт ўтиб, институтга қоровул қўйиб, ёпиб қўйилган. Ҳеч ким киритилмаган ва қаттиқ қўриқланган. Савол: нима мақсадда институт ёпиб қўйилган?

402. Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Дахбет кўрғонидан Мирза Жумаев, шифокор.

Фалончи! Тасаввур қилинг, сиз ҳарбийсиз, ё ички ишлар зобитисиз. Хизмат юзасидан сизга қурол беришади ва рўйхатга олиб қўйишади. Кўпгина давлатларда хоҳлаган қуролни дўконлардан ҳам сотиб олса бўлади. У ҳолда ҳам уларни албатта рўйхатга олиб қўйишади. Чунки у совуқ қурол. Ундан ноўрин фойдаланилса, инсониятга озор етиши мумкин. Биз билган маълумотларда Таиланд билан Финляндияда ўқотар қуролдан ташқари яна бир анжом албатта рўйхатга олиб қўйилади. Ўрнатли билимдонлар, у қандай анжом?

403. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Бешқозоқ қишлоғидан Хулкар Зиётова.

Мўғил халқи азалдан ёввойи ва ўтроқ халқ бўлган. 1206 йилда тахтга Тимучин — Чингизхон келади. Мўғиллар уни «уммондай улуг зот» — дея таърифлашар эди. Ҳурматли билимдонлар, Хулкар Зиётова сўраяптилар, мўғиллар қайси уммонни назарда тутганлар?

404. Фарғона вилояти, Қува тумани, Қайрағоч қишлоғидан Дилафруз Мўминова.

Уни 1903 йили бир француз нашриёти реклама кампанияси сифатида ташкил этган эди. У ҳалигача давом этмоқда. Давом этганда ҳам, катта масштабда давом этмоқда. Франция иш вақтини бекорга кетиши ҳисобига ҳам 2 млрд. доллар зарар кўради. Ҳозирда ўша кунлари амнистия ҳам ташкил этилган. Майда безорилик билан қамалганлар озод этиб юборилади. Ҳурматли билимдонлар, нега ўша вақтда Францияда ҳеч ким ишламайди?

405. Қашқадарё вилояти, Косов туманидан Дилбар Мирзаева.

1918 йили эндигина 18 ёшга тўлган берлинлик бу этиқдўз йигитчанинг омади келиб, ҳарбий хизматдан қолиб кетади. Балки у хизматга кетганида, урушда оддий бир жангчи сифатида вафот этиб кетармиди? Чунки ўша пайтда Биринчи жаҳон уруши давом этаётган эди. У 1972 йили дунёга машҳур фирманинг асосчиси сифатида дафн этилади. Ҳурматли билимдонлар, сизлардан бу кишининг исми-шарифини эмас, унинг дунёга машҳур фирмасининг номини сўрамоқчимиз.

406. Жиззах вилояти, Зафаробод шаҳридан Усмон Раҳимов.

Ҳаммом — бу одамзотнинг энг лаззатли кашфиётларидан бири. Чунки поклик аъмоллар ичидаги энг кераги, фойдалиси ҳисобланади. Ҳатто «Кайковус»да «ҳаммомга бормоқ зикрида» деган банди ҳам бор. Ҳаммомга покланиш учун борадилар деймиз, негадир «Қобуснома» асарида «ҳаммомга қандай кирган бўлсанг, шундай чиқгил», деб ёзиб қўйилган. Ҳурматли билимдонлар, не сабабдан бундай жумла ёзилган? Сабабини топинг.

407. Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, Дусларобод қўрғонидан Дилафруз Аҳмедова.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчада 2 та қурол бор, бири оқ, бири қора. Қораси доимо биринчи бўлиб жангга киради, оқи эса қорасининг меҳнатини бир пасда йўққа чиқаради. Қора бошлайди ва ҳар доим оққа бой беради. Агар қора эҳтиётлик билан бошқарилмаса, оқ жангчини ишга тушириб, қоранинг меҳнатини зое кетказиш мумкин. Савол: сандиқчада нималар бор?

408. Мироки шаҳарчасидан Дилноза Султонова.

4 та ярим ой, ҳар бирида яна 4 тадан тешикча. 4 та ярим ойни 4 та тошга банди қилдим. Банди бўлгунча 4 та тош қон йиғлади. Чунки 4 та тошнинг жони бор. Ҳурматли билимдонлар, юқоридаги жумбоқ остида нима яширинган?

409. Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Бешқовоқ қишлоғидан Шавкатбек Нуъмонов.

Монастирлар, ибодатхоналар тепасига қўнгироқ илиб қўйилади. Қўнгироқ вақти-вақти билан кишиларни ибодатга даъват қилиб чалиб турилади. Лекин XI-XII асрларгача айрим ибодатхоналарда қўнгироқлар вақти-бевақт узоқ муддат чалинган.

Масалан, ярим кечаси тунда. Савол: ярим тунда ибодатхонада нима воқеа содир бўлиши мумкин?

410. Қашқадарё вилояти, Китоб туманидан Саид Султонов.

Бемор ётган хонадонга беморнинг яқинлари ва адвокат кириб келишди. Сўнгра унга васиятномани ўқиб беришди. Бемор эса жони узилиб қолишидан қўрқиб шошарди. Тезроқ васиятномага қўл қўйиб ором олишни хоҳларди. Лаблари титраб, «Барча қилган гуноҳларимни шу васиятим билан қисман ювсам рози бўлардим» – деб пичирлаб қалтироқ қўллари билан имзо чекди. Ҳурматли билимдонлар, бемор қандай васиятга имзо қўйди?

411. Янгийўлдан Насиба Аҳмаджонова, мактаб ўқувчиси.

Сандиқчада 1605 киши ҳақида маълумот берилган, шу билан бирга 1151 та жой номлари, 277 та қавм ва уруг, 414 та ҳайвон ва ўсимлик, 40 та китоб номи ҳам тилга олинади. Буларнинг барчаси мана шу сирли сандиқча ичида жойлашган. Савол: аниқ жавоб беринг, сандиқчада нима бор?

412. Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Бердиев ҳужалигидан Усмонов Йўлдош.

У экинни Норвегияда қадимий Расенлар қабиласи экиб келган. Бу характерли ўсимликдан кемаларга елканлар тайёрланган. Ўзбекистонда ҳам бу ўсимлик экиб турилади, айрим ҳудудларда. Хўш, бу қайси ўсимлик?

413. Фаргона вилояти, Ёзёвон тумани, Сойбўйи қишлоғидан 67 ёшли шоир ва мухбир Нурбек Раҳим.

Ўзбеклар ҳамма ишларни «бисмилло», деб ўнг оёқдан бошлашади. Лекин барча бу ишни чап оёқдан бошлаб, чап томондан тутатади. Кимда-ким бу ишни орангизда қилган бўлса, у ҳам чап оёқни биринчи бўлиб қўйган. Савол: қаерга қўйган?

414. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Қўнғирот қишлоғидан Зиёдулла Эштуроев.

Фурқат Қурбонов, сиз ўзингизни бахтли инсон деб ҳисоблайсизми? Инсон бахти, хусусан, сизни бахтингиз нимада? Ўзингизни Суқрот даври йигити деб фараз қилинг-да, унинг маслаҳатларини тингланг. Биринчидан, сен қандайдир жонзот бўлиб эмас, инсон бўлиб дунёга келганинг бахтинг! Иккинчи бахтинг — аёл киши бўлиб эмас, эркак бўлиб туғилганингда, учинчи бахтинг, Суқротнинг фикрича, сен ёввойи эмас, ким бўлиб туғилганингда. Савол: ким бўлиб?

415. Самарқанд шаҳридан Жамила Қодиржонова. (Интернет орқали.)

Тарих отаси Геродот Нил дарёси ҳақида жуда кўп маълумотлар қолдирган. Дунёдаги энг суви кўп дарё деб, у Нилни биринчи ўринга қўйган. 2-ўринга у Борисфен дарёсини қўйган. Ҳурматли билимдонлар, Геродот тилга олган Борисфен дарёсини бугун қандай ном билан атаймиз?

416. Қарши шаҳри, Ниязмуддин қишлоғидан Шаҳноза Равшанова.

Уильям Шекспир, Бернард Шоу, Питер Рубенс унинг номини кўкларга кўтаришди. Унинг отаси эса «менинг номимни тарихда қолдирар» деб ўйлаган. Афсуски, у фақат ўзининг номини абадий қила олди. Чунки юнон тилидан унинг исмини «отасига

шараф» деб таржима қилинди. У қайси тарихий шахс?

417. Шаҳрисабз тумани, Дукча қишлоғидан Маърифат Холова.

1226 йилда Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди бу давлатни эгаллаган. XIII аср I ярмида эса бу давлат мўғиллар қўлига ўтади. XIV аср II ярмида Амир Темур бу давлатни босиб олади. Деярли XIX асргача бу кичик давлатни дам Эрон, дам Туркия ўз тасарруфида ушлаган. XIX аср II ярмида бу давлатни Россия эгаллайди. Ҳурматли билимдонлар, ҳозирда Ўзбекистон сингари мустақил давлат номини топинг?

418. Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Учтепа даҳасидан Бахтиёр Тураев.

Тегирмон инсониятнинг энг эзгу ихтироларидан бири. Туркистонда тегирмон тошлари илгарилари ҳўкизлар, отлар ёрдамида айлантириларди. Европада эса шамол тегирмонлари ёрдамида буғдой унга айлантирилган. Голландияда ҳам шамол тегирмонлари жуда кўп бўлган, лекин улар шамол тегирмонларини ёқтиришмаган. Шунинг учун тегирмонлар аҳоли яшаш жойидан 3-4 чақирим нарига ўрнатилган. Савол: нега улар шамол тегирмонини узоқда бўлишидан манфаатдор бўлишган?

419. Тошкент шаҳридан Мамлакат Хўжаева. (Интернет орқали.)

Ундан бизга 32 та мерос қолган. Аврора, шиддаткор ва ҳоказо. Ҳатто ўн тўрттинчисининг номини билмоқчи бўлсангиз, осмондан қидирасиз. Ҳурматли билимдонлар, юқоридаги мерос муаллифини топинг.

420. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Куприкбоши қишлоғидан Воҳиджон Жабборов.

«Ўзим ўта тортинчоқман. Бир чеккада турганим учун бўлса керак. Тўртта бир-биридан шўх, тўполончи акаларим бор. Улар мени жуда эҳтиёт қилишади. Лекин улар бошқалар билан ёқалашиб қолса, мен ҳам қараб турмайман. Жигарчилик — ака-укалар дарров биргалашиб ёқасидан оламиз. Акаларимдан кўра кўпроқ мен сулҳпарварман. Дарров мени элчи қилиб сайлашади. Тинчликка нима етсин!» Монолог муаллифини топинг.

421. Жиззах вилояти, Зафаробод шаҳридан Усмон Раҳимов.

Рустам Жабборов! «Одиллик, ҳаққонийлик» сўзларига энг яқин синоним бўлган сўзни айта оласизми? «Тенглик»ми? Бу сўз анча яқин. Қадимги Миср халқи ёзувларида «одиллик» сўзи туяқуш патлари билан изоҳланган. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг нега айнан туяқуш патлари орқали бу сўз ифодаланганлигини айтасиз.

422. Наманган вилояти, Норин тумани, Думар қишлоғидан Алишер Тошбоев.

Уни қўлимга олиб гўё ичгандай бўлдим. Тўйиб ҳидлаб юзларимга суртдим, сўнгра билакларимга ўраб, бошим узра кўтардим ва уни оёқларим остига ташладим. Ундан кўнглим тўлмай уни яна қўлимга олдим ва шундагина жисму жоним ором топди. Ҳурматли билимдонлар, бунда қандай жараён таърифланмоқда?

423. Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Тошкент қўрғони, 2-уйдан Қобилбек Назаров.

Тарихчи Хондамир ўзининг эсдаликларида у шаҳарга шундай таъриф берган: «Бир шаҳар

кўрдимки, атрофидаги биноларида чорбоғлар бўлиб, ундан Эрам богининг дилида доғи бор. Суви эса оби ҳаётдир, йўқ-йўқ, оби ҳаёт унинг қиёсидан хижолатда зулматга чекинади. Бугдойи ҳақида айтилса, негадир Макка шаҳри ёдга олинади». Ҳурматли билимдонлар, ушбу шаҳар номини топинг.

424. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Равот қишлоғидан Голиб Йўлдошев.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Кейинги пайтларда бўқоқ касали билан оғриганлар кўпайиб кетяпти. Асосан аёллар орасида бу касал кенг тарқалган. Йод денгизда кўп бўлгани боис, денгиз яқинида яшовчиларда бу касаллик кузатилмайди. Энди, ҳурматли билимдонлар, бўқоқ тананинг қайси қисмида жойлашганлигини ўйланг, денгиздан ҳам фойдаланинг, албатта, аёлларни ҳам ёддан чиқарманг. Савол: сандиқчада нима бор?

425. Саидакбар Ғофуровнинг саволи.

Қадимда Зарафшон воҳасида яшаган ота-боболаримиз бир ғаройиб иш билан шуғулланишган. Эрта баҳорда тоғдан тушаётган сувларга катта-катта қуй пўстинларини ташлаб қўйишиб, маълум муддат тургач, пўстинлар сувдан олиниб, қуритилиб, сўнг ёқилган. Айтинг-чи, бу ишдан улар қандай самара кўришган?

426. Мақсуд Шаропов саволи.

Соҳибқирон Амир Темур набираси — амирзода Муҳаммад Султон Ҳиндистонга юриш аввалидаги кенгашда: Ҳиндистонни забт этишга 3 та тўсиқ бор. Биринчиси — дарё ва тўқайлар; иккинчиси — тўлиқ қуроолланган сипоҳийлар. Учинчи тўсиқ сифатида амирзода нималарни келтиради?

427. «Заковат» клуби аъзоси Бахтиёр Қаҳҳоров саволи.

Бу шаҳарча шоиру шоиралар ижод маҳсули. Бир қараганда кийикнинг бир тури ҳам шу шаҳарча номи билан аталган. Россиядаги бир автомобиль номи ҳам шу шаҳарча номига жуда яқин. Савол: муаллифи Бахтиёр Қаҳҳоров қайси гўзал шаҳарда туғилган?

428. Жиззах вилояти, Зомин тумани, Канчли қишлоғидан Шерали Қувондиқов.

1913 йили 10 октябрда АҚШ президентларидан бири бўлган Вудро Вильсон роппа-роса соат 9.00 да Оқ уйда олтин тугмачани босди. Натижада орзиқиб кутилган воқеа содир бўлди. Савол: қандай қувончли воқеа бўлиб ўтди?

429. Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Ободон қишлоғидан Рустам Улаев.

А.Дюма «Асканио» романида «Олтин буюмдан кўра, сопол буюмнинг умри ва ғуҳрати боқийдир», деган. Савол: у нимани назарда тутган?

430. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Эшон Бобохов кўчаси, 67-уй, 12-хонадондан Маҳмадали Ёқубжонов, «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» компанияси ходими.

У киши 1855 йилда АҚШнинг Висконсин штатида туғилган. У аввал сотувчи, иш бошқарувчи, фирма раҳбари лавозимларида ишлаган. 1901 йилда у катта бир ихтирога патент олиб, унга ўз номини берган. Ҳозирда бу катта концернда «Дураселл» батареякалари, «Орал-Б» тиш чўткалари, «Браун» электр асбоблари ишлаб чиқаради. Лекин бу ерда биз унинг илк ихтиросини санамадик. Уни сиз топишингиз керак.

431. Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Бахрин хужалигидан Раббим Хуррамов.

Қаранг, унинг бундай номланишига компози-торлар сабаб бўлишган экан. Қўшиқлар ёзилган, қоғозларни дасталаб ўқишга қулай қилиб қўйишган. Бу дастани шундай деб номлашганки, бугун жуда кўпчилигимиз уни улардек атаймиз. Айтинг-чи, у қоғозлар йигмасини қандай атаймиз?

432. Топшкент Алоқа технологиялар университети талабаси Эддор Акрамовдан.

Германиянинг Карлсруэ шаҳридаги энг катта таксопарклардан бирининг ҳайдовчилари ишга чиқиш олдидан 2 қутидан ширинликлар олишади. Ўз навбатида ҳайдовчилар бу ширинликларни айрим мижозларга бепул тарқатишади. Саволим шундай: нега айрим йўловчиларга ширинликлар бепул таклиф этилади?

433. Навоий вилояти, Хатирчи туманидан Нодира Абдуллаева.

Қадимги Римда фуқаролардан ҳам уларнинг сони кўп деган гаплар юрарди. Ҳақиқатан ҳам, кўчаларда одамлардан кўра уларга кўпроқ дуч келасиз. Оддий римликлар, «улар бир-биридан чиройлигу, лекин боши фикр юритмагани чатоқ-да» – деб кулиб қўйишади. Савол: юқорида нима хусусда гап кетмоқда?

434. Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, Миррих қишлоғидан Шарофат Жўраева.

Орангизда турмушга чиқмаганлар ҳам, турмуш қурганлар ҳам бор. Ўзбек урф-одатларидан хабарингиз қисман бўлса ҳам бор деб ўйлайман. Қадимда туркий зодагонлар бир-бирларига қуда

бўлиш арафасида бир-бирлариникига совгалар юборишган. Келин бўлгусининг хонадонига куёв томонидан от, туя, қорамол, кийим-кечаклар юборилган. 9 тадан бериш русум бўлганидан хабардорсиз. Ҳатто қуллар юбориш ҳам назарда тутилган. Лекин қуллар сони 9 та бўлмаган. Савол: қуллар нечта бўлган?

435. Фаргона вилояти, Қува тумани, Жомий кучаси, 8-уйдан Маҳмадали Мамажонов.

Тасаввур қилинг, сиз япониялик котибалар тайёрлаш курси талабасисиз. Курсни битирганингизда сизга 2 та диплом топширилади. Биринчиси — котибалик дипломи, иккинчиси, япон урф-одатидан келиб чиқиб айтсак, моҳир «отякуми» деб аталади. Агар сизда иккинчи диплом бўлмаса, тузукроқ ишдан хомтама бўлманг. Савол: моҳир отякуми нима иш билан шугулланади?

436. Сирдарё вилояти, Боёвут туманидан Тўлқин Жўраев, 16-ўрта мактаб директорининг муовини.

Табиат билан доимо юзма-юз бўлиб турадиган касблардан бири чўпонлик касбидир. Чўпонлар баҳордан то кеч кузгача қўйларини дала-даштларда боқиб, қишга яқин отарларга қайтаришади. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган чўпонлар қўйлар сақланадиган қўтонларга қўйларни киритмасдан беш-ўн кун уларни қўра атрофида сақлашиб, шундан кейингина қўрага киритишади. Нима деб ўйлайсиз, нега улар қўйларни аввал қўра ташқарисида сақлашади?

437. Кармана шаҳри, Муқимий кучаси, 11-уйдан Ҳасан Жабборов.

Фалончи, сизни қадрдон дўстингиз борми? Нечта? Дўст битта ё иккита ҳам бўлиши мумкин,

бир нечта ҳам бўлиши мумкин. Файласуф ва тарихчи Плутарх бир ажралмас дўсти ҳақида шундай сўзларни қолдирган. «Бу дўстимни мен ёқтирмайман, ўзини фикри йўқ, ҳа десам — ҳа дейди, йўқ десам — йўқ дейди. Шуям дўст бўлди-ю. Афсуски, ундан кечиниши иложи йўқ». Ҳурматли билимдонлар, Плутарх қандай ажралмас дўсти ҳақида ёзган?

438. Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Қорателлак қишлоғидан Азамат Тиловов.

Япон театрларида томошабинлар худди ибодатга боргандек боришар экан. Театрни муқаддас жой деб билганлари учун ҳам ўзларини ибодатхонага келгандек тутишади. Шундан бўлса керак, биронта япон театрида уни тополмайсиз. Чунки ҳеч ким ибодат пайтида у ишини қилмайди. Биз ҳам ибодатга борганда қилмаймиз у ишни. Аммо театрда у ишни қиламиз. Савол: япон театрларида нима бўлмайди?

439. Фаргона шаҳри, Амир Темур кўчаси, 235-уйдан Зоҳида Уринбоева.

Инсондаги энг қимматли нарса бу — вақт. Рим файласуфи Сенеканинг фикрича, вақтингизнинг ўгриси айнан улар экан. Ҳурматли билимдонлар, энг кўп вақтингизни ким ўғирлайди?

440. Тожикистон Республикаси, Хатлон вилояти, Кабдиён туманидан Зумрад Чориева.

Христофор Колумб эскадрилияси матроси Родриго де Трианнинг номи тарихда қолган. Аммо матрос умрининг охиригача ўзига ваъда қилинган 10 минг тилла тангани ололмай, бу дунёдан ўтиб кетган. Савол: қандай хизматига у мукофотни ололмаган?

441. Наманган вилояти, Норин тумани, Чужа қишлоғидан Гуломжон Деҳқонов.

Бир зукко шогирд доно устозидан сўрабди: «Фарзанд билан шогирднинг фарқи нимада? Фарзанд ота ва она унга ҳаёт берганлари учун ҳар иккаласи олдида бурчлидир. Шогирд эса фақат устози олдидагина бурчлидир», деб жавоб берибди.

Шогирд ўйланиб туриб сўрабди: «Шогирдлик афзалми ёки фарзанд бўлмоқликми?»

Устоз жавоб қилди: «Ўзинг танла!»

Савол: шогирд қандай қарор қабул қилади?

442. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Исабек кўчаси, 63-уйдан Мавжуда Холиқова.

Марҳамат, иероглиф, Мисрда пайдо бўлган иероглиф олиб чиқилсин. Ҳурматли билимдонлар, диққат билан қарасангиз, бу лентасимон иероглифда жуда кўп, катта маъно бор. Савол: у қандай маънони билдиради?

443. Наманган вилояти, Косонсой тумани, Чиндовур қишлоғидан Адҳам Сатторов.

Тарихчи Наршахийнинг ёзишича, Амир Темур армиясига 17 ёшдан лашкарлар қабул қилинган. Аммо улар узоқ машқлардан кейингина пишигач, жангга чиқарилган. Амир Темур ўйлаб топган машғулотлар ичида галатилариям бўлган. Масалан, йигитларнинг 2 оёғи орасига каттакон тош қистириб узоққа югуриш мусобақаси бўлган. Айтингчи, бу машғулот бўлгуси жангчиларни нимага тайёрлаган?

444. Топкент Давлат Миллий университетининг журналистика факультети талабаси Азиз Каримовдан.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ун минг қўшин билан Маккани қамал қиладилар. Ун минг қўшин билан қалъани забт этиш бу ақлга сигмас иш эди. Аммо идрокли пайгамбаримиз туни билан бир тадбир қўлаб рақибга руҳий таъсир ўтказиб чиқадилар. Эрталаб Макка пайгамбаримиз лашкарларига таслим бўлади. Айтинг-чи, пайгамбаримиз қандай тадбир қўлаган эди?

445. Тошкент Давлат Миллий университетининг журналистика факультети талабаси Азиз Каримовдан.

1891 йили «Лондон таймс» газетасида бир эълон пайдо бўлади. Катта бойлик мерос қолган 18 ёшли бир бойвучча қиз ўзига турмуш ўртоқ қидираётганини эълон қилдиради. Ва ўз манзилени кўрсатади. Даъвогарлар қизчани мактубларга кўмиб ташлашади. Аслида бу қизча ҳийла ишлатган эди. Савол: унинг бу ҳийладан мақсади нима эди?

446. Қашқадарё вилояти, Қамашпи шаҳридан Шерзод Қурбонов.

Хитойда бу оддий одамлар учун 1500 та, ишчи-хизматчиларда сал кўпроқ — 1800 та, тўлиқ маълумот эгаларида — 3000 та. Савол: бу кўрсаткич нимани англатади?

447. Хоразм вилояти, Хива тумани, Огаҳий хўжалигидан Ирода Каримова.

Қадимдан шарқ донишмандлари ўзаро мунозаралар, баҳслар ўтказиб туришган. Аёллар ва эркаклар хусусидаги мажлисда бир донишманд: «эркакларнинг келажаги порлоқ бўлса бу яхши» деса, яна бир аллома аёллар ҳақида шундай фикр билдирибди. Иккинчи аллома аёллар ҳақида қандай фикр билдирган?

448. Фаргона вилояти, Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғидан Дониёр Мадалиев.

XVII-XVIII асрлар Шотландия. Ярим тун. Шотланд сурнайи мотам куйини чалмоқда. Одатда вафот этган кишини сўнгги манзилга кузатиш пайти бундай мусиқа янграйди. Ҳақиқатан ҳам бир шотландияликни кўмиш маросими бўлмоқда. Нега ўша пайтлари ярим кечаси бу иш амалга оширилган?

449. Тошкент шаҳридан Икром Исмоилов.

Бу ёруғ олам 4 унсурдан ташкил этилгани — бу янгилик эмас. Олов, тупроқ, ҳаво, сув. Рақамларни хуш кўрувчи Пифагор уларни 1,2,3,4 сонлар билан белгилаган.

Айтинг-чи, Пифагор бутун дунёни қайси рақам билан белгилаган?

450. Бобур Имомов саволи.

Англия, Венгрия, Голландия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Украина ва Франция, шунингдек Сицилия, Шотландия, Каталония, Скандинавия. Бу номларни фақат дунё харитасида эмас, Жорж Семенон айтганидек, умр харитасида ҳам кўриш мумкин. Жорж Семенон нимани умр харитасига ўхшатган?

451. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Маданият хўжалигидан Саодат Жалилова.

Бруней султони ҳар тонг, нонуштадан сўнг давлат бошлиғи, молия вазири, ички ишлар вазирлари билан кенгаш ўтказади. Бу кенгаш ҳар доим ўз вақтида бўлиб ўтади. Ҳеч ким бир дақиқа ҳам кеч қолмайди. Айтинг-чи, нега бир неча йиллардан бери бу кенгаш ўз вақтида бошланади?

452. Кармана шаҳридан Ҳасан Жабборов, кекса журналист.

Уни файласуфлар боши ва охири йўқ абадийлик тимсоли деб таърифлашади. Ходимимизнинг чўнтагида айнан ўша нарсa бор. Ходимимиз чўнтагида нима бор?

453. Бухоро вилояти, Гиждувон тумани Ҳамид Олимжон хўжалигидан Нурали Шаропов.

Канаданинг Торонто шаҳри дунёнинг ривожланган шаҳарларидан ҳисобланади. У шаҳар баланд, ҳашаматли бинолари билан донг таратган. Яна бу замонавий шаҳарда юзлаб телеканаллар ва радиоканаллар ишлаб турибди. Диққатингизни бир телеканалга қаратаман. Бу Торонтодаги энг кичик телеканал ҳисобланади. Чунки, у канал 4-5 дақиқалик янгиликлар блоки ва қисқа рекламалар узатиш билан шуғулланади. Ва у дастурларни маълум бир жойлардагина кўриш мумкин. Томошабинлар сони ҳам чегараланган. Айтинг-чи, бу телеканал ўз дастурларини қаерда намоиш этади?

454. Тошкент шаҳридан Фарруҳ Раҳматуллаев.

Уларнинг қисқа умрлари бутунлай азобда ўтади. Уларнинг бошлари танасидан жудо этилгач, қақшатқич равишда калтакланадилар. Кўпларни эзиб мажақлаб, майдалаб ташлайдилар. Бу ҳам етмагандек қолганларини умрбод қамоққа тикадилар. Шу зайлда унинг умри тугади, дерсиз. Адашдингиз тугамайди. Ҳурматли билимдонлар, ким ёки ниманинг умри бу каби азобларда ўтган?

455. Бухоро шаҳри, Жомий кучаси, 12-уй, 19-хонадонидан Бибиш Жураева.

Хонлар, амирлар ҳукмронлик қилган даврларни эсланг. Сарой ичида оққуш, укки, кабутар каби

қушлар махсус боқилган. Уларни патлари жуда бақувват бўлиши учун турли емишлар берилган. Хаёлингизга келган биринчи осон фикрдан воз кечиб, айтинг-чи, турли катталиқдаги қуш патларидан қаерда фойдаланишган?

456. Андижон шаҳри, Олтинқул кўчаси, 110-уйдан Музаффар Рустамжонов.

Шайх Нажмиддин Кубро таълимоти бўйича қаралса, уларнинг биринчиси исломга, кейингиси иймонга, яна бири ишончга, ундан кейингиси тўлиқ ишончга, яна бири ирфонга, охирги 2 тасидан биттаси, ҳаяжонга, иккинчиси — эҳсонга қиёсланади. Ҳурматли билимдонлар, юқорида нималарнинг хислати айтиб ўтилди?

457. Навоий вилояти, Қизилтепа туманидан Аҳмедова Гулноза.

1858 йили Франциядаги бир журнал америкалик Пол Морфин ҳақида шундай маълумот ёзиб қолдирган: «У кўзи ожиз бўлса ҳам 10 та шахмат тахтасида кўзи очиқ шахматчилар билан сеанс ўтказди. Ва барчасида ғалаба қилди». Журнал унинг Америкадан келганига, кўзи ожиз бўлганига, яъни кўрмаганига ва ғалаба қилганига ургу беради. Ҳурматли билимдонлар, мақолани улар қандай номлашган?

458. Бухоро вилояти, Шофиркон туманидан Маҳфуза Маҳмудова.

XVIII асрда Бухорода ҳаммомлар қурилиб, халқ эътиборига сазовор бўла бошлаган пайтлар. Ҳафтанинг беш куни ҳаммомга кирувчилар сони жуда кўп бўлган, лекин пайшанба ва жума кунларида ҳаммомга кирувчилар сони бошқа

кунларга қараганда жуда кам бўлганининг сабабини айтинг.

459. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ўзбекистон хўжалигидан Жуманазар Наврузов.

Бугун футбол жуда ривожланиб кетди. Ҳакамларга ҳам ўйинни бошқариш кундан-кунга оғир бўлиб бормоқда. Ҳатто ҳакамнинг махсус иш қуроллари ҳам пайдо бўлган. Ҳурматли билимдонлар, 1 дақиқадан сўнг футбол бош ҳакамининг бир иш қуролининг номини айтасиз. У иш қуроли 90 минут мобайнида умуман ҳакамга керак бўлмайди. Ўйлаш учун вақт кетди.

460. Индонезия давлатида грант асосида таҳсил олаётган талаба Темур Мирзаев саволи.

Дунёнинг энг кўркем шаҳарларидан бири Куала-Лумпур шаҳридаги аэропортда ҳамма нарсасинсонлар учун бадастур қилинган. Ҳашаматли ресторанлар, қимматбаҳо бар ва дўконлар, масжид ва ҳаммомгача мижозлар учун хизмат қилади. Аммо негадир аэропорт ичидаги барча сув шахобчаларидан (кранларидан) занг босган сув оқиб туради. Ҳурматли билимдонлар, нима учун сув кранларидан бундай ифлос сувлар оқиб туради?

461. Фарғонавилояти, Яйпаншаҳри, Абдурахмонов кўчаси 9^А-уйдан Нурматжон Юсупов.

Ота-боболаримиз дарё ва сой сувларини қишлоқларга тарқатишда маҳаллий сув бирлигини қўллашган. Мирзакалон Исмоилий, Ёқубжон Шукуров каби адибларимиз ўз асарларида шу сўздан фойдаланишган. Тахминан 200 литр атрофидаги сувни улар шундай номлашган. Айнан унинг 200 литр атрофида сув бера олиши учун ҳам номи ўшадан олинган. Ва у сув бирлиги номини топинг.

462. Топкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидан
Моҳинур Умрзоқова, мактаб ўқувчиси.

Уларни аввал лойдан ясаб, сўнг хумдонда сопол холига келтириб обдон пиширилади. Уларни тайёрлаш учун чилвир ва чўп зарур бўлади. Уларни тайёрлашда ишлатиладиган энг керак нарсанинг номини айтмадим. Бир дақиқадан сўнг ташқаридан 2 та нарса олиб киришади. Савол: нима олиб киришади?

463. Фарғона вилояти, Яйпан шаҳри, Абдурахмонов кўчаси 9^А-уйдан Нурматжон Юсупов.

Марҳамат, кеманинг расми олиб чиқилсин. Ҳар қандай кемага ҳам, маълум бир ҳажмда ва оғирликда юк ортиш тавсия этилади. Кеманинг корпусига 2 та қатор сув чизиги (ватерлиния) тортилган. Сиз 1 дақиқа ичида Архимед қонунидан фойдаланган ҳолда, кема ташқарисидаги бу 2 чизиқнинг вазифасини аниқлаб беринг.

464. Бухоро вилояти, Когон тумани, Сарой қишлоғидан Азизбек Кенжаев.

Жанубий Кореяда ота-оналар фарзандларини пишиқ-пухта, мустақил бўлсин, деб атайлаб шундай мактабларга беришар экан. Ҳурматли билимдонлар, Жанубий корейлик ота-оналар қандай мактаб фарзандларининг тезроқ мустақил бўлишини таъминлайди, деб ўйлашади?

465. Топкент шаҳри, Юнусобод тумани, 14-даҳа, 30-уй, 18-хонадондан Файзулла Қаландаров.

«Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Дастлаб XVIII асрда Франциядаги Сена дарёсининг 4 даража ҳароратдаги 1 куб дм суви олинган. XIX аср охирига келиб эса, иридий-платина қоришмаси эквивалент

сифатида ишлатиб келинмоқда. Сандиқча ичида юқорида таърифланган ҳаммамиз биладиган аниқ нарса бор. Савол: сандиқчада аниқ нима бор?

466. Қашқадарё вилояти, Қамашти шаҳри, Навоий кўчаси, 103-уйдан Шерзод Қурбонов.

1727 йили Англияда Георг II қиролик қилган. Қирол саройида улар сони 31 та бўлган. Георг II эса улар сонини 51 тага кўпайтирган. Бу ишга қабул қилинганлар, албатта, сочларини таги билан олдиришлари талаб этилган. Савол: нега уларнинг сочлари олдирилган ва улар кимлар?

467. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Қўштепа қишлоғидан Абдували Каримов.

Фалончи! Сиз ёқтирмаган, хуш кўрмаган киши билан ҳамроҳ бўлсангиз, албатта, сизга ноқулайлик туғдиради. Энди саволни эшитинг: илоннинг ёқтирмаган гиёҳи борми, бор бўлса у қаерда ўсади?

468. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Кумакай қишлоғидан Гулжаҳон Абдурахимова.

XX аср бошларида ижоди бошланиб, 20-30-йилларда айни гуллаб, 1934 йили адабиёт соҳасида Нобель мукофотига эришган ёзувчи И. Бунин жумбоғига диққат қилинг. У жой мисли тобут. Фақат қопқоғи йўқ тобут холос. Жуда ҳам чуқурда. Қопқоқсиз тобут ерга кўмилса, майитнинг усти тупроққа тўлгани каби у тобут ҳам тубсизлик сари йўл олди. Афсуски, у тобутдагилар устида тупроқ эмас. Ҳурматли билимдонлар, Буниннинг фикрини давом эттиринг.

469. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 15-мавзе, 57-уй, 92-хонадондан Гавҳар Ганиева.

Венгерларда 2 та нўхат, полякларда 2 та танга, албанларда 2 та бургут, юнонларда 2 томчи зайтун мойи, молдаванларда 2 дона узум. Савол: бизда-чи?

470. Наманган вилояти, Норин тумани, Чўжа қишлоғидан Ғуломжон Деҳдонов.

Карфаген шаҳри ҳозирги қайси давлат ҳудудида жойлашган? Тунис давлатида. Карфагенлик ҳу-нармандлар ясаган идишларга Европа зодагонлари кўп харидор бўлишган. Энг бой кишиларга ўша идишларда мусалласлар қуйилган. Ҳатто қироллар ҳам Карфаген усталари ясаган қадаҳларда май ичишган. У идишлар вазни енгил ва ниҳоятда нозиклиги билан ажралиб турган. Айтинг-чи, у идишларнинг нархи кўтарилишига ва харидоргир бўлишига нимадан ясалганлиги сабаб бўлган?

471. Тошкент вилояти, Оқдўрғон тумани, Гулистон хўжалиги, Бурхон ота кўчаси, 14-уйдан Шерзод Исроилов.

«Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. 2005 йилда Ўзбекистонда 1044 та инсон автоҳалокат туфайли оламдан кўз юмган. Соломон оролларида бу кўрсаткич нолга тенг. Аммо Соломон оролларида сандиқчадаги нарса туфайли ҳар йили ўнлаб кишилар вафот этишади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич нолга тенг. Савол: сандиқчада нима бор?

472. Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Кулома қишлоғидан Достон Тожимуродов.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчада 3 та олма бор. биринчиси — олтин олма, иккинчиси — хитой олмаси, учинчиси — қарағай

олмаси. Агар учала олманинг номини топсангиз, улар сизга совга қилинади. Сандиқчадаги олмалар номини айтинг.

473. Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Кулома қишлоғидан Достон Тожимуродов.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги нарса жуда кўп хатоликка йўл қўяди, чунки унинг ишонган томони бор. Япон мақолида бу ҳақда «У қилган хатосини тузатиш учун ўзи билан устани ҳам олиб юради» деб аниқ айтилган. Савол: сандиқчадаги нима?

474. Наманган вилояти, Турақўрғон тумани, Кумидон қишлоғидан Абусобир Отабоев.

«Руҳий ва ақлий жиҳатдан заиф бўлган кишилар қаерда кўп?» деган саволга XX асрда тиббиётчилар жавоб топишди. Бундай кишилар кўпроқ узоқ ороларда, тоғли қишлоқларда, Сибирнинг бориш қийин бўлган ҳудудларида кўп учрар экан. Бор-йўти 300 аҳоли яшайдиган Япониянинг Шибамура оролида 51 та ақлий ва руҳий заиф кишилар рўйхатга олинган. Айтинг-чи, нима сабабдан бу ҳудудларда заиф кишилар кўп туғилади?

475. Қорақалпоғистон Республикаси, Кегайли тумани, Қозонкеткен қўрғони, Навоий кўчаси, 10-уйдан Гулнора Мустафоева.

Тасаввур қилинг, қаршингизда япон жангчиси «ниндзя» турибди. Қоп-қора кийимда. Қиличи, ханжари яна бошқа жанг қуроллари билан қуролланган. Одатда ниндзялар ўта хавфли топшириқларни бажаришади. Баъзан бир неча кунлаб шу топшириқни бажариш учун ухламасдан, очнаҳор юришга мажбур бўладилар. Улар узлари

билан шундай нарса олиб юришганки, ўша нарса уларга экстремал ҳолатларда ёрдам берган. Савол: нима олиб юришган?

476. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Арабон кўчаси, 31-уйдан Фарҳод Санаев, моҳир чўпон.

Далада, қишлоқ ҳудудларида яшаган ўзбек боласи борки, қўй боқиб катта бўлади. Санжар, сиз ҳам қўй боққан бўлсангиз керак. Агар диққат қилган бўлсангиз, қўйлар эрта баҳорда қир-адирларга, саҳроларга боққани олиб чиқиб кетилади. Кеч кузда, яъни далаларда ҳосиллар йиғиштириб олингач, қўйлар қишлаш учун махсус фермаларга қайтариб олиб келинади. Энди саволга диққат қилинг, одатда касал қўйлар йўталади. Лекин тоғдан қайтиб келган отар ичидаги ҳамма қўйлар соғу касали баробар йўтала бошлайди. Албатта 2-3 кундан кейин соғлари йўталмай қўяди. Айтинг-чи, нимани таъсирида қўйлар йўтала бошлаган?

477. Топшкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Ҳусанбоева 2-тор кўча, 19-уйдан Ойбек Раҳмонов.

Леонардо да Винчи бошқотирмасини тингланг: паррандалар ўлганларидан кейин ҳам одамларга ёрдам бераверадилар. Хўш, ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, бу ёрдам қандай кўринишда бўлади?

478. Паркент тумани, Номданақ қишлоғи, Ойбек кўчаси, 16-уйдан Феруза Турамамова.

Аквалангчилар учун махсус мослама ва кийимлар борлигидан хабарингиз бўлса керак. Бошига махсус шлем, кислород балони, оёқларига сузгич кийишади. Бу мосламаларнинг ҳаммасини ўз вазифалари бор. Энди саволни эшитинг. Аквалангчилар икки қўлида қандай мосламаларни олиб юришади?

479. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Таробий хўжалигидан Суннатилла Ҳамидов.

Ҳиндистоннинг баҳаво, сўлим гўшаларидан бўлмиш Мадрас шаҳрида Чил-устун деган мусулмонлар масжиди бор. Ниҳоятда обод масжид. Орқа томони қир-адирлар, олд томони тип-тиниқ кўл. Атрофига мевали дарахтлар экилган. Дарахтларда маймуну олмахонлар гулгон. Ҳатто Мадрасга келган сайёҳларни томоша қилиш учун бу масжидга олиб келишади. Энг қизиги, Чил-устун ўзбекчага таржима қилинганда «қирқ устун» деган маънони билдиради. Ҳар гал масжид олдидаги устунларни санаган туристлар «масжидда устунлар 20 дон-ку» — деб ҳайрон бўлиб сўрашади. Ҳар гал йўл бошловчи бу устунлар 40 та эканлигини исбот қилиб беради. Айтинг-чи, йўл бошловчи бун қандай исбот қилади.

480. Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, Мирзатўп маҳалласидан Элмурод Ғаниев.

Марҳамат, чол ва кампир сурати олиб чиқилсин. Бу чол ва кампир болалигингиздан сизга таниш А.С.Пушкин «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» қаҳрамонлари. Бу шеърӣй эртак қуйидагича бошланади.

*Ўтган чоғида денгиз бўйида
Чол ва кампир умр сурганди,
Ертўлада — эски уйида
Ўттиз уч йил бирга турганди.*

Агар улар турмуш қурганига 33 йил бўлган бўлса ва 18-20 ёшларида турмуш қуришган бўлса, улар ҳозир баркамол ёшда бўлишлари керак-ку. 50-52 ёшда. Балки Пушкин адашганмикин? Ёки иккинчи ё учинчи турмушларимикан? Ҳурматли билимдонлар, шеърдаги сўзлар билан расмни таққослаб жавоб беринг, чол ва кампирнинг ёши нечада?

481. Термиз Давлат университети табиат-география факультетининг 4-курс талабаси Мақсуд Маҳмудовдан.

Саволни диққат билан ёзиб олинг. Қадимдан уч кун хом деб, уч кун пишган деб, уч кун ўтган деб ишлашган. Ҳурматли билимдонлар, 9 кун муддат ичида қандай ишни якунлашган?

482. Наманган вилояти, Норин туманидан Эътибор Маҳмудова.

Бу талаб ҳамма турдаги курашчиларга, ватер-полчиларга, баскетболчиларга, гандболчилар учун мажбурий. Айтинг-чи, бу талабни сигир соғувчиларга қандай алоқаси бор? Савол: қандай талаб ҳақида сўз кетмоқда?

483. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Зарафшон фермерлар уюшмасидан Исмоил Абдуллаев.

Олимлар ҳайвонот дунёсига оид қизиқ бир фактни аниқлашган. Ер шарининг тропик минтақасидаги чўлларда ва саванналарда яшовчи ўтхўр ҳайвонлар, Африка экваториал ўрмонларида яшайдиган ўтхўрлардан анча катта ва йирикроқ бўлар экан. Бегемот, фил, жирафа, оҳу, кийиклар. Саваннадаги жирафадан, ҳар куни ёмғирлар ёғадиган эквотариал ўрмонлардаги жирафанинг гавдаси кичикроқ бўлишига бир сабаб бор. Қизиги шундаки, ёмғир кўп ёғадиган ҳудудда ўтлар, баргллар, емиш доимо етарли. Шундай бўлсада, у ерда яшайдиган ҳайвонларнинг гавдаси кичик. Мен сизга анча ёрдам бердим деб ўйлайман, бир дақиқадан сўнг ўша сабабни топиб айтасиз.

484. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Сайёд қишлоғидан Камола Бобомуродова.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Жардоно Бруно ҳикматини эшитинг: «Муҳаббатни рашқдан яқинроқ дўсти бўлмаганидек, ундан баттарроқ душмани ҳам йўқ». Бу ҳикмат сандиқча ичидаги жисмга ҳам тааллуқли. Чунки ўша жисм сабаб у пайдо бўлади, сўнгра у билан яшай бошлайди, очиги унда яшаб туриб, уни кемира бошлайди. Жардоно Бруно рашқ ва муҳаббатни сандиқчадаги жисмга қиёслаган. Аниқ қилиб айтинг-чи, сандиқчада нима бор?

485. Топшкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 36-уйдан Дилдора Исламбоева.

Наполеон Бонапартнинг ота-онаси 10 ёшга тўлганда корсикалик бир табибга кўрсатишади. Табиб болага балогат ёшига етгунча ҳар куни эрталаб илиқ сутга хом тухумни аралаштириб ичиришни тавсия этади. Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, ёшлигидан Наполеонни нима безовта қилганки, унга табиб ушбу дору дармонни тавсия қилган?

486. Сирғали туманидан Дилноза Ғойибназарова, Тиббиёт коллежи талабаси.

Уларнинг энг каттасида 20 та бўлса, энг кичигида бор-йўти 5 та, 2 та ўртанчасининг бирида 9 та, иккинчисида 10 та. Сиз саналган катта-кичиклар номини эмас, сонлар, рақамлар остида яширинган умумий номни топинг.

487. Топшкент вилояти, Паркент тумани, Ном-данақ қишлоғи, Ойбек кўчаси, 16-уйдан Феруза Турамадова.

Уларга соат ҳамма нарсадан кўра кўпроқ керак бўлади. Чунки вақт уларнинг ҳаётлари учун зарур

восита, уларга ўлчаб берилади. Шунинг учун улар тез-тез соатларига қараб қўйишга одатланишган. Уларни пири устози иккинчи қўлингизда ҳам соатга ўхшаш мослама бўлиши керак, деб ўргатган, биров эҳтиётсизлик уларни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Сизлар бу мантиқий жумбоқ остидаги кишиларга иккинчи қўлдаги мослама қандай вазифани бажаришини аниқ қилиб айтинг.

488. Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Совлигор қишлоғидан Нилуфар Жалилова.

Гомер «Илиада» достонида энг қўрқоқ одамларда бошқа жонзотнинг юраги бор, деб айтган. Чунки бу ҳайвон қадимги юнонларда қўрқоқлик рамзи бўлган. Балки биринчи жонзот Гомер даврида Юнонистонда бўлмагандир. Ҳурматли билимдонлар, сиз Гомер тилга олган қўрқоқлар рамзи бўлган жонзот номини айтинг.

489. Фарғона тумани, Миндон қишлоғидан Нодирбек Тўхтасинов.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Акмалхон Амилов! Биламан, сиз тўғрисида инсонсиз. Оқни оқ дейсиз, қорани қора. Лекин сиздек тўғрисида йигит ҳам қўлида оқ нарсани ушлаб туриб бу қора дейди. Қоидага биноан сиз уни қора дейишга мажбурсиз. Ҳурматли билимдонлар, сандиқчада нима борлигини аниқ қилиб айтишингизга тўғри келади.

490. Наманган вилояти, Норин тумани, Чўжа қишлоғидан Абдураҳим Абдуҳамидов.

«Титаник» кемасининг ҳалокати XX асрнинг энг катта фожиаларидан бири бўлиб тарихга кирди. Ҳалигача бу фожианинг сабаблари ўрганилмоқда,

ҳисоб-китоблар қилинмоқда. Тирик қолган экипаж аъзолари газеталарга берган интервьюларида кема капитанининг бир буйруғи қайта-қайта чоп этилди. «Ҳаммани уйғотинг, фақат улардан бошқа». Айтингчи, ҳурматли билимдонлар, улар кимлар эди?

491. Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ўзбекистон хўжалигидан Жуманазар Наврўзов.

Шимолий ўлка аҳолиси — ненецлар бугучилик билан шуғулланишади. Ҳар бир бугу боқувчи қарамоғида 2000-3000 тадан бугу сақланади. Ҳар йили бугулар ичидан 2-3 та энг шохлари катта бугу танлаб олиниб, шохини бутаб ташлайдилар. Бу иш деярли ҳар йили давом этади. Ҳурматли билимдонлар, нима мақсадда бу ишни амалга оширишади?

492. Фарғона шаҳри, Қосимов кўчаси, 16-уйдан Исмоилхон Отахўжаев, мактаб ўқувчиси.

«Тарихнинг очилмаган саҳифалари» китобида илгари Ўзбекистон ҳудудида аҳоли орасида ўлим кўпроқ қишда қайд этилган. Совуқ ва очарчилик кўпчилиكنинг ёстигини қуритган. Аммо Хива шаҳрида иситма ва безгак касали кўп тарқаганлиги боис аҳоли орасида ўлим ёзда кўп учраган. Ҳурматли билимдонлар, бу касалликларни нима келтириб чиқарган?

493. Ургенч Давлат университетининг тарих ва ҳуқуқ факультети талабаси Неъматжон Бекжонов.

Қадимдан Шарқ табиблари беморни даволашда беназир бўлишган. Шундай халқона усуллардан фойдаланишганки, ҳалигача дунё тиббиётида бу усуллар қўлланилади. Саволимиз даволаш усуллари ҳақида эмас. Даволанишга тўланадиган

ҳақ тўтрисида. Шарқда хусусан, Хитой, Ҳиндистон, қисман бизда ҳам, даволаганлари учун бемор ҳақи эмас, чироқ ҳақи олишган. Нега даво ҳақи эмас, чироқ ҳақи олинган?

494. Тошкент шаҳри, Сирғали туманидан Дилноза Гойибназарова.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Хитойлик шифокорларнинг таъкидлашларича, улардан фойдаланувчи инсонларга бир мунча қулайликлар мавжуд. Масалан, 40 га яқин ҳаёт учун муҳим бўлган нуқталарни сандиқчадаги нарса билан уқалаш мумкин, бундан ташқари уларни қўллайдиган болалар бир мунча тез ривожланар эканлар. Юқорида айтилган хусусиятли нарса сандиқча ичида турибди. Айтинг-чи, сандиқчада нима бор?

495. Тошкент шаҳридан Собиржон Неъматович Аминов, кимё фанлари доктори.

Лондонликларнинг айтишича, айрим қиш қаттиқ келган йиллари у ерда катта-катта ярмаркалар ташкил қилиниб, ҳатто қозонларда овқатлар тайёрланиб халқ тантанали байрамлар ўтказган. Ҳатто у ерда чойхўрлигу базму-жамшидлар ўтказилганини ҳузури билан эслашади.

Ҳурматли билимдонлар, сиз бу байрам бўлиб ўтган жой номини топинг.

496. Наманган вилояти, Норин тумани, Чужа қишлоғидан Эътибор Маҳмудова.

Таниқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода шеърдан парча тингланг:

*Бордир уни ёши, улуғи
Ҳатто бордур совуқ, илиғи.*

Бордур унинг гўзал хунути

Бордир ҳатто юмшоқ, қаттиги.

Шеърни мени ижроимда эшитдинглар. Шу шеърни Рустам Жабборовга берсам, у ҳам ўқиб бера олади. Бобур Ёқубов ҳам, Хушнуд Худойбердиев ҳам ўқиб бера олади. Айтинг-чи, шоиримиз бу шеърда нимани таърифлаганлар?

497. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Авлод қишлоғидан муҳандис Искандар Каримов.

Асаларичилик жуда нозик касблардан ҳисобланади. Эрта баҳорда ари қутилари тоғ ёнбағирларига олиб чиқилиб, ёз ўрталарида эса дала-дашт пасттекистликларига олиб тушилади. Кўчишдан олдин асаларичилар инларни қўймоқчи бўлган ҳудудни ўрганадилар. Жой танлайдилар. Улар ён-атрофда бедазор, маккажўхоризор бўлмаган далаларни танлашади. Айтинг-чи, нега асалари инлари ёнида бедазор ва маккажўхоризор бўлмаслиги керак?

498. Жиззах вилояти, Даштобод шаҳри, Тинчлик кўчаси, 10-ўйдан Шавкат Эрмонов.

Тошкент шаҳри. XVI аср. Шаҳарда фуқаролар сони анча ва аҳоли зич яшагани боис ҳунармармандчилик жуда ривожланган. Шаҳар марказидаги маҳаллаларда кўпроқ заргарлар яшашган. Оқар сувларга яқин жойлардан совунгарлар, кўнчилар, газламага гул босувчилар қўним топишган. Чунки уларнинг ишлари сув билан боғлиқ. Бугунги Тошкентни яхши билсангиз, берилажак саволни осон топасизлар. Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, Бухоро ва Самарқанд томондан келганингизда Тошкентга кираверишдаги маҳаллада қандай ҳунар эгалари яшаганлар?

499. Топшкент шахридан Зухриддин Каримов.

Китобсеварлар орасида Лев Толстойга ўхшаш кишилар учраши мумкин. Битта китобни ўқиб булгунча у китобнинг бир неча жойларига қаламда бир сўзни ёзиб қўйган. Тахминан сезаяпсиз, масала нима ҳақида кетаётганлигини. Энди менга аниқ қилиб айтинг-чи, Лев Николаевич китобнинг ҳар 50-100 варақлари орасига бир хил қандай сўзни ёзиб қўярди?

500. Навоий шахри, Қурувчилар мавзеси, 1-уй, 18-хонадондан Шаҳриёр Султонов.

1895 йили Петербургда уларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Шундан сўнг улар учун махсус курслар ташкил этилиб, у ерда эстетика, география (шаҳар географияси) ва албатта француз тилини билиш мажбурий қилиб қўйилди. Курсни муваффақиятли битирганларгагина у билан шугулланишга рухсат берилди. Айтинг-чи, бу курсларда кимлар тайёрланган?

501. Фарғона вилояти, Қува шахри, Жомий кўчаси, 8-уйдан Маҳмадали Мамажонов.

Александр Дюма дастлабки асарларини газеталарда чоп эттирган. Бошида Дюма асарларида жуда кўп диалоглар ишлатган. Асар моҳиятини кўпроқ диалоглар билан ифодалаган, бу унинг услуби эди. Кейинчалик муҳаррир бу услуб айёрона эканини фаҳмлаб қолади. Ва диалоглар сонини қисқартиришини сўрайди.

Ҳурматли билимдонлар, аниқ қилиб айтинг-чи, диалоглар билан қандай айёрлик ишлатган?

502. Фарғона вилояти, Қува шахри, Жомий кўчаси, 8-уйдан Маҳмадали Мамажонов.

1829 йили «Ревю де Пари» адабий газетаси бош муҳаррири Доктор Верон ўз рўзномасида у иборани илк бор ишлатган. Ҳозир барча газета-журналлар у усулдан фойдаланади. Ҳа-ҳа фойдаланади, иқтисодий самара кўради. Муштарийни ҳар гал газета сотиб олишга ундайди. Газета бош муҳаррири Верон жаноблари, қандай учта сўздан ташкил топган фойдали иборани илк бор ўз газетасида қўллаган?

503. Фаргонадан Темур Мирзаев.

Ҳозир Индонезияда таълим олаётган бу йигит Жакартадан саволлар юборишда давом этмоқда. Энг қизиги, ўша ерда кўрган қизиқ ҳолатлардан савол қилиб жўнатмоқда. Куала-Лумпур аэропортидаги савол эсингиздами?

«Жакартага келган кунимиз меҳмонхоналарга жойлаштиришди. Мен ҳам хонамга кириб, у ёқ, бу ёқни кузата бошладим. Диққатимни хона ўртасида, шифтда осиглик турган кўрсаткич (стрелка) тортди. Кўрсаткич қўшни девор томонини кўрсатиб турарди. Ён қўшним, шеригимнинг хонасига чиқдим. У ерда ҳам худди шу кўрсаткич қўшни томонни кўрсатиб турганининг гувоҳи бўлдим. Бу қандай белги эканлигини охири сўраб билдик», – деб ёзган Темур.

Айтинг-чи, кўп меҳмонхоналарда илинган бу белгини қўйишдан мақсад нима?

504. Тошкент шаҳридан Руслан Шайдуллин.

Марҳамат, турли даврларда олинган суратлар олиб чиқилсин. Бири XIX аср охирларида, иккинчиси 100 йилдан кейин. Диққат билан қарасангиз, 100 йил олдинги суратга тушган кишилар ўта жиддий ва ҳорғин. 100 йил кейинги, яъни ҳозирги суратларда кишилар ўта қувноқ ва кулиб суратга тушишган.

100 йил олдин ҳам одамлар қувноқ бўлишган, лекин биронта ҳам суратда кишилар қувноқ эмаслар. Диққат, нима сабабдан улар ҳоргин ҳолатда суратга тушишган?

505. Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғидан Собиржон Файзиев.

Савол инсондаги икки ҳис-туйғу ҳақида. Унинг биринчисини орзу қилиш айб эмас, иккинчисини эса орзу қилиш у ёқда турсин, итингизга ҳам раво кўрмайсиз. Биринчиси сизни кўкларга учириб олиб кетса, иккинчиси сизни жиноятга ҳам бошлаши мумкин. Бу икки туйғу сизни хоҳлаган кўйга сола олади. У ушбу икки ҳолатга энг тўғри баҳони берган немис шоири Фридрих Шиллер бўлади. «Айнан шу икки ҳис-туйғу дунёни бошқаради» – деган. Ҳурматли билимдонлар, Шиллер назарда тутган бири ижобий, бири салбий туйғуларни топинг.

506. Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Пешқурғон қишлоғидан Ортиқбой Темиров.

Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичида бир хипча бел, кўриниши хўп ғалати мослама бор. Унинг вазифаси 2 та жонзотни бир-биридан айириб туради. Бирисини елкасида кўтариб турса, иккинчиси елкасида туради. Иккала жонзот учун қулайлик яратади-ю, ўзи жуда ноқулай шароитда фаолиятини олиб боради. Сандиқчада савол муаллифи ўз қўли билан ясаган қўш сирғали мослама бор. Сандиқчада нима бор?

507. Наманган вилояти, Норин тумани, Ўзбекистон хўжалигидан Барно Эргашева.

Барнохон саволларини эшитишдан аввал ходимимизга қаранг. Қўллари чўнтакда. Иккала қўлида

ҳам бир хил нарса бор. У мисоли жонзот. У билан эҳтиёт бўлиб, муносабатда бўлиш керак. Сал эҳтиётсизлик қилсангиз, ҳатто тилингизга ҳам озор етказиб қўйиши мумкин. Ўзбек халқи уни оловга ҳам тенглаштиради. Бир қарасангиз осуда, сокин, яна бир қарасангиз ваҳший ва қўрқинчли. Савол: ходимимизнинг қўлларида нима бор?

508. Андижон вилояти, Олтинқул тумани, Кумакай қишлоғидан Гулжаҳон Абдурахимова.

Буюк испан шоири Федерико Гарсия Лорка ижодидан:

Чорраҳа

Доирасида

Рақсга тушар

Олти дугона

Учтаси теридан

Учтаси пўлатдан

Уларни бирма-бир

Эркалар қўлим

Қучганча бағримга

Олтин Полифем.

Диққат савол: бир дақиқадан сўнг ташқаридан нима киради?

509. Наманган вилояти, Наманган тумани, Юқори Гирвон хўжалигидан Юрий Николаев, маиший хизмат ходими.

Нодирбек! Қўлингиздаги ручками? Нечанчи размердаги туфли киясиз? Бутун Фаргонага қайтиб кетасизми? Раҳмат, диалогимизни тугатамиз. Хўрматли билимдонлар, юқоридаги диалог пайтида Нодирбекни юраги уриб, мияси ўйлаб турди. Диалог пайтида яна 3 та нарса уни измида бўлди, 3 та нарса эса йуқ. Бир дақиқадан сўнг измида бўлган 3 та, бўлмаган 3 та нарсани санаб беришингиз керак.

510. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Урикзор кўчаси, 1-уй, 32-хонадондан Равшан Норқулов.

Хитой ва Тибетда ламаизм динининг таъсири катта. Эътиқод қилувчилар ўз болаларини руҳоний бўлишини жуда хоҳлашади. Хоҳловчилар кўп бўлгани учун қобилиятли болаларни танлаб олишда имтиҳон ўтказишади. Танлов шарти шундан иборатки, болага 20 тача турли предметлар кўрсатилади. Ушбу предметлар орасида диний анжомлар ҳам бўлади. Шулар ичидан болакай 9 та предметни олиб чиқиши талаб этилади. Динга тааллуқли предметларни кўпроқ олиб чиққан болани қобилиятли, деб ўқишда олиб қолишган. Савол: мағзига энди етиб келдик. Болакайларни ёши аниқ — 3 ёш бўлиши шарт. 2 ёшли ҳам, 4 ёшдаги болалар ҳам ўқишга қабул қилинмайди. 3 ёшли болакайни кўз олдингизга келтирингда жавоб беринг, бола нега айнан 3 ёш бўлиши керак.

511. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Соҳибкор хўжалиги, Узун қишлоғидан Алишер Раззоқов.

Рустам Жабборов, ижодлар булаяптими? Шеър, мақолалар битиб турибсизми? Шеър ёзиш — лаззат, тўғрими? Унинг лаззатини шеър ёзган киши тушунади. Рустам билан диалогимиз тугади, энди саволга ўтаман. У шоир айтгандек ўлим эмас, бир учидан кўринаётган тортилган арқон, иккинчиси дор устида лангар чўпсиз, ҳатто қўлларини ҳам очмасдан тик кетаётган дорбоз, учинчиси дор устидан қўрқмай пастга энгашиб қараётган дорбоз. Тагин биттаси — ҳар куни кийимини алмаштирувчи олифта шоирнинг хотини кирларини қуритмоқ учун ёйган учта дор. Ҳурматли билимдонлар, Рустам Жабборов билан бўлиб ўтган диалогимизни эсдан чиқармаган ҳолатда, айтинг, бу ғалати таъриф нималарга берилди?

512. Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, Дахана-какир қишлоғидан Нормоҳаммад Қўзиев.

Бетховен умрининг охирида кар бўлиб қолгач, муסיқа яратишда давом этаверган. У ҳассасининг бир учини роялга теккизиб, иккинчи учини тишлари билан тишлаб ундан чиқаётган муסיқани ҳис этиб турган. Яқинда кар-соқовлар мактабида антиқа воқеанинг гувоҳи бўлдим. Мактаб ўқувчилари янги йил базмида, сахнани тўлдириб дискотека ўйинга тушишарди. Ҳайрон қоларли жойи шундаки, барча худди муסיқани тўлиқ эшитадиганлардек, қўшиқ услубига мос ҳаракатланарди. Залда ўтирганлар уларнинг рақсини томоша қилиб роса қарсак чалишарди. Қарсагимизни эшитишмаса ҳам, аммо муסיқага тўлиқ рақсга тушишарди. Айтинг-чи, улар ҳеч қандай ёрдамсиз, нимани ҳисобига рақсга тушишарди?

513. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 14-мавзедан Бекзод Шокиров.

Олимпиадада 200 дан ортиқ давлатлардан иштирокчилар ташриф буюришади. Улар турли тилларда гаплашадилар. Бу тиллар орасида оммалашгани ва оммалашмагани ҳам мавжуд. Ҳар бир спортчини таржимон билан таъминлаш қийин. 1964 йилгача ушбу муаммо Олимпиада мезбонларини доимо қийнаб келган. Аммо Кацуми Мазару, 1964 йилги Токио Олимпиадасида бир янгиликка қўл урдики, ҳанузгача у Олимпиадаларда муомала воситаси деб қабул қилиб келинади. Айнан Токио Олимпиадасида, оммалашган ва оммалашмаган тилда сўзлашувчилар бирдек тушунадиган муомала воситаси ишга тушган. Ёрдам бериб шуни айта оламанки, Кацуми Мазару узоқ ўтмишга мурожаат қилган ҳолда бу муаммонинг ечимини топган.

Ҳурматли билимдонлар, роса бир дақиқадан сўнг япон мутахассисини олимпиадачиларга яратган қулайлигини экран орқали тасвирини кўрсатамиз. Айтинг-чи, олимпиада тили деб нима қабул қилинган?

514. Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Қумпайкал маҳалласидан Ҳасан Мўминов.

Орангизда туя гўштини еганлар борми? Туя гўшти ҳалол ҳисобланади. Шунинг учун уни бемалол ейиш мумкин. Гўштни ейишдан аввал уни сўйиш керак. Уста Жалил отанинг невараси билан Ҳушнуд Худойбердиевлар ҳозир битта туяни ётқизиб бўғизлашади. Мабодо, туяни сўйиш зарур бўлиб қолса, уни албатта 2 киши сўяди. Битта қассоб бўғзига, иккинчи қассоб ўркачига пичоқ солади. Ҳурматли билимдонлар, нимага туяни иккита жойидан сўйиш керак деб ўйлайсиз?

515. Қадимдан меҳмонхоналар ўрнида карвонсаройлар ишлаган. Шаҳарга келган, тунашга жойи йўқ кишилар карвонсаройдан паноҳ топиб кетишган. Ғарб дунёсида ҳам отеллар, меҳмонхоналар ўрнида мусофирхоналар бўлган. Қизиги, бу мусофирхоналар монастырлар қошида очилган. Ва негадир у жойни шундай номлашганки, бугун биз бу ном билан бошқа муассасани атаймиз. Ҳурматли билимдонлар, Ғарбда мусофирхоналар қандай ном билан аталган?

516. Миллий энциклопедиямизда метр сўзи 3 марта кетма-кет келган. Биринчи ҳолатда: ўлчов бирлиги. Иккинчи ҳолатда: халқаро бирликлар тизими — СИ даги узунлик бирлиги, яъни алгебрада ишлатилади. Савол: учинчи ҳолатда қайси соҳада ишлатилганлиги ҳақида маълумот берилган?

517. Зоологлар фикрича, у ҳашаротнинг эркаги гулнинг нектари билан кун кечириб кетаверади. Аммо ургочиларига тухум қўйиши учун кўп миқдорда протеин керак бўлади. Улар протеинни биздан олишади. Савол: у қайси ҳашарот?

518. Россияда 1714 йилдан 1741 йилга қадар Пётр I нинг Петербургдан ташқари барча ҳудудларда тошдан уй қуриш таъқиқланганлиги ҳақидаги қарори ҳукм сурган. Савол: биринчи рус шоҳи бу фармойишни нима учун чиқарган эди?

519. Пугачёв қўзғолони Россиянинг ярмигача тарқалган. Волга бўйи бутунлай қўзғолончилар қўлига ўтганини ҳукумат чет элик дипломатлардан яшириб келарди. Аммо Германиянинг элчиси бозор айланиб юриб айнан бир нарсанинг сотувда йўқлигидан Волга Пугачёв қўлида деб хулоса чиқаради. Савол: у бозордан тополмаган нарса нима эди?

520. XVIII-XIX асрларда хонликлар саройида меҳмонларни кутиб олиш билан шугулланувчи лавозим бўлган. Бу лавозимнинг луғавий маъноси «гилам тўшовчи». Ҳозир ҳам бу ном билан ишлайдиган одамлар мавжуд. Уларнинг асосий иш қуролларини айтинг.

521. Савол: Тибет тиббиётида нимани «касалликлар дарвозаси» деб аташади?

522. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида шундай таъриф келтирилган: «У нарса ҳовлингдаги арслон. У сени бошқа йиртқичлардан ҳимоя қилади. Зинҳор уни бўш қўйиш керак эмас,

акс ҳолда у қафасини бузади». Савол: бу таъриф нимага нисбатан берилган?

523. Чеховнинг «Семиз ва ориқ» ҳикоясида икки дўст учрашиб қолиб мактаб пайтидаги бир воқеани эслашади. Улардан бири мактаб журнаlines папирос билан куйдиргани учун унга «фалончи» деб лақаб қўйишганини эслайди. Шеригининг мактабда лақаби нима бўлган?

524. Инқилобдан олдин Туркистондаги мактабларда муаллимларга ҳафтанинг бир кунида нон, пул каби инъомлар келтирилган. Савол, улар бу инъомларни ҳафтанинг қайси куни қабул қилишган?

525. Денгиз флотида азалдандан бир одат бор. Агар кемага янги матрос келса, унга ҳақиқий денгизчи бўлиши учун кема ичидаги ёритгичларнинг флаконлари ечиб олиниб, уларга берилиб, бир ишни қилишга мажбур этишган. Савол: нима қилишга мажбур этишган?

526. Антик театрлар жуда катта майдонларда қўйиларэди. Актёрнингюзифодаситомошабинларга етиб бормагани боис, уларга қулай бўлиши учун ниқобда ўйнаш урф бўлган. Унинг салбий ё ижобий қахрамон эканлиги ниқобдан кўриниб турар эди. Ниқобда рол ўйнаш актёрлар учун ҳам қулай эди. Савол: у қандай қулайлик эди?

527. Ўрта аср Ҳинд ҳакимлари, «Ўзи емай, бировга ҳам бермай, бир дунё хазина тўплаган бахил кишилар энг сахий кишилар», деб аташган экан. Савол: ҳинд ҳакимлари уларни нега «сахий кишилар» деб аташган?

528. Армияда аскарлар, зобитлар, ҳатто қўмондонларгача қадамни ташлаганда чап оёқдан бошлашади. Лекин бир хизматчи борки, сафда юрганда қайси оёқдан юришининг унга фарқи йўқ. Савол: бу қайси ҳарбий хизматчи?

529. Илгаридан ўзбеклар иморат солишганда, негадир тўсинни тоқ ташлашади, яъни 7, 9 та ва ҳ.к. Бунинг, албатта, рамзий маъноси бор. Нима учун тўсинлар тоқ ташланган?

530. Илгари масжидларда азон айтиш учун баланд минорага чиқиларди. Аксарият ҳолларда азон айтишни кўзи ожизларга ишонишар эди. Савол: нимага минорага чиқиб айтиладиган азонни кўзи ожизлар айтишган?

531. Алифбо «а» ҳарфидан бошланади. Лекин шундай ҳарфлар жадвали борки, у «ш» ҳарфидан бошланади. У қандай ҳарфлар жадвали?

532. Қуйидаги шеърда инсондаги қандай ҳолат таърифланган?

Ун саккиз минг қиз эдик

Қиргин келди қирилдик.

Оллоҳ мўъжизасиму?

Яна қайта тирилдик.

533. Америка миллатининг отаси Бенжамин Франклин уни илк бор Америка кўчаларида қўлаган. Бу хайрли ишини патентлаб қўйганда эди, бугун ҳам унга маблағ тушиб турган бўлар эди. Савол: Франклин шаҳар кўчалари учун қандай янгиликни киритган?

534. Бутун дунёда ҳозир терроризмга қарши кураш олиб боришмоқда. Жумладан, Ирландияда ҳам бу дастур ишлаб чиқилган. Уша дастурга биноан Ирландия аэропорт ва вокзалларида бир нарсa хизматидан воз кечилган. Ўзи оддий бўлса ҳам катта хавф солиши мумкин деб ўйлашган. Террористлар портловчи моддаларини ташлаб кетишлари мумкин бўлган нарсанинг номини бир дақиқадан сўнг бизга айтасиз.

535. Қадимги ҳакимларнинг ёзишича, мияда — ақл, меъдада — таъм, мушакларда — куч ҳосил (пайдо) бўлади. Савол: қадимги ҳакимларнинг ёзишича, ўт пуфагида нима ҳосил бўлади?

536. Ҳумоюн Мирзо сарой аъёнларини 3 га бўлган. Биринчи қисмига аҳли давлат — вазирлар, аъёнлар кирган. Иккинчи гуруҳга қозилар, дин аҳллари кирган. Учинчи гуруҳни аҳли мурод деб атаган. Савол, унга кимлар кирган?

537. Бу шифобахш ўсимлик азалдан қадрланиб келинади. Ўз ўрнида кучли антибиотик ўрнида ишлатилади. У Рим аскарлари, Миср эҳромлари қурилишида банд бўлган қурувчилар кундалик овқат маҳсулотлари таркибига қатъий равишда киритилган. Уларнинг фикрича, бу ўсимлик қурувчи-лашкарларга куч-қувват бахшида этиш билан бирга уларни шижоатга чорлар экан.

Азиз билимдонлар, бу шифобахш ўсимликнинг номи нима?

538. Ўзбекистонда ўнлаб институт ва университетлар мавжуд. Бунинг устига мустақилликдан сўнг ёшларнинг хорижга бориб таълим олишлари

учун ҳам кенг йўл очиб берилди. Илмга ҳавасманд ёшлар учун ҳамма шароитлар бор. Фақат иқтидор ва интилиш бўлса бас. Хоҳласангиз ўзимизда, хоҳласангиз хорижда ўқишингиз мумкин. Европадаги ривожланган бир давлатда биронта олий ўқув даргоҳи йўқ экан. Ҳамма билимга иштиёқи бўлганлар хориж университетларида ўқишар экан. Савол: қайси ривожланган давлат тўғрисида гап кетмоқда?

539. Бу спорт тури билан одамлар қадимдан шуғулланиб келишган. Албатта, бугунги кўринишга келгунча, жуда катта йўлни босиб ўтган. Масалан, қадимги Грецияда ўша спорт тури ичига югуриш, найза улоқтириш, узунликка сакраш ҳам кирган. Фақатгина XIX асрга келиб у бугунги кўринишига эга бўла бошлаган. Бу спорт билан 4-5 ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. У инсоннинг шаклланишида, иродасини чиниқтиришида муҳим рол ўйнайди. Қайси спорт тури ҳақида сўз кетмоқда?

540. Пифагор, Суқрот, Конфуций таълимотида қандай ўхшашлик бор?

541. Қадимий Юнон спортчиси Луис Спирис югуриш бўйича Олимпиада чемпиони бўлган. Унга олтин эмас, кумуш медаль беришган. Савол: нега?

542. Калифорниялик Глин Вульф арабларни бу борада ортда қолдирмоқчи бўлиб, 27 марта уйланди. Куёвнинг ҳамма қайноналари ҳаёт эди-ю, лекин уларнинг сони 25 та чиқарди. Нега шундай?

543. Унинг аччиги юракдаги қуртни ўлдиради, бемазаси меъдани бақувват қилади, ширини

семиртиради. Топинг-чи, нимага таъриф берил-
япти?

544. Битта узунроқ чўпни синдираман-да яр-
мини сизга бериб, ярмини ўзимда олиб қоламан.
Қадимда нима мақсадда шундай ҳолатни юзага
келтиришган?

545. Дейл Корнеги ёзишича, инсон учун учта
асосий восита мавжуд. Биринчисининг ёрдами
билан умримизни узайтирамиз, иккинчисининг
ёрдами билан уни қўллаб-қувватлаймиз, учинчисини
ёрдами билан эса ўзга дунёга тайёргарлик кўра-
миз. Инсон учун зарур бу 3 та восита номини айтинг.

546. Бу мусиқали асбобга 3000 йил бўлди.
Мифологик қарашга биноан, худолар унинг овозини
ёмон кўришса-да, унинг ижроси билан гўё ҳамма
нарсга ўз интиҳосини топгандек туюлади.

Савол: у қадимий мусиқа асбобининг номи
нима?

547. Эрамиздан аввалги I асрда яшаган файласуф
Марк Теренций меҳнат қуроллари учга: би-
ринчиси — гапирадиган қуроллар, иккинчиси —
гапирмайдиган қуроллар, учинчиси жонсиз меҳнат
қуроллари кабиларга бўлган. Савол: учала меҳнат
қуроллари нинг номини айтинг.

548. 1995 йили Вьетнамда сичқон ва каламушлар
кўпайиб кетади. Шу даражада кўпайиб кетадики,
ҳукумат махсус қарор чиқаради. Маълум муддат
баъзи таомларни ресторан ва ошхоналар менюсидан
олиб ташлаш даражасигача етиб боради. Савол:
қандай таомлар олиб ташланади?

549. XI асрда қамалда қолган Хива хони рақибларига нома юборади. «Халқим бир йил бўлса ҳам қамалда беталофат яшай олади. Халқимни 3 ой қовун боқса, 3 ой совун боқади, 3 ой қовоғи боқса, 3 ой чавоғи боқади» дейди. Савол: хон нимага шама қилган?

550. У жуда кўп иншоотлар қурдирган: Бордо кўприги, Гарабидаги виадук, Будапешт вокзали, Панама канали қурилишида ҳам қатнашган. Лекин унинг бутун дунёга танилишига фақат биттагина иншоот кифоя бўлган? Бу қайси иншоот?

551. 1945 йил Индонезия давлати ўз мустақиллигини эълон қилди. Бир неча кундан сўнг ёш давлат — Монако қиролиги расмий қаршилик қилди, аммо унинг талаби қондирилмади. У нимадан норози эди?

552. Бир музей экспонатларининг бирида шундай ёзув битилган: «Мен қачонлардир ўрмонларда яшаганман, ҳаётлик чоғимда жим турганман, ҳозир ўликман ва куйлайман». Бу ерда гап нима ҳақида кетмоқда?

553. Бу нарса ҳақида Франсуа де Ларошфуко шундай ёзган: «У худди катта кемаларни тўхтатиб қўювчи ёпишқоқ балиқларга ўхшайди, у бизнинг асосий ишларимиз учун денгиз рифлари ва бўронларидан ҳам хавфлироқдир». Савол: муаллиф нимани назарда тутган?

554. Машҳур юнон файласуфи Диоген ўзига берилган саволларга кутилмаган ва бетакрор жавоб бериши билан шуҳрат қозонган. Ундан бир куни

қайси давлат фуқаросисиз деб сўрашганда у шундай жавоб берганки, унинг жавобини бугунги кунгача кўпгина сиёсатчилар такрорлаб келишади. Савол: у нима деб жавоб берган?

555. Тибетликлар бу ичимликка ёғ ва туз қўшишади, мўғиллар гуруч ёки бугдой, қалмиқлар лавр япроғини қўшишади. Гап қайси ичимлик ҳақида кетаяпти?

556. Бир куни граф Заводовский машҳур рус шоири Пушкин билан бўлган суҳбатида ўзининг катта миқдордаги мулкка эгаллиги ва бу мулклардан яхшигина даромад олишини айтиб мақтанган. Бунга жавобан Пушкин мен сиздан бойроқман ва менда 36 та доимий даромад манбаим бор, деб айтади. Машҳур шоир нимани назарда тутган эди?

557. XVI асрда яшаган Руи Лопес номли испан руҳонийси ўз шогирдларига «Шундай ўтирингки, қуёш рақибингизнинг кўзига тушсин» деб маслаҳат беради. У нима тўғрисида маслаҳат беради?

558. Людовик XIV 72 йил қиролик қилди, Людовик XV — 59 йил, Людовик XVI — 18 йил. Людовик XVII неча йил қиролик қилган?

559. Альп тоғи бағрида 7 та давлат жойлашган. Австрия, Италия, Лихтенштейн, Швейцария, Германия ва Югославия. Савол: еттинчиси қайси давлат?

560. Европадаги бу митти давлат аҳолисини «катта қора бургут» наслидан деб айтишади. Бу давлатнинг таржимаси ҳам «бургутлар мамлакати»

деган маънони англатади. Савол: бу Европадаги қайси давлат?

561. Ҳиндистонлик Камил Натх экология вазири лавозимига ўтиргач, чекишни ташланганлигини эълон қилади. Бироз фурсат ўтиб, янги бир лавозимга ўтади. Яна чекишни бошлайди. Савол: у қайси соҳага вазир бўлади?

562. 1992 йилда у транспорт тармоғи ичида рекорд ўрнатгани учун Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. 60 жойда тўхтаб тезликни 36,5 км/соатгача ошира олган. Бу қайси транспорт тармоғи?

563. Октавио Паз «Бечора Мексика! Худодан шунчалар узоқ ва ... га бу қадар яқин» деганда, яқин деб нимани назарда тутган эди?

564. Бу сиёсий арбобнинг соҳаси юриспруденция. У 1869 йил туғилиб, умрининг 11 йилини Жанубий Африкада ўтказган. Ватанига қайтгач, сиёсий партия раҳбари ва миллат қаҳрамонига айланди. 1948 йил Шовенистик ташкилот аъзоси томонидан ўлдирилган. У ким?

565. Қул — «шудра», эркин шахс — «вайши», аскар — «кшартий». Роҳиб қандай аталган?

566. Ронкбук монастири Хитой билан Непал чегарасида жойлашган. Бу монастирнинг дунёдаги бошқа монастирлардан фарқи нима?

567. Жимми Картер ўзининг охириги президентлик кунларида шундай деган эди: «Бир неча кундан

сўнг мен бўйнимдаги барча масъулиятлардан соқит бўлиб, демократик мамлакатимиздаги президентлик лавозимидан кўра устунроқ лавозимга эришаман». Картер қайси лавозимни назарда тутган?

568. Урта асрларда жиноятчи қонли болта кўтарган жаллод ёнига олиб чиқилганда ўлимга маҳкум этилган одам унга чойчақа (пул миқдори) берган. Жаллод бу пул эвазига нима қилиши керак эди?

569. АҚШда газ қувурлари ётқизилгандан сўнг, газ билан бирга хом гўшт ҳиди ҳам аралаш юборилар экан. Нима учун?

570. Биз — ўзбеклар бирор кишини насл-насабидан бохабар бўлмоқчи бўлсак, албатта, унинг ота уруғидан етти авлодини суриштирамиз. Аммо бир миллат вакиллари ота уруғи эмас, балки она уруғни афзал билиб барча суриштирув ишларини она томонга қаратишар экан. Қайси миллат ҳақида сўз кетмоқда?

571. Қадимги япон денгизчилари сафарга чиқишдан олдин, албатта, ўзлари билан мушук олар эканлар. Ва сафар давомида уларга алоҳида эътибор билан қараганлар. Япон денгизчиларига мушукнинг қандай аҳамияти бор эди?

572. Япон чой маросими жуда мураккаб амалларга бой. Бу ерда ҳамма нарса эътиборга олинади: татами гиламчалари, лойдан ясалган мойли лампа, чой қутигаси, чой уйчаси атрофидаги богча ва ундаги тошлар ва албатта, чойнак. Айтинг-чи, японлар чойнак ичига нима учун бир нечта темир бўлакчаларини жойлаштириб қўядилар?

573. Европадаги шундай катта дарёнинг суви ифлослик жиҳатидан БМТ томонидан умуман фойдаланишга нолойиқ топилган. Савол: у қайси дарё?

574. Америкаликлар Линкольнни жуда бадбашара бўлса ҳам «У ерда Авраам жуда чиройли кўринади» деб ҳазиллашишарди. Линкольн қаерда жуда кўркем кўринган?

575. Эронда 1967 йили қўшхотинликка барҳам беришди. Энди иккинчи хотинга уйланадиган эркек хотинининг касаллиги ҳақида ҳужжат кўрсатиши ёки... Жумлани давом эттиринг.

576. Японлар дастлаб уни офислар учун мўлжалланган мебель жиҳози деб қабул қилишган. У жиҳознинг номи нима?

577. Фақат 5 та давлат барча олимпиада ўйинларида қатнашган. Булар Австрия, Франция, Буюк Британия, Швейцария. Савол: бешинчиси қайси давлат?

578. Негадир гозларнинг айнан ўнг қанотлари ХХ асргача жуда қадрланган. Бунинг боисини айтинг.

579. 1970 йиллари Голландияда ТВ орқали шоколад ва бошқа ширинликлар реклама қилинса, экранда, албатта, бир нарсa ҳам бурчакда турмоғи лозим эди. Нима у?

580. Ирландия, Крит, Янги Зеландия оролларида бир жонивор мавжуд эмас. Учала оролдагилар бу нарсанинг фақат номини эшитишган, холос. У нима?

581. Поль Гоген уни «Темирдан ясалган бадий асар» деб атаган. Биз бу бадий асарни қандай атаймиз?

582. Даниэль Дефонинг «Робинзон Крузо» асаридан парча: «У нарса қўлидан қум устига тушади. Энгашиб олмоқчи бўлади. Энкайганча, чўк тушиб унга қараб гавжум шаҳарлар, одамлар бир зум ёдига тушиб кетади. Унинг бунга қанча термулиб утиргани ёдида йўқ». Савол: Крузо қўлидан нимани тушириб юборган эди?

583. Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида бир тоифа кишиларга шундай таъриф берилган. Уларга ҳамма ҳавас қилади, улардек бўлишни орзу қилади. У эса ўзгаларни билмайди, билишни ҳам истамайди. Улар доимо шундай бўлиб қолишни исташади. Шундай ном билан ўлишни исташади. Афсус, ҳаммасига бундай бахт насиб этмайди. Савол: бу таъриф кимларга берилган?

584. Л.Н.Толстой — буюк ёзувчи, жуда сер-ҳаракат киши бўлган. Ёши 70 дан ўтганда, ўша пайтда энди оммалашиб бораётган бир спорт тури билан ёлғиз ўзи шуғулланган. Ҳатто ўша спортчилар жамиятининг фахрий президенти этиб ҳам сайланган. Савол: кекса Лев Николаевич қайси спорт тури билан шуғулланган?

585. Тасаввур қилинг: сиз европаликсиз, Будапештдансиз. Ёнингизда хонимчангиз ҳам бор. Будапештнинг энг зўр ресторанларидан бирида утирибсизлар. Официант икковингизга меню беради. Қизиги шундаки, сиздаги таомномага овқатларнинг нархи ёзилган. Аммо хонимчангизнинг

таомномаларида таом рўпарасига нархлар эмас, бошқа нарса ёзилган. Савол: нима ёзилган бўлиши мумкин?

586. Феодализм даври Хитойда бирмунча оғир кечган. Айниқса, деҳқонлар ҳар таноб ер учун жонларини беришларига тўғри келган. Ниҳоят, давлат сиёсати ўзгариб, ҳар бир деҳқонга фойдаланиши учун маълум миқдорда ер ажратиб беришган. Деҳқон бу ерга шоли, маккажўхори ва бошқа экинлар экиши мумкин бўлган. Шартномага мувофиқ ўша ернинг бир қисми боғ қилиниши ва шу боққа, албатта, Хитойга хос бўлган бир дарахтдан экиш талаб қилинган. Савол: Хитойга хос бўлган дарахтнинг номини айтинг?

587. Дунёда денгизлар кўп. Ҳар бир денгиз маълум бир давлатга, маълум бир ҳудудга тааллуқли бўлади. Аммо бир денгиз бор, у денгиз, дунё географиясида меъёр вазифасини ўтайди. Қайси денгиз ҳақида гап кетмоқда?

588. Чўлларимизда ўсган янтоқ билан Мексика чўлларидаги кактуслар орасида қандай фарқ бор?

589. Дунёда касблар кўп. Лекин инсон умрининг охиригача бир касб билан доимий машғул бўлиб ўтади. Инсонлар тугилганидан то умрининг охиригача қандай касбни бажариб ўтишади?

590. Мутахассислар унга таъриф беришганда, шундай сўзлар билан эътироф этишади: «У шайтон каби қоп-қора, фаришта каби топ-тоза, муҳаббат сингари ширин бўлмоғи керак». Бу қадар эҳтирос билан таъриф берилган нарса нима?

591. Пруссия қироли Паганинига совға қилган буюмида қуйидаги сўзлар баён этилган эди: «Ҳар бири жароҳатлайди, аммо сўнггиси ҳалок этади». Совға қилинган буюм нима эди?

592. Цицерон Геродотни «Тарихнинг отаси» деб атаган. XVIII асрда яшаб ўтган англиялик Жеймс Браутонни ҳам ота деб аташган. Унинг хизматлари орасида қўлқопни (аёлларники эмас) ихтиро қилганлиги ва кодекс ишлаб чиққанлиги (жиноят кодекси эмас) эътиборга молик. Уни ниманинг отаси деб аташган?

593. «Устаси фаранг» ибораси кимларга тақлид ҳисобига келиб чиққан?

594. Инсонлар ўзлари хоҳламасалар ҳам ўшанга интилиб яшайдилар. Гарчанд у нохуш, қўрқинчли бўлса ҳам. Савол: инсонлар ўзлари хоҳламасалар ҳам нимага интилиб яшайдилар?

595. Францияни «Фарангистон» деймиз. Германияни «Олмония». Венгрияни нима деймиз?

596. Марко Поло исмли сайёҳ Хитойга бориб, у мамлакат бойлигини ифодалаш учун бир сўзни ишлатади. XIII-XIV асрларгача у сўз ишлатилмаган. Ўша давлат бойлигининг кўплигини билдирган бу сўз... Ўша кўп нарсани билдирувчи сўзни айтинг?

597. У фарзандсизлиги туфайли тўрт марта уйланган. Ниҳоят тўртинчи хотинидан ўғил кўрган. Ўша ўғил вояга етиб ўзбек халқининг кўзга кўринган адибларидан бўлиб етишган. Гап қайси машҳур ўзбек адиби ҳақида кетяпти?

598. У шундай жойки, унинг таркибида Менделеев даврий жадвалидаги 75 та кимёвий элемент аниқланган. Бу жойнинг номини айтинг.

599. Япониянинг жаҳонга донги кетган бир қанча компаниялари мавжуд ва улар ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Ана ўша компаниялардан бири, ўтган аср 40-йилларининг охирида 7 кишидан иборат бўлган велосипедларни таъмирловчи кичик кооператив сифатида ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунда бу компаниянинг маҳсулотларининг тури жуда хилма хилдир ва жаҳоннинг барча давлатларида савдо қилинади. Юқорида келтирилган таъриф Япониянинг қайси компаниясига тааллуқли?

600. Биласизки, организмнинг ҳаёт кечиришида қон муҳим аҳамият касб этади. Агар организм кўп қон йўқотса, яъни қон миқдори камайиб кетса, унда муҳим бир ўзгариш содир бўлади. Бунда организмнинг бир қисми ўзининг қонга бўлган талаби асосида хусусиятини ўзгартириб, қон ишлаб чиқара бошлайди ва қон миқдори етарли бўлгандан сўнг ўзгарган қисм ўзининг асл ҳолатига қайтади. Юқоридаги ҳолат организмнинг қайси қисмига хос?

601. Шри Ланкадаги бир мактабга талабалар 510 ёшида қабул қилинишади. Уларга мактабда гимнастика, дала ишлари, муаллим билан индивидуал ишлаш, ахлоқ каби фанлардан дарслар ўтишади. Бу мактабнинг битирувчиларига қўйиладиган талаб мактаб кўрмаганлардан 34 ҳисса кўпроқ бўлади. Бу мактабнинг номи нима?

602. Лев Николаевич Толстой шундай деган эди: «Бу нарса жуда катта куч, икки инсонни ҳеч нарса

унчалик бир-бирига тез яқинлаштиролмайдилар». Толстой нимани назарда тутган?

603. Ўргимчак тўрига ҳамма ҳашароту қурт-қумурсқа илинади. Хуш, нега ўргимчак ўз тўрига ўзи илиниб қолмайди?

604. У шундай ичимликки, кўпчилигимиз севиб истеъмол қиламиз. Х асрда яшаган араб шифокори Разес ўз қўлёзмаларида бу ичимликнинг номини «бинчум» деб ёзиб қолдирган. Умуман, Шарқда бу ичимликни юраги хаста, кўз огриги ва баъзи бир ички касалликлари бўлган кишилар шифо деб истеъмол қилишган. Қайси ичимлик ҳақида гап кетмоқда?

605. У теннисни ёмон кўрадиган ҳарбий учувчи бўлган. Унинг шериклари, дўстлари аэродром ёнида ўзлари учун теннис корти қуриб, кортни унинг номи билан атаб, унинг жигига тегишишади. Қарангки, шу корт ҳалигача унинг номи билан аталади ва турнирлар ўтади. Савол: у деб ким назарда тутилмоқда?

606. Франция қироли Карл IX нинг укаси Генрих III дунёда бу унвонга биринчи сазовор бўлган. Савол: қандай унвонга?

607. Қуруқликдаги ҳайвонлар ичида энг вазни оғир ҳайвон бу — фил. Лекин кўпчилик кишилар отларнинг вазни ҳам баъзи пайтда филларники билан баробар бўлади, дейишади. Шундай бўлиши мумкинми, мумкин бўлса қаерда?

608. У ташкилот 1923 йил Венада ташкил этилган. Унинг асосчиси Иоганн Шобер деган ҳарбий бўлган.

Бугунги кунда 160 га яқин давлат ушбу ташкилотта аъзо! Ушбу ташкилотнинг номини топинг.

609. Канаданинг Торонто шаҳрида дунёдаги энг баланд телеминоралардан бир жойлашган. Миноранинг 111-метрида махсус югуриш майдончаси қурилган. Торонтодаги бой-бадавлат кишилар шу ерда бадантарбия ва югуриш билан шугулланишади. Савол: нима учун иморатнинг томига бу спорт майдончаси қурилган деб ўйлайсиз?

610. Дон Аминадо аёллар тўғрисида қуйидаги сўзларни айтган: «Аёлларга фақат биргина ҳолатда тош отиш мумкин, агар...» Жумлани тўлдилинг.

611. Рангни фарқлай олмаслик касалига чалинганларни дальтониклар дейишади. Дальтониклар асосан қайси ранглارни ажрата олишмайди?

612. Эйнштейн ўзида жангари, курашувчанлик хусусияти йўқлиги учун спортнинг бир турига умуман қизиқмаган. Кўнгилчан Эйнштейн қайси спорт билан шугулланишни ёқтирмаган?

613. Немис ёзувчиси Гёте «Бутун инсоният ҳар жиҳатдан бир зотдан миннатдор бўлмоғи керак» деб ёзган. Кимдан?

614. АҚШда шундай машҳур гап бор: «Ўлимдан ва яна бир нарсадан қочиб, қутулиб бўлмайди». АҚШда яна нимадан қочиб бўлмайди?

615. Римликлар декан сўзини бир ҳарбийга нисбатан ишлатишган. Декан сўзи қандай маънони англатади?

616. Мирзо Улутбек «узугимнинг остидаги мамлакат» деган иборани ишлатганда нимани назарда тутган?

617. Раққоса Айседора Дунканнинг шеърятта қандай алоқаси бор?

618. Бир спортчи айтганки, «Агар бармоқларим 1 см.га узун бўлганда эди, мен, албатта, голиб бўлар эдим». Бу спортчи қайси спорт билан шугулланади?

619. Лола кўпчилик хуш кўрадиган гуллар сирасига киради. Уни тинчлик рамзи сифатида қадрлаймиз. Ажабланарлисиз шундаки, Иккинчи жаҳон урушида ҳам лоланинг қадри баланд бўлган. Нима учун?

620. Британ организацияси «Action on Smoking»нинг хабар беришича, бу нарсанинг оммалашуви ўсмирлар орасида чекишни 19% камайтириб юборди. Олдин ўсмирлар сигаретни катталарга ўхшаш учун қўлга олардилар. Энди эса худди шу мақсадда бошқа нарсага ружу қўйишди. Бу нима бўлиши мумкин?

621. Бир ҳинду қабиласининг номи испанлардан келиб чиққан экан, қабилдаги ҳиндулар ҳар хил рангларга ўзларини бўяб олардилар. Испанлар бу қабилани атаган сўздан АҚШ штатларининг бири номланибди, бу қайси штат?

622. Бедана нима сабаб дарахтга ёки симга қўнмайди?

623. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида «Зеби жаҳон» деб қайси тарихий обидани таърифлаган?

624. Монакодаги казиноларда қонун-қоидага мувофиқ 2 та нарса умуман бўлмаслиги шарт: биринчиси — казиноларда дераза бўлмаслиги керак, иккинчиси нима?

625. Биринчи академияни Афлотун яратган, академия эшиги пештоқига бир фан тўғрисидаги жумла бор. У қандай жумла?

626. Қадимги Римда болани мактабга олиб бориб келувчиларни кимлар деб аташган?

627. Денгиз сайёҳлари ўрта асрларда саёҳатга чиқишганда, асосан осмонга, денгизга қараб об-ҳавони ўрганишган. Лекин энг аниқ маълумотни кема ошпазлари айтиб беришган. Нималарга қараб?

628. Москва бунёд этилаётган пайтлари шаҳарга кирадиган кишиларга солиқ сифатида ўзлари билан бир нарса олиб кириш мажбурий қилиб қўйилган. Савол: у нима?

629. Икки ўғри пальто ўтирлашади. Биттаси уни бозорга олиб боради. Пальтони сотиб уйга келгач, шериги «Қанчага сотдинг?» деса, «Олган нархимизга» дейди. У қанчага сотади?

630. Китоб одамни билагон қилади. Суҳбат топқир қилади. Ёзиб олиш-чи? У нимага ўргатади?

631. XVII асргача физика қандай ном билан аталган?

632. Футболда «қуруқ барг» («сухой лист») деб аталадиган термин бор. Футболдаги қайси ҳолатга бу термин ишлатилади?

633. «Мен ўз детектив асарларимни жиноий архивлардан ахтармайман, овқат пишира туриб, ошхонада тўқийман» деб айтган машҳур детектив асарлар муаллифи ким?

634. Жак Ив Кусто кўп йиллик тадқиқотлари тугагач, Ер сайёрасининг номини бошқа ном билан аташни таклиф этди. Қандай ном?

635. Ўрта Осиёда 3 та хонлик мавжуд бўлган. Қайси хонликда соф ўзбек тилида давлат ишлари олиб борилган?

636. Дунёда бир китоб жуда кўп марта чоп этилган. Умумий тиражи 2 миллиарддан ортиқ. 2000 га яқин тилда босиб чиқарилган. Бу қандай китоб?

637. Биология, зоология, анатомия фанларини биласиз. Иппология фани нимани ўрганади?

638. 50 йилларда «Кодак» компанияси Америка ҳукуматидан бир ҳодиса юзасидан огоҳлантиришлар олар, бу ҳодиса содир бўлганида эса Кодак маҳсулотининг сифати ўзгарар, натижада Кодак ҳатто бу юзасидан судга ҳам мурожаат қилишга тайёр бўлди. Қандай ҳодиса юзасидан Америка ҳукумати Кодакни огоҳлантирар эди?

639. Гиннес рекордлар китоби кўплаб қизиқарли фактларни ўз ичига олган. Булар ичида бир қизиқарли маълумот мавжуд: дунёдаги коктейль

ичиш учун мўлжалланган энг узун найча 10,3 метр. Бу рекорд анча йиллардан буён ўзгармай турибди. Бунинг сабаби нимада?

640. АҚШда, Нью-Мексико штати Амарилло шаҳрида бир музей бор. Одатда музейларга махсус шиппакларда кирилса, бу музей кираверишида «Иложи бўлса оёқ кийимда киринглар» деган эълон мавжуд. Бу қандай музейки, унда шундай эълон бор?

641. Миср эҳромлари жойлашган воҳага кечалари махсус юк автомобилларида майда тошлар келтирилиб тўкиб кетилади. Бу нима мақсадда амалга оширилади?

642. АҚШ бу ҳудудни қирқинчи штат сифатида ўз мамлакатларига қўшиб олмоқчи эди. Улар бу ҳудудни эгаллаб олиб, фан-техника ютуқларини жойлаштирмоқчи ва ривожлантирмоқчи бўлган эдилар. Аммо маълум сабабларга кўра бунга эриша олмадилар. Бу қайси ҳудуд эди?

643. Машҳур «Тойота» фирмасининг 50 йиллиги нишонланган кезлари офис биноси олдида тошдан чиройли монумент ўрнатишади. Нима деб уйлайсиз, бу тошлар қаердан келтирилган бўлиши мумкин?

644. АҚШ ва Францияда 5 дан юқори бўлса, Англия ва Швецияда 3 дан юқори бўлса, Польша ва Финляндияда 4 дан юқори бўлса ўрнатилади. Хўш, инсон учун қулай ўрнатиладиган бу нарса нима бўлиши мумкин?

645. Шарқ мутафаккирларидан Абу Яъқуб Сусий шундай дейди: Инсонлар дунёни денгизга,

охиратни унинг соҳилига, инсонларни эса унда сафар қилувчилар деб айтишган. Инсонлар денгиз соҳилига бориши учун кема керак бўлади. Хўш, кемани нимага қиёслашган?

646. Мустақилликка эришиш арафасида, яъни 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ушбу тарихий аҳамиятга молик иш махсус фармон билан илгари ҳам, бир неча асрлар олдин бир ҳукмдор томонидан амалга оширилган эди. Бу иш ким томонидан амалга оширилган?

647. Стюардессалар ишга қабул қилинаётганда, албатта, бир соҳанинг дипломи бўлиши шарт экан? Қайси соҳанинг?

648. Донишмандлар айтишади: «Жаҳл чиққанда ақл керак, бошга мусибат тушганда сабр керак, хайрли ишлар учун...» Марҳамат, жумлани тўлдилинг.

649. Йўл белгилари айлана, учбурчак, тўртбурчак шаклида берилган. Лекин STOP белгиси саккизбурчак ичига жойлаштирилган. Нега STOP белгиси ажратиб кўрсатилган?

650. Футболда дарвозанинг тепа бурчагига гол урилганда, нима учун «девятка» дейилади? Тушунтириб беринг.

651. Корней Чуковский уни дунёдаги 1-рақамли ветеренар деб атаган. У ким?

652. Садриддин Айний «У — афсоналар онаси, бошқа Шарқ мамлакатлари эса унинг бешигидир» деб таърифлаган. Бу қайси давлат?

653. Ҳинд ҳукмдорларидан бири касал бўлиб қолибди. «Мени кимда-ким тузатса, фил огирлигида тилла бераман» деб эълон қилибди. Бир ҳаким уни тузатибди, лекин филнинг огирлигини ўлчайдиган тарози топилмабди. Шунда филни кемага чиқаришибди. Савол: филнинг огирлигини қандай ўлчашган?

654. Вашингтон штатида полициячи ишга қабул қилинаётганда, баландлиги 1,40 см бўлган девордан сакраш талаб этилади. Нега айнан 1,40 см?

655. У жуда кўп мақолалар, очерклар, ҳикоялар ёзган. Ўз асарларига Нави Волирк деб имзо қўйган. У қайси ёзувчи?

656. Пифагорга ҳар куни ўтин, гул, бир қопда ҳўл денгиз қуми олиб келишар эди. Нега ҳўл қум олиб келишар эди?

657. Инсон аъзоларидан бири ҳар 100 кунда янгиланади. Қайси аъзо?

658. Спорт соҳасидаги тиббиёт мутахассисларининг фикр ва ташхисларига кўра бир ўйинда бош билан 10 та ёки ундан ортиқ гол урадиган ўйинчиларнинг бу кўрсаткичлари ўртача 103 ни ташкил этади. Ўйинни бош билан ўйнамайдиган футбочиларда эса бу кўрсаткич 112 га тенг. Бу қандай кўрсаткич?

659. Японлар фикрича, инсоннинг руҳи қаерда жойлашади?

660. Шарқ меъморчилигининг ўзига хос услублари бор. Подшо саройларидаги маросим

залларининг тўрттала бурчакларида сувлар, фавворасифат қилиб оқизиб қўйилган ҳолатларни кузатамиз. Биринчидан, у совутгич, кондиционер вазифасини ўтаган. Бу фаввораларнинг яна бир ўта муҳим вазифаси бўлган. У қандай вазифа эди?

661. Берлин ҳайвонот боғларидаги ҳар бир ҳайвоннинг ўз ҳомийси бор экан. Масалан, олмахонга мебель фабрикаси, оқ айиқларга музлатгич ишлаб чиқарадиган компания. Айтинг-чи, пингвинларга қайси соҳа ассоциацияси ҳомийлик қилиши мумкин?

662. Грузин келинлари сепида Шота Руставеллининг «Арслон терисини ёпинган паҳлавон» асари албатта бўлиши керак экан. Бу ўтмишга ҳурмат белгиси, албатта. Тарихга ҳурмат кўзи билан қараган япон келинчаги сепида ҳам айнан бир нарса бўлиши керак. Савол: у нима?

663. Лашкарбоши ва шоҳ Кир II нинг севимли оти Дажла дарёсига гарқ бўлиб ўлади. Гоят қаҳрланган ҳукмдор гуноҳкорни жазолашни буюради. Бу ақл бовар қилмас жазо эди. Лекин шоҳнинг амри вожиб: жазо амалга оширилади. Савол: шоҳ Кир II гуноҳкорни қандай жазолаган?

664. У ҳақиқатнинг онаизори ва доясидир. Ҳақиқат у билан тирик. Савол: ҳақиқатнинг тириклигига сабаб бўлган нарса нима?

665. У Марказий Осиёда хосиятли дарахт ҳисобланган. Очарчилик йилларида ҳам унинг пишиғига етганлар, тирик қолишган. У дарахтни кесиш бахтсизлик саналган. У қандай дарахт?

666. Бу мосламани илк бор 1670 йилдан сўнг немис устаси Эрхард Вейгель Венада турар жой биносида қурган эди. Кейинчалик уни ривожлантиришда америкалик муҳандис Эминей Отис ўз ҳиссасини қўшди. Мана салкам 330 йилки, у инсониятга беминнат хизмат қилиб келмоқда. Бу нима?

667. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб «нозик фаҳм, яхши фикрлаш» деган маъноларни билдиради. Бу қандай сўз?

668. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб «тирикчилик, умр кечириш, яшаш» деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда бу сўзнинг ўз асл маъносидан узоқлашганини кўриш мумкин. Бу қандай сўз?

669. Бу сўз французча «дарвешнинг кулбаси, хилват жой» деган маъноларни билдиради. Шаҳардан ташқарида қурилган вилла, атрофи боғли хиёбонларнинг номи. Бу қандай ном?

670. Бу кунда Гёте тўшақдан умуман турмас, Наполеон жанг бошламас, Бисмарк ҳеч қандай ҳужжатга қўл қўймас эди. Бу кунни жуда аниқ қилиб айтинг?

671. Ўрта асрларда Англия хонадонларида галати урф-одат бўлган. Унга кўра ота бутун меросини, албатта, катта ўғлига қолдирган. Кичик ўғиллари эса мағрур ҳолда уйдан чиқиб кетиши лозим эди. Савол: кичик ўғилларни кимлар деб аташган?

672. Ливорно шаҳри, туристлар камлигидан нолиб қўшниларимизда 100 йилдан бери кутилаётган

воқеа тезроқ содир бўлса эди, бизда ҳам туристлар кўпайиб қолар эди, деган орзу билан яшашмоқда. Лекин Италиядаги бу шаҳар орзуси ушалмаяпти. Савол: улар нимани хоҳлашмоқда?

673. У шундай катта комплекс эдики, у ерда спорт зал, корт, турк ҳаммоми, Версаль меҳмонхонаси, пальма боғи, турли салонлар, кутубхона ҳам мавжуд эди. Афсуски, у комплекс тезда ўз иш фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Савол: XX аср бошида иш бошлаган қайси комплекс тўғрисида гап кетмоқда?

674. Лондоннинг Темза дарёси соҳилида бир нечта бинолар мавжуд. Ўз вақтида бу биноларда Шотланд қироллари шаҳарга келган пайтлари вақтинча яшашган. XIX асрга келиб бу биноларга бир ташкилот жойлашди. Бу қайси ташкилот?

675. Айтишларича, 1943 йил бир ёш француз антифашисти немис ҳарбий кемаларини кузатишга, яъни разведка ишларига ёлланади. Чунки у 10 соатлаб сув ичида суза олар эди. Немислар унинг боши эвазига катта пуллар тикишади. У антифашист ким эди?

676. Қадимги юнонлар байрамларда худолар ҳайкалларининг бош қисмига порлаб турувчи моддалар суришган. Улар буни аниқ кўзга ташлансин деган мақсадда қилишган. Савол: кўпчилик ҳозир ҳам қўллайдиган бу жараёни юнонлар нима деб аташган?

677. Дунёда шундай бир ўйин борки, уни монахлар ўйини деб айтишади. Эҳтиросли ўйинлар

уларга мумкин бўлмагани учун ҳам улар шу ўйинни ўйлаб топишган. Савол: монахлар ўйини бугун қандай номланади?

678. Кипр газеталаридан бирида унинг жиддий хаста эканлигини ёзади. У деярли бурнидан жудо бўлган. Чап кўзи ҳам шикастланган. Асосий хавотирлик муттасил бўйнининг ингичкалашиб бораётганида эди. Олди олинмаса, бўйни дош беролмаслигини ёзади. Юқоридаги таъриф эгасини топинг?

679. 1873 йили Лойд сугурта компанияси дараксиз йўқолган кемалар рўйхатини тузиб, китоб қилиб босмадан чиқарди. Савол: китоб қандай номланган?

680. Чилилик мактаб ўқувчиси Нефтали Рейеснинг отаси ўглининг шоир бўлишига қарши эди. Шунинг учун ўтил ўзига тахаллус олади. У қандай тахаллус олган?

681. 30 йилча олдин Испанияда бир клуб расман иш бошлади. Бу клубнинг бир қанча имтиёзлари бор. Масалан, театрларга олдинги қатордан билет улар учун сотилиши шарт ва ҳ.к. Савол: бу қандай клуб?

682. Қадимда подшо ва хон саройларига сартарош ва ошпаз танлаш муҳим ишлардан бири бўлган. Улар табиати тоза, озода, ўз ишининг устаси бўлиш билан бирга оиласи ҳам талабга жавоб бериши керак бўлган. Бой ё камбағал оила эканлиги аҳамиятли эмас. Савол: подшо сартароши қандай оиладан чиққан бўлиши талаб этилган?

683. «Заковат» сандиқчаси.

Веналик ихтирочи Роберт Адлер уни 1950 йиллари ихтиро қилган. Патент бериш ҳайъатидагилар у ихтирони ҳайрат билан қабул қилиб, негадир унга дангаса деб ном қўйишади. «Заковат» студиясида ҳозир Адлер ихтиро қилган дангасалардан аниқ 4 та бор. Савол: сандиқчада нима бор?

684. Ҳурматли билимдонлар, азалдан табиблар бир тоифа беморларни отга қорни билан ётқизиб боғлаб қўйиб отни елдиришган. Узоқ йиллар шу даво усули билан минглаб кишилар тузалган. Саволим эса қуйидагича: қадимда қўлланилган бу муолажа ўрнида бутун қайси даво усулидан фойдаланишади?

685. Мабодо касал бўлиб қолсангиз, доридармон истеъмол қиласиз. Итлар оддий ўт еб ўзини даволайди, айрим қушлар ўзларини клизма қилиб даволашади. Балиқлар ҳам тоби қочса, сув ичидан чиқмаган ҳолда, шундай бир жойни қидириб қолар эканки, ўша жой уларнинг дардига шифо бўлар экан. Айтинг-чи, денгизда бемор балиқлар қаерда даво топишади?

686. Товуқ — фойдали жонзот. Япон олимларининг фикрича, у инсониятга 4 та нарса берди. Бир дақиқадан сўнг уларни менга санаб берасиз.

687. Қадимги шумерликлар инсон тана аъзоларидан бирининг катталигига қараб, соғлом ва бақувватлигини билишган. Бутунги тиббиёт ҳам буни тасдиқлайди. Савол: қайси тана аъзоси?

688. Қадимги Парфия ҳудудидан топилган тангалар ичида бир учи қирқилган чақалар топилгани

кўпгина мутахассисларни ажаблантирган. Сиз эса ажабланманг-да, айтинг, нега тангаларни бир учи қирқиб қўйилган?

689. Айтинг-чи, Дейл Корнеги танқидни қайси қушга ўхшатган?

690. Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, Хитойда кашф қилинган нимани АҚШ фуқаролари март ойининг 14-кунида байрам қилишади?

691. Муҳаммад Алида у 2 метрдан ошиқ, гимнастикачи Ольга Корбутда 165 см, Туркиялик енгил вазли штангачи Ноил Сулаймон ўғлида 1,5 метр ҳам эмас. Савол: бу ўлчовлар нимани билдиради?

692. Бу машҳур савдо маркасининг бир рекламасида 2 та ўсимлик ёғи, бири юмшатувчи ва яна бири тозаловчи вазифасини бажариши айтилади. Ҳатто қадимги Мисрда ҳам у икки компонентдан тозалаш ва юмшатиш вазифасида фойдаланишган ва бу машҳур савдо белгиси номи 2 та табиий ўсимликдан ҳосил бўлган. Савол: у қайси машҳур савдо белгиси?

693. Марҳамат, ошхона пичоғи олиб чиқилсин. Ушбу пичоқни Наполеон Бонапарт даврида катта-катта банкетларда ишлатишган. Савол: нега катта базмларда шундай пичоқлардан фойдаланишган?

694. Бошловчи чиқади: ўтган 2 та ўйинда осон саволлар билан чиққан эдим. Бу ғалгиси ҳам осон, бироз ўйлашни талаб этади. Яна қайтариб айтаман, жуда чуқур кириб кетманглар. Жобир, менинг

қўлимдаги «Заковат тақдим этади» китобини олинг. Энди ёзиб олинг. «Китоб Гулистон шаҳрида чоп этилган. 2003 йили». Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг экран орқали қандай қўшиқни қўйиб берамиз?

695. Тиббиёт тадқиқотлари шуни кўрсатганки, бундай инсонларни чивин икки баробар кўп чақар экан. Яна буларнинг тана ҳарорати бошқалардан иссиқроқ бўлар экан. Ҳозирча орангизда бу тоифа инсонларни кўрмаяпман. Чунки бундай кишилар бўлса, дарров билинарди. Савол: қандай инсонларни бу даврда ҳарорати баланд бўлиб, уларни чивинлар кўп қизиқтиради?

696. Капитан Жак Ив Кусто фильмлардан бирида, «Каллипсо»нинг бир қисми ҳақида гапириб, «У бизнинг тадқиқотларимизнинг асосий қуроли» деган гапни ишлатади. «Кемада шу бўлмаса, денгизда илмий иш қила олмаган бўлар эдик» деб айтади.

Савол: қайси кема қисми сўралмоқда?

697. Белл — телефон, Эдиссон — электр лампочкаси, Форд — автомобиль, Ака-ука Люмьерлар — кино. Энди саволни эшитинг: бу ерда ким ортиқча?

698. Онегин ва Ленский ўртасидаги дуэлда Онегин Ленскийни отиб ўлдиради. Агар иккинчи бўлиб отиш ҳуқуқи менда бўлганда, мен ҳавога ўқ узиб хатога йўл қўйишим мумкин бўларди. Аммо менда биринчи бўлиб отиш ҳуқуқи бор эди. Ҳурматли билимдонлар, дуэл кодексига биноан ким биринчи бўлиб ўқ узиши керак?

699. Болалар ўйинчоқлари тасвирланган суратлар олиб чиқилсин. Қўйидаги суратга диққат қилинг, бу болалар ўйинчоқларини яна узоқ давом эттириш мумкин. Айтинг-чи, тахминан чизилган бу ўйинчоқлар кетма-кетлигини қаерда билишимиз мумкин?

700. Бедана деликатес таом сифатида нафақат шарқ ошхонасини, гарбни ҳам эгаллаган. Овқатнинг сархилини истеъмол қиладиган французлар бедананинг уч хил сифатдагисини истеъмол қиладилар. Энг паст нархда фермаларда боқилган беданалар нархланади. Айнан табиий ҳолатдагиси яна икки турга бўлинади. Сифатли ва ўта сифатли турларга. Савол: сифатлиси қанақа, ўта сифатлиси қанақа?

701. Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидаги мосламанинг диаметри 76,2 мм, қалинлиги 25,4 мм, вазни 140-170 грамм. У нима?

702. Ибтидоий тузум даври одамида у 18 та, XVII асрга келиб, у 25 тага кўпайди, XIX асрда 47 тага етди. XX аср бошида 54 та, аср охирида 97 та. Савол: бу рақамлар нимани билдиради?

703. Марҳамат, «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги ўсимлик Буюк ипак йўли орқали бизга келтирилган. Бизда ҳам айрим ҳовлиларда учраб туради. Ҳозир Ҳиндистон ва Эрондан тайёр қадоқланганлари келгани боис, кўпчилик аёлларимиз хорижникини хуш кўришади. Сандиқча ичида ҳам ўша тайёр маҳсулот турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

704. NBC (ЭН, БИ, СИ) телекомпанияси 1998 йилда 2 та соҳа бўйича Гиннесс рекордлар китобига кирган. Биринчидан: Америка футболдан йилнинг финал трансляциясини энг кўп томошабин кўрганлиги билан. Иккинчи рекорд ҳам шу трансляция пайтида рўй берган. Сиз иккинчи рекорд нимадан ўрнатилганини топинг.

705. Япониянинг Аогасима шаҳарчасида бор-йўги 200 дан сал ошиқ одам яшайди. Шаҳарча кўчаларида транспортлар ҳам саноқли. Шаҳарча йўлларида светофорниям ҳожати йўқ. Аммо шаҳарчада битта светофор мавжуд. Айтинг-чи, у светофор қаерда жойлашган.

706. Йоглар тилида у «саттвику», «раджику» ва «тамсику» деб аталади. Ичида энг фойдалиси саттвику – тана ва қалб мувозанати ҳамда руҳий мадад беради. Раджику — ҳис-ҳаяжонни оширади, шуни ҳисобига диққатни жамлашга ҳалақит қилади. Тамсику эса ақлий фаолиятни сусайтириб, кишининг ҳисларини оғир қилиб қўяди. Савол: саттвику, раджику, тамсику нима?

707. БЛИЦ. XIX асрнинг 20-30 йилларида Ҳиндистоннинг харитадаги ўрнини аниқлаштириш мақсадида бир гуруҳ инглиз олимлари, топографлари ташриф буюришади. Уларга бошчилик қилган шахснинг фамилияси бугун ҳам мағрур жаранглаб турибди. Савол: экспедиция раҳбарининг исми-шарифини топинг?

708. БЛИЦ. Японияда «100 оқ қўзичоқ» деган машҳур эртак бўлиб, кейинги вақтларда улар дискларда сотувга чиқарила бошланди. Энг қизиги,

уни харидори болалар эмас, айнан бир тоифа инсонлар эди. Савол, кимлар?

709. БЛИЦ. Германиянинг машҳур концелярия маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Бергер фирмаси совгалар ўрайдиган махсус скотч ишлаб чиқарди. Айтинг-чи, оддий скотчдан бу янги скотчни қандай афзаллиги бор?

710. Бу халқ эрамиздан аввалги 201 йилдан бошлаб манбааларда келтирила бошланган. Ривоятларга ишонсак, уларни номланишига бир неча аёллар сабабчи экан. Биз аниқ айтишдан тийилаяпмиз, аслида уларни сони жуда аниқ. Айнан шунча уруғ, шунча аёлдан тарқгани манбааларда аниқ келтирилган. Сиз қайси халқ ҳақида гап кетаётганини топинг.

711. Шахмат ўйинида оқ доналарда ўйнаган спортчи бир мунча устунликка эга бўлади. Кейинги вақтларда 5 дақиқадан иборат блиц турнирлар ўтказилаяпти. Тасаввур қилинг, бор-йўғи беш дақиқа ичида ўйинни тугатиш керак. Бундан ташқари, ҳар бир юриш учун маълум бир вақт сарфлаш керакки, бу ўйин натижасига ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Иримчи шахматчилар фикрича, блиц ўйинида қора доналар билан ўйнаган шахматчиларда битта ютуқ бўлар экан. Бу қандай ютуқ?

712. XX аср бошларида Ўзбекистонга ташриф буюрган Сигизмунд Кржановский исмли ёзувчи ўзбек фалсафасини, дунёқарашини ўрганиш истагида Бухоро, Тошкент ва Самарқандда бўлади. Сўнгра ўзбеклар феълени қуйидагича таърифлайди: «Зангор осмон, ўтов, дўппи кийган

чол қўлидаги пиёлада чой ичиб ўтирибди». Ушбу таърифда ўзбекнинг бағрикенглиги ифодаланади. Таърифда келтирилган деталарни бир сўз билан ифодалайдики, бу ҳақиқатан ҳам ўзбек миллатининг рамзи ҳисобланади. Савол: қандай рамз ифодаланади?

713. Майя қабиласи фуқаролари у учун ҳатто болаларини қурбонликка беришган. Қадимги Хитой аҳолиси у учун аждаҳони ёрдамга чақиришган. Қадимги мисрликлар худони инсонларга берган мадади, рўшнолигини у билан ҳис қилиб туришган. Диққат, савол: юқорида нимага таъриф берилмоқда?

714. У дунёдаги энг машҳур тўртликнинг энг хотиржами ва сокини. У ҳақида энг кўп шеърлар битилган. Чунки у илҳомбахшдир. Кимдир уни босиқ деса, яна кимдир сершовқин деб таърифлайди. Ҳурматли билимдонлар, сиз унинг номини ва рангини топиб айтинг.

715. Саудия Арабистони фуқаролари орасида шундай гап юради. Гиламни энг қиммати қадимийси ҳисобланса ҳам, энг янги гилам ишончли ҳисобланади. Иложи бўлса, охирги ипи узилиши билан сотиб олишса. Айтинг-чи, араблар нега оҳори тўкилмаган гиламни сотиб олишни ёқтиришади?

716. Қайси эркаклар исми шахматчилар ва киночилар орасида энг машҳур?

717. Мен 2 гуруҳ ўсимлик турларини санайман, сиз эса ёзиб олинг.

1-гуруҳ: ерёнгоқ, картошка, маккажўхори, фасоль, гармдори.

2-гурух: арпа, бугдой, гуруч, шакарқамиш, лавлаги, сули.

Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, бу гуруҳлар орасида қандай фарқ бор?

718. Буюк Британия, Нидерландия, Люксембург, Чад, Португалия, Швецияда у жойда аёлларга жой топилган. АҚШ, Бельгия, Россия каби давлатларда эса йўқ. Савол, қаерда?

719. Агар 66-рақамли пингвинни номи Марио булган бўлса, унда 99-рақамдаги қиролнинг исми нима?

720. Поляк халқ афсонасига кўра, Висла дарёси бўйида яшаган бир эр-хотиннинг асосий вазифаси одамларни у қирғоқдан бу қирғоққа олиб ўтиб қўйиш бўлган. Хотиннинг исми Сава бўлган. Эрининг эса исми нима бўлганлигини бир дақиқадан кейин сиз топишингиз лозим.

721. Буюк шахс номларини абадийлаштириш учун кўпгина Европа давлатларида уларнинг суратларини пул белгиларида беришдан икки карра манфаатдор. Биринчисини айтдик. Иккинчисини сиз топишингиз керак.

722. Жиддий савол. Биринчиси, англиялик бўлган машҳур босқинчининг ўғли. Иккинчиси эса «Авлиё» лақабли немис бўлган. Учинчиси, ўзи француз бўлгану, аммо Парижга боролмаган. Тўртинчиси ҳам бўлган, у ҳам немис бўлган. Коноссага саёҳатга борган. Уларнинг исми бир хил. Шунинг учун, сиз менга бир дақиқадан сўнг, айнан, биринчиси кимнинг ўғли бўлганлигини топиб айтишингиз керак.

723. 1959 йили Куба революцияси содир бўлгач, Фидель Кастро ишончли кишиларини асосий лавозимларга тайинлайди. Укасини ички ишлар вазирлигига, энг яқин дўстларидан бири Чи Геварани софдил ва энг инсофли киши деб билиб, айнан у жойга раҳбар этиб тайинлаган. Савол: қаерга?

724. Агар импрессионист рассомлардан Моне, Ренуар, Дега, Сезанн, Писарро кабиларнинг асарларини кузатсангиз, уларнинг чизган асарларида ёрқин ранглар кўп. Нега деган саволга Ноэл Дэл исмли врач олим ўзининг докторлик диссертациясида жавоб топган. Хўш, Ноэл Дэл докторлик диссертациясида нимани исботлаб берган?

725. Марҳамат, Сэндвич олиб чиқилсин. Бу егуликни енгилтабиат инглиз — Лорд Сэндвич номи билан боғлашади. У эрта-ю кеч қиморхоналарда қолиб кетиб, қорни очганда бир бўлак нон устига гўшт қўйдириб олиб келиб, еб кун ўтқазган. Сўнгра гўшт устидан яна бир бўлак нон қўйишга мажбур бўлган. Хўш айтинг-чи, ким уни мажбур қилган?

726. Лев Толстой инсон тўғри ва бахтли ҳаёт кечириши учун кун давомида меҳнатнинг 4 та тури билан шуғулланиб туриши керак, деган. Биринчи тури, албатта, жисмоний меҳнат, иккинчиси — ақлий меҳнат, учинчиси — овқат пишириш, уйни йиғиштириш назарда тутилган. Охирги меҳнат тури кўпроқ зарурат, эҳтиёж туфайли келиб чиқади. Балки кимлар учундир у меҳнат бўлиши мумкин. Инсон бахтли ва тўғри ҳаёт кечириши учун керак бўладиган тўртинчи юмуш номини топинг.

727. Фин тилида Жаа — муз, кааппи — шкаф. Бу иккита сўз бирикмаси — музлаткич (холодильник) сўзини келтириб чиқаради. Жалко — оёқ, палло — копток. Бу футбол дегани экан. Санари сўз дегани, стикко катак дегани. Сизларга ўйлаш учун бир дақиқа муҳлат берамиз, фин тилида санарисстикко нима деб аталишини топинг.

728. Ҳурматли билимдонлар, Хитой мифалогиясида Суй-Жень исмли шахс номи келтирилади. Жень исм, Суй бажарадиган ишдан келиб чиққан тахаллус. Суй иероглифи — чўп ва дарахт ходаси деган маъноларда ишлатилади. Ҳурматли билимдонлар, айтинг-чи, бир дақиқадан сўнг мен қандай ишни бажараман?

729. Кейинги вақтларда Норвегиянинг катта шаҳарлари, кўчаларида, катта дўконларида, вокзал, аэропортларида кичкинагина кабинкалар, хоначалар қўйиб қўйилмоқда. Французлар улардан ўрганиб худди шундай кабинкалардан Лувр музейига ҳам ўрнатишибди. Айтинг-чи, у кабинкаларнинг вазифаси нимадан иборат?

730. Кўп файласуфлар ўзлари ҳақида ёзишни ишташмаган. Агар ёзадиган бўлишса ҳам, ундан инсоният манфаати ҳиди келиб турган. Масалан, Суқрот ўзи ҳақида ёзганда, у бахтли инсон эканлигини 3 та ҳолатда исботлайди. Биринчидан ҳайвон эмас, инсон бўлиб туғилгани, иккинчидан ваҳший бўлиб эмас, юнон бўлиб туғилганидан бахтиёр эканлигини ёзади. Бахтли эканлигининг учинчи ҳолатини сиз топишингиз керак.

731. Санъатшунослар Рембранд билан Веласкес асарлари тарихийлиги ва маъно жиҳатидан бир-

бирига яқин эканлигини айтишади. Деярли бир хил даража ва сифатдаги суратлар. Аммо аукционларда Веласкеснинг асарлари Рембранддан анча қиммат сотилади. Хуш, сифати, мавзуси бир хил бўлган бу суратлар нега турли нархларда сотилади? Нима учун Веласкес асарлари қиммат баҳоланади?

732. 2000 йил илгари Юнонистон, ҳозирги Руминия, Испания ҳудудларида қумлик водийлар бўлган. Гладиаторлар жанглари бошлангач, жуда кўп жанггоҳлар бунёд этилган. Уларни майдони учун қумни фақат Юнонистон даштларидан олиб келишган. Хуш, нега айнан Юнонистон қумлари жанггоҳларга сепилган?

733. Кўпчилик уни русча сўз деб билса керак, аслида у италян тилидан бизга кириб келган. Бу нохуш сўз билан денгиз Ҳуқуқ қонунида кема ичида пайдо бўладиган кутилмаган сарф-ҳаражатлар ва оғир фавқулодда ҳолатлар шундай номланган. Алфавитнинг бош ҳарфи билан бошланиб охириги ҳарфи билан тугайдиган бу қайси сўз?

734. «Будда таълимоти» китобларидан бирининг сўз бошисини ёзиб олинг: «Ҳеч ким сенга дўст эмас, ҳеч ким сенга ака-ука эмас, аммо ҳаммага сен... Марҳамат, битта сўз билан эпиграфни якунланг.

735. 1989 йили Элса Крейс оролига яқин жойда Буюк Британиянинг катта юк крейсери чўкиб кетади. Орадан 2 йилча ўтиб, Эльса Крейс оролига қўнадиган қушлар сони кескин камайиб кетди. Албатта, уша кема ҳалокатининг таъсирида. Ёрдам бериб айта оламан, кемада ҳеч қанақанги заҳарли моддалар, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи

кимёвий юклар бўлмаган. Хўш, бу оролдан қушлар қадамининг қирқилишига сабаб нима?

736. Бу воқеа Швецияда 1973 йили 15 сентябрда, Норвегияда 1991 йили 17 январда, Иорданияда 1999 йили 7 февралда, Марокашда 1999 йили 23 июлда рўй берган. Агар рақамлар сизларга ҳеч нарса бермаса, унда мантиқни юргизиб кўринг. Рўй берган воқеа ўша халқлар учун, мамлакатлар учун ўта аҳамиятли. Савол: юқоридаги давлатларда қандай воқеа рўй берган?

737. Қадимги Хитой. Иккита йигит югуришга тайёргарлик кўришмоқда. Югуриш олдидан улардан бирининг оғзига женьшен ўзагидан бир бўлак солиб қўйилди. Савол: нега бу мусобақа ташкил этилган?

738. Норвегия энг шимолий давлатлардан бўлгани учун у ерда мактаб тушлигида албатта 2-3 хил сабзавот ва кўкатларнинг бўлиши шарт қилиб қўйилган. Охирги пайтларда юқоридагиларни ўзида жамлагани учун тушликка фақат сандиқчадаги нарса берилмоқда. Англаган бўлсангиз, ўша нарса сандиқчада турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

739. Юлий Цезарь даврида буйруқни бажаришдан бош тортган легионга қаттиқ жазо тайинланган. Легион саф қилиниб бу жазо қўлланган. Номи децимация деб аталган бу жазо қандай кўринишда амалга оширилган деб ўйлайсиз?

740. 1964 йилда тинчлик бўйича Нобель мукофотини Мартин Лютер Кинг олган. Тинчлик ва озодлик учун жонини фидо қилган буюк шахс. Габриэль Гарсия Маркес ўз романларидан бирига

«Кумушзор» асарига унинг қуйидаги сўзларини эпиграф қилиб олган: «Умримиз сўнгида биз душманларимиз айтган сўзни эмас, дўстларимиз... эслаймиз». Мартин Лютер Кингнинг машҳур иборасидаги юқорида айтилмай қолдириб кетилган 2 та сўзни топинг.

741. XVIII-XIX асрларда уларни «тўқувчилар» деб аташган. Аслида биз бошқача атаймиз. Борди-ю уларни тўқувчи сўзининг бугунги қўш-тирноқ ичидаги тушунчаси номи билан атаётганимизни билишганида, балки қаттиқ хафа бўлишарди. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан кейин энг ками 2 та «тўқувчи» номини топиб айтинг.

742. Қуйидаги ўзбекча сўзларни ёзиб олинг: қизиқтириш, олиб қочиш, айлантириш, юмалатиш, синаш, чирпирак қилиш. Лотин тилида шунча сўзларни битта сўзда ифодаласа бўлар экан. Энг қизиги, кўпчилик бу сўзни лотинча эмас, шведча сўз деб ўйлайди. Хўш айтинг-чи, бу қайси сўз?

743. XVIII-XIX асрларда Францияда кўплаб сифатли чинни идишлар ишлаб чиқарила бошланди. Усталар замона талабидан келиб чиқиб, 10-15 кишилик тўпламлар билан бирга 2 кишига мўлжалланган «тет-а-тет» деб номланган чинни идишларни ҳам ишлаб чиқарганлар. Ўша пайтларда жуда кўп инсонлар ёлғиз яшаганликлари ва пулни бебилиска сарф қилмаслик учунми, бир кишилик чойга мўлжалланган сервисларга талаб кўп бўлган. Усталар бу бир кишилик сервис номини лотинча бир сўз билан атаганлар. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг сиз бир кишилик сервис номини топиб айтишингиз керак бўлади.

744. Замонавий урушлар тарихидан маълумки, илк бор Биринчи жаҳон урушида заҳарли газлардан фойдаланилган. Лекин 1532 йили Америка ҳиндулари озодлик ҳаракати даврида конкистадорлар билан бўлган жангда заҳарли моддалар билан уруш олиб боргани маълум. Ўша даврда ҳиндулар жангда фойдаланган компонент сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

745. Азал-азалдан улар билан шугулланувчи кишилар доимо хонани зич беркитиб юришган. Радио, куй-қушиқлар иложи борица эшитилмагани маъқул. Йўқса уларни сифатига таъсир қилиб қўйиши мумкин. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг мен тахминан нима иш билан шугулланишимни ва юқоридаги ҳаракатларни нима учун бажарганимни изоҳлаб беринг.

746. Бу давлат гербида «денгиздан-денгизгача» деган ёзув бор. Қайси давлатнинг?

747. Голландия, Бельгия, Швеция каби давлатларда – биринчи августда, Ҳиндистонда – биринчи апрелда, Австралияда – биринчи январда. Энди савол, бизда у қачон?

748. Нобель қўмиталарининг сони 1968 йили яна биттага кўпайди. Унинг таъсисчиси Швеция давлат Банкидир. Янги қўмита номини топинг.

749. Финляндия, Норвегия, Швецияда янги йил куни уни совға қилишса, билингки, сизга бахт ва илиқлик ишташаётган бўлади. Юнонистон ва Испанияда у хавф-хатар белгиси бўлган. Ҳақиқатан ҳам ундан катта хавф бўлиши мумкин. Савол: у нима?

750. Қадимги Юнонистонда папка кўтарган кишиларни бир ном билан аташганки, бугунги кунда биз уларни папка кўтарган кишилар деб эмас, бошқачароқ атаймиз. Савол: юнон тилида улар уни қандай аташган?

751. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» асари қаҳрамони Чацкий ҳар доим хаёлга келмаган фикрлар гирдобиде юради. «Инсон ваҳший, уни олдида йиртқич ҳайвонлар ҳам бир пул. Одамзот ҳеч бир йиртқич қилмаган ишни онгли равишда, билиб туриб қилади. Инсон дунёга келмаёқ нобуд қиладиган норасидаларни эсласам. Йўқ, ҳозир жинни бўламан». Чацкий нима ҳақида гапирмоқда?

752. Ҳар йили 2 млн.дан ортиқ мусулмонлар Ҳаж амалларини адо этадилар. Ўзбекистондан ҳам ҳар йили 4-5 минг киши исломнинг ушбу 5-арконини бажариб қайтишмоқда. Макка шаҳрига бу тадбирни ўтказиш учун, ёлланма ишчилар таклиф этиладилар. Хавфсизлик бўйича турли хизматкорлар, таксичилар ва ҳ.к. Туркия давлатидан ҳар йили 30 мингта бир касб эгалари таклиф қилинади. Савол: улар айнан нима иш билан шугулланишади?

753. Европанинг энг баҳаво, муътадил, гузал шаҳарларидан бири Мадриддир. Йил 12 ой илиқ, майин об-ҳаво Мадридда ҳукмронлик қилади. Шу сабабли XVII-XVIII-XIX асрларда Европадаги кўплаб қирол оилалари муҳим бир ҳодиса туфайли Мадридга ташриф буюриб туришган. Савол: нима сабабдан улар Мадридга келишган?

754. Бразилия азалдан уларга ёлчимаган. Миллат қарғишини оладиган бу кишилар соҳадосларидан

кўп нарсада орқадалар. Қарғиш кучи шунчаликка бориб етганки, улар қадами етган жойга ўт ҳам ўсмайди. Энг яқин дўстлар ҳам унга орқа ўтириб кетишади.

Савол: Бразилияда қандай кишилар бундай «илтифот»га эгалар?

755. Нонуштага нима истеъмол қилишни хуш кўрасиз: гиждувон нони, аччиқ кўк чой. Сиз тенги лондонлик йигит нонушта столида иссиқ қаҳва, юмшоқ булочка ва қайноғи совимаган янги ўша нарса туришни хоҳлашади. Савол: ўша нарса нима?

756. Ҳурматли билимдонлар, бир нарсани XVII асрда Нидерландия давлати қироличасининг энг қимматбаҳо совғаси деб билишган. Бу совгани қироличанинг қўлидан олиш шараф ҳисобланган. Ёрдам бериб шуни айтаман, бу нарсанинг ҳосиласи кўп шоирларга мавзу бўлган. Савол: бу нима?

757. Александр Македонский Ўрта Осиё юришига ҳозирлик кўрмоқда. Ҳозирги Афғонистоннинг Кўҳи сафед водийси. Саркарда жуда катта зиёфат бермоқда. Дастурхонда дунёдаги барча мазали таомлар: қовурилган каклик, писта билан боқилган курка гўшти, анор сувида пиширилган ёввойи чўчқа гўшти, балиқларни-ку санаб адоғига етиб бўлмайди. Энг қизиги, ҳар бир меҳмон олдида товоқчада оддий хамир ҳам қўйилган. Савол: нимага ҳар бир кишига товоқда хамир қўйилган?

758. Хитой тўқувчилари фақат Цзу-тинь шаҳрида атласнинг бир турини ишлаб чиқара бошлаганлар. Савол: бу атласнинг номини топинг?

759. Тарих икки кишига 2 хил истеъдод берди. Истеъдодлиси ўзини тўла намоён этишида даражаси пастроқ саналган иккинчисининг таъсири кўп бўлган. Улар ҳақида асар ёзган Пушкин у драмага аввалбоши «Ҳасад» деб ном қўймоқчи бўлади. Савол: Пушкин кимларга бағишланган асарини «Ҳасад» деб номламоқчи бўлган?

760. Америкалик олим Роберт Вуд Германияга ишга таклиф қилинади. Германияга хотини ва 2 та ёш боласи билан келади. Олимни Германиядаги бир ҳолат, яъни ҳамма нарсага номер қўйиш ажаблантиради. Автомобилми, велосипедми номерлаш шарт экан. Роберт Вудда на автомобиль, на велосипед бўлган. Лекин улар оиласига ҳам номерладиган восита топилди. Савол: у нима эди?

761. У керакли ашё 1900 йил Норвегияда ихтиро қилинган. У ашёчани ясалиши жуда оддий бўлсада, ҳалигача унинг ўрнини босадиган восита ўйлаб топилмаган. Деярли ҳамма давлатда у ашёча чиқарилмоқда. Осло шаҳрининг марказида уни 250 марта катталаштирилган ҳайкали бор. Савол: у қандай керакли ашё?

762. Женева шаҳрида ҳарбий генерал Дефурегга ҳайкал ўрнатилган. Ҳарбий соҳада деярли катта жасорат кўрсатмаган, лекин унга ўрнатишган. Савол: женеваликлар нима учун Дефурегга ҳайкал ўрнатишган?

763. АҚШда 1903 йилдан «Форд» автомобиллари оммалаша бошлади. Уни оммалашинишига бир касб эгалари жуда катта хизмат қилишди. Савол: қандай касб эгаларига автомобиль жуда зарур бўлган?

764. Инглиз биологларининг фикрича, Британия трассаларида гилдираклар остида қолиб нобуд бўладиган энг кўп жониворлар рўйхати бошига итлар ҳам мушуклар ҳам эмас, тунда фаолияти сусаядиган бир жонзотни қўйишган. Савол: автомобиль гилдираклари остида қолиб нобуд бўлаётган бу қайси жонивор?

765. Ҳурматли билимдонлар, 1 дақиқадан сўнг XVIII асрда яшаган Жорж Нозль Гордон исмли инглиз шоирининг тахаллусини айтишингиз керак.

766. Ботсвана давлати нима учун Гиннес рекордлар китобига киритилган?

767. Ҳаммамизга маълумки, Саудия Арабистони дунёдаги энг бой давлатлардан саналади. Нефть захираси бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Мамлакат ҳудуди асосан қумликлардан ташкил топган. Шундай бўлсада, бу давлат Голландиядан қум сотиб олади. Савол: у қумдан нима мақсадда фойдаланади?

768. XV асрда Хитойда ўлимга маҳкум этилган кишилар, узоғи билан 4 кун ичида вафот этишган. Нима уларнинг 4 кун ичида ўлиб қолишига сабаб бўлган?

769. Гитлер 1940-1941 йиллари бутун Европани босиб олгач, Афина Акрополига ва Эйфель минорасига бағишлаб шундай бир нарсa ясаттирган. Савол: Гитлер Европада ўз устунлигини кўрсатиш мақсадида бу иншоотлар учун катта ҳажмда бўлган нимани ясаттирган?

770. Ҳеч уйлаб кўрганмисиз, нега матадорлар билан жангга фақат буқалар қўйилади. Сигирлар

билан жанг ўтказмаслигига 1 та аниқ сабаб бор. Шунинг билан дақиқадан сўнг топиб бизга айтишингиз керак.

771. Қадимги юнонлар мол гуштини бу нарсага нафақат хомини, балки қовурилган, қайнатилган, бўлган ҳолини ҳам ишлатганлар. Савол: бундан нима мақсадда фойдаланганлар?

772. Француз файласуфи Андрэ Моруа фикрича, XIX асрда Францияда Прометей билан Олимпия яшаган. Савол: Прометей ким, Олимпия ким?

773. Булат Окуджава асарларидан бирида унга шундай таъриф берган: «Узоқдан қарасангиз, у уч оёқли аждаҳга ўхшайди, кўп тишларини кўрсатиб ишшайиб турган. Бир қарасангиз, дардли чинқариб қўлингиз ҳароратидан худди кўкка бўзлайди. Дам қари кучукдек зўрга кўзларини юмиб очади. Унинг нафас олиши тўхтагач, сизни ҳам кунингиз битадигандек туюлади гўё». Савол: шоир Окуджава бу образли ўхшатиши билан нимани аждаҳга ўхшатмоқда?

774. Пекинда ҳалқа йўллар сони бу йил яна биттага кўпайди. Махсус лойиҳа асосида қурилган ҳалқа йўлининг охиригиси эди. Савол: Пекинда неча ҳалқа йўллари қурилди?

775. Ҳиндистонда илонлар жуда кўп. Илонларни қутурган пайти ҳам бўлади. Айниқса, баҳорда бемалол уйлариғача кириб бораверишади. Албатта, унга бир сабаб бўлади. Ўша сабабни топиб 1 дақиқадан кейин бизга айтасиз.

776. «Мухтасар» китобида ёзилишича, уларни ўғирлаш унчалик оғир жиноят саналмайди. Аммо уларнинг болаларини ўғирлаганлар энг оғир жазога тортиладилар. Савол: қандай ўғрилик тўғрисида гап кетмоқда?

777. Авлодларимиз қадимдан камон билан ов қилиб келишган. Масалан, учи 3-4 қиррали ўқлар билан катта-катта ҳайвонлар — айиқ, йўлбарс, сиртлон кабилар овланган. Ўқнинг учи ингичка ва юпқа бўлса, демак, бу камон ўқлари қушлар, умуман кичикроқ ҳайвонлар учун қўлланилган. Ҳурматли билимдонлар, ов пайти мана бундай тўмтоқ учли камон ўқларидан ҳам фойдаланилган. Савол: бундай тўмтоқ учли камон ўқи билан қандай ҳайвонлар овланган?

778. Ёлгон сўзлаш бу жуда оғир гуноҳ саналади. Буни ҳатто Афлотун ҳам ўз битикларида ёзиб қолдирган: «Мен ҳеч қачон ёлгон сўзламаганман. Менинг касбимда ёлгон сўзлаш яхши оқибатларга олиб келмайди. Балки менинг касбим фалончи бўлганида ёлгон сўзлашим мумкин эди». Ҳурматли билимдонлар, Афлотун кимларни назарда тутган?

779. Константин Бальмонт шеърдан парча ўқийман:

*Ботаётган қуёш денгизга кириб,
Жаҳддор булутлар пасайиб аста,
Гуё уни ўпмоқчи бўлиб,
Бу қумлик султониға қилади, таъзим.
Азизим, сен ҳам келдинг
Бу қадимий ... мамлакатига.*

Ҳурматли билимдонлар, охирги қаторда битта сўз тушириб қолдирилди. Шунини топиб бизга айтасиз.

780. Нега қиличбозлар, оқ кийимда мусобақалашишади биласизларми? Ҳозир улар хоҳлаган кийимда ўйинларда қатнашишлари мумкин. Аммо 1938 йилгача албатта оқ кийимда бўлишлари талаб этилган. 1938 йилдан сўнг нима ўзгариш бўлганини эмас, нега унгача оқ кийимда мусобақаларда иштирок этиш мажбурий бўлганини топиб бизга айтинг.

781. Сандиқчадаги нарса ўта арзимас ҳисобланади. Кўриб қолсангиз, оёгингиз билан эзиб ўтиб кетасиз. Аммо оқ-қора рангда ишловчи рассомлар ундан усталик билан фойдаланишади. У билан энг нозик, энг кичкина нуқталарни чизса бўлади. Ундай нозик қалам ҳали яратилмаган. Ундан ҳатто Репин ҳам, Урол Тансиқбоев ҳам фойдаланган экан. Ҳурматли билимдонлар, 1 дақиқадан сўнг сандиқчада қандай аҳамиятсиз, кераксиз нарса борлигини айтасиз.

782. Тасаввур қилинг, сиз Швейцариядасиз. Диққатингизни пештоқига оқ байроқ илиб қўйилган бино тортади. Бу қандай бино деб берган саволингизга маҳаллий аҳоли «қамоқхона» деб жавоб беради. Унда нега оқ байроқ илиб қўйилган деган саволга улар нима деб жавоб беришган?

783. Пойтахтлар мамлакат юраги саналади. Улар давлатнинг энг осойишта, об-ҳавоси мўътадил, энг хавфсиз шаҳарларидан танланади. Пойтахт шаҳарлар номи билан боғлиқ обидалар бор, уларнинг номи зикр қилиниши билан қайси пойтахт ҳақида гап кетаётгани маълум бўлади. Нон шаҳри — бу Тошкент. Акрополь — Афинани ёдга солади, Эйфель минораси — бу Париж, Кремль — Москвани ёдга солади. Ҳурматли билимдонлар, дунёга машҳур Олтинлар музейи қайси пойтахтда жойлашган?

784. Голландияда 30 апрель мамлакат қироличаси — Беатрикснинг туғилган куни саналади. Айнан шу куни ҳамма бозорларга шошилади. Уйларидаги сотиладиган нима нарса бўлса шу куни сотишга ё сотиб олишга ҳаракат қилишади. Тежамкор голландлар 30 апрель куни жуда кўп нарса харид қилишга шошилишади. Савол: нима учун улар шу куни харид билан шугулланишади?

785. Шундай бир машҳур спорт тури борки, у 1896 йилдан бери олимпиада уйинларига киритилган. 1896, 1900, 1904, 1908 йиллари бу спортда ўрин белгилашда жуда катта ноҳақликлар, жанжаллар бўлиб турарди. Бунга сабаб ҳакамларнинг камлиги эди. Спортчилар совриндорлар ноҳақлик йўли билан шохсупага кўтарилишади, деган мазмунда эътироз билдиришарди. Ҳакамлар ҳам биз ҳеч нарсани кўрмаганмиз, қабилида елка қисишарди. Ҳурматли билимдонлар, нега бу мусобақани ҳакамлар одилонга бошқара олишмаган? Бу қайси спорт тури эди?

786. Россиядаги уй-музейларидан бирида 1910 йили темир йўл врачининг тиббий хулосаси ёзилган варақа сақланади. Унда пассажирнинг исми-шарифи билан «12-поезднинг пассажири эди», деб ёзиб қўйилган. Мен сизлардан пассажирнинг номини эмас, бу уй-музей қаерда жойлашганлигини сўрамоқчиман.

787. Бу лотинча сўзни ўзбекчага ўтирилса — поғона деб таржима қилинади. Сандиқчадаги нарсада бир нечта поғоналар мавжуд. Поғоналардан биттасининг ранги қизил, қолган поғоналарнинг ранги бир хил. Ҳурматли билимдонлар, сандиқчада нима бор?

788. У спорт тури 1912 йилдан олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Қизиги шундаки, бу спорт тури 1912 йилдан то 1948 йилгача зобитлар спорт тури дейилган. Унда фақат ҳарбийларнинг қатнашишига рухсат этилган. Ҳурматли билимдонлар, бугун бу спорт турини нима деб атаймиз?

789. Тропик мамлакатларда бу бино ичида кунутун кучли ёруғликка эга чироқлар ёниб турмаса бўлмайди. Савол: қаерда?

790. Англияда XVII асрда у кенг оммалаша бошлади. Одамлар ҳам уни ёқтира бошлашди. Корхона раҳбарлари иложи борица иш вақтида уни ишчиларига бермасликка ҳаракат қилардилар. Чунки у ишчиларнинг кўп вақтини ола бошлаган эди. Иш тугагач, марҳамат, хоҳлаганча, унга ҳеч қандай чеклов йўқ. Ҳурматли билимдонлар, инглиз ишчиларига иш вақтида нимага рухсат берилмаган?

791. Спарталиқ жангчилар ўта маҳоратли ва айёр бўлишган. Уларнинг энг катта душмани юнонлар бўлган. Улар хуфия жанг олиб боришга ҳам устаси фаранг эдилар. Юнонлар иқтисодини синдириш билан уларни енгиш мумкин, деб ҳисоблашган. Юнон иқтисодини синдириш учун эса тунда тўдаларни мамлакат ичкарасига киритишар эди. Ҳурматли билимдонлар, бу жиноятчилар тўдалари тунда нима иш билан юнон иқтисодига путур етказишар эди?

792. Афиналик Галидис Оноприс деган шахс 1896 йилги биринчи олимпиа ўйинларида югуриш, тош кўтариш, кураш, сакраш мусобақалари бўйича

6 та бронза медалини олган. Уйлаб қарасангиз, бири-бирига ўхшамаган спорт турларидан у совриндор бўлган. Савол: нега унга 4 та қарама-қарши спорт турларидан бронза медали берилган.

793. Гиннес рекордларига киритилган англиялик Стив Вудморга тегишли бу рекорддаги рақам 637 ни ташкил этади. Ҳурматли билимдонлар, сизлар ҳам биргалашиб — 6 киши Вудморнинг рекордини янгилашингиз мумкин. Бир дақиқа муҳлат.

794. Олимпиада ҳар 4 йилда бир марта бўлади. Биринчиси 1896 йилда, иккинчиси 1900 йилда, учинчиси 1904 йилда, тўртинчиси негадир 1906 йилда ўтказилди. Савол: қандай сабаб туфайли олимпиада 1906 йилда ўтказилди?

795. Буюк табиб Абу Али ибн Сино умрининг охирида шундай фикрга келган: Ибн Сино касални даволашдаги биринчи дори-дармон деб уни билган. Агар у бўлмаса, ҳар қандай гиёҳ, малҳам ва дори бир пул. Савол: Ибн Сино касални даволашда нима бирламчи деган?

796. У Эдинбург университетида ўқиб юрган кезлари, касаллар операция қилинаётганда қўрқиб денгиз бўйларига қочиб қолар эди. Кечга яқин ҳориб-чарчаб қайтиб келарди. Ётоқхонада денгиз бўйидан тутган чиганоқлар, моллюскалар, чувалчанглар, майда балиқларни томоша қилиб тонг оттирар эди. Савол: юқоридаги киши агар шифокор бўлмаган бўлса, қайси соҳада етук олим бўлиб танилди?

797. Бу вилоятда аҳоли ниҳоятда зич яшайди. Агар Бўстонлиқ туманига солиштирилса, Бўстонлиқ

майдони у вилоятдан 2 баробар катта, аҳолиси у вилоятдан 10 баробар кам. Бу Ўзбекистондаги қайси вилоят?

798. Ҳар бир шаҳарнинг ўзига яраша номлари бор. Лондон — туманлар шаҳри, Париж — гўзаллар шаҳри, Монако — казинолар шаҳри ва ҳ.к. Европадаги қайси пойтахт денгизчилар шаҳри деб аталади?

799. Албания, Австрия, Гана, Миср, Иордания, Ироқ, Яман, Малави, Мексика, Польша, Панама ва яна 11 та давлатни бирлаштириб турувчи бир жонзот бор. Савол: у жонзотни 1 дақиқадан сўнг топиб бизга айтасиз.

800. Инсондаги тана аъзоларини мукаммал ўрганган Леонардо да Винчи фикрича, инсондаги энг серҳаракат аъзо у, у — чўзилувчан, қисқарувчан, озувчан, семирувчан ва эгилувчандир. Ундаги мускуллар сони 7 та. Бу аъзо нега Леонардо да Винчини қизиқтириб қолгани тушунарсиз ҳолат? Савол, бу инсоннинг қайси аъзоси?

801. XVI асрда Француз табиатшуноси Пьер Белон илонни, қурбақани, тюленни, ҳатто тимсоҳ билан бегемотни ҳам улар қаторида санаш керак, деган. Чунки уларда жуда кўп ўхшашликлар бор. Хўш, Пьер Белон юқоридаги жониворларни қандай аташни таклиф этган?

802. Қадимги Римда бундай кишилар ўта қадрланганлар. У тоифа кишиларни жуда иззат-ҳурмат қилишган, чунки улар жуда берилиб ишлайдиган, шуғулланадиган кишилар бўлишган.

Сизнинг орангизда бир неча киши бу номга эга. Аммо Қадимги Римдагидек вазифани берилиб бажараяптилармикин? Бир нарса дейишим қийин. Ҳурматли билимдонлар, сизларга бир дақиқа муҳлат, берилиб ишлаган кишиларни ким деб аташган?

803. Гёте фикрича, норози кишилар асосан 2 хил бўлар экан. Актив ва пассив. Актив норозилик — бу нафрат. Пассив норозиликни бир дақиқадан кейин сизлар айтишингиз лозим.

804. Биз туркистонликлар сандиқчадаги нарсани 100 йил олдин умуман кўрмаганмиз. Бу нарса кашф қилиниши билан ёзувчилар учун кенг мавзу бошланган. Уни шайтон қуроли қилиб ёритишган. Европа ибодатхоналарида ундан фойдаланиш умуман таъқиқланган. Кўриниши совуқ бўлгани учун уни ажалга қиёслашган. Ундан даставвал фақат қироллар фойдаланишган. Кўпчилик бугун у билан кунига 2-3 маротаба дуч келади. Савол: сандиқчада нима бор?

805. Санъаткорларда бир машҳур ибора бор: барча санъат турларининг имкониятлари тутагач санъатнинг бир тури ўз иш фаолиятини бошлайди. Санъатнинг бу тури номидан ҳисоб-китоб маъносини билдиради. Савол: бу санъат турини номини топинг.

806. 1969 йили Британия телевидениеси ўн йилликнинг энг машҳур уч кишиси номини эълон қилади. Улардан бири инглиз, бири америкалик ва бири хитойлик. Улар кимлар?

807. Москвада хизмат қилаётган бир аскар йигит уйига хат ёзмоқда: «Бугун Шевардин кўли учун

жуда қаттиқ жанг бўлди. Тушгача ўзимизникиларга қарши урушдим, тушдан кейин яна ўзимизникиларга ўтдим». Қариндошлари «Бу қанақа уруш экан» деб ҳайрон. Йўқ, аскар бола алдамаётган эди. Савол: айтинг-чи, у қаерда бу урушда иштирок этган?

808. Альберт Эйнштейн интервьюларидан бирида: «Мени одамлар нима деб аташса, аташсину, аммо сеҳргар дейишларини ёқтирмайман. Мен сеҳргарлик билан, сеҳр-жодунинг кучи орқали кун кўрувчи кишиларни 3 та нуқта деб атамайман. Улар бор-йўғи кўзбўямачилар холос». Ҳурматли билимдонлар, Эйнштейн сеҳргарларни кимлар деб атамасликка чақирган?

809. Француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер инсон психологиясини мукамал ўрганган шахс сифатида ёдда қолган. Айниқса, аёллар ички дунёсини билишга бутун умрини бағишлаган. Унинг таъкидлашича, «Кўпчилик аёлларнинг ичида сир турмайди, лекин улар ўзлари билан боғлиқ бир маълумотни ўта сир сақлашади». Вольтер нақадар ҳақ эканлигига сиз ҳам тўғри жавобни эшитиб ишонч ҳосил қиласиз. Савол: Вольтер қандай сирни назарда тутган?

810. Уйланиш мавзуси. Уйланиш олдидан, албатта, танишув бўлиб ўтади. Учрашувга чиққанда, бўлгуси умр йўлдошида яхши таассурот уйғотиши учун, ўзининг билими, диди юқори эканлигини намойиш этмоқчи бўлса, бирон-бир машҳур китобни совға қилиши мумкин. Масалан, Харуки Муракамининг бирон-бир романини. Таиландда йигитлар биринчи учрашувдаёқ қизларга теннис ракеткаси совға қилишяпти. Нима сабабданлигини айтмай туриб,

сизларга саволни бераман: 1990 йилдан кейин ҳиндистонлик йигитлар қизларга кўпроқ нима совға қилишмоқда?

811. Пабло Пикассо ҳаёти давомида 1885 та картина, 7089 та расм, 1228 та ... муаллифи бўлган. Савол: 1228 та ниманинг муаллифи?

812. «Нега сиз расмларингизни қингир-қийшиқ қилиб чизасиз?» деб берилган саволга, Пикассонинг қарийб шиорга айланиб кетган ибораси қандай эди?

813. Конфуций таълимотига қулоқ тутсангиз, шундай фикрлар бор: «Агар сиз у ишни амалга оширишни бошласангиз, биров ўйланг. Унга ҳам, менга ҳам бу иш керак эмас, деб ўзингизни бу йўлдан қайтариб кўринг. Агар қайтара олмасангиз, майли, унда яна ўзингиз биласиз. Лекин аввал 2 та чуқур қазиб қўйинг» Конфуций сизни нимадан қайтармоқчи?

814. «Уста ва Маргарита» асари персонажи Понтий Пилат уни беқарорликда айблайди. Ва у қайсидир маънода ҳақ. Айнан унинг беқарорлигидан фойдаланиб, кўп ёмон ишлар содир бўлади. Унинг йўқ пайтидан айримлар фойдаланиб, кўп хуфия ишлар ва жиноятларни содир этадилар. Понтий Пилат нимани беқарорликда айбламоқда?

815. Сандиқчадаги нарсa кимлар учундир санъат, ким учундир — илм-фан, яна кимлар учундир оддий ҳаёт. Айнан ундаги ҳолатлардан келиб чиқиб, уни санъатга ҳам, илму фанга ҳам, ҳаётга ҳам қиёслаш мумкин. Савол: сандиқчада нима бор?

816. Амир Темур тузуклари жамиятнинг барча аъзоларини ҳуқуқий, ахлоқий, диний томондан назорат қилишга ва ҳимоялашга қаратилган мажмуадир. Темур тузукларида ҳатто ҳарбий асирлар ҳуқуқлари қонунлар асосида белгилаб берилган. Унга биноан айтиладики, ҳарбий асирларнинг жойлашган лагерда 3 нарса бўлмоғи керак. Биринчиси — албатта, шифохона; иккинчиси — диний мазҳабига қараб, ибодатга шароит; учинчи нарса эса нафақат асирдагиларга, ҳаммага зарур эди. Савол: у нима?

817. Агар сиз ўйин тутагач, кета туриб ёнингиздаги шеригингизни ручкасини билдирмай чўнтагингизга солиб кетсангиз, балки дунёдаги энг кичик ўғрилиқни содир этган бўласиз. Албатта, катта-катта ўғрилиқлар олдида сизнинг бу ўғрилигингиз ҳеч нарса эмас. Уильям Шекспир уни дунёдаги энг катта ўғри деб ҳисоблаган. Жисман энг катта, энг оғир ўғри — у. Савол: бир дақиқадан сўнг энг катта ўғрининг номини айтасиз.

818. Рим армиясида ҳар бир легионда махсус араваларда, қафас ичида бир нечта жонзотлар олиб юрилган. Уларга битта боқувчи ва аравакаш қараб юришган. Урушда бу жонзотларнинг ўрни жуда катта бўлган. Тўғри, улар ҳеч ким билан жанг қилишмаган. Хўш, ўйлаб кўринг-чи, бу қандай бегубор жонзотлар бўлиши мумкин?

819. Хитой кўп кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бир кўрсаткич борки, агар Ўзбекистонга солиштирсак, бу 5 тани ташкил этса, Хитойда энг кўп — у 14 тани ташкил этади. Дарвоқе, 2000 йилдан кейин бу кўрсаткич яна биттага ошди. Хўш, нималар сони Хитойда 15 та бўлди?

820. Инсоният ривожда эркакларнинг ҳиссаси беқиёс. «Юрт бошига иш тушса, биринчи бўлиб мард йигитлар корига ярайди. Шунинг учун, ўғил болаларнинг тарбияси билан мукамал шугулланмоқ керак» деб ёзган эди файласуф Афлотун. Афлотун «Йигитнинг мардлиги қачон билинади, у нафақат отда юриш, қиличбозлик, илму аркон ўрганишида балки мардликка, жасурликка зид бир туйғу, ҳис ҳам йигит кўркига кўрк бағишлайди» деган. Савол: қандай ҳис йигитни баркамол қилади?

821. Дунёдаги энг кекса ахборот агентликларидан бири бу – Рейтер ҳисобланади. Рейтер ахборот агентлиги ташкил топганидан то XX аср иккинчи ярмигача агентлик мухбирлари рўяхатидан улар ҳам жой эгаллаган эдилар. Савол: қандай ходимлар сўралмоқда?

822. Польшанинг Закопан шаҳрида 1989 йили шахмат бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилган. Бу мусобақага бағишлаб чиқарилган маркада бир шахмат фигураси, инсон кафти ва бармоқлари тасвирланган. Кафт ва бармоқлар бир маънони билдирган. Савол: у биринчилик кимлар орасида ташкил этилган?

823. Бу ихтирочи ҳаёти давомида кўпгина янгиликларга муаллифлик қилган. Пар билан юрадиган самолёт, занжир гилдиракли трактор ва ҳ.к. Аммо у ўз номини миллионлаб кишиларни ўлимига сабаб бўлган ихтиросига берган. Сезаётган бўлсангиз, у қандайдир қурол яратиб унга ўз номини берган. Ҳатто ўша ихтироси учун барон титулига ҳам эришган. Ўша бароннинг исми-шарифи ким бўлган?

824. Эртакларни асосан болалар яхши кўриб эшитишади. Г.Х.Андерсон юрти — Дания. Унинг эртаклари аудио кассеталарда сотилади. Уни нафақат болалар, айрим тоифа катталар ҳам эшитишни хуш кўрар эканлар. Савол: нима уларни бундай эртакларни тинглашга мажбур қилади?

825. Эколог олимларнинг фикрича, «Инжил» китоби жуда кўплаб ҳайвонот дунёсини йўқ бўлиб кетишидан асраган экан. Савол: Инжилда ҳайвонларнинг кўплаб турлари йўқолиб кетишининг олди олинадиган нима ёзилган?

826. Зоопарк ҳайвонот дунёсини инсонларга яқиндан таништиришда катта хизмат қилмоқда. Зоопаркларнинг яна бир фойдаси — бу ҳайвонларни ўрганишда лаборатория ҳамдир. Куала-Лумпурда дунёдаги энг катта зоопарк мавжуд. Олимлар зоопаркдаги ҳайвонлар бир-бири билан дўстлашиши мумкинми, деган саволга жавоб излаб кўришган. Фил билан от бемалол бир катакда яшаши, шер билан итни ҳам бир қафасда боқиб кўриб, шундай хулосага келишди: юқоридаги ҳайвонлар бир-бири билан бемалол яшаб кетиши мумкин экан. Лекин бир ҳолатда улар ҳеч қачон дўстлаша олмаслиги маълум бўлган. Савол: қандай ҳолатда?

827. Қадимги Эрон мадрасаларида мантиқ дарслари ҳам ўтилган. Чунки билимли одам чуқур мулоҳаза ва донишманднамо фикрлар қаршисида ожиз қолмаслиги керак. Саволлар чистон тарзида, яъни шеърӣ қилиб берилган. Савол: муаллифи ҳам сизларга ўша саволлардан бирини бермоқчилар.

У бир кўримли тарвуз мисолдур,

Полизда ўсмас, ҳосилга кирмас.

Атрофин айланиб роса қарасанг,

Еттита йўл бордур тарвуз ичига.

Айтинг-чи, ҳурматли билимдонлар, тарвузга қиёсланган нарса нима бўлиши мумкин? Шу билан бирга еттита йўлни ҳам кўрсатинг.

828. Конфуций таълимотида шу хусусда алоҳида баён этилган. Мана сиз ваъда бериб, уни ўз вақтида адо этсангиз, сиз оддийгина инсоний маданият, тарбияни бажарган бўласиз. Агар ваъда бериб бажармасангиз, оддий инсоний тарбиянинг етишмаслигидан деб билиш мумкин.

Ҳурматли билимдонлар, Конфуций учинчи ҳолатдаги кишиларни ўта тарбияли, доно ва муъжизакорлар деб атаган. Савол: учинчи тоифа кишилар юқоридаги ҳолатда қандай ҳаракат қиладилар?

829. Китоб чоп этиш бугун замонавий технологиялар асосида ташкил этилган. Қадимдан китобнинг ҳар бир нусхаси қўлда кўчирилган. Бу иш билан хаттотлар шугулланишган. Шарқ хаттотлари ўз даврининг моҳир санъаткорлари бўлишган. Ҳар бир хаттот китоб сўнгида ўз исми-шарифини ёзишдан аввал, одоб билан бир жумла гапни, албатта, ёзиши шарт бўлган. Бир дақиқа ўйлаб, ўша жумлани бизга топиб айтинг.

830. Қадимги Ҳиндистондаги қишлоқ ҳудудларида яшовчи деҳқон оилалари далада ҳосил пишиш олдидан эрталабдан кечгача шолипоя атрофида қўшиқлар айтиб, рақсларга тушиб, қувлашмачоқ, бекинмачоқ ўйинларини ўйнаб кунни кеч қилишган. Ҳосилни йигмасдан олдин бошланиб кетган бу байрамдан мақсад нима бўлган?

831. «Менким фалончи! Бундан буён на оғзаки, на ёзма равишда бу жумлани тилга олмайман. Давлат ва дин раҳбарлари олдида қасам ичиб айтаманки, мен бу жумлани ҳеч қачон айтмаганман ва айтмайман ҳам. Бундан кейин бу фикрни яна илгари сурсам тавқи-лаънатга учрай. Рим. Минерво ибодатхонаси. 1633 йил 22 июн. Имзо.»

Имзонинг ўрнига яна ўша фикрни ёзади. Айтингчи, у ким ва қандай жумла ҳақида сўз кетмоқда?

832. Руҳшунослар фикрича, сандиқчадаги мослама уйда ким кўпроқ ҳукмрон бўлса ўшанинг қўлида турар экан. Замонавий хонадонларда у асосан оталарнинг қўлида туради. Кейин катта фарзанднинг қўлига, ундан кейин кичикроқ оила аъзолари қўлидан, энг охирида, энг қисқа фурсатта хонадон онасининг қўлига тушади. Айтингчи, сандиқча ичида нима бор?

833. Сандиқча ичидаги нарсани дунё харитаси дейиш ҳам мумкин. Бу харитада Европа, Австралия билан чегарадош эмас, Осиё Америка қитъаси билан чегарадош эмас. Аммо сандиқчадаги харитада Африка ҳам Европа, ҳам Осиё, ҳам Америка, ҳам Австралия билан чегарадош. Сандиқчада қандай харита бор?

834. Япон сиёсатчилари сайлов кампаниялар арафаси учрашувларга одоб нуқтаи назаридан ва ўзларининг пок инсон эканликларини намойиш этмоқ мақсадида сандиқчадаги кийимни кийиб боришади. Улар бу билан ўзларига виждонли ва эътиборли шахс имиджини яратмоқчи бўладилар. Шундан бўлса керак, бугун ҳам у эътибор ва тантана белгиси сифатида қўлланилмоқда. Савол: сандиқчада нима бор?

835. Инглизлар уни аёл деб ҳисоблашади. Эронда ва бошқа кўп давлатларда у аниқ — эркак. Унинг қўшниси эса барча тилларда фақат эркак деб айтилади. Биринчиси аёл деб аталадими, эркак деб тушуниладими фарқи йўқ, аммо иккинчисининг вазифаси жуда катта. У, албатта, эркак бўлиши керак. Биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам сандиқча ичида турибди. Сандиқчадаги 2 та нарсани номма-ном айтинг.

836. Ҳинд брахманлари биласиз, жонзотларга озор бермаслик тарафдорлари. Ҳатто қурт-қумурсқаларни ҳам беҳосдан босиб олмасликка ҳаракат қилишади. Ҳайдаробод шаҳрида ҳинд руҳонийлари ярадор қушлар учун касалхона очишган. Бир катакда ярадор бургут, лочин, қирғий каби қушлар, яна бир катакда тўтиқуш, канарейка, саъва каби қушлар, кейинги катакда товус, кабутар, оққуш кабилар сақланган ва ҳ.к. Энди саволни эшитинг. Касалхонада бир тоифа қушлар кўп сақланмайди. Дарҳол биринчи ёрдам кўрсатилиб, улардан тезроқ қутулишга ҳаракат қилишади. Сизлар қандай қушлар эканлигини ва улардан нега тез қутулишга ҳаракат қилишларининг изоҳини айтинг.

837. Испанияда йирик корридалардан сўнг энг кучли матадорлар аниқланиб, уларга совға ва пуллардан ташқари, 4-ўринни олган матадорга буқанинг бир қулоғи, 3-ўринни олганига енгилган буқанинг иккала қулоғи, 2-ўринни олганига 2 та қулоқ ва буқанинг думи топширилади. Олий ўринни эгаллаган матадор бутун томошабиннинг ҳайқириги остида аниқланади. Сандиқча ичида олий ўрин эгасига топширилажак совға бор. Савол: сандиқчада нима бор?

838. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асариға мурожаат қиламиз. Бобур Мирзо Буратоғнинг баланд хушманзара бир қоя тоши устиға ҳужра қурдирмоқчи бўлади. Меъмор мулла Фазлиддин бу ишни аъло даражада амалға оширади. Ҳар бир нақшларнинг ўз маъноси борлиги Бобур Мирзонинг диққатини тортади. Айниқса, нақши гулхан ҳужрадан муносиб жой олгани уни лол қолдиради. Ҳурматли билимдонлар, меъмор нақши гулханни хонанинг қаеридан тасвирлаган эди?

839. XX аср охирларидаги маълумотни ўқийман: «Ер юзи аҳолисининг 10% ини, АҚШ аҳолисининг 5% ини, Англия аҳолисининг 7% ини улар ташкил қилади. Ҳиндистонда бу рақам 60% га яқин. Нима ҳақида сўз кетмоқда?

840. Унинг коллекциясини йиғувчи кишилар Ўзбекистонда ҳам топилади. XX аср бошларида ишлаб чиқарилганларини ҳам сақлаб қолишган. Сизлар уни кўрган бўлсангиз ҳам ишлатмагансиз. Лекин унинг замонавийсини деярли ҳаммангиз ишлатгансиз. Янгилари анчайин пишиқ, аммо ҳажми анча кичкина сезганингиздек, сандиқчада 2 та нарса турибди. Нималар борлигини айтинг?

841. Сандиқча ичидаги шахмат донаси туфайли, ўрта асрлардаги араб ҳукмдорлари шахмат ўйнашдан воз кечишган. Ҳурматли билимдонлар, қайси шахмат донаси эканлиги ва нима учунлигини тўлиқ айтсангиз.

842. Узунлиги 30-40 см, эни 15 см, қалинлиги бир неча миллиметр бўлган ўта эгилувчан тахтача, бир бўлак чарм, бир неча бўлак оқ мато ва гипс порошоги.

Ушбу предметлар ёрдамида сандиқча ичидаги нарсга ясалади. Сиз сандиқчада нима борлигини топишингиз керак.

843. Ҳурматли билимдонлар, мен ҳозир бажармоқчи бўлган юмушни, вазифани испан ва ирландиялик кишилар учун майнабозчиликдек туюлиши мумкин. Чунки испанлар бир синовдан ўтиши учун буқа билан олишса, ирландияликлар мустангни (ёввойи отни) эгаллашган. Лекин, менинг вазифам ҳам шу синовдан ўтиш учун анча мураккаб. Айтинг-чи, мен нима ишни қиламан?

844. Алишер Навоий кўп асарларини «Навоий» тахаллуси билан ёзган. 1499 йилда ёзиб тугатган «Лисон-ут-тайр» достонини «Фоний» тахаллуси билан ёзган. Нега 1499 йилда ёзган бу асарни «Фоний» тахаллуси билан туркий тилда ёзган?

845. У илк бор XV аср охирларида Перуга олиб келинган. Маҳаллий аҳоли инклар унга «иллапа» деб ном берди. Тўғрими, нотўғрими улар чақмоқ ва момақалдиروқни «иллапа» деб аташарди. Яна нимани улар «иллапа» деб атай бошлашганини аниқ қилиб айтинг.

846. Малайзиядаги гўзаллик танловида иштирок этган қизларга турли мукофот пуллари тўлангач, ҳамма иштирокчилардан 150 АҚШ долларида олиб қолинади. Айтинг-чи, нега улардан бу пуллар олиб қолинади?

847. Қадимги Месопатамиядаги иероглифлар: биринчиси, тўртта тўлқин билан катта уммон тасвирланган, дегиз ёки кўл. Иккинчиси, 3 та

тўлқин билан дарё тасвирланган. Шу иероглифни кўргач, дарё деб тушуниланган. Учинчиси — 2 та тўлқинсимон белгилар — кичик анҳор ё ариқ тушуниланган. Шу билан сув оқадиган шахобчалар тутади. Аммо месопатамияликларда яна битта нозик тўлқинсимон белги ҳам бўлган. Сизлар бир дақиқадан сўнг тўртинчи иероглиф билан нима ифодаланганлигини айтишингиз керак бўлади.

848. Қалмиқлар чорвадор халқ ҳисобланишади. Яшаш тарзлари кўчманчи ҳолатда экани сизларга маълум. Қалмиқ ўтовларини кўз олдингизга келтиринг. Ҳамма ўтовларнинг ранги бир хил сарғиш-қўнғир тусда. Фақат битта ўтовни ранги оппоқ. Агар қабила сардори ҳам одатдаги рангдаги (сарғиш-қўнғир) ўтовда яшашини инобатга оладиган бўлсак, оқ ўтовда кимлар яшайди?

849. XX асрнинг биринчи ярмида ижод қилган инглиз ёзувчиси Кен Фоллетнинг «Замин устунлари» романи XII аср воқеаларига бағишланади. Роман қаҳрамони бир ғорга тушиб қолади. Камон, қилич, турли ўқлар, тўрлар, қопқонлар каби овчилик қуроллари орасида бир предметни кўриб ҳайрон бўлади. Чунки у предмет ўша давр кишиларининг хонадонларида ҳам бўлмаган, фақат черковларда бўларди. Роман қаҳрамонини ҳайратга солган нарсани сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

850. Михаил Шолохов «Дон қиссалари»да келтирган учқур фалсафий фикрни эшитинг: «Бола 6 ёшида — отам ҳамма нарсани билади, деб уйлайди. Бола 12 ёшида — отам билмаган нарсалар ҳам бор

экан, деган фикрга келади. Бола 25 ёшида — отам ҳеч вақони билмайди, дейди».

Савол: 50 ёшга тулганда у нима деб ўйлайди?

851. 1818 йил. Германия. Кёпнинг «Цайтунг» газетаси шаҳардаги бу янгиликка шундай шарҳ беради.

– У руҳонийлар фикрича, Худонинг ишига аралашин;

– Тиббиёт вакилларининг фикрича, касалликни кўпайтиради;

– Файласуфлар фикрича, ахлоқнинг янада бузилиши сабабчиси;

– Миршаблар фикрича эса, у отларни ҳуркитиб, ўғрилارнинг кўпайишига ёрдам беради.

Ҳурматли билимдонлар, газета бу таърифни қандай янгиликка берган?

852. 1950 йилгача Африка қитъасида бор-йўғи 4 та давлат мустақил бўлган. Жанубий Африка Иттифоқи, Миср, Эфиопия ва 4-си XIX аср ўрталарида озодликка эришган давлат бўлиб, АҚШда қуликдан озод бўлган қора танли кишилар кучиб келгач, шу давлатга асос солишади. Моҳир денгизчилари билан ном қозонган бу қайси давлат?

853. «Қуюқ қошлари остидан ўткир нигоҳини сизга қадаб турган бу мўйсафид, қуёш янглиғ атрофни оловлатади. У паҳлавон қанчалар катта келбатини яширмасин, зевснамо савлати билан Олимпни титратгудек кучи намоён бўлаверади. Ҳурматли билимдонлар, Илья Репин тасвирлаган бу киши ҳаётида 1891 йилда қандай буюк янгилик юз берган?

854. Леонардо да Винчидан жуда катта мерос қолган. У нафақат рассом, меъмор, ихтирочи, шоир, ёзувчи, файласуф. Унинг фалсафий фикрлари шу қадар кучли ва маънолики, уни ўқиш у ёқда турсин, ўқиш учун ҳам калит талаб этиларди. Фақат XVII асрга келиб ўша калитни топишди. Сандиқча ичида эса ўша калит турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

855. Сандиқчадаги нарсанинг дунёга келишига 3 киши сабабчи бўлган. 1879 йили австриялик Вайнход унинг энг ибтидоийсини яратди. 1890 йили швейцариялик олим Дьюар кумушни унга ўрнатди. 1904 йили немис Бургер эса уни ошхонага олиб кирди. Ҳурматли билимдонлар, бу 3 кишининг саъй ҳаракати эвазига нима кашф қилинди.

856. Тарихчиларнинг ёзишича, эрамиздан аввалги 55-54 йиллари Юлий Цезарь ҳозирги Англия ҳудудига иккинчи бор юриш уюштириб, ҳудуднинг ярмини эгаллайди, холос. Қолган ярмини эгаллашга у тўсқинлик қилади. Айтинг-чи, Цезарни Англияни буткула эгаллашига нима қаршилиқ қилган?

857. XIX асрнинг иккинчи ярмида номаълум рассом томонидан чизилган бир сурат узоқ вақт жумбоққа сабаб бўлди. У расмни сирлилиги нафақат муаллифи номаълумлигида, балки сурат номида эди. Сиз ҳам кўришингиз мумкин. Эркак ва аёл. Муаллиф суратни Е ва Т деб номлаган. Ҳурматли билимдонлар, Е ва Т ҳарфлари билан муаллиф қандай маълум ва машҳур инсонларни тасвирлаган. Сиз Е ва Т ҳарфлари билан аталган кишиларни номини топинг.

858. Ўрта асрларда француз кибор хонимлари орасида ҳисоб-китоб кетган. Ана шу ҳисоб-китоб бўйича хонимларнинг гўзаллиги аниқланган. Қайси хонимда бу гўзалликни белгиловчи омил кўп бўлса, шубҳасиз ўша хоним гўзал ҳисобланган. Кибор аёллар нимани ҳисоб-китоб қилишган?

859. Канадада энг сероб нарсa — бу дарахт. Лекин ўрмон атрофлари, далалардаги электр устунларнинг барчаси бетондан қилинган. Бир неча баробар қимматга тушса ҳам электр устунлар бетондан ясалади. Эсимда, ёшлик пайтларимизда ўзимизда ҳам айрим ёғоч устунларга мой ё солидол суриб қўйишганининг гувоҳи бўлганман. Энди саволни эшитинг. Қандай нохуш воқеанинг олдини олиш учун электр устунлар бетондан ясалади?

860. Тибет давлати мавжуд бўлган даврларда болаларга икки босқичда таълим беришган. Биринчи босқичда осонроқ фанлар: ёзув, астрология, рақс, поэзия ва театр фанлари ўтилган. Иккинчи босқичда қийин фанлардан дарс беришган. Олий фанлар деб аталган 5 та предметдан сабоқ олишган. Биринчиси — санскрит, иккинчиси — мантиқ, учинчиси — фалсафа, тўртинчиси — ҳунармандчилик, бешинчиси — энг асосийсини сиз мантиқан ўйлаб топинг.

861. Тиббиёт мутахассислари фикрича, у предмет сизни кундалик шок ҳолатига туширади. Кундан-кун унга кўникиб, табиий завқ ҳисси сизни тарк эта бошлайди. Асабий ва дарғазаб бўлишингизни тезлаштирар экан. Ҳозир турли давлатларда турли кўринишлари ишлаб чиқарилмоқда. Аммо ҳаммамизни онгимизда у сержаҳл кўринишда сақланиб қолган. Савол: нима у?

862. Миср фиръавнларида унинг кучини, мавқеини белгилайдиган бир қанча предметлар бўлган. Улардан бири фиръавннинг донолигини билдирган. Қизиги, фиръавн ўлгач, ундан хотини ҳам бемалол фойдаланиши мумкин бўлган. Айтингчи, бу нима?

863. Уни «Уч қиррали жаҳаннам» ҳам деб аташади. Савол: нимани?

864. Аляска ҳиндулари уни «Сасквач», канадаликлар «Бигфут», непалликлар «Йети» деб аташади. Савол: биз уни қандай атаймиз?

865. XV-XVI асрларда яшаган рассом Вегиллио чизган расмларни дунёнинг кўпгина музейларида кўриш мумкин. Тасаввур қилинг, Вегиллио суратлари қаршисидамиз. Яхшилаб қарасангиз, сурат бурчакларида 3 рақамини, кейингисида 5 рақамини кўриш мумкин. Рассом Вегиллио бу рақамларни атайлаб ўзи ёзиб кетган. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг бу рақамлар нимани белгилашини айтасиз.

866. Ҳурматли билимдонлар, Леонардо да Винчининг фалсафий фикрларидан бирини тингланг: «Бунинг учун чуқур нафас оламиз ва нафас чиқарамиз. (Сиз ҳам қайтаринг.) Ичингиздан ҳаво чиқиши билан аввал кўриш хусусиятидан айриласиз, кейин аста-секин бошқа сезги органларингиздан ҳам айриласиз». Ҳурматли билимдонлар, нафас олиш ва нафас чиқариш билан бошланадиган жараён нима деб аталишини ва бир дақиқадан сўнг мен нима ишни бажаришимни айтишингиз керак.

867. Уни Наполеон Бонапарт ҳам, Чарли Чаплин ҳам ёқтириб кийган бўлишлари мумкин. У Обид Асомовга ҳам зарар қилмайди. У ҳам ёқтириши мумкин. Аслида уни Шарқ отлиқ навкарлари илк бор муомалага киритишган. Тез югураётган отда маҳкам ўтиришга у ёрдам берган. Отга чиқаётганда ҳам унинг ёрдами катта. Аниқ қилиб айтинг, сандиқчада қандай кўринишда кийиладиган нарса бор?

868. 1969 йилдан бери Ҳиндистонда фаолият олиб бораётган инглиз автомобиль компанияси маҳаллий ҳайдовчиларни ишга таклиф қила туриб бир шарт қўяди. Аммо бу шарт айрим ҳайдовчиларга ёқмайди. Компания қўяётган талаб улар учун амалга ошириб бўлмас ва қайсидир маънода ҳақорат ҳамдир. Савол: компания қандай шарт қўйган?

869. 1997 йили Италия ҳукумати қонун қабул қилди. Унга биноан профессионал артистлар ва спортчилар ундан озод этилганлар. Савол: нимадан?

870. 1974 йил Гавана. Ўзбек спорти учун қандай тарихий воқеа содир бўлган?

871. Африкадаги бу давлатда энг катта флот жойлашган. Савол: қайси давлатда?

872. Ундай номдаги давлатлар Африкада иккита. Географлар улардан биринчисини эркак, иккинчисини аёл деб ҳазиллашиб қўйишади. Савол: қайси давлатлар назарда тутилаяпти?

873. А.С.Пушкин у асарини жуда ёқтирар эди. Пушкин сургундалигида у асарини ёзган. Эслаб

кўринг-чи, у қаерда сургунда бўлган ва асарнинг номи нима?

874. А.С.Пушкиннинг отаси Сергей Львович Пушкин бўлган. Онасининг фамилиясини бир эслаб кўринг-чи.

875. 1836 йили, умрининг сўнгги йилида у азалий орзусига эришади. У илк адабий журнал чоп эттиради. Қизиги, бу журнал ҳалигача ўз фаолиятини тўхтатмаган. Пушкин тамал тошини қўйган журнал қандай номланади?

876. 1994 йили Чикаго санъат институтида бир суд бўлиб ўтади. Қизиги, унга 700 томошабин 200 доллардан чипта сотиб олиб киришади. 2 та тажрибали прокурор қирол оиласи вакилини қотилликда айблайди. 2 та машҳур адвокат бу жиноятни содир қилганда ақли жойида бўлмаганини айтиб, айбланувчиларнинг соғлиги текширилишини сўрайди. Суд, барибир уни ақли жойида бўлган, деб уни жиноятчига чиқаради. Шунда, суднинг қароридан норозилигини ифода этади. Ҳурматли билимдонлар, аввало, бу қайси судлигини топинг, норозилик белгиси сифатида у қайси иборани ишлатган?

877. Кўпгина Европа давлатларида оила аъзолари кўпроқ ўтирадиган уйларда қўнғироқчалар илиб қўйилган. Австралия фермерлари қўнғироқча орқали эмас, отнинг хавотирли кишнаши орқали, Курил оролидаги туб аҳоли лампа чироқлар орқали билишган. Ҳурматли билимдонлар, ҳозир от ё мойчироқ, қўнғироқча қилиб ўтирилмайди. Унинг замонавий мосламаси мавжуд. Мослама кимнинг номи билан юритилади.

878. Ҳиндистон пойтахти Деҳлида 1951 йили унинг биринчиси, 2002 йил Пусанда ҳозирча охиргиси бўлиб ўтди.

Савол: нима бўлиб ўтган?

879. Европадаги митти давлатларнинг бирида Шань, Недельн, Трезень каби кичкина шаҳарлари мавжуд. Сиз у давлатнинг энг муҳим шаҳарини топинг.

880. 1999 йили биринчи январдан Европада евро муомалага киритилади. Евронинг қийматини белгилаш учун унинг 1998 йил 31 декабрдаги қиймати қабул қилинди. Ниманинг?

881. Европадаги бу давлат гербида 3 та яшил тоғ тасвирланган. Татра, Фатра ва Матра. Савол: қайси давлат гербида?

882. Артур Конан Дойл «Шерлок Холмс» ҳақидаги ҳикояларидан бирида Сент Клер исмли мухбир ўзининг севимли ишидан воз кечиб, янги бир иш билан шугуллана бошлайди. Энг қизиги, ўзи ҳам бу иш орқали шунча кўп даромад орттираман деб ўйламайди. Асосий қонун — бу ишни бекор қилмаганида.

Савол: Сент Клер мухбирликнинг акси бўлган қандай юмуш билан шугулланган?

883. Бир юрт подшоси шу юрт имоми билан суҳбатлашиб қолибди. Ва имомдан: «Қиёмат куни инсонлар аҳволи нима кечади» деб сўрабди. Имом эса, эй, мухтарам зот, бу саволнингизга энг монанд жавоб турган жойингиздир, деган экан. Савол: улар қаерда суҳбатлашмоқдалар?

884. Мўтил жангчиси эгарида 2 та меш юрган. Биттасида ичиш учун сув, иккинчисида қандай егулик бўлган?

885. Қадимги Римда илм билан мунтазам шуғулланган кишиларни шундай номлашган. Савол: қандай?

886. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида агар Фарҳод ва унинг ватандошлари ҳам муслмон бўлганида эди, муслмонлар сони анчага кўпайган бўларди дейдилар. Навоий ҳазратлари нимага ишора қилганлар?

887. Шундай бир қисқичбақа борки, у жуда хавфли. Секин ҳаракат қилсаям, агар биронта одамга ҳамла қилса уни ўлдирмай қўймайди. Бу қисқичбақадан омон қолган одамлар йўқ ҳисоб. Савол: бу қандай қисқичбақа?

888. XVI асрда уни асосан заргарлар ишлатишар эди. Аёллар уни безак сифатида сотиб олишар эди. Олтин занжирларига илиб юришган нарсани топинг?

889. Тасаввур қилинг, католик соборида 2 та қатор скамейкалар бор. Ўрта аср монахлари шу скамейкалар орасида бир ўйин ўйнашган. Бу ўйин «монахлар ўйини» деб ҳам юритилади. Савол: ўйиннинг номини топинг?

890. Бразилияда, айниқса, Аргентинада жуда кўплаб пони отлари етиштирилган. Техника ривожлангунга қадар улар жуда қўл келган.

Савол: улар, яъни пони отлари қаерларда ишлатилган?

891. Ильф ва Петров қаҳрамонлари Киса Воробьяниновни туғилган жойига қараб «Ольденбург шаҳзодаси», деб лақаб қўйишган. Киса Россиянинг қайси шаҳрида туғилган эди?

892. Офис эшиклари кўпинча ташқари томонга очилади. Лекин хусусий уй эгалари кўчадан кирадиган эшикни ичкарига очиладиган қилиб қуришган. Эҳтиёт чораси нуқтаи назаридан. Савол: нега эшиклар ичкарига очиладиган қилинган?

893. XIX асргача бундай аҳоли яшайдиган жойларга беркиниш қулай бўлган. Асосан қамоқдан қочганлар ва қидирувдаги ашаддий жиноятчилар уша жойдан паноҳ топишган. Ҳатто Шерлок Холмс ҳам у аҳоли орасида бўлган. Савол: қандай аҳоли яшайдиган жой сўралмоқда?

894. Данияликлар фикрига кўра, хоҳлаган хўрозни жўжа босиб ётишга ва очишга ўргатса бўлар экан. Аммо... марҳамат, ярим ҳазил фикрни давом эттиринг?

895. Наполеон армиясидаги аскарларнинг ташқи кийими бир хил рангда бўлган. Наполеон Бонапарт ички кийимларнинг ҳам бир хил рангда бўлишини буюрган. Савол: қайси рангда ва нима учун?

896. 1995 йилдан бошлаб Германиядаги бир сайёҳлик фирмаси ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу фирма орқали Германияга келган сайёҳларга бир нарса сувенир сифатида берилган. Савол: юқоридаги сувенир нима?

897. Кино танқидчилари агар фильм қаҳрамонларининг барчасида портсигар бўлса,

бунинг сабаби битта дейишади. У нимани билдиради?

898. Дунё фокусчиларининг интернет web-сайтининг биринчи бетида иккита анжомнинг тасвири бор. Бу 2 та анжом фокусчиларнинг илк реквизити ҳисобланади. Бир дақиқадан сўнг бу осон саволга жавоб беришингиз зарур.

899. Уни кишилар ҳазиллашиб «дайди» дейишади. Энг катта дайди деб биз нимани биламиз?

900. Наполеон армияси билан бутун Европа урушган. Шунинг учун у «Биринчи жаҳон уруши» номини олган. Австриянинг Кренкель шаҳарчаси азалдан моҳир кишилари билан ном қозонган. 1816 йили уруш тугагач, Кренкелга қайтиб келган аскарларнинг барчаси қўша-қўша орден-хочлар (крестлар) билан қайтишади. Кренкел шаҳарчаси нима билан донг таратган эди?

901. Театрда томошалари бир неча акт, яъни бўлимлардан иборат. Инглиз мусиқашуноси Питер Геммонднинг фикрича, опера кўпинча 3 қисмдан иборат бўлади. Аммо кўпчиликка иккинчи қисмигина ёқар экан. Савол: нега?

902. Негрлар «XX асрнинг энг телба оқ танли кишиси» деб уни айтишган. Савол: кимни?

903. Қадимги ҳинд табиблари инсон 500 йилдан ошиқ умр кўриши мумкин дейишган. Аввало парҳез ва улар махсус гиёҳлардан тайёрланган элексир таклиф этишган. Қизиги, элексирга биз истеъмол қиладиган 2 та озуқа маҳсулоти ҳам қўшилган. Савол: булар қандай маҳсулотлар?

904. Унинг асосини 4 та гул ташкил этади. 1 — атиргул, 2 — бодомгул, 3 — анор ва 4 — қалампир гуллари. Савол: улар қаерда ишлатилади?

905. Австрия аборигенлари дарахт пўстлогидан қайиқ ясашни биладилар. Бу қайиқ экипажига 6-8 киши киради. Қайиқдаги ярим экипажгина эшаклар эшадилар. Савол: қолганлар қандай иш билан овора бўладилар?

906. Германиянинг Фрайбург шаҳри мэри таклифига биноан сигарет сотадиган кичкина дўкончаларни бир рангга бўяшар экан. Савол: қандай рангга?

907. Селёдка бу халқнинг энг севимли истеъмол воситаси ҳисобланади. Бугунга келиб, селёдка бу халқнинг тимсолига айланиб кетиш эҳтимоли бор. Лекин уларни дунёга машҳур қилган бир ўсимлик селёдкани иккинчи даражага тушириб келмоқда. Савол: селёдкадан олдинда турувчи рамзни ва ўша халқ номини топинг.

908. Мартин Лютер Кингнинг айтишича, тиббиёт кишиларни касал қилади. Теология фани кишиларни гуноҳга бошлайди, у фан эса кишини маъюс қилиб қўяди, деган. Шундан буён, тиббиёт анча ривожланиб кишиларга фойдаси тега бошлади. Теология фани умуман йўқолиб кетди, учинчи фан кишиларнинг оромини олиб қўйишда давом этмоқда. Савол: учинчи фан номини айтинг?

909. Ҳамма бу борада оқ айиқни биринчи ўринга қўяди. Аммо оддий уй ғози оқ айиқдан ҳам устун экан. Савол: нима борасида?

910. Жуда кўп эркаклар бунӣ ёқтиришмайди ва тўғри қилишади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу иш қон айланиш системасининг бузилишига олиб келади, ҳамда юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Савол: гап нима ҳақида кетяпти?

911. Уларнинг кўринишига яшаётган ҳудудлари катта таъсир ўтказган. Елкалари кенг, болдир суяги узунчоқ, тишлари бироз олдинга бўртган, сочлари жингалак, пастки жағи унча ривожланмаган. Савол: улар кимлар?

912. Бу машҳур ўйинни французлар «трик-трак» деб аташади. Савол: қайси ўйинни?

913. Араблар ҳисобича айнан эркакларда 50 ёшдан сўнг унга эга бўлиш мумкин. Албатта оилавий ва моддий ҳолатдан келиб чиқиб. Савол: 50 ёшдан айрим араблар нимага эришадилар?

914. Швеция кўчаларида транспортлар 1967 йил 3 сентябрь куни 10 дақиқага тўхтатиб турилди. Кейин яна ҳаракат давом этди.

Савол: 1967 йил Швеция кўчаларида нима содир бўлган?

915. А.С.Пушкиннинг келиб чиқишини арабларга тақашади. Достоевский поляк аждодларига эга. Савол: Лермонтовнинг келиб чиқиши қаерга тақалади?

916. Англиядаги Лестершир графлигида 2 та бой оила бир ўйинни уйнашган. Қизиги, улар дарёнинг икки томонида яшашган ва ўйинни номланишига кўприк сабабчи бўлган. Савол: улар бу ўйинни нима деб аташган?

917. Азалдан ўзбеклар учун бешик мўътабар жой ҳисобланади. Бешикка турли кўзмунчоқлар, шунингдек, ирим-сирим қилиб ҳар хил нарсалар осиб қўйишган. Айрим чақалоқлар ётган бешикларга белгилар қўйиш русум бўлган. Савол: бу белгилар нимани англатган?

918. У давлатнинг денгиз қирғоғидан томоша қилсангиз осмон билан ер туташган жой қорайиб кўринади. Шундан у Европа давлати байроғи рангида қора ранг мавжуд. Савол: у қайси давлат?

919. Немис кимёғари Дорн 1900 йили бир кимёвий элементни кашф этиб, ўз фамилиясидан келиб чиқиб номлайди. Савол: қандай номлайди?

920. Бу давлат II асрда буюк Карл империясида шаклланади. У давлатнинг номланишида иккита омил роль ўйнаган. Биринчиси, қадимги герман қабиласи бўлса, иккинчиси, чегара сўзи. «Чегара» сўзи қадимги герман тилида «марка» деб аталганлиги инобатта олинса, юқоридаги давлатнинг бутунги номи қандай аталади?

921. Ҳозир бу жойда Днепро ГЭС ни 49-турбинаси қурилган. Илғари бу қояликда машҳур асар қаҳрамони ўтиришни хуш кўрган. Савол: қаҳрамоннинг номи нима?

922. Унга ҳозир жуда оддий нарса деб қараймиз. Екатерина II пайтида у нарсага қиролича шундай фикр билдирган эди: «Россия бу қадар камбағал мамлакат эмаски, ўз фуқароларини мана шундай масхара қилиб, шилиб олишга йўл қўйса». Савол: нима учун қиролича бу иборани қўллаган?

923. Туладаги артиллерия заводи полигониди кўпроқ қиш ойлари синов ўтказилади. Яъни пушкани синаш учун қулай пайт деб қишни билишади. Савол: қишда пушкани синаш нимаси билан қулай?

924. Денгизчилар тилида экипажи ташлаб кетган кема қандай аталади?

925. Юнон ёзувчиси Прокопий дўсти Юстинианга ёзган мақолаларини айнан шундай деб атаган. Яширин ва чоп этиб бўлмас қилиб ёзгани учун ҳам у шундай юнонча атама билан юритган. Ҳозир бундай асарларни босиб чиқариладиганлари ҳам, босиб бўлмайдиганлари ҳам бор. Савол: бу қандай адабий жанр?

926. Кўр бўлиб тугилган кишига нисбатан кейинчалик кўр бўлиб қолган кишининг орасида фарқ йўқ. Униси ҳам, буниси ҳам 100 фоиз кўрмайди. Аммо кўр бўлиб тугилган одам билан кейинчалик кўрмай қолган одам орасида бир фарқ бор. Савол: фарқ нимада?

927. Вольтер ўзи атрофидаги воқеалардан келиб чиқиб ҳар куни Худога нола қилар экан. Эй, Худо, мени «а» тоифадагилардан озод қил, «б» тоифадагилар билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Хўш, у «а» ва «б» деганда кимларни назарда тутган?

928. Бу аёл ҳақида сўз 1861 йилдан бошланади. Унинг онаси француз аристократ оиласидан чиққан. Отаси уришқоқ ирланд бўлган. Савол: аёлнинг номини топинг?

929. Испанлар уни «Чигеро», французлар «Сисеро», энг қизиги шундаки, ҳатто римликлар ҳам уни «Кикеро» деб аташган. Савол: биз уни қандай атаймиз?

930. Улар табиатнинг буюк ҳодисаси ҳисобланади. Ҳеч бир компания ёки ташкилот уни ясай олмайди. Табиат уни ўта чиройли, рангларга бой қилиб яратган. Оқ ранг, кўк ранг, ҳатто қора ранглари ҳам учрайди. Савол: табиатда учрайдиган бу катта ва чиройли нарса нима?

931. Наполеон Бонапарт Францияда турли ислохотлар ўтказган. Хусусан, ишчиларни назоратга олишни тақлиф этган. Шунинг оқибатида, биз биладиган, амалиётга қўл урилган.

Савол: Наполеон Бонапарт нимани бошлаб берган?

932. Бу қамоқхона катталиги жиҳатидан ҳар қандай рекордларни янгилаши мумкин. Унинг катталиги 8 млн. км². Бу қамоқхоналарда жиноятчиларни боқишнинг ҳам ҳожати йўқ. Улар ўзларини ўзлари боқишади. Савол: ўша гигант қамоқхонани топинг.

933. Қутуриш касаллиги ҳамма инсонларда ва жониворларда учраши мумкин. Фақат бир ҳайвоннинг иммунитети кучлилиги учун уни бу касалдан озод деса ҳам бўлади. Савол: у қандай номланади?

934. Ривоятга кўра, элда қаҳатчилик бўлиб турганда, ейишга, экишга ҳам бир сиқим дон топилмай қолганда, кекса бир доно киши сичқон уясини ковлаб анчагина донни топиб олади. Сичқон

инидан чиққан дон билан эл қутулиб қолади. Шунинг учун ҳам одамлар унга ҳурмат кўрсатишган. Савол: қаерда ҳурмат кўрсатишган?

935. Машҳур гроссмейстер Михаил Тальда шахматчиларга берилмайдиган шахматда эришган ютуқлари учун бир унвони бўлган. Савол: бу қандай унвон?

936. 1994 йили аддис-абебалик Мао Анбесса унинг ҳокини биз Эфиопияга олиб кетишимиз шарт, деган кулгили шарт билан чиқди. Аммо буни иложи йўқ эканлигини ва у бор-йўғи шов-шувга лойиқ ҳодиса деб баҳолади. У кимнинг ҳокини Эфиопияга олиб кетмоқчи эди?

937. XIV асрдан то XIX аср охиригача уларни қуриш, таъмирлаш ишлари билан Буюк Британия адмираллиги шугулланган. Савол: қандай иш билан?

938. Айнан шу пайтда мянга қон оз миқдорда келади. Қоннинг кўп қисми бошқа юмушга сафарбар қилинади. Натижада бўшашиш ҳолати рўй беради. Савол: бу инсондаги қандай жараён?

939. XIX аср Венгрияда бойлик белгилари жуда кўп бўлган. Масалан, пойтахтда хизматкорлар сонига қараб, четроқ қишлоқларда отлар сонига қараб билишган. Трансильваниядаги бой хонадонларни узоқдан ҳам билса бўлган. Савол: қандай билишган?

940. Уни илк бора қайси халқ ўйлаб топган, деган жумбоққа қуйидаги халқлар даъвогарлик

қилишади: юнонлар ва римликлар, мисрликлар ва эронликлар, ҳиндлар ва хитойликлар. Ҳатто кельтлар ва скифлар ҳам даъвогарлар орасига киришади. Савол: шунча халқлар қандай ақлли нарсага даъвогарлик қилишади?

941. Биз қўлайдиган бир атама мавжуд. Унинг илдизи дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлган. Юнонларнинг Калий вилояти ҳукмдорининг хилхонасига бориб тақалади. Бу иншоот шундай дабдабали қурилганки, биз ҳозиргача ўшандай дабдабали биноларни юнон ҳукмдори номи билан атаймиз. Савол: ўша ҳукмдор номидан келиб чиққан атамани айтинг?

942. Бир бойвачча хоним ўз хизматкорига: «Агар ўлсам давлатимни сенга хатлаб бераман», дейди. Хизматкор хонимни тезроқ жўнатиб, бойликларга эга бўлиш пайига тушгандир, деб ўйларсиз. Аксинча, у хонимни узоқроқ яшашини хоҳлаган. Савол: нега?

943. Пекинда ҳозирги кунда ҳам илгариги император саройи ҳовлисида бхб ҳажмдаги махсус тупроқ ҳовуз бор. Мана шу бхб ҳажмдаги ҳовузга солинган тупроқ қаердан олинган?

944. Даставвал «кульминация» сўзини юнонлар бир ерда ишлатишган. Савол: юнонлар бу сўзни қаерга ёзиб қўйишган?

945. Англия пул бирлиги фунт — узунлик ўлчов бирлиги. Европада яна бир давлатда евродан олдинги пул бирлиги ҳам узунлик ўлчов бирлигини англатган. Савол: бу қайси давлат пул бирлиги?

946. VII-VIII асрларда Эрондан топилган тарихий ҳужжатда шундай мажбуриятлар ёзилган эди. «Худо номи билан қасам ичаман, уни сотмайман, қарз ҳисобига, қулликка ҳам, бошқалар ҳимоясига ҳам бермайман». Савол: юқоридаги ҳужжатда қандай мажбурият зикр этилган?

947. Япон шеъриятида 3 мисралик хоккулар жуда қийин маънога эга шеърлар ҳисобланади. Масалан, Такараи Кикакунинг 3 қаторли хоккусини эшитинг:

Ухлаб ётар хизматкор тонгда

Кўмилиб гул япрогига

Мен уни кечирдим.

Савол: нима учун хизматкорни кечирган?

948. Бу суюқликда «Лизоцин» деган микробларга қарши оқсил бўлади. Шунинг учун Византия ва Эрон аёллари ундан атиргул суви билан аралаштириб малҳам тайёрлаб, ярадорларнинг ярасига боғлашган. Савол: бу қандай суюқлик?

949. 1990 — Михаил Горбачев; 1991 йил — Михаил Задорнов; 1992 йил — Борис Ельцин. Ушбу йилларда юқорида келтирилган шахслар бир ишни бажаришган. Савол: қандай масъулиятли ишни?

950. У 1890 йили Англиядан Цейлонга бориб, бир қанча чой плантацияларини сотиб олади ва чой соҳасида инқилоб қилади. Бугун Англиядаги асл чойларни ушбу савдо белгиси остида ичишингиз мумкин. Бу одамнинг исми Томас Жонстон. Фамилиясини топинг?

951. Ҳазил савол. Кейптаунлик бир журналист 12-фарзанди дунёга келганида, унга «Нуқта» деб ном бериб кўрди. Бўлмади, 13-фарзанд кўрганида «Тамом» деб исм қўйиб кўрди, бўлмади. Орадан бир ярим йил ўтиб, яна бир фарзандли бўлди. Савол, журналист-ота бу фарзандига қандай ном берган?

952. XIX аср охирларида Россия императорига денгиз транспорт вазири бир шахснинг жазосини бериш кераклиги ҳақида норозилик хати ёзади. Унинг ёзишича, Россия флоти бу даражада қолақ эмас, деган даъво билан чиқади. Савол: у кимни жазолашни сўраган?

953. Самуэль Кольт ёшлигида кемада матрос бўлиб ишлаган экан. У ўзининг энг катта кашфиётини ҳам кеманинг қисмига қараб яратган деган фикр мавжуд. Савол: кеманинг қайси қисмидан у нимани яратган?

954. 1990 йилдан кейин Россия шаҳарларига эски номлар қайтариб берилга бошланди. Масалан, Куйбушевск — Самара бўлди, Свердловск — Екатеринбург бўлди. Айтинг-чи, Калинин шаҳри ҳозир қандай аталади?

955. 1993 йилги маълумотга кўра пиво ватани ҳисобланмиш Германия уни истеъмол қилиш бўйича бор йўғи учинчи ўринда экан. Йилига 112141 гектолитр ичилар экан. Биринчи ва иккинчи ўринда турган давлатларнинг ўрнини аниқ ёзинг.

956. Украинлар «Доброго ранки», японлар «Ниозимо нориосе» ибораси билан айтмоқчи бўлган тилак англизларда қандай аталади?

957. Россия фуқароларининг эмиграция ҳисоб-китоби бўйича 1992-1999 йилгача 1,5% и Испанияга, 7,1% и Грецияга, 9,7%и АҚШга яшаш учун кўчиб кетган. Савол: 72,3% россияликлар қайси давлатга кўчиб кетишган?

958. Европанинг бир қанча давлатларида маълум муддат, катта урушлар ва эпидемиялардан сўнг қонунан унга рухсат берилган. Савол: нимага?

959. Бу Украинадаги шаҳар номини 1962 йилда қўйишган. Украинлар ҳазиллашиб, бу шаҳарнинг номини 40% га қисқартирилиб қўйилса ҳам бўлардию, унда бу ерда украинлар эмас, испанлар яшаши керак бўларди. Сиз у шаҳарнинг 100% ли кўринишини ёзиб беринг.

960. Россия экспремъери Михаил Фрадковнинг лақабини биласизми? 1974 йилда экран юзини курган бир сериал қаҳрамонларидан бирининг номи билан аташади. Қандай аташади? Лақабини топинг.

961. У 1769 йили дунёга келган, Карло отанинг ҳаракатларию, Летиция хонимнинг хоҳишига биноан 4 та акаси, 3 та синглиси билан вояга етди. Бир қанча асарларга қаҳрамон бўлди. Яна битта жумла ишлатсам савол очилиб қолади. Савол: 1769 йили ким тутилган?

962. Бу орол давлатнинг асосий тили — инглиз тили. Пул бирлиги — Австралия доллари. Тинч океан гарб эквотариал қисмида жойлашган. Пойтахти — Баирики. Агар шу сўзга битта Т ҳарфи қўшилса, юқоридаги Баирики ва Т ҳарфидан фойдаланиб, бу давлат номини топиш мумкин. Савол: уша давлат номини топинг.

963. 1833 йили бу инсон Франциядан Россияга қочиб ўтади. Нидерландиялик барон Геккерк уни ўзига ўғил қилиб олади. Гарчи ёши 27 да бўлсаям. Аммо орадан 4 йил ўтиб уни суд қарорига асосан яна қайтариб Францияга жўнатишади. Савол: сиз уни қандай гуноҳи учун ҳайдалганлигини ва исм-шарифини ёзиб беринг?

964. Актёр Олег Табаков ўйнаган фильмлардан сўнг кўплаб телеграммалар олганини айтади. Унинг эсида қолган телеграммаларидан бири Германиядаги бир оиладан келган нома экан. Унда «Раҳмат, сиз Вальтер амакимизни жуда меҳрибон қилиб тасвирлабсиз», дейилган эди. Савол: актёрнинг қайси роли учун у бу телеграммани олган? Фамилиясини айтинг.

965. Германия бирлашгач, унинг ягона пойтахти бўлишига Бонн ҳам Берлин ҳам даъвогар бўлган. Аслида Берлин шубҳасиз биринчи даъвогар эди. Бонн ва Берлин кўчаларида ҳайдовчилар билан ўтказилган текширувдан кейин Берлин пойтахт бўлишига шубҳа пайдо бўла бошлади.

Савол: айтинг-чи, комиссияни нима ўйлантириб қўйган?

966. Мухбирлар «Чукчалар нега футбол ўйнамайди?» деса, бир ҳозиржавоб чукча: «Чукчалар футбол ўйнашмайди, улар ... », деб жавоб берибди. Марҳамат, унинг гапини давом эттиринг.

967. Александ Дюмага боғлиқ Парижда 19 та ҳайкал бор экан. 10 таси отасиники, 7 таси ўглиники, қолган 2 таси кимга тегишли?

968. ФИФАнинг 1992 йилги мажлисининг қарорига биноан Франция, Мексика ва Италиядан кейин бу ҳуқуққа эга бўлди. Савол: қандай ҳуқуққа?

969. 1987 йили Австрия пойтахти Венада бўлиб ўтган жаҳон чемпионати қатнашчилари олдида битта вазифа бор эди. К.Л.М. ни қайси жамоа тўхтата олсагина бошқа жамоаларга имконият топилади. Бўлмаса, иложи йўқ. Қандай жаҳон чемпионати ва қайси К.Л.М. лар тўғрисида гап кетмоқда?

970. Суворов муҳим жанглар олдидан жангчилар диққатини бир ерга тўплаш учун тунда очик жойда ётқизган. Савол: диққатни тўплаш учун уларга қандай вазифа берган?

971. Инглиз фермерлари сигирларга кўпроқ туз бериш самарали экан дейишмоқда. Кўп туз бериш қандай самара беради?

972. Смирнов АҚШга бориб ўз арогини ишлаб чиқара бошлагач, реклама қилиш учун бир газета редакциясига киради. Хоҳласангиз бутундан бошлаймиз. Эртанги газетага беришингиз мумкин дейди. У газетанинг бир варогини сотиб олиб фақат қоғоз остига бир жумла келтиради. У жуда катта қизиқиш ортиради. Савол: нима деб ёзган?

973. У америкаликларда О.К.Й тарзида берилса, японларда Й.О.К шаклида, русларда эса К.О.Й кетма-кетлигида берилади. Агар англаган бўлсангиз, руслардагисини аниқ факт билан ёзиб беринг.

974. Карл Юнг уни жинсий рамз деб билган, Зигмунд Фрейд юқоридаги фикрга буткул қарши

чиққан. Жон Голсуорси у орқали эркак киши ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин деган. Айниқса, бир консерваторни усиз тасавур этиш қийин. Савол: кимни?

975. Спарталиқ болаларни 7 ёшидан жанг санъатига ўргата бошлашган. Мактабда танлов жуда оғир кечган. Синов пайтида болакайларнинг овози муҳим роль ўйнаган. Айнан овозларнинг чиқишига қараб мактабга қабул қилишган.

Савол: болаларни қандай оғир синовга дучор қилишган?

976. Қадимги Римда «улар энг шафқатсиз хўжайинлар» деган гап юрган. Савол: кимлар?

977. XVII асрда яшаган ака-ука французлар Дюпенларнинг бири Бош прокурор лавозимида ишлаган, укаси моҳир математик бўлган. Қизиги, улар қилган ишларидан қўлёзма олиб боришган. У қўлёзмалар авлоддан-авлодга ўтиб, XIX асрда уларнинг бир америкалик қариндошининг қўлига тушади. Сиз ўша машҳур америкаликнинг номини топинг.

978. Опа-сингил Сара ва Аделаида ЙЕТС Шимолий Каролина штатидан, оилали: бирида 10 та, иккинчисида 12 та фарзанд бўлган. Уларнинг эрлари 1874 йилда деярли бир вақтда 3 соат фарқи билан вафот этишган. Бу машҳур тарихий эрлар қайси давлатда дунёга келган?

979. Владимир Набоков унинг асарларида «буйвал», «булз» ва «бельз» каби сўзлар кўп ишлатилгани ҳақида ёзган. Унинг ўзи бўлса,

Мопассан билан 5 раундлик жанг бўлса ҳам бемалол тура олган бўлардим. Лекин Лев Толстой билан умуман рингга чиқмаган бўлардим. Ўз фикрини боксчиларга хос тарзда тушунтирган кишининг исми фамилиясини топинг?

980. 2002 йилги жаҳон чемпионатида Франция терма жамоаси Сенегалга ютқазиб қўяди. Франция ОАВи бу мағлубиятни кескин танқид қилади. Ва бир газета «Папами, Зиданми?» сарлавҳали мақола босиб чиқарган. Зиданни нега ва қайси Папа билан тенглаштиришади? Аниқ ёзиб беринг.

981. 1993 йили бу бестселлер китобнинг тиражи 7 млн.га яқин. Муаллифи китобнинг ютугини оддий ҳолат билан боғлайди. 4 ёшли қизи билан зоопаркда айланиб юрганида қизи хархаша қилиб, бутун зоопаркни бошига кўтаради, «зоопаркда у йўқ-ку?» деб. Бундан илҳомланган муаллиф у машҳур бестселлерни ёзади. Сиз ўша ромanning номини ёзиб беринг.

982. 1939 йил АҚШ конгресида бир қараганда ўта оддий туюлган масала расман тасдиқланган. Бунинг учун рассомларнинг ҳам фикри сўралган. «Эрталаб ва тушдан кейин кўчада энг диққатни тортадиган ранг — бу сариқ ранг» деган фикр тасдиқлангач, унинг ранги сариқ қилиб белгиланди. Савол: ниманинг ранги?

983. Шампан виноси ҳақида гап кетганда 7-8 даража, 10-12 даража, 45 даража сонлари ишлатилади. 10-12 даража бу унинг кучини, 7-8 даража ҳароратда ичиш мумкинлигини кўрсатади. Савол: 45 даража нимани билдиради?

984. Атлантика ва Ҳинд океанларини ўрганган олимлар қуруқликдан океангача кетган ёлғизоёқ йўллари учратишган. Тезда бу йўллар қандай пайдо бўлганини аниқлашган. Савол: қандай пайдо бўлган?

985. Австралия курортларига экзотик тус бериш — туристларни айлантириш учун 80-йиллар бошида Арабистондан 40-50 та туя олиб боришган. Лекин кечқурунлари автотранспорт ва пиёдалар ўтиш жойларига хавф сола бергач, шаҳар маъмурияти ўзига хос қонун қабул қилади. Қонунга биноан туяларга нима қилиш тавсия қилинади?

986. 1980 йилларнинг энг кучли шахматчиларидан бири Самуэл Решевский жуда иримчи ва динига садоқатли шахматчи бўлгани учун ҳам кўп турнирлардан қолиб кетар эди. У ҳафтанинг аниқ бир куни шахмат ўйнамас эди. Мободо, бир кун олдин бўлиб ўтган ўйин қолдирилса ҳам эртасига ўйнамаган. Бу турнир графигининг бузилишига сабаб бўлар эди. Айтинг-чи, қайси кун назарда тутилмоқда?

987. Уларнинг биринчиси тепадан порласа, иккинчиси узатилган қўлдек ён томондан шуълаланади, учинчиси ердан осмонга қараб маёқ мисоли порлайди. Сизлар учаласининг номини ўз ҳолида ёзиб беринг.

988. Эвна, Аристоника, Дримака. Эрамиздан аввал яшаган бу кишилар Юнонистон ва Рим давлатида машҳур бўлишган. Эвна, Аристоника, Дримакалардан кейин яшагани энг машҳури ҳисобланади. Сиз ўша энг машҳурини топинг.

989. Бу бир фамилияли уч немис нафақат фамилиядош, балки касбдош ва яқин қариндошдир ҳам. Иккита ота-бола ва амакивачча. Амаки ўз исмдош, адаши ҳақида асар ёзган. Ота-бола эса сотувчи ва харидор номидан амалга оширилган савдо ҳақида асар ёзишган. Учала эркакнинг фамилиясини топинг.

990. Замонавий Париж макетини ясаган Жерар Брион ҳаёт бўлганда у қурган туннелдаги воқеа учун ўз-ўзини кечирмаган бўларди. Туннелни кичрайтириш ғояси айнан Бриондан чиққанди. Дунё нигоҳини тортган бу туннелда қандай воқеа бўлиб ўтган?

991. Ҳайвонот боғларида орангутанг маймунлари қорни тўйғач, олдига нима ташласангиз, олиб бошига қўяди. Бу қилиқни Суматра, Калимантан оролларидан олиб келинган маймунлар қайтаришар экан. Савол: нега жанубий Америкадан келтирилган орангутанг бу қилиқни қилмайди?

992. 1825 йили Рус подшоси Александр I вафот этади. Тахтга укаси Константин чиқиши лозим эди. У Варшавада ўқиб юрган пайтида сарой аъёнлари уни подшо қилиб сайлаб қўядилар. 3 ойдан кейин бундан хабар топган Константин тахтдан расман воз кечади. Аммо хушомадгўй амалдорлар Константин билан боғлиқ бир ишни амалга оширишади. Уша амалга оширилган иш кимларнидир бугун ҳам қизиқтирмоқда. Савол: кимларни қизиқтирмоқда?

993. У предмет ҳақида кўп бор эшитганмиз. Ҳинду сардорлари қарор чиқариш вақти уни 4 томонга қараб амалга оширганлар. Инглиз изқувари

ундан роҳатлангани-ю, Сталин уни ёқтиргани ҳақида эшитгансиз. Сиз ундан ажралишни хоҳламай душман қўлига тушиб ҳалок бўлган асар қаҳрамонининг номини ёзинг.

994. Тошкентнинг барча дарвозалари охирининг манзили қаер бўлган? Аниқ бир жой номини айтинг.

995. Л.Н.Толстой «Маиший турмушга бағишланган барча асарлар, роман бўладими, фильм бўладими, қиссаю афсона бўладими, воқеалар ривожланиб бориб у билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма воқеалар ундан кейин бошланади» деган. Лев Николаевич нимани назарда тутган?

996. Ушбу бобурий маликалардан бирининг қабр лавҳасига унинг васиятига кўра, «Ҳеч ким менинг қабримни сабзадан ўзга нарса билан ёпмасин. Гариблар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи басдур», дейилган сўзлар ёзилгандир. Бу маликанинг исмини айтинг.

997. «Темир хотин» спектаклини эсланг. Бош қаҳрамон Олимтойдан «Қора денгиз суви ростанам қорами?» деб сўрайди. Худди шунга ўхшаш ҳолат Рус қизиқчиси Аркадий Райкин «Эҳ, уларга мазада, уларнинг хотинларининг ҳаммаси қип-қизил» деган экан.

Савол: бу фикр кимлар ҳақида айтилган?

998. Бу бутун жаҳонни ўз қобилияти ва истеъдоди билан забт эта олган буюк ижодкор роппа-роса 56 ёшида, яъни таваллуд кунда вафот этган. У ким?

999. У ерда сичқондан тортиб каламушгача, чўчқадан тортиб итгача, юзлаб пашшалар, ўз тупроғи билан гуддан тортиб, нўхат, бугдойгача бўлган. Савол: юқоридаги жонзот ва ўсимликлар қаерга боришган?

1000. Машҳур испан рассоми Сальвадор Дали уни кўрсатиб: «Унда қироллик руҳи сезилади, у шунчалар ўткирки, хоҳлаган деворни тешиб ўтади, унинг учлари кўкка қараган, чунки вертикал кўриниш испан руҳига мос», деган. Сўзлардан хулоса ясаб кўринг-чи, у нимага ишора қилмоқда?

1001. Бир тилшунос йигит ҳар ҳафта бир қассобдан биттадан мол тилини сотиб олар экан. Бир куни у қизиқиб сўрабди: Тил сенга нимага керак? «Мен тилни яхши кўраман. Айнан сиздан олинадиган тил билан мени ишим боғлиқ». Савол: У қайси тил билан шугулланади?

IV. ЗАКОВАТ ЁИЛИМДОНЛАРИ

«Заковат» телеўйинининг бошқа ўйинлардан ягона фарқи, унда қатнашган иштирокчиларни халқ таниб қолади. Улар тезда машҳур кишиларга айланиб кетадилар.

Томошабинлар фикридан

Қайсидир газетага берган интервьюда, мухбирнинг ««Заковат» ўйинини кимга ё нимага ўхшатасиз?» – деб йўлланган саволи мени бир мунча ўйлантириб қўйган эди. Очиги, кўрсатувни бирон жонзотга ҳечам таққослаб кўрмаган эканман. Шунда, «нерпа» номли мўйнаси учун овланадиган бир ҳайвонни қандай тутишларини айтиб берган эдим. Узоқ шимолда яшайдиган нерпа мўйнали ҳайвонни мусиқа билан овлашар экан. Қайиқ ичидаги магнитофондан ажойиб бир куй таралиши билан аста-секин нерпалар қайиқ атрофига тўплана бошлайди. Сўнгра уларни битта-битта тутиб ола беришар экан. «Заковат» ўйинида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Муҳлис бирон совга ютиб олиш илинжида «Заковат»га яқинлашиб қолгач, саволларни таъсирида ўйиндан-ўйинга қизиқиши ортиб, уни атрофидан кетолмай қолади. Шундан кейин уни совга-соврин ҳам қизиқтирмайди, фақат ўйин ва саволлар, ўз-ўзидан бизни қайиғимизга тушиб қолганини билмай ҳам қолади. Ана энди унга хоҳлаган мусиқани сингдириш мумкин.

«Заковат» клубига билимдонларнинг интилишига сабаб ва воситалардан энг биринчиси, уларда билим олишга чанқоқликнинг баландлигидадир. Тагин қайтариб айтаман, билими баландлигидан эмас, айнан билими етарли эмаслигидан, «Заковат»да

билимни ошириш мумкин, деб ҳисоблашганидан келишади. Хўш, бу тўғрими?

Аслида, биз кутаётган кишилар ҳамма вақт, ҳамма жамиятда ҳам кам бўлишган. Яъни ўта билимдон кишилар. Кўрсатув ижодкорларининг асосий вазифаси ўта кучли билим соҳибларини ўйинлари орқали бошқа илм олишга талаби кучли кишиларни уйғотиш. Уларни илм сари йўналтириш, керак бўлса билимдонлик чўққисини эгаллашга ундаш. Билимдонликка даъвогар бўлиб келаётганларнинг 90 фоизи ўз билимини оширишни мақсад қилиб келади.

«Заковат» интеллектуал ўйини эфирда пайдо бўлиши билан Ўзбекистонда «билимдон», «интеллектуал ўйинчи» деган иборалар пайдо бўла бошлади. «Заковат» ўйинида бир-икки бор кўринган билимдонни кўчада таниб қола бошлашди. Бу ахир қойилмақом натижа-ку! Хўш, нега бундан хавотирга тушиш керак? Хавотирга ўрин йўқдек, гўё. Ахир бу биз қилган ишнинг самараси-ку. Томошабинга ёққан-ки, уларни эслаб қолган. Томошабин ҳамма экранга чиққан кишилардан ҳам дастхат олавермайди. Демак, отган ўқимиз мўлжалга беҳато теккан. Бу ҳолат мени қанчалар қувонтирганини билсангиз эди. Мухлисларни қизиқишини айтмайсизми? 2001 йил 10 ой ичида 90 мингта мактуб келгани, уларнинг ичидаги ҳаяжонли фикрлар, куйиб ёниб берилган маслаҳатлар, билимдонларга бағишланган шеърлар, такрорланмас саволлар... Бу, шахсан менинг илҳомимга илҳом, кучимга куч қўшарди. Эрта-ю кеч ҳаёлим ўйинда, билимдонларда, саволларда... Айтсам кўпчилик ишонмайди, ўша йиллари «Заковат» телеўйини билан боғлиқ ҳолатларни ҳар куни тушимда кўрар эдим. Бу қарийб 2 йилча давом этган. Шу давр мобайнида бир неча жамоалар



Бошловчи



Бошловчи А.Абдуллаев «Что? Где? Когда?»
бошловчиси Борис Крюк билан



Бошловчи А.Абдуллаев
«Что? Где? Когда?» курсатуви меҳмони



А.Абдуллаев, Равшанбек Исроилов, Асрор Норкулов



А.Абдуллаев, Умид Ҳолиқов, Равшанбек Исроиллов
тасвирга олиш жараёни олдидан



Бошловчи А. Абдуллаев курсдош дўстлари билан



Муроd Ҳамроев, Ғанишер Раҳматулла
дунёнинг энг ёрқин билимдонларидан
бири Анатолий Вассерман билан



Александр Друзь заковатчилар билан бирга



«Заковат» клуби Жаҳон биринчилигида
Максим Потанин билан, Боку шахри



Александр Друф «Заковат» меҳмони



Рустам Жабборов ва Борис Вурда



Маъхуър қизикчилар билимдонлар билан...



Ўйин бошланишига 10 дақиқа қолди



Ҳазилкаш Бобур Ёқубов ўйин олдидан



Машҳурлар ҳам «Заковат» мухлиси



Борис Бурда заковатчилар билан



Борис Бурда заковатчиларнинг энг яқин дўсти



Хосила Раҳимова «Заковат» меҳмони



Зафар Мирзабоев билан Умид Валиев
уйин пайтида доимо ёнма-ён туришади



Ғанишер Раҳматуллаев шогирдлари билан



Ўғлим Ҳумоюн Мирзо



Заковатчилар «Ёшлар» телеканалининг Янги йил базмида



Саралаш босқичларида ҳам уйин жуда қизгин ўтади



Диққат, навбатдаги саволни уқийман!

пайдо бўлди. Жамоаларни шаклланиши ҳам турлича бўла бошлайди. Масалан, илк жамоамиз — Ҳ.Ражабов жамоаси фақат Ўзбекистон Миллий Университети талабаларидан тузилди. Д.Камолов ва Ҳ.Ҳамидов жамоалари ҳам бир хил соҳадаги йигитлардан ташкил топган. Кейинчалик ҳар соҳа вакилларидан жамоа тузишга уринишлар бўлди. Бунинг учун кенг қамровли синов ва кастинг ишлари олиб борилади. Бу тадбирлар самараси ўлароқ Ғ.Раҳматуллаев, Б.Ёқубов кейинчалик Ф.Қурбонов жамоалари тузилди. 8 йил давомида олий лига сафларида 15 га яқин жамоалар ўйнади. Кўплари «Заковат»нинг синовларига дош бера олишмади. Кўпларини ўзимиз ўйиндан четлаштирдик. Бунга айрим жузъий сабаблар бор. Мен уларни айбдор қилмайман, балки ўзим ҳам айбдордирман. Мен шундай стратегия тузган эдим, кўрсатувни халққа оммалаштириш, уни оммалаштирадиган восита бу — билимдонлар. Демак, бунинг учун билимдонларни халққа танитиш керак. Бу вазифани аъло даражада уddаладик. Уларни халқ, мухлислар танишди ва қабул қилишди. Аммо танганинг иккинчи томони, уларнинг ёшлигини назардан қочирдик, чамамда. Ёш ниҳол эгилувчан ва берилувчан бўлишини ҳисобга олмадик, чамамда. Тасаввур қилинг, ҳеч ким танимайдиган оддий талаба энг кучли билимдон номига сазовор бўлганини экран орқали миллионлаб мухлисларга кўрсатсак. Буни устига ўз ақли билан компьютер ё хорижга ўқиш учун йўланма ютиб олса. Бу ютуқни унга ҳар қадамда эслатиб туришса, уни зўр эканлиги билан таниш-нотанишлар табриклаб туришса, буни устига ўзи туғилиб ўсган туманига борганда уни қаҳрамон даражасида кутиб олишса, ҳатто туман ҳокими шахсан қабул қилиб, у билан барча фахрланишини

айтиб, қимматбаҳо совғалар топширса, мактабларда у билан учрашувлар уюштирилса...

Кўрсатув эфирга чиққандан кейин икки йил ўтар-ўтмас менга айрим билимдонларни хулқ-атвори таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани ҳақида хабарлар туша бошлади. Ён атрофдагиларга беҳурматлик, уларни камситиш, ҳатто факультет деканига ҳам салом бермай қўйгани, ўқитувчиларни менсимаслик каби салбий ҳолатлар пайдо бўла бошлагани ўша стратегияни бир ёқлама қўйилганлигини кўрсатиб қўйди.

Тўғри, томошабинлар ҳам машҳурларга доимо бир хил назар билан қарашмайди. У илгаридан бетгачопар бўлган бўлиши мумкин. Олдин ҳам саломни ҳаммага беравермайдиган баландпарвоз шахс бўлган бўлиши мумкин. Машҳурлигидан аввал бу нуқсонларга унча эътибор берилмаган бўлса, кейинчалик бу нуқсонлар уларни юлдузлигига, машҳурлигига тиркаб қўйилган, деган хулосани ҳам чиқариш мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам томошабинлар ҳақ. Машҳурлик юкини кўтара олмаган билимдон бу ҳақиқий ақл соҳиби эмас. Одатда ақлли инсонлар унча-мунчага ўзгармаслиги керак, уларни ҳаётга теран қарашлари ва жиддий нигоҳлари борлиги, машҳурлик уларга зарар келтириб қўймаслиги учун ҳам айрим билимдонларга «Заковат» сафидаги фаолиятларини тўхтатишга мажбур қилганмиз. Бу кўп томошабинлар учун ҳам қизиқарли маълумот бўлади, деб ўйлайман. Лекин бугунга келиб шундай ёш билимдонлар етишиб чиқаяптики, уларни ўйинларидан завқланишимиз ва роҳатланишимиз мумкин. Бугунги билимдонлар билан кечаги нуқсонларни қайтармаслиги хусусида кўп амаллий тадбирлар олиб бораяпмиз. Шундан бўлса керак, охириги 4 йил ичида бундай ҳолатлар

кузатилмади. Ҳар соҳада бўлгани каби бизда ҳам айрим хато ва камчиликлар ўтган. Лекин ишимизни самараси — бу инсонларни фикрлашга, билим олишга даъват қилаётганимизда кўринаётган бўлса ажабмас. Бу айрим нуқсонларимизни маълум маънода юмшатаётгандек. Ҳозир Ўзбекистон бўйича юзлаб жамоаларимиз бор. Булар бизнинг рўйхатимиздагиси. Қанча институт, коллеж, мактабу лицейларда бугун «Заковат» ўйинлари ўйналмоқда, демакки, фикрлашга интилишмоқда. Мен юқорида билимдонларнинг айрим салбий томонлари ҳақида гапирдим. Аммо гоямизни улар орқали тарғиб қилаётган эканмиз, билимдонларга ҳурмат билан қарамоғимиз керак. Шу нуқтаи назардан китобимни бир бобини айнан уларга бағишладим. Насиб қилса, пайти билан уларни ҳар бири ҳақида рисола ё мақолалар, балки китоблар ҳам ёзиб қолишим мумкин. Айнан шундай фурсат етишини Яратгандан тилаб қоламан. Уларга омад, соғлиқ-саломатлик, ўзбек миллатининг фахрли фарзандлари бўлиб юришдек улкан бахт насиб этишини истайман.

Энди эса, навбатдаги бобда юқорида келтирилган саволларнинг жавобларини ҳавола этамиз.

Ҳ. ЖАВОБЛАР

1. Қўлингизга берилган жетонда кирган вақтингиз ёзилган. Музейда қанча вақт бўлган бўлсангиз, шунча пул тўлайсиз.

2. «Тоғига қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тоғ билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоғда «муҳтож»ни ҳам шоҳ дегин, чунки «муҳтож» сўзида ҳам тоғ бор» деганлар.

3. Бу саволни топиш учун ё музалар сонини, ё грациялар сонини аниқ билишингиз талаб этилар эди. Музалар 9 та, грациялар сони 3 та бўлган. Кантнинг уйида 6 кишига етарли овқатланиш анжомлари бўлган, холос.

4. У солиқ идорасидан маош оладими, демак у ғазнага фойда келтиради. Гап шундаки, Стокгольмда уйда боқиладиган итлар учун тузуккина солиқ тўланади. Уй эгалари итлари учун солиқ тўламасликка ҳаракат қилишади. Стив Губтосман уй ташқарисидан ит бўлиб новиллайди, агар уйда ит бўлса албатта жавоб беради. Масала шунда.

5. Уни ижод этган киши унга беш бора мурожаат этган. Шундан кейин бу асарни ўқиб чиқдим дейиш мумкин. Жавоб: «Ўтган кунлар» романи, Абдулла Қодирий асари.

6. Жавобни эшитинг: Дюма «мушкетёрлари», П.Қодиров «илдизи», Жек Лондон «қалби», Чехов «опа-сингиллари», Ремаркнинг «уртоқлари», ўзбек халқ эртагида «оғайни ботирлар» — буларни ҳаммасини 3 рақами бирлаштиради.

7. Гап айсберглар ҳақида эди. Унинг энг катта қурбони — бу «Титаник» кемаси.

8. Дунёнинг энг ривожланган шаҳарларидан бўлмиш Лондонда инсон учун ҳамма нарса муҳайё қилинган. У устунлар — бекатлар, йўл четларига териб қўйилган. Биласиз, Лондонда жамоат транспорти икки қаватли. Бу гуллар иккинчи қаватдаги йўловчилар учун осиб қўйилган.

9. Сигир оладиган харидор албатта уни соғиб кўради. Озгина соғгач қўлини сигирнинг белига, танасига артади. Биласиз, сигирларни соғиш доимо чап томондан амалга оширилади.

10. Бу «Айбо» — роботлар, яъни электрон итлар эди.

11. Бобур Ёқубов — 1979 йили туғилган. Хушнудчи? Ана шу ерда мен иккиланган эдим. Бобур билан Хушнудники бир бўлиб қолса деб. Кўчманчи халқлар, асосан чорвадорлар йил ҳисобини турли ҳайвонлар билан аташни қулай деб билганлар. 6 та билимдонники ҳар хил, савол мучаллар ҳақида эди.

12. Қўйлар тунда ҳечам пастга қараб юрмайди. Юқорига ҳаракатланиш улар учун жуда қулай. Тажрибали чўпон турган жойидан қайси томонда тепалик бўлса, уша томонга юради.

13. Ҳар 10 кишига битта чодир олиб юрилган.

14. Кийикка яқинлашишингизда табиий усулдан фойдаланасиз. Яъни ўта сезгир ҳайвонни ҳидингиздан сезмаслиги учун шамол йўналишини топишингиз керак бўлади. Шамол кийик томонга эмас, аксинча, кийикдан сиз томонга эсса, мақсадга етишингиз осон бўлади.

15. Саволни тинглаган бўлсангиз, отанинг ўтиллари ва невараларининг умумий сони сўралди. Савол осон эди. Шунинг учун умумий сонини сўраб, саволнинг охирига бироз жумбоқ қўшдик. Умумий сони 42 та. Ўгиллар сони 12 та, қизлари 30 та. Оқ ва қора қизлар бу — тун ва кун бўлса, ота эса — бу йил эди.

16. Ҳаёт-мамот масаласини бош бармоқ бажариб келган. Ходимимизнинг қўлларига қаранг. Саволнинг жавоби — бош бармоқ. Қўллар ўнг ва чапга бўлинади ва уларнинг сони иккита. Уларда эса 5 та бармоқ мавжуд.

17. Хонага кирибоқ, у дардни нима қўзгатаётганини топади. Нафас сиқиши табиий жунлар орқали ҳам келиб чиқади. У кишини овчи деб айтдик. Бемор овчи ётган хонада ўзи ўлдирган айиқ терисини деворга осиб қўйган экан. Ана шу нарса унинг нафасини қисаётган эди.

18. «Шоҳнома»да пул солинадиган халтани айнан шундай аташган. Миллий валютамыз ҳам бутун шундай

аталади. Очиб кўрсатинг, бу — аёллар сумкачаси. Форсча сўм — пул солинадиган халта маъносини беради.

19. Истеъдодли кўзи ожизлар нима учун керак бўлиши мумкин? Биласиз, кўзи ожизларда эслаш қобилияти жуда ривожланган бўлади. Қора қоғоз ва ёзув пайдо бўлгунча улар катта-катта дostonларни, илмий асарларни ёдда сақлаб, авлоддан-авлодга ўтказиб туришган.

20. Агар қўйлар касалланса, у ерда бир-бирига юқтириб юбориши мумкин. Учинчи кушанда — қўй қўриси.

21. Раҳматли шоир Муҳаммад Юсуф унга суяниб ўлишга тайёр эдилар. Аслида унга одамзод суяна олмайдди. Шоирона ўхшатиш. Марҳамат, олиб чиқинг. Бу — ялпиз эди.

22. Товуқ гўштини ишлаб чиқариш имкон қадар тарқоқ бўлиш принципига асосланган. Парранда гриппи битта корхонадан чиқса, шу ернинг ўзи ёпилади. Чунки кейинги паррандахона шундай масофада қурилганки, грипп унгача етиб бормаيدди. Шу билан тизимни узвийлигини таъминлаш мумкин.

23. Филлар, биласиз, асабий жонивор. Жангда жароҳат олиб қутуриб кетиши мумкин. Шунда у жон ҳолатда ўзини жангчиларига ҳам зарар етказиб қўйиши ҳеч гап эмас. Иложсиз қолган филбон филни қоқ миясига ўткир қоziқни болга билан уриб қоқади.

24. Аввал она-бола филни кўз олдингизга келтиринг. Она фил боласини доимо ўз соясида олиб юради. Айнан жазирама офтоб унинг қулоғига микроб туширади.

25. Зарафшон водийси дедик, демак, Самарқанд Бухоро томонлар. Айнан шу даврларда Бухоронинг машҳур минора-ю масжидлари бунёд бўлган. Орадан шунча вақт ўтсаям, бино гишталари емирилмаган. От думига боғланган лой сувда эриб кетмаса, ундан гишт қўйишган.

26. Эскимосларни билгани-билган. Айнан ўша жойнинг ости иссиқ бўлиши шимолликлар томонидан исботланган. Қишда ўтовни ерга эмас, денгиз устига, яъни музлаган сувнинг устига қурса иссиқ бўлади.

27. Людовик XIV жуда узоқ вақт ҳукмронлик қилган. Унинг даврида давлат бир кучайиб, бир кучсизланиб

турган. Давлат ҳатто шундай ночор ҳолга тушиб қолганки, зодагонлар ўз қўллари билан тўқиган сўзаналарни ёқишгача боришган. Чунки унинг иплари тилладан бўлган. Тилласини қолдириш учун ёқилган.

28. Орангизда бундай инсонлар жуда кўпчиликини ташкил қилади. Аммо бу таърифга нолайиқлар ҳам бор. Айтмайман ё қўлим билан кўрсатмайман. Умар Ҳайём таърифлари ажойиб бўлган экан. Севгимухаббат майдони, айнан ишқ ўти у ердан алангаланади. Тўғри жавоб: чиройли юз эди. Бу таъриф айнан юзни гўзаллигига берилган.

29. Кимда-ким яшил рангли кийим билан кўчага чиқса, кўчада уларни безовта қилишлари мумкин. Бу оролда чигирткалар жуда кўп. Улар яшил нарсага парвонадек ўзини ураверади.

30. 24 соат — бизда «кечаю-кундуз» («круглосуточно») бўлса, у ерда «24» ёзилса бас.

31. Янги таҳрирдаги гербда югуриб кетаётган от тасвирланган, эскисида югуриб кетаётган от устида чавандоз ҳам тасвирланган.

32. Шоир Чустий бу газалларига «Индамаслар олами» деб сарлавҳа қўйганлар. Бир сўз билан аталувчи бу манзил — қабристон.

33. Бу пахталик даструмол эди. Чўнтагингизда шундай антиквар пул бор экану билмай юрган экансиз.

34. Бу мўмийи асл.

35. Сандиқчадаги маҳсулотни от ва туяларга ортиб олишса, у от ва туя ҳидларини ўзига тортиб олган. Узоқ йўлдаги турли қўланса ҳидларни ўзига сингдириб, мазаси бузилган. Чунки у маҳсулотни ҳозир ҳам шундай хусусияти бор. Марҳамат, сандиқчани очиб кўрсатинг. Бу — ичимлик чойи эди. Агар фақат чой деб, чойни ўзига ҳид олиш хусусияти тушунтирилмаганда, бу жавоб тўлиқ бўлмасди.

36. Бу 40 кеча-кундуз дегани. 40 кун тиббий чеклов, яъни карантин.

37. Улар аёллар образида чиққан эркак актёрлар.

38. «Ҳа, ухлаб қолган эдим, аммо сизни уйғоқсиз деб уйлабман, хон ҳазратлари.»

39. Ҳовларнинг юқори томонида айлана тешиклар бўлади. Деворлардаги белгиларга қуёш нурининг тушишига қараб улар вақтни белгилашган. Чизиқчалар соат вазифасини ўтаган.

40. Таёқча 2 га бўлинган, бир бўлаги қарз берганда, яна бир бўлаги кафолат сифатида қарздорда қолган.

41. Венеция. Чунки у ерда кишилар қайиқларда ҳаракатланадилар.

42. Уолт Дисней. 1955 йил 14 июлда Диснейлендни очган эди.

43. Ҳаммом.

44. Нафақат ал-Фаргоний ҳазратлари, ҳеч бир инсон уни ярата олмайди, бироқ узатиши мумкин. «Тарихни узатаману, аммо тарихни яратмайман» деганлар.

45. Пойабзал.

46. Қўйлар подаси ўртасидаги иштирокчининг қўйлар устидан тез-тез сакраб чиқиши кейинчалик тўсиқлар оша югуриш спортга асос солган.

47. Бу танлов — 4 ёшли иқтидорли болалар богчасида бўлмоқда.

48. Альфред Нобель.

49. Футболчиларга.

50. Айни қиш чилласи уларни матодан бўшатиб юборишади. Мато остига кириб олган қурт-қумурсқалар ўлиб кетади.

51. Менделеев даврий жадвали.

52. Қон группалари орқали.

53. Компас.

54. Савдогарлар.

55. Чунки Гонеллининг кўзи ожиз бўлган.

56. Бугу жуда бақувват ҳайвон. Аммо у ўтхўр. Узоқ юриб чарчаган бугуни хашак билан кучини тезда тиклаб бўлмайди. Итларни эса бир булак гўшт билан активлигини тиклаш мумкин.

57. Бу хона эшиклари ҳақида эди.

58. Шавкат Раҳмон ёзган:

*Тутилган ой, қадимги фанорсан,
Ёқут тўла қип-қизил қанорсан,
Гоҳо қарол, гоҳида пуштисан,
Ернинг қонга бўялган муштисан.*

деб ёзган. Марҳамат сандиқчани очинг: анор эди.

59. Тишлари. Керак пайтда тишлаб ўзини нобуд қилиш учун.

60. Бу амални ҳинд аёллари ҳам, эркаклари ҳам адо этиб юришади. Бу икки қош орасига сунъий ҳол қўйиб юриш.

61. Англияда деярли ҳар куни ёмғир. Ёмғир шаррос қуйиши билан йўловчилар ўзларини извошчиларга уришган. Ёмғирпўшли кишилар бемалол кўчада сайр қилиб юраверишган.

62. Уйланмаган эркакларда.

63. Йигит қолган ҳамма қўйларини сўйиб меҳмон еган жойини пишириб келган.

64. У ижод қилганда, чалғиб кўча-куйларга чиқиб кетмаслик учун ўзини шу кўйларга солар эди.

65. Ярим ўлик ҳолига тушган пайти руҳ учиб кетади. Хўш, қайси кўринишда — капалак кўринишида. Капалагинг учиб кетдими, деб мурожаат қиламиз.

66. Сичқон ва каламушлардан.

67. Энг бахтли кишилар деб таърифлаган.

68. Қўй юнгини олиш ва қассоблик.

69. У ким бўлишидан қатъий назар, полвонлар полвони бўладими, кураги ерга тегмаган курашчи бўладими, фарқи йўқ, йиқитади. Муқимий домла таърифлаган полвонлар полвонининг номи — лой.

70. Инсон қайси пайтда хотирага берилади? Қачон кўпроқ назарини олдинга эмас ортга, ўтган умрига ташлайди? Қариган чоғида.

71. Азалдан ота-боболаримиз кўпқари, улоқ чопадиган отларни танлашган.

72. Қуёшни.

73. Чунки улар елканли қайиқда сузишган. Кечқурун шамол кўп ҳолларда денгизга эсади. Эрталабга яқин қиргоққа эсади.

74. Варфоламей туни

75. Қорбобо.

76. Ҳатто дераза ойнаси ҳам бундай зарур нурларни тўсиб қолади. Аммо полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқариш учун албатта ош тузи зарур.

77. Улар хонга гўзал қизларни топиб беришган. Биласиз, хонларнинг 40-50 нафар хотинлари бўлган.

78. Депутат.

79. Улар ҳаммалари Кеш, Шаҳрисабзда таваллуд топишган.

